

ОМИНА Шенликўгли



МАРИЯ

Р о м а н

УЎК 821.512.161-31

КБК 84-44(5Ту)

Ш 45

Шенликўгли Омина.

“Мария” / ҳаётий-маншӣй роман / турк тилидан Зулфия Абдухоликова ва Эргашбой Матёкубов таржимаси / “Жаҳон адабиётининг бестселлери” туркуми – Тошкент: “ZUKKO KITOVXON” нашриёти, 2021. – 288 бет.

Нашрга тайёрловчи, қўшилча изоҳ ва иқтибосларни киритувчи:

Эргашбой МАТЁКУБОВ

Хурматли Китобхон!

Сизга “Насроний атиргули”, “Виждон азоби”, “Имомнинг манекен қизи”, “Дор остидаги аёл”, “Жоҳилистон келини” каби асарлари билан таниш бўлган туркиялик адиб Омина Шенликўглининг яна бир машҳур асарини — “Мария” китобини ўзбек тилида тақдим этмоқдамиз. Бу адибнинг қайси асарини ўқиманг, ҳаммасида инсонни камолотга чорлайдиган, эътиқодни мустаҳкамлайдиган панд-насиҳатларни учратасиз. **Айниқса, қўлингиздаги асарни — “МАРИЯ”ни ҳеч бир муболағасиз эътиқод улугʻланган буюк обида дейишингиз аниқ.**

Ушбу асарни адиб ҳаётӣй воқеа асосида — бош қаҳрамоннинг хикояси бўйича ёзган. Асар воқеалари Германия ва Туркияда бўлиб ўтган.

Асарнинг асосий қаҳрамони насроний киз — Мария асар бошида ирқчи ва хатто миллатчи шахс сифатида кўзга ташланади. Лекин вақт ўтиши билан бошқа ирқ ва миллат вакиллари ҳам ўзлари каби инсон эканлигини англайди.

Тасодифни қаранг, Мария иккита мусулмон йигит — мисрлик Абдулвахҳоб ва туркиялик Меҳмет — билан танишиб, дўстлашиб қолади. Меҳмет билан Мария орасида муҳаббат пайдо бўлади. Улар ўзаро турмуш қуриши учун кимдир ўз эътиқодидан воз кечиши керак...

Абдулвахҳоб қим ва у Мариянинг ҳаётида қандай роль ўйнайди?

Меҳмет аслида қим эди ва у ўз эътиқодини ўзгартирадимми?

Мариянинг отаси Сэм ва онаси Тереза қандай инсонлар эди?

Абдулвахҳоб ва насронийлар епископи ўртасидаги баҳс қандай яқунланади ва Мария буларнинг баҳсидан кейин қай аҳволга тушади?

Мария Туркияга нима учун келади ва у мақсадига эришадимми?

Мария, ҳақиқатан ҳам, Меҳметни севармиди ёки?..

Меҳмет ва Мария ўзаро турмуш қуришадимми?

Абдулвахҳобнинг тақдири қандай яқунланади?

Ушбу саволларга асарни ўқиш давоминда жавоб топасиз!

УЎК821.512.161-31

КБК 84-44(5Ту)

© Омина ШЕНЛИКЎГЛИ

© «ZUKKO KITOVXON»

нашриёти, 2021

ISBN 978-9943-7200-4-6

ҚОР

Ўша куни қор майдалаб ёғарди. Одамлар автобус бекатларида кутишарди. Мен эса иссиққина машинамда якка ўзим олийгоҳга кетаётган эдим.

Автобус бекатига яқинлашгач ҳар доимгидек бекатга назар ташладим. Мана ўша йигит... Ҳар доимгидек бекатда автобус кутаётган эди. Бу ёш йигитнинг кўриниши бошқача ва бу ҳолат эса менинг эътиборимни тортарди!

Мен ўз ирқига жуда содиқ инсонларданман. Бир қанча йиллар: “Бошқа ирқ вакиллари юртимизни тарк этсин! Келгиндилар йўқолсин”, — деган шиорлар билан намойишларга қатнашиб келганман. Лекин сўнгги йилларда бошқача фикрлайдиган бўлиб қолгандим. Охир-оқибат ҳамманинг инсон эканлигини тан олдим.

Ўша бекатда турган йигит... Устига-устак африкаликларнинг бири... Менимча, у бечора ҳам оиласининг қашшоқлигига чидолмай бу ерларга келиб қолган бўлса керак. “Шуни машинамда манзилига олиб кетсамми?” — деган фикр келди хаёлимга. “Ажабо, у рози бўлармикан?” — деб ўйладим.

Шуларни хаёлимдан ўтказар-ўтказмас машинам-

нинг орқа ғилдиракларидан бирининг шинаси ёрилса-я?! Африкалик йигит олийжаноб экан: кўриши билан югуриб келиб, менга ёрдам бера бошлади. Қор ёғишда давом этарди. Жуда озода кийинган эди. Кийимининг ифлосланишини ҳам ўйламасдан машинамнинг шинасини алмаштириб берди. Миннатдорчилик билдириб машинамга ўтирарканман:

— Ўтиринг, борадиган жойингизга ташлаб қўяман, — дедим.

Ўша йигит бироз ўйлаб тургач, бекатда турган иккита қизни кўрсатиб:

— Бу қизлар ҳам биз билан кетса бўладими?

Тўғриси айтсам, бундай дейишини ҳеч кутмагандим. Ноилож ўша қизларни ҳам машинамга таклиф қилдим. Қизларнинг биттаси биз билан кетишни хоҳламади. Иккинчиси олд ўриндиққа ўтирди. Африкалик йигит эса орқа ўриндиққа жойлашди.

Жимгина йўлда давом эта бошладик. Қувлигим тутиб, африкалик йигитга гап отгим келди, энди гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, унинг ўзи мендан олдин гап бошлаб қолди.

— Сиз нега мени машинангизга таклиф қилдингиз? Ёки биз бирон жойда танишганмизми?

— Сизни ҳар куни шу бекатда кўрардим. Африкаликларга катта қизиқишим бор. Мени энг кўп ҳайратлантирадиган жой Африкадир.

Бироз тарадудланиб турдим-да, тилим учида турган саволни бермоқчи бўлиб гап бошладим:

— Ҳалиги... Бир нарсани сўрамоқчи бўляпман-у, лекин сизни хафа қилиб қўйишдан қўрқяпман-да.

— Сиз билан таниш бўлмасак, қанақасига мени хафа қилишингиз мумкин?

Сўрайдиган саволимнинг қандай таъсир қилишини кўриш учун машинамнинг олд кўзгусидан орқада ўтирган африкалик йигитнинг кўзларига қараб:

— Бу гапингиз билан мени дадиллантирдингиз, лекин, барибир, хижолат бўляпман. Майли, сўрай қолай: африкаликлар одам гўшти ейишадими? — дея сўрадим.

Биламан, берган саволим аҳмоқона эди.

Африкалик йигитнинг бирдан афт-ангори ўзгариб, жаҳли чиқди ва:

— Бу нима деганингиз? Африкани ўзларига қарам қилиб олган ўғри мустамлакачиларнинг ёлғон бўҳтони-ку бу, ахир! Сиз ҳам шу гапларга ишонибсиз-да. Нима, сизнинг университетда африкалик талабалар ўқишмайдими? Ёки ўшалардан биронтаси сизни ейиш учун ҳамла қилди-ми? Бундай дейиш сизга ҳеч ҳам ярашмади. Одам гўшти ер эканмиз-а?! Сизнинг мени бундай ҳақорат қилишга нима ҳақкингиз бор, ўзи?! Тўхтатинг машинани, мен бундай инсонлар ёнида бир сония қололмайман!

Мен унинг шунчалар жаҳл қилишини ҳеч ҳам кутмагандим.

У кутилмаганда бирдан орқага ўтирилдим-да:

— Майли, майли... Сиздан кечирим сўрайман. Калтафаҳмлик қилиб қўйдим, бундай аҳмоқона саволни бермаслигим керак эди ўзи, — дедим.

— Бундай оғир тўхмат осонликча кечирилмайди? Ғарб дунёсининг жосуслик билан шуғулланадиган ўғри, маданиятсиз, калтафаҳм ёшлари доим бизни пастга уриб, камситиб келишган. Албатта, сиз ҳам бундай бўҳтонларга ишонгансиз-да, бўлмаса сўрамасдингиз. Илтимос, ҳозирок машинани тўхтатинг!

Ўзимдан ўзим хафа бўлаётгандим. Жаҳл билан тор-мозни босдим-да, унга қараб, бақира кетдим:

— Сиз қанақанги мусулмон одамсиз ўзи? Сизларнинг динингизда узр сира қабул қилинмайдими? Бунинг учун узр ҳам сўрадим-ку, яна нима қилай?! Билдим: мен аҳмоқлик қилиб қўйдим. Яна бир бор узр сўрайман. Мулоҳим кўринганингиз билан жуда ҳам жаҳлингиз тез экан. Демак, исломда бағрикенглик йўқ!!! Марҳамат, дарров тушинг!

У жаҳл билан машинадан тушаётганида ёнимда ўтирган немис аёли гапга қўшилди:

— Исломда бағрикенглик йўқми?! Онам бир мусулмонга турмушга чиққан эди. У жуда кечиримли инсон эди.

Машинадан тушиб ҳали эшикни ёпишга улгурмаган бояги африкалик йигит бу гапларни эшитгач орқасига ўтирилиб гапга қўшилди:

— Тўғри, мусулмонларнинг дини бағрикенг, кечиримлидир, лекин баъзи аҳмоқ мусулмон эркаклар ўз аёлларига қонлар қустиришади. Ислом динининг қонунқоидаларини яхши билмаган бундай аҳмоқлар ўз жазманларига ва уларнинг болаларига эса меҳрибонлик қилишади. Бундай инсонларнинг фикрлаши-ю дунёқарашига суяниб мусулмонлар ва ислом дини ҳақидаги хулоса қилишнинг ўзи ноҳақликдир.

Африкалик йигит бироз ўйлаб олди-да, яна менга қараб гапира кетди:

— Ғарб дунёси эса ҳеч қачон ислом динига ва мусулмонларга нисбатан бағрикенглик қилмаган. Ҳар доим улардан нафратланишган ҳамда улар ҳақида нотўғри фикрда бўлишган. Масалан, сал аввал менга нисбатан қилинган ноҳақлик бунинг яққол далилидир. Ҳеч қандай одам мен эшитган бундай ҳақоратни ҳазм қилолмайди.

Гапнинг айланиб яна менга қаратилгани жаҳлимни чиқарганди. Чидай олмай баланд овозда гапира бошладим

ва:

— Бўлди-да энди, мунча эзмаландингиз! Сиз ҳам мени: “Ғарб дунёсининг калтафаҳм одами”, — дедингиз. Бу кам ҳақоратми?..

— Лекин сиз менинг жаҳдимни чиқардингиз-ку!..

— Хўп, хато қилдим, тан оламан, лекин кечирим ҳам сўрадим-ку! Сиз қанақа одамсизки, узрни қабул қилмаяпсиз!

— Сизлар одам гўшти емайсизлар-у, нега энди биз ейишимиз керак? Бу қандай аҳмоқона савол: одам одамнинг гўштини ейдими!?

Дамим ичимга туша бошлаганди. Мен ҳам юмшоқроқ оҳангда гапира бошладим:

— Фақат Иди Амин¹ одам гўшти еярмиш. Буни бутун дунё билади-ку?..

— Бу гап сиз томондагиларнинг ислом оламига отган тухмат тошидир. Бу ислом динига душманлик қилаётган матбуотда ўзларича “мухбир” бўлиб фаолият юритаётган пасткашларнинг онгсизларча тасаввури, холос. Бунақа иш бўларми? Сиздай ақли расо ёш қиз бунга қандай ишонган — ҳайронман!..

Мен қайта-қайта кечирим сўрадим ундан:

— Илтимос, кечира қолинг энди. Ахир: “Оммавий ахборот воситалари мусулмонлар ҳақида ёлғон хабар тарқатишади”, — деб ўйламагандим-да. Мен ёлғон хабарларнинг қурбони бўлдим. Кечиримли бўлиш сизга ярашади. Илтимос, мени кечира қолинг. Агар ислом динида кечиримли бўлиш йўқ бўлса, майли, кечирмай қўя қолинг.

¹ Дада Уме Иди Амин (1925–2003) — 1971–1979-йилларда Уганда президенти ва ҳарбий кўмондони. Баъзи бир манбалар унинг одамхўр бўлганлигини ва ўлдирилган рақибларнинг тана аъзоларини ейиш учун музлаткичда сақлаб қўйиш ҳақида маълумотлар берган. Бу маълумотларнинг ёлғон ёки ҳақиқатлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Ўйлашимча: “Ислом динида кечиримли бўлиш йўқ бўлса”, — деган гапим унга таъсир қилди, шекилли. У машинадан тушган бўлса ҳам, иккинчи марта фикридан қайтиб олдинги жойига ўтирди.

Мен йўлда давом этар эканман, африкалик йигит ҳам яна гапини давом эттира бошлади:

— Сизнинг алданганингизни тушундим. Лекин дилим оғриди. Барибир, бу гапларингиздан ўзимга келишим қийин бўляпти. Майли, сизни кечираман. Аммо қалбимда очилган яранинг тезда битишини кутманг. Қалб ярасининг битиши анча вақт талаб қилса керак. Тўғрими?

— Ишонинг: сиз тўғри гапирдингиз. Умуман алданмайдиган инсонлар ҳам баъзан алданишади ва мана шундай аҳмоқликлар юзага келади. Мени эса Африка ҳақида тарқатилган бу мишмишларнинг ёлғон-ростлиги қизиқтираётгани йўқ. Мени қизиқтирган нарсаси — саҳродаги ҳаёт. Одамлар саҳрода қандай яшашади, нималар қилишади — жуда ҳам билгим келади.

Қор эса ҳамон ёғишда давом этарди.

— Ажабо, Африканинг яна нималари сизни қизиқтиряпти экан-а? Дарҳақиқат, мен ҳам шу онда сизни қизиқтираётган нарсаларга қизиқяпман-да!

— Аслида, мен эҳромларга қизиқаман. “Мисрнинг қадимий ёдгорликлари” музейига... Африкадаги очарчиликда яшаётган инсонлари ва чайлаларда яшовчиларнинг ҳаёт тарзига...

Африкалик йигитнинг менга нафрат аралаш ғалати титроқ билан қараганини ҳис қилдим. Машинанинг кўзгусидан секингина унга кўз югуртирсам, яна жаҳл отига минганди:

— Ғарбнинг айрим жоҳил мухбирлари ёлғон хабарлар тарқатишади, қолган одамлар эса бунга ишонишади.

— Узр сўрайман, яна билмасдан гапириб қўйдим. Мени кечироласизми?

— Бу сафар кечира олмайман. Камситишларингизнинг охири кўринмайдиганга ўхшайди: бири тугаяпти, иккинчиси бошланяпти. Биз нима учун чодирларда яшашимиз керак?

— Ахир, мен сиздан кечирим сўраяпман-ку. Нима сизларда кечирим сўрашнинг ҳеч ҳам қадри йўқми?

— Сизни тушунмадим: бир тарафдан кечирим сўрайсиз, иккинчи тарафдан эса ҳақорат қиляпсиз. Бундай ҳақоратларни кечириш осонми? Илтимос, инсоннинг қадр-қиммати билан ўйнашмасдан гапиринг! Гапларимни тушундингизми? Европанинг тантиқ эркатойи!.. Илтимос мени тушириб қолдиринг!

Жаҳл билан машинанинг тормозини босдим. Энди менинг жаҳлим чиқаётганди:

— Хўп, қани энди, тушинг-чи машинадан. Сўраганларимга пушаймон бўлсам-да, сиз кечира олмаяпсиз!.. Ислом динида бағрикенглик йўқлигини шундоқ ҳам билардим.

У жаҳл билан машинадан тушди. Тушиши билан қорга сирпаниб кетиб, ерга чўккалаб қолди. Аммо дарҳол ўрнидан туриб, ўзини тўғрилаб олди. Қор майдалаб ёғарди. Жойида туриб қолди, бироз ўйланиб турди-да, орқага қайтиб:

— Ҳали шунақами? Демак, мендаги камчиликларни динимга тўнкамоқчи бўляпсиз. У ҳолда мен ўз ғуруримни ўйламасдан яна машинангизга қайтиб ўтираман. Лекин сиз ҳам чин дилдан афсусланганингизни билдириш учун қасам ичасиз.

— Қасам ичаман. Албатта, ҳабашларни яхши биларман. Балки, қора танли арабларни яхши билмаганим учун

бўлмағур гапларни гапиргандирман.

Яна қайтиб жойига ўтирди. Вазиятни юмшатишга ҳаракат қилдим:

— Ишонсангиз: олдингизда жуда ҳам уятли бўлдим. Бўлмаса ким одамхўрлар ҳақида бўхтонлар тарқатган?

— Африкада ҳеч қандай одамхўрлар қабилиси йўқ. Аммо, боя айтганимдай, бу — бир тухмат. Бу — Африкани истило қилганлар томонидан тарқатилган ваҳшийтдир. Одамлар ҳам бундай ёлғонларга дарров ишонишган. Мен Мисрдан келганман. Биз ҳеч кимни емаймиз, лекин бизнинг қонимизни ичаётганларни биламиз, кўрамиз ва фақатгина томошабин бўлиб тураверамиз. Бутун бир гуноҳимиз — томошабинлигимиз ва фақатгина араб эканлигимиздир.

— Ажабо, ўз юртининг хўрланганига гувоҳ бўлган африкалик йигитни биринчи бор кўришим. Немис тилида яхши гапирар экансиз. Нега энди бу ерда — Германиядасиз?

— Вазият тақозоси билан. Шу ерда ўқийман. Охирги курс талабасиман.

— Исмингиз нима?

— Абдулваҳҳоб.

У билан суҳбатимизни давом эттириш учун ҳудабехуда — хаёлимга нима келса, шуни гапирардим.

— Исмин — Мария. Мен немисман. Ўтмишим ҳақида баъзи бир гапларни эшитганман. Лекин суриштириб кўрмаганман. Айтишларича, менинг дадам туркиялик эмиш. Жуда ҳам қашшоқ бўлишгани учун боқолмай мени немис оиласига бериб юборган эмиш. Мен бунга ишонмадим, албатта.

Кейин тўсатдан хаёлимга бир савол келиб қолди-ю, гапни дарров ўша ёққа бурдим:

— Тўсатдан савол туғилди менда: қизиқ, нега сизлар бизнинг тилимизни ўрганасизлар-у, биз сизларнинг тилингизни ўрганмаймиз? Сиз ҳам шуни ўйлаб кўрганмисиз?

Шунда тўсатдан унинг худди ток ургандай титраб кетганини ҳис қилдим. Ранги ўзгарди. “У билан яна дуч келамизми-йўқми?” — деб кўп гапларни сўраб-билиб олишни хоҳлагандим.

Лекин ўзи гап бошлаб қолди:

— Менинг энг нозик жойимни нишонга олдингиз! Битмаган ярамни очиб, унинг устидан туз сепдингиз.

Суҳбатни давом эттириш учун машинани кераксиз кўчаларга ҳам бурардим: йўлни узайтиришга ҳаракат қилардим. Қор остида сайр қилишнинг ҳам ўзгача завқи бор эди мен учун.

Ёнимда ўтирган немис қиз:

— Қаерга кетяпмиз? — деб сўраб қолди.

— Хавотирланманг: шу кўча охиридан керакли кўчага чиқиб оламиз, madam¹, — дедим.

Кейин машинамнинг кўзгусидан Абдулваҳҳобга қарадим:

— Демак, сизларга зулм қилишган деб ўйлайсиз. Империализм² сизларни ҳам ўз домига тортибди.

— Табиийки, шундай бўлган. Агар билсангиз, ўша империалистлар сизлар, яъни ғарбликлар. Мусулмон ўлкаларни ўзингизга қарам қилиб олиб, таҳқирлайсизлар. Ҳамма нарсангизни кўз-кўз қилиб ёшларимизнинг ҳавасини келтирасизлар. Лекин биз бу қарамлик уйқусидан ҳали

¹ Madam (французча) — хоним.

² Империализм (французча: imperialism ёки латинча: imperium — буюриш; бошқариш; ҳокимият) — ҳудудларни кенгайтиришга, мустамлакалар босиб олишга, бошқа давлатлар устидан сиёсий ёки иқтисодий назорат ўрнатишга қаратилган давлат сиёсати.

уйғонмадик. Шунинг учун шундай бўляпти. Тилларнинг ҳаммасини Оллоҳ яратган. Лекин босқинчилар ўз тилини муқаддас тилга айлантириб олди. Бошқа тилларни ҳақорат қилган ҳар ким фашистдир. Аслида тилларнинг ҳеч қандай айби йўқ. Бугунги кунда ҳамма жойда инглиз тили ҳукмрон бўлса, бу инглиз тилининг гўзаллигидан эмас, балки босқинчилик сиёсатининг натижасидир. Агар инглизлар арабча гаплашганларида эди, ҳозирги кунда французча ва инглизчага қизиқаётганлар арабчага қизиқиб қолган бўларди.

Уни кўзгудан кузатиб турардим. Қор ёғиши яна ҳам тезлашди. Йўлни кўриш қийинлашганди. Олдимни кўролмаётганимни баҳона қилиб, йўл четига ўтиб машинамни тўхтатдим ва орқага ўгирилиб, Абдулваҳҳобдан сўрадим:

— Яъни: “Мусулмонлар калтафаҳм”, — дейишни хоҳлаяпсизми?.. Нега бўлмаса ўзларини бошқаларга хўрлатиб кўйишган?

Абдулваҳҳоб анча вақт жим турди. Машинамнинг кўзгусидан унга қараб турардим. Паришонхотир эди. Африкалик йигитнинг кўзлари ёшланганини сезиб қолдим. Ростини айтсам, мен уни бу ҳолатга туширганим учун афсусдаман.

Бироз ўйланиб турди-да кейин жавоб берди:

— Ҳа, бизнинг пок туйғуларимиздан фойдаланиб аҳмоқ қилдингизлар.

— Бўлмаса нега бизнинг юртимизда юрибсизлар?

Ёнимдаги немис қиз машинадан тушмоқчи бўлганди қўлим билан ишора қилиб: “Тўхтаб тур”, — дедим.

Абдулваҳҳоб гапида давом этди:

— Шуларни билиш учун мени машинангизга чиқардингизми? Унда эшитинг: айтаман.

Она жайрон ҳам бағридаги жигарбандини юлиб ол-

ган айиқнинг ини атрофидан узоққа кетолмай айланиб юрар экан. Бизнинг аждодларимиз ҳам ғарбликларнинг, айниқса, инглизларнинг истилосида қурбон бўлишган. Бизнинг бор-будимизни тортиб олгансизлар, ўзимизни эса орқангиздан эргаштириб келяпсизлар. Мана сиз машинада юрасиз, мен эса мана шу қорли об-ҳаво шароитида автобус кутаман. Агар билсангиз: шу машинангнинг битта ғилдираги меники, иккинчиси эса укамники. Биздан тортиб олганларингизни бизни эксплуатация¹ қилиб қурдирган завод-корхоналарингизда қайта ишлаб: “Янги техникалар яратдик”, — деб, бизга кибрланасиз. Мени нотўғри тушунманг: бу айтаётганларимнинг сизга тааллуқли жойи йўқ, хоним...

— Мария.

— Айбга буюрманг.

Ёнимда ўтирган немис қиз ҳам гапга қўшилди:

— Сиз бизни қаллоб демоқчи бўляпсизми?

Абдулваҳҳоб зарда билан жавоб берди:

— Менинг гапларимга эътибор қилманг. Тортишаман деб ҳамма айбни сизларга тўнкаётгандай бўлиб қолдим. Бўлди, бошқа буларни гаплашмайлик.

— Айтгандай, менинг исмим — Моника. Мен Миср ҳақидаги баъзи ривоятларга қизиқиб юрибман. Масалан, эҳромлар. Бизнинг китобда ёзилганларнинг ҳаммаси тўғрими? Мисрда ҳам эҳромларнинг қандай қурилганлиги ҳақида баҳс-мунозаралар бўладими?

— Ҳа, фақат Миср эҳромларининг барпо бўлиш жараёни билан бирга ўзгача аҳамиятга эга бошқа томони ҳам

¹ Эксплуатация (французча: exploitation — ишлатиш, фойдаланиш; фойда олиш) — 1) ишлаб чиқариш воситаларининг эгаларининг ўзгалар меҳнати маҳсулини ўзлаштириб олиши (асарда шу маънода); 2) табиий бойликларни қазиб олиб, улардан фойдаланиш; ер, саноат корхоналари, транспорт воситалари, бинолар ва шу кабилардан фойдаланиш, уларини ишлатиш.

бор. Ғарбликларни бу томони қизиқтирмайди.

Моника сўради:

— Нима экан?

— Масалан эҳромлар мустамлакачилар руҳини ифода қилади. Булар ваҳший Фиръавнларнинг маҳбустларни қандай ишлатаётгани ва ўзларининг нафс-эҳтиёжларини қондириш учун уларнинг меҳнатидан қандай фойдаланаётганлигини кўрсатади. Ғарб давлатлари шу томони билан эҳромларга ўхшайди. Эҳромлар ҳам кимларнингдир пешона териси эвазига барпо қилингандир. Ғарб давлатлари ҳам қарам қилинганларнинг меҳнати эвазига, уларнинг ширин жонлари ҳисобига ривожланмоқда.

Немис қизининг жаҳли чиқди:

— Вой, сизни қаранг-у, ҳамма нарсада Ғарбни айбдор қилиб кўрсатяпсиз. Лекин ўзингиз шу ерда юрибсиз.

— Бизнинг динимиз душманимиз бўлса ҳам, ғайридинлар юртига боришни; керак бўлса, уларга ёрдам беришни; зарурат туғилса, улардан ёрдам сўрашни тақиқламайди. Бировга жабр қилишни ва бировдан зулм кўриш тақиқланган. Сизга айтганимдек, ғайридинлардан ёрдам олишни Оллоҳнинг амри деб қабул қиламиз. Ислом дунёси ҳали ҳам уйқуда. Бир кун келиб уйғонар, уйғонганда ҳам зўр бўлиб уйғонар деган умиддаман. Ҳали ҳам 1930-йилларнинг таъсирида юрибмиз. Кўрамыз: келажагимиз қандай бўларкан. Балки, бир кун келиб сизлар менсиманган Миср халқи ҳам тараққиётга эришар.

Моника бундан ортиғига чидай олмай машинадан тушиб қолди. Университетга яқинлашиб қолгандик. Мен ўзимни қизиқтирган бошқа нарсаларни ҳам сўрагим келарди. У гапиргани сари мен ўзимни шиллиққуртга ўхшата бошладим. Йигитнинг ўзини тутиши эътиборимни тортганди.

— Уйланганмисиз? — дея ундан сўрадим.

— Йўқ, унаштирилганман. Жуда ҳам ажойиб бир қизга. Уни ибo-ҳаё тимсоли десам ҳам бўлади.

Мен кутилмаганда ўзим танимаган, билмаган бу қизга ҳасад қилдим. Севгилиси уни қандай самимий мақтади. “Демак, бу мусулмонлар мана шунақа экан-да”, — дедим ичимда. Мен ғалати ҳаёлларга ғарқ бўлган ҳолда ундан сўрадим:

— Ҳозир қайлиғингиз қаерда, жаноб Абдулдахад?

— Мисрда. Исмим — Абдулваҳҳоб, Мери хоним.

— Мери эмас, Мария. Сиз бу ердалигингизда унинг бирга сайрга чиқадиган бошқа дўстлари ҳам борми?

— Бу нима деганингиз? Биз ғарбликларга ўхшамаймиз. Турмуш ўртоғимизни, қайлиғимизни бегона эркаклар билан сайр қилишига йўл қўймаймиз. Бизда бу жуда катта гуноҳ саналади. Аслида сизларнинг динингизда ҳам бу гуноҳ ҳисобланади-ю, аммо... Юртимиздаги қизларимизнинг аксарияти ҳаёли-иболи. Аммо ғарбликларнинг турмуш тарзига тақлид қиладиган, Худодан қўрқмайдиган қизларимиз ҳам йўқ эмас. Кам бўлса-да, бор. Оллоҳга иймон келтирган мусулмон қизларимиз гуноҳ қилишдан қўрқишади. Ҳар қандай иймони бутун мусулмон буларни жуда яхши билади.

— Хўш, эркакларингиз-чи? Сизларда фақат қизлар ор-номусли бўлиши керакми? Эркаклар ҳам орийатли бўлишмайдими?

— Албатта, эркаклар ҳам ор-номусли бўлиши шарт! Бизнинг эътиқодимизда эркакнинг ҳам аёлнинг ҳам масъулияти бир хилдир. “Ҳаромга қараманг” деганда эркак аёл ажратилмайди. Зино қилган эркак ҳам, аёл ҳам бир хил жазоланади. Аммо, афсуски, бугунги кунда Англия ўз мустамлакаси бўлган Мисрнинг ёш йигит-қиз-

ларини ҳам алдади. Лекин, боя сизга айтганимдай, менинг қайлиғимга ўхшаган садоқатли қизларимиз жуда кўп. Қизларимиз ҳам бор, эркакларимиз ҳам бор... Менинг қайлиғим ҳам шулардан бири. Жуда пок ва ростгўй мусулмон қиз. Ўз динига ҳам, менга ҳам хиёнат қилмайди. Мен ҳам унга хиёнат қилмайман.

“Ўзаро ишончнинг бўлиши қандай яхши-я!” — дедим ўзимга ўзим. Фақатгина ўзигагина тегишли бўлган муҳаббатни тушунтираётганди у. Ох, кошки, Ҳанс ҳам шунга ўхшасайди!.. Лекин Ҳанс замонавий йигит. Бундай гапларни эшитса, энсаси қотиб, мазах қилиб роса кулади.

“Бу қандай замонавийлик?” — деган саволга бир йилдир жавоб тополмаётгандим. Майли, ислом динида ақидапарастлик бор дейлик, лекин Ғарб тамаддуни эса инсонийликнинг ахлоқий қоидаларини топтаб йўқ қиляпти. Биров билан бировнинг иши йўқ. Мусулмон эркаклари ўз аёлининг қўлини бошқа эркакка ушлатмайди. Европаликлар эса рақсга тушаётганда ҳам ўз аёлини бегона эркакнинг қўлига тутқазиб қўяди. Африкалик йигит қайлиғини қанчалар яхши кўриши, гапларидан билиниб турарди. Агар бу йигит ғарблик йигитларга ўхшаб бошқа қизлар билан кўнгилхушлик қилиб юрганида қайлиғини шунчалар қадрламаган бўларди.

Бу йигитга жуда ҳам ҳавасим келди. Ҳанснинг ҳам шу йигитга ўхшашини хоҳардим. Лекин бу имконсиз эди. Ҳанс билан ажрашаман. Менинг дидимга тўғри келмайди. Дадам хоҳлагани учун унга яқинлашгандим, энди эса қаттиқ афсусдаман...

Битта немис дутонам: “Баъзи аёллар ўзининг қадрқимматини мусулмон эркаклар орқали англайди”, — деганди. Унинг гапи тўғри, шекилли.

Мен учун жуда қизиқарли бўлган бу суҳбатимиз ту-

гамасидан машиналар тирбандлигида қолиб кетдик. Бироздан кейин ажраламиз. Аслида мусулмонларни жиним суймасди, лекин бу йигит бошқача эди. Ўзига бўлган ишончи кўриниб турарди. Бундай туриши эътиборимни тортганди.

Уни синаб кўриш мақсадида:

— Коллежда ўқисангиз кераг-а? Немис қизлари сиз билан юришни хоҳлашмайдими? — дея сўрадим.

— Албатта, хоҳлашади... Аммо мен ориятли йигитман. Бундай қилишларига йўл қўймайман. Буни уларга ўша заҳоти ҳис қилдириб қўяман.

— Бемаънилик! Қайси замонда яшаяпсиз ўзи? Ҳозирги замонда инсонларнинг бирга бўладиган яқин дўстга эҳтиёжлари бор-ку. Сизни бу ерда ким ҳам кўрарди? Қайлигингиз, ўх-хў, ўша узоқ Мисрда бўлса...

Йигит менинг гапларимга ҳайрон бўлиб қараб қолди-да кейин жавоб берди:

— Эҳтиёт бўлинг, Мария хоним. Эҳтиёж деганингиз бундай муносабатларнинг касрига ярим миллион бола онасиз, отасиз етимхоналарда эмаклаб юришибди. Сиз тирик етим бўлиб қолган болаларнинг эмас, ўз нафсини жиловлай олмаганларнинг тарафини оляпсиз. Сиз ўз нафсини илоҳийлаштирмоқчи бўлганларни ёқлаяпсиз!.. Сиз уларга ачингунча тирик етимларнинг тақдири ҳақида ўйласангиз, яхши бўларди, гапим тўғрими, Мери хоним?

Яна исмимни “Мери” деди. Эси пастми бунинг ўзи? Йўқ. Ҳайронман! Мен ёмон деб ўйлаган мусулмонлардан бирортаси шу қадар яхши гапирганми? Ваҳоланки, дадам улар ҳақида гап бошлаганида кўнглим айнирди. Дарҳақиқат, шуни яхши тушунган эдимки, агар инсон ўзи кимдандир нафратланса, бошқаларни ҳам ўшалардан нафратлантира олар экан.

Ўқув биносининг ёнигача келдик. Йигит менга раҳмат айтди.

Мен ҳам пайтдан фойдаланиб ундан алаимни олдим:

— Арзимади. Ахир, машинамнинг битта ғилдираги сизники, иккинчиси укангизники-ку. Демак, ўзингизнинг машинангизда келдингиз. Миннатдорчиликка ҳожат йўқ.

Менга мийиғида жилмайиб, маъноли қараб, раҳмат айтиб машинадан тушди. Орқасидан қараб қолдим. Унга навбат бермай фақат ўзим гапирибман. Лекин у билан суҳбатлашарканман мени қийнаб келаётган саволларимга жавоб топардим. Чунки уни бир неча ойдан бери кўрар эдим ва доимо суҳбат қургим келарди.

Ёки бу йигитни севиб қолдимми?..

Тушуна олмасдим. Ҳар тонг кўзимни очишим билан уни ўйлардим...

Ажабо, нега?..

Ҳайронман нега бундай экан-а?

Уйга келганимда Ҳанс, ойим, дадам, укам Бил, холам ва холамнинг қизи Селин дастурхон атрофида ўтиришган экан.

Ойим ҳазиллашиб Ҳансга гап ташлади:

— Ҳанс! Мария ҳар куни кеч келадиган одат чиқаряпти: сенга хиёнат қилаётган бўлмасин тагин?

Ҳанс хандон отиб кулди-да ва пасткашларча:

— Агар хиёнат қилаётган бўлса, мен ҳам унга хиёнат қиламан: ана ўшанда тенглашган бўламиз.

Ҳеч қачон бундай пасткашга турмушга чиқмайман! Шундоқ ҳам у билан орани очиш учун баҳона излаб юрган-

дим.

Укам Бил — озгин, новча бўйли, ёқимтой йигит. Лекин инсон қиёфасидаги малъун наркотик моддалар сотувчилар Билни ҳам ўзларининг ифлос ботқоғига тортишганди. Бу эса уларнинг ўзларига ёқмайдиган одамларнинг болаларини йўқ қилишнинг энг яширин йўли эди. Билни ҳам аста-секин ўлдиришаётганди илонлар. Билиб қолишим билан тўсқинлик қилдим. Малла сочли, яшил кўзли укагинамни у ботқоқдан чиқариб олдим. Лекин унинг наркотик моддаларга мойиллигини тўхтатолмадим.

Ойим — ҳақиқий католик аёли. Исми — Тереза. Холам ҳам католик мазҳабига чин дилдан эътиқод қилади. Холамнинг исми — Маргарета. У сариқ сочли, яшил кўзли, узун бўйли қадди-қомати келишган аёл. Унинг эри битта рус қизига илакишиб қолгани учун холамни ташлаб кетган. Холам эрининг хиёнатини кўтаролмай, руҳий изтироблар оқибатида фалаж бўлиб қолганди. Бечора холам ногиронлар аравачасига михланиб қолганди. Узун сариқ сочли, яшил кўзли Селин саккиз ёшга тўлганди. Жуда ҳам ширин қиз. Дадам қўйкўз, малла соч, узун бўйли одам. Бизнинг оиламизда фақатгина дадам кўк кўз эмасди.

Дадамнинг қандайдир қалтис, мавҳум ишлар билан шуғулланишига аминман. У диннинг ашаддий душмани. Боболарим бу дунёдан ўтиб кетишган. Бувиларим ҳам... Амаким йўқ, тоғаларим билан ойим гаплашмайди. Улар ҳам бизникига келмайди.

Етти нафар немисмиз. Кёльн шаҳрида яшаймиз. Дадам — жуда бой одам, ойим — нафақадаги давлат хизматчиси. Аслида дадам ҳам нафақага чиққан, лекин — боя айтганимдай — қандайдир мавҳум ишлар билан шуғулланади.

Якшанба кунларининг бирида дўстларимиз билан сайрга чиқдик, роса айландик. Маза қилиб қорбўрон ўйнадик. Кечга яқин уйга қайтдим. Уйга киришдан олдин бир енгилтак аёлнинг дастидан бева қолган қора танли хотиннинг уйига кирдим.

Стефана қизи билан бирга яшайди. Эри бир немис қизга илакишиб қолгач, уларни ташлаб кетган. У ҳам хиёнатнинг изтиробларини кўтаролмай бир неча ой кўчага чиқолмай қолганди. Бечораларга раҳмим келади. Бегона шаҳарда ёлғиз қолишган. Қизчаси жуда ҳам ширин. Исми Софи... Уни холамнинг қизи билан бирга ўйнасин деб баъзан уйимизга олиб келардим. Лекин бу ишим ойимга ёқмасди, мендан жаҳли чиқиб, уришиб берарди.

Уларникига киргач Софи билан бирга маза қилиб ўйнадим. Софи — жуда ҳам чиройли қиз. Танасининг қора рангда бўлгани учун роса сиқилади. Шунинг учун ҳам унга кўпроқ меҳр кўрсатишга ҳаракат қиламан. Бутун ҳам уйга йиғлаб келганини ойиси секингина менга шипшитиб кўйганди.

Буни унинг ўзидан эшитмоқчи бўлдим:

— Сени бутун хафа қилишибди, тўғрими? Қани, менга тушунтир-чи?

Шундай дейишим биланоқ у йиғлай бошлади:

— Кирларни оқартирувчи махсус кукун билан сувда чўмилсам ҳам, барибир, рангим ўзгармайдими? Ҳамманинг ранги оппоқ, мен эса қоп-қораман. Ҳамма устимдан кулади.

Уни юпата бошладим. Унга ачинардим.

Софининг йиғисига юрагим эзилди. Қора танли бўлишнинг ҳеч қандай ёмон томони бўлмаганидек, оқ танли бўлишнинг ҳам ҳеч қандай устунлиги йўқлигини унга ту-

шунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин бундай гапларнинг маъзини чақишга ҳали у ёшлик қиларди. Халқ орасида одамларни рангига қараб ажратишлари бу қизалоқни қандай аҳволда келтирибди-я. Танасининг рангидан уялаган қилиб қўйишган.

Одабийликнинг энг жирканч тушунчаси эмасми булар?

* * *

Африкалик йигит ҳақида ўйламасдан тутолмасдим. “Қизик, яна у билан учрашиб қолар эканманми?” — деган ҳаёллар билан машинада кетаётган эдим. Хайрият, яна уни учратиб қолдим. Уни машинамга таклиф қилдим:

— Раҳмат, Frau¹, мен бугун бирозгина пиёда юрмоқчиман, — деди.

Мен ҳам баланд овоз билан унинг нозик жойидан босдим:

— Сизни емайман, Herr² Абдулвахҳоб! Ёки мендан кўрқяпсизми?

Қорлар эрий бошлаганди. У пиёда юриб борарди, мен ҳам машинамни у билан баробар ҳайдай бошладим. Қараса, бўлмайдиган: “Бошга битган бало бўлдинг-ку”, — дегандай машинамга ўтирди.

Унинг жуда жаҳли чиққанди:

— Мария хоним! Эътиборга олинг: бир нарсани тушунишингизни хоҳлардим. Балки, сизнинг маданиятингизда бундай нарсалар йўқдир. Лекин биз бегона аёллар билан бир жойда ёлғиз ўтирмасликка ҳаракат қилармиз. Мен қайлиғимни бегона эркакнинг машинасига чиқишини хоҳламаганим учун ҳам бегона аёлнинг ма-

¹ Frau (немисча) — хоним.

² Herr (немисча) — жаноб.

шинасига чиқмайман. Мен ислом динимга ҳам, қайлиғимга ҳам хиёнат қилмайман. Илтимос қиламан: бундан кейин мени машинангизга таклиф қилманг, хўпми?

Нақадар ажойиб содиқлик! Абдулвахҳобдан ҳайратландим. “Мусулмонлар шундай инсон экан-да”, — деган фикр яна ўтди хаёлимдан.

Сабабини билмайман-у, негадир ҳаяжонланаётгандим. Африкалик йигит менга раҳмат айтиб университетга етмай тушиб қолди.

* * *

Уйга келгач, ойимдан дадамнинг қандайдир сирли йиғилиш ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўраётганини билиб олдим. Шундоқ ҳам ҳар йилнинг маълум бир вақтларида дадамини кам кўрардим. Дадамнинг бундай йиғилишлар билан боғлиқ ишлари мени оздирар даражада ғазаблантирарди.

Яна жаҳлим чиққанди.

— Ойижон! Дадам дўстлари билан бизникида йиғилишганида нимани муҳокама қилишади ўзи? Болалигимда унча эътибор қилмасдим, энди билгим келяпти. Агар дадам шундай йиғилишларга сарфлаган вақтини менга ажратганда, ҳар ҳолда, бахтли қизлардан бири бўлардим. Дадам менинг ота меҳрига тўймаганимдан бахтсиз бўлганимни билармикан?.. Биласизми, мен ана шуларга қизиқяпман, ойи.

Дадам — узун бўйли, малла соч одам. У — ҳақиқий немис. Салобатли, қўйкўз, ҳаммага гапи ўтадиган, эркинликни севувчи замонавий одамлар тоифасига киради.

Мен, ойим ва холам художўй, дадам ва укам Бил эса динсиз эди.

Ойим — кичкина, ўрта бўйли жаҳли тез аёл. Мутаас-

сиб католик бўлгани учун дадамнинг динсизлигига жаҳди чиқарди. Шунинг учун ҳам унга нисбатан гаплари нафрат ва маломат эди:

— Даданг дўстлари билан дунёдаги барча динларни йўқ қилмоқчи. Шуларнинг касрига бир қанча черковлар ёпилиб кетган. Исо Масиҳнинг¹ гапига кирмаган даданг сенга қулоқ солармиди?..

Ойим — шафқатсиз аёл. Мусулмонлардан қаттиқ нафратланарди. Холам эса ойимнинг акси. Ўз динига амал қилаётган мусулмонларни ҳам ҳурмат қиларди. Холам, ҳақиқатан ҳам, насронийларнинг яхшиси бўлса, ойим эса ёмони эди.

Онамнинг бу сўзларидан кейин мен тўсатдан ҳаётимда ҳеч қачон қилмаган нарсани ўйлаб қолдим. Буни ойимга ҳам айтаман деб оғиз жуфтлагандим, кутилмаганда меҳмонхонага қирқ ёшларга бориб қолган, нозик гавдали, очик чехрали холам қизи билан бирга кириб келди. Эри уни Катарина исмли рус қизига илакишиб ташлаб кетганди. Холам жуда қаттиқ сиқилишдан шол бўлиб қолганди. Энди ногиронлар аравачасига михланиб қолганди.

Нима бўлганда ҳам, холам эрининг хиёнатига тезда ўрганиб қолди. Яна олдинги ҳолатига — меҳрибон ва хушчақчақлигига қайтди. У жуда самимий ва покиза қалбли эди. Кечирасиз, буларни олдин ҳам айтгандим-а? Холам эрига ҳаддан ташқари боғланиб қолган эди. У келгунча овқат емас эди. Унинг энг катта хатоси унга ҳаддан ташқари ишониш эди. Тўғри, эр-хотин ўртасида ўзаро ишонч

¹ Исо Масиҳ — Қуръонда тилга олинган пайгамбарлардан бири. Исломида Мухаммад саллоллоху алайҳи васалламдан олдинги пайгамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Қуръонда, шунингдек, “ал-Масиҳ” (“Худо ярлакаган”), Ибн Марям (“Марямнинг ўғли”), Абдуллох (“Аллохнинг кули”), Расулуллох (“Аллохнинг элчиси”), Аллохнинг муқарраби (яқини), “Ҳақни сўзловчи”, деб таърифланади. Унга Инжил номи қилинган.

бўлиши керак, албатта. Лекин холамнинг хатоси шунда эдики, эрига кўр-кўрона ишонар эди, унинг хиёнатини кўриб, кўрмасликка оларди.

Селин жуда хафа эди, лекин у ҳар доим ўз қайғусини биздан яширишга уринди. Аммо ўша кун унинг қайғусини яширмади. Юзида қайғу бор эди. Кичик маъюс кўзлари атрофга сўлғин боқарди. “Сенга нима қилди?” — дегандай унинг кўзларига қарадим. У бўйнимдан кучоқлаб:

— Дадам ҳали ҳам келмади. Мендан кўра ўша рус қизини кўпроқ яхши кўрадим. Ахир, у менинг дадам-ку. Ёки ўша рус қизининг дадасими?

— Йўқ, ягонам, у фақат сенинг даданг бўлади. Яқинда, албатта, ёнингга қайтади, ягонам. Сенинг даданг келади, бир кун, албатта, келади...

Ақлим ҳали ҳам боя хаёлимга келган гапда эди. Сабрим чидamay ойимдан хаёлимга келган нарсани сўрадим:

— Ойи! Дадамнинг суҳбатини эшитсак бўладими?

Ойим кўрқув ичида:

— Нима деб валдираяпсан сен? Даданг эшитиб қолса, иккаламизни ҳам ўлдиради-ку! Аммо унинг бу ишлари сенга ҳам таъсир ўтказишидан кўрқаман. Улар черковларнинг душмани — динсиз осийлардин. Сени ҳам йўлдан уришади.

— Вой, ойимжоним-ей! Мен энди кап-катта қизман. Яқинда журналист бўламан-ку. Ҳали ҳам менга ишонмайсизми?

Ойим динсиз бўлишимдан, дадам каби фикрлашимдан кўрқарди, бечора. Уф, художўй онанинг ва диндан чиққан отанинг қизи бўлишнинг қанчалар қийинлигини бир билсангиз эди! Қанийди, ҳамма боланинг оиласида

барқарорлик бўлса! Ахир, фарзандлар учун ҳам оилада барқарорлик бўлиши керак-ку!

Дарвоқе, менинг ҳақиқий дадам кимлиги тўғрисида қандайдир гумоним бор. Жаноб Мишель деган бир ўзи яшайдиган анча йиллик қўшнимиз бор. Ўшанда чамаси беш ёшларда эдим. Бир куни, жаноб Мишель йўлимни тўсиб: “Биласанми, Мария, мен сенинг дадангман, ишон-масанг, ойингдан сўра”, — деганди. Ўша кундан кейин дадам кимлигидан гумонсираб юардим. Лекин бу ҳақда ойимдан сира сўрамаган эдим.

Ҳозирча гумонлар ичида эдим. Лекин дадамни, барибир, яхши кўраман, албатта. Фақат шу шубҳа-гумонлар мени қийнаётганди, холос. Буни, барибир, ойимдан сўрашим керак: “Сем менинг дадамми ёки йўқми?” — деб.

Агар сўрасам, нима бўлади?..

Хаёлларим чалкашиб кетганди. Дадам бўлса ҳам, бўлмаса ҳам мен Семни яхши кўрардим. Аммо буни аниқлашни ақлимга тутиб қўйдим. “Лекин ичимни кемираётган бу шубҳани яқинда тугатаман”, — дердим доимо ўзимга.

Дадам Францияда зобит бўлган экан. Дадамнинг у ерда нима иши бўлган билмайман. Ойим билан турмуш кургач бошқа ҳеч қаерга кетмаган экан. Дадамнинг қандай ишлар билан шуғулланишини сира билолмадим. Аммо буни аниқлайман, албатта. Бу қадар бойлик?! Демак, маоши йигирма минг франк¹ атрофида бўлса керак.

Ойим дадамнинг жосус бўлганини айтарди. Дадам менга жуда яхши тарбия бериб вояга етказган. Баъзида у ота сифатида менга етарлича вақт ажратмаган бўлса ҳам, аммо мени жуда яхши кўрарди. Албатта, унинг ўз қизи-

¹ Франк — Франция, Бельгия, Швейцарияда, шунингдек, баъзи Европа ва Африка мамлакатларида пул бирлиги (евронинг жорий этилиши муносабати билан айрим Европа мамлакатларда муомаладан чиқарилди).

манми-йўқми — ҳеч шубҳаланганини кўрмаганман. Қизи эмаслигимни билса ҳам, менга сездирмаган.

Уйимиз жуда катта. Ҳар қаватида тўрттадан хонадон бор. Биттасида ҳабаш аёл қизи билан яшайди. Яна биттасида Туркиядан келган эр-хотин туради. Уларнинг уч яшар ўғли ҳам бор. Бошқасида немис оиласи яшайди. Уларнинг фарзанди йўқ. Уларнинг хонадонига тегишли бўлган меҳмонхонани ўша пайтларда дадам сотиб олган экан. Ўртадаги деворни олиб ташлаб иккита меҳмонхонани қўшиб юборган экан. Шунинг учун бизнинг уйимиз немисларнинг кичкина уйларига қараганда жуда катта. Қўшиб юбориш натижасида катта хона пайдо бўлган. Беш хонаси ва 150 киши сиғадиган меҳмонхонаси бор. Меҳмонхонамизни шоҳона қилиб таъмирлатгани учун худди кинотеатрга киргандай ҳис қиласиз ўзингизни. Шунинг учун оддийгина фермернинг боласи бўлган даданинг қаердан ва қандай қилиб шунча бойликка эга бўлганини ҳеч тушунолмасдим. Бунинг жавобини тополмай юрагим сиқиларди.

Ойимга оёқ тираб туриб олдим. Ахири ойимни қўндирдим. Вақт йўқотмасдан отамнинг йиғилишида айтиладиган гапларни эшитиш учун тайёргарликни бошлаб юбордим. Мажлис бўладиган катта меҳмонхонага кирдим. Саҳннинг остига кириб олдим. Озгина очиқ жойи бор эди. Ичкаридан ташқарини кўrsa бўладиган тирқиши бор, лекин ташқаридан ичкарисини кўринмасди. Уч метрлик жой. Мажлис бошлангач эшикка яқин бордим. Ҳали бирор жумлани ҳам эшитолмадим. Лекин, қандай бўлмасин, мен у ердаги гапларни, албатта, эшитаман.

Ахири уларнинг гапларини эшита бошладим. У ерда айтилаётган гапларни эшитиб, қарахт бўлиб жойимда қотиб қолган эдим.

Эртаси куни яна уларнинг гапини эшитишга тайёр эдим. Ойим ошхонада экан, ёнига яқинлашдим:

— Ойи, мен у ерга кирганим билан ҳеч нарсани эшитолмадим. Дарвоқе, укам Бил қаерда?

Ойимнинг жаҳли чиққан. Мендан юзини ўтириб қовоғи уйилган ҳолда жавоб берди:

— Бил ҳам йиғилиш хонасида. У ҳам ғазабда, аммо даданг нимагадир уни ҳам олиб кириб кетди.

Дадамнинг бу қилиғидан менинг ҳам жуда жаҳлим чиққанди. Дадам нега мени йиғилишга киргизмади. Устига устак мен билан турмуш қурмоқчи бўлган йигит ўша ерда бўлса?..

Кечга яқин мажлис тугади. Қизиқиш билан дадамнинг ёнига бордим. Бил билан Ҳанс ҳам ўша ерда эди.

Дадамнинг бўйнига осилиб минғирладим:

— Дадажон! Аминманки, сиздан жуда ғазабланияпман. Нега мени мажлисга киритмадингиз?

Мен дадамнинг нима деб жавоб беришига қизиқиб кўзларимни отамнинг юзига қаратдим. Ажабо, у нима дер экан?..

Дадам эса баланд овозда ва қатъият билан жавоб берди:

— Сен ҳам Бил ва Ҳансга ўхшаб хурофотлардан воз кечиб, менинг буйруқларимни бажарсанг, мажлисга ҳам қатнашасан, топшириқ ҳам оласан.

— Дада, бизнинг епископимизнинг: “Мен қанча динсизларни кўрган бўлсам, уларнинг барчаси художўйларни хурофотчилар дерди”, — деганини эшитгандим. Сиз бизнинг динимизни хурофот дейсиз, тўғрими?

— Мария, қизим, шуни унутма: менимча, динларнинг ҳаммаси хурофотдир.

Мен кўп китоб ўқиганман. Шунинг учун диндан чиққан одамларнинг ўз ёғига қовурилиб ўз этини ўзи еган илонларга ўхшашини яхши биламан.

Дадамнинг ёнига ўтирдим, унинг кўзларига диққат билан тик қараб туриб:

— Бўлмаса менга тушунтириб берасизми, дада, атеизм¹ ўзи нима? Сизнингча, атеизмнинг одамларга қандай фойдаси тегади? Атеизм нега одамларнинг динга ишонмаслигини хоҳлайди? Атеизм, лаицизм², секуляризм³... Булар нима ўзи нима англатади?.. Атеизмнинг бор нарсани йўқ қилишдан бошқа қандай вазифаси бор? Бирор фойдали томони йўқ. Атайин кузатяпман. Бир йилдан бери: “Атеизмнинг инсонларга бирор фойдаси борми?” — деган саволга жавоб қидираман. Атеизмнинг “эркинлик” дея номланган ҳар бир иши одамларга зарар берапти-ку. Сиз ҳам атеизмнинг тузоғига тушиб қолибсиз. Бил гиёҳванд моддалари қабул қилиб, уйга тонгга яқин кириб келади. Сиз бўлса “ҳамма эркин” деган сафсатага амал қилиб уни тергамайсиз ҳам. Дада, кейин жуда қаттиқ афсусланасиз. Буни бугун айтяпман. Лекин афсусланган кунингиз бу гапларни айтолмайман. Мен сизга икки марта азоб беролмайман.

— Нима учун афсусланишим керак? Ҳамманинг эркинлиги ўз қўлида: хоҳласа, ўзини яшатсин; хоҳласа

¹ Атеизм (юнонча: а — инкор+theos — худо) — динни, диний таълимотни, Худони, умуман илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш; дахрийлик.

² Лаицизм — давлат ва жамиятни диндан озод қилиш ва дунёвийликни илгари сурish гояси.

³ Секуляризм — диний муассасаларнинг давлатдан, жамиятдан алоҳида туриши кераклигининг уқтирувчи гоя ва йўналишдир. Секуляризмга кўра дин ва эътиқод кишиларнинг шахсий масаласи бўлмоғи лозим. Секуляризм нафақат давлатни дин таъсиридан, балки динни ҳам давлат сиёсати таъсиридан узоқ тутадн.

Ўлдирсин.

Дадам гапириб бўлиши билан ўрнидан туриб, тепа қаватга чиқиб кетди. Мен меҳмонхонанинг ўртасида нима қилишимни билмай туриб қолгандим. Тўсатдан хаёлимга бир фикр келди: Мен бу сирни Ҳанс ва Билдан ўрганмоқчи эдим.. Учаламиз бир-биримизга қарадик. Кейин кичик меҳмонхонага ўтдик. Бор овозим билан Билга бақира кетдим:

— Нега менга сирларингизни айтмаяпсизлар? Нимани мендан яширяпсизлар? Қани, менинг яхши аъзо бўлмоқчилигим?

Дадамнинг қилаётган ишларини билишим керак эди, шунинг учун гапимни давом эттирдим:

— Инсон ёшлигида ҳар қандай ишни яхши деб билади, аммо энди улғайдим. Кап-катта аёлман, ахир. Энди мен ҳам отамнинг нима билан шуғулланишини билмоқчиман.. Ҳанс, Бил, иккалангиз ҳам менинг дўстим ҳисобланасиз-ку. Агар бу уйда мендан яшираётган сирларингизни айтмасангиз, сизлар билан дўстлигимиз бузилади. Мендан сир сақлаяпсиз. Дадам ҳам менга бозорчиларга қарагандай муносабатда бўлади. Нега мен мажлисга кирмаяпман?! Нега менга махсус топшириқлар беришмаяпти?! Бу ишда қандай сир бор?..

Бил паст овозда хириллаб жавоб берди:

— Сен ҳали ҳам, ўша Исонинг бутларидан ёрдам кутаётган бечорасан, Замонга мослашиш нима — билмайсан. Сенга сирни ишониб айтиб бўладими?

— Динларнинг энг ёмони ҳам атеизмдан яхшироқ.

Бу қандай ташкилотки, икки йил ичида Билни бунчалик ўзгартириб юборди. Билни ҳам нодон, ҳам атеистга айлантирди. Аммо, барибир, мен уни жуда яхши кўраман. У — менинг ягона жигарим. Мен Билга ўтирил-

дим ва унинг юзига тикилиб қарадим ва:

— Бил, сен жуда ўзгариб кетибсан!

— Бирор-бир муаммоси борми?

Билнинг бу жавобидан асабийлашиб кетдим ва столнинг устида турган гулдонни Билга қарата отдим.

— Пасткаш! Маҳмадона! Шу кичкинагина товук-миянг билан, ўзингча, сир яширадиган одам бўлдинг-у, фикрлаяпсан-да, шундайми? Дадамга ўзингни яхши кўрсатиш учун Исо алайҳиссаломни ҳам инкор этдинг. Гўёки қорбободай раҳм-шафқат-у ҳиммат тимсоли бўлдинг-да а?.. Лекин мен ўз ғурур-у қадр-қимматим билан яшамоқчиман. Мен шунга амин бўлдимки, энг тараққийпарвар ва замонавий инсонлар одамлар ҳам қизларини иккинчи даражали ҳисоблашаркан. Улар ўн марталаб тавба қилишсагина, кейин покизаланишлари мумкин.

Ҳали гапим тугамасдан Бил хандон отиб кула бошлади.

— Буни қара-я, Ҳанс. Ҳатто сизнинг севиқли Мариянгизнинг мисоллари ҳам черков ваъзларидан келиб чиқяпти. Тушунмадим: нега биз бу қизни монастирга¹ юбормадик? Оиламизда яна битта Тереза она² пайдо бўларди.

Кейин Бил менга қараб:

— Опажон, бу ишлар меҳр-шафқат-у марҳамат билан эмас, балки ақл-идрок-у онг билан бажарилади. Сиз ҳали ҳам ёш боласиз, яъни ҳали ҳам улғаймабсиз. Ҳали ҳам тушунмаяпсан. Энди насроний дини йўқ — тугатдик. Ис-

¹ Монастир (юнонча) — 1) тарки дунё қилган насронийлар — роҳиб(а)ларнинг муайян қоида ва меъёрлар, белгили низомга амал қилиб яшовчи диний жамоаси; 2) шундай жамоага қарашли черков, тураржой, ер-мулк ва бошқалар (асарда шу маънода).

² Тереза она (1910–1997) — асл исми Агнес Гондже Бояджиу бўлган бу аёл католикларнинг машҳур роҳибаси бўлган. “Меҳрибонлик” хайрия ташкилотининг асосчиси.

лом дини ҳам азоб чекмоқда — яқинда ислом динини ҳам тугатамиз!.. Ахир, улар психологик уруш қоидаларини билишмайди. Биз нимани хоҳласак, уларни шуни хоҳлаган қилишга мажбурладик. Биз: “Бир-бирингизни ўлдиринг”, — дедик, улар бир-бирларини ўлдирдилар. Буларнинг барчаси учун оқилона ёндашув талаб этилади. Чуқур илдиз отган динларни йўқ қилиш осонмас, албатта. Сиз олдин журналистика ўқишингизни тугатинг. Кейин эса мақоаларингда епископларнинг қандай тиланчилик қилишаётганини чиройли қилиб ёзарсан, улардан жаннатнинг калитини ҳам оларсан. Ҳа-я, агар сенга малол келмаса, жаннатдан менга ҳам имтиёз қўшиб ол... Сенга ҳам ташвиш орттирдим-да...

Билнинг бу сўзлари мени ақдан оздирди. Бу орада онам бизни тинглаётганини пайқадим. Ойим ёнимизга келди. Ранги доқадай оқариб кетган эди. Йиғи аралаш Билга бақира бошлади:

— Берган оқ сутим сенга ҳаром бўлсин, Бил! Чўқинтирган руҳонийларимизга, илоҳларимизга тил теггизяпсан... Даданг... Даданг сени шу аҳволга олиб келди. Сизларни черковдан қувдираман¹...

Наркотик моддалар сотувчилар узун бўйли, яшил кўзли ёқимтой укагинамни яна ўзларига қўшиб олишганди. Яна наркотик моддалар истеъмол қила бошлаганди. Уни бу йўлдан қайтаришим керак, аммо қандай қилиб? Бу етмагандай дадамнинг жирканч ишларига ҳам аралашиб қолганди. Дадамдан ажратиб олиш қийин, қанийди, уни қутқаролсам. Ота-онам эса унинг бу ҳолатга умуман бефарқ эди. Айниқса, дадам укамнинг бундай ҳолатига

¹ Черковдан қувдирмоқ — насронийларнинг фикрича, черковдан қувдириш насронийликни инкор қилишга тенглаштирилган.

умуман эътибор бермас эди...

Укам наркотик моддаларни қай ҳолда ва қачондан бошлаб истеъмол қила бошлади? Ҳозиргача ҳеч нарсадан дадамнинг хабари йўқ.

Билни кузата бошладим. Насроний ойимни жуда ҳурмат қиладиган Бил энди йўқ эди. Укамнинг ойимга масхараомуз гаплар қайтариши қалбимни яраларди.

Ойимнинг унга: “Мендан нега яшириняписизлар? Сени черковдан қувдираман”, — деган гапидан жуда ҳам хафа бўлгандим.

Бил бунга ҳам сурбетларча жавоб қайтарганди:

— Боринг, ойижон, боринг, айтинг! Ўша епископга менинг номимдан салом ҳам айтинг. Ўн саккиз ёшимгача черков солиқлари учун мендан олган пулларни қайтариб берсин. У менга ёлғон гапирган экан.

Бу вақтда эса Ҳанс бир четда туриб бўлаётган оилавий жанжални кулиб томоша қиларди.

Бизнинг бир хизматкоримиз бор. Унинг исми Тобиас эди. У доимо дадамни кўлаб-қувватларди. Унинг Чарли Чаплин¹ каби қобилияти бор, лекин буни унчалик намоиш этмайди. У ҳам мен билан биргаликда Бил ва Ҳансга жаҳд қиляётганди. Баъзан ойимга ҳам.

Ойим жуда талабчан, шунинг учун овқатларни хизматкорга ишонмай ўзи пишиарди.

Ойим бақира-бақира ошхонага кетди. Жаҳлимдан туша олмай Ҳансга бақирдим:

— Сен нега ҳеч нарса демаяпсан, Ҳанс? Сен муқад-

¹ Чарлз Спенсер Чаплин (1889–1977) — америкалик актёр, режиссёр, сценарийчи, продюсер. Актёр сифатида фаолият кўрсатиб, пантомима санъатини комик куч билан уйғуллаштира олишда энг юкори чўққиларга кўтарилган жаҳоннинг энг машҳур санъаткори сифатида танилди. Ўзининг клоунлик ниқобини оддий инсонлар тақдири, ҳавотириини ифодаловчи, катта кучларни бирлаштириб турувчи инсон образига айлантира олган. 1928- ва 1972-йиллар махсус “Оскар” мукофотига сазовор бўлган. Халқаро тинчлик мукофоти лауреати (1954) бўлган.

дас билган қадриятларни таҳқирлашяпти-ку, кўрмаяп-санми?

Ҳансдан олдин хизматкор орага суқилди:

— Жаноб Ҳанс! Мариянинг гапларини эшитяп-сизми? Инсонлар аслида ақли билан эшитади-ку, барибир, сўрагим келди-да.

Ҳанс хизматкорга эмас, менга жавоб берди:

— Нима ҳам дея оламан, Мария. Ҳар кимнинг фикри ўзига тегишли. Мен фикр эркинлиги тарафдори-ман. Ҳар ким ўз фикрини гапириши мумкин ёки айтмас-лиги ҳам мумкин.

— Бу ерда ҳеч қандай фикрлар айтилмаяпти, Ҳанс. Менинг фикрим ҳақорат этиляпти, холос! Бундан ташқари, онам менга Бил туфайли ишонмайди. Черковларни ҳақоратлади, сен эса эшитиб туриб ҳеч нарса демадинг. Сен ҳам бирпасда атеист бўлиб олдингми? Товуқмия атеист! Тасодифан қўшилиб қолган ишингни улкан санъат асаридек кўз-кўз қилиб, кейин эса менга маслаҳат беряп-санми?

Ҳанс жавоб берди:

— Тушун, Мария, мен энди насроний эмасман. Янгидан туғилдим, яъни энди атеистман. Бундай баҳс-мунозараларга аралашмайман. Ҳозирги замонда диннинг эмас, билимнинг тиғи ўткир. Унут бунақа машмашаларни, яхшиси, виски ичайлик. Бугун ярашиш кунини бўлсин.

Менинг динимни ҳурмат қилмаган Ҳансдан кўнглим айниди.

Ўз динимга содиқ бўлганим учун диндан чиққан одамлардан кўнглим қолганди. Ойим мени черков илоҳлари таъсирида тарбиялаганди. Якшанба кунги черков ваъзаларини ҳеч ҳам қолдирмасдим.

Ҳанс билан Билга тортишувларимизнинг ҳеч қандай

фойдаси тегмади. Булар ҳам отам билан бир хил фикрда эдилар. Шунинг учун ҳам улар бир-бирини яхши тушунишарди.

Бу орада дадам пастга тушиб Билга топшириқ берди:

— Бил! Биз мажлисимизнинг якуний қисмини келаси ҳафтанинг якшанба куни ўтказамиз. Хизматкорга айт: тайёргарликни бошласин. Бу сафар эътиборли 25 нафар киши қатнашади.

Демак, мажлиснинг давоми келаси ҳафтанинг якшанба куни бўларкан... Устига-устак якшанбада экан... Демак, уларнинг орасида насроний йўқ... Бугунги йиғилишда яҳудийлар ҳам йўқ экан. Чунки насронийларнинг кўпчилиги якшанба куни черковга боришгани учун ишга чиқишмайди. Яҳудийлар эса шанба куни ишга чиқишмайди.

Демак, буларнинг ҳаммаси диндан чиққан одамлар экан-да.

Жуда ҳам хафа бўлгандим. Ўша кеча Исо алайҳиссаломга, Биби Марямга¹, Тереза онага дуо қилиб чиқдим. Уларнинг руҳи ойим билан менга ёрдам бериши керак эди. Акс ҳолда биз динсизларга енгилиб қоламиз.

Шуларни ўйлаб ўтиргандим, Селин ёнимга кириб келди. У йиғлаётганди:

— Мария, дадам яна келмади. Бугун менинг туғилган куним. На гул юборди, на шапка. Ўзи ҳам келмади. Лекин мен дадамни жуда ҳам соғиндим. Дадамсиз хурсанд ҳам бўлолмаяпман.

¹ Биби Марям — Қуръонда тилга олинган такволи, сиддиқа аёл. Исо алайҳиссаломнинг онаси. Мусулмонлар учун у энг мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Туркистонда Марямга ҳурмат юзасидан “Биби” атамаси қўшиб айтилади. Қуръони каримнинг “Марям” деб аталган 19-сурасида у хақида ривоятлар келтирилади.

Мен Селинни кучоқладим, ўпдим ва уни юпатишга ҳаракат қилдим:

— Бироз сабр қилинг, азизим. Қани, энди онангнинг олдига бор. Кут-чи, жоним, отангдан совға келармикан? Менимча, у совға юборади.

Селиннинг кўз ёшлари ёноқларидан оқаркан, менинг кўз ёшларим ичимга окди. Бу қандай хатолик?! Ҳаммамиз унинг туғилган кунини унутиб қўйибмиз.

Селин онасининг ёнига кетар-кетмас, кўчага отилдим. Дўконлар ёпилиб қолмасидан олдин Селин учун оила аъзоларимизнинг номидан совғалар олдим. Гул сотувчига Селиннинг дадасининг номидан гулдаста тайёрлатдим. Унинг номидан чиройли қилиб табрик сўзи ёздим:

“Миттигина фариштам менинг. Соғинч тўла севгимни сенга юборяпман. Тез кунларда ўзим ҳам бориб қоламан, ҳозирча ўз номимдан гул юборяпман. Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин, жоним қизим”.

Совғалар билан уйга қайтдим. Ойимга, дадамга, Бил ва Ҳансга: “Совғаларни ўзингиз олгандай қилиб кўрсатинг. Унинг туғилган кунини унутганимизни сезиб қолмасин. Энг қисқа фурсатда унинг олчоқ дадасини ҳам топаман”, — дедим. “Тортни кўрсатмай тур, Бил”, — дея бақирдим.

“Аблаҳ! Ёш болага шунча азоб бериларми?!” — дея овоз чиқариб, гўёки Селиннинг дадасини ҳақорат қилдим.

Ойим менга қаради:

— Сен ақддан оздингизми, Мария? Кимга гапиряпсан? Ахир, ҳозир ёнингда ҳеч ким йўқ-ку.

— Майли-да. Уни топсам, худди шу гапларни юзига айтмаслик учун юрагимни бўшатяпман ҳозир.

Селиннинг туғилган кунини нишонладик. Бола бечора севинчдан осмонларга учарди. Гулдастадаги табрик сўзларини қайта-қайта ўпарди. Нега бунақа аблаҳ одамларни “ота” дейишади — тушунмасдим. Улар ўзларининг ифлос нафси учун қанча қалбларни ёқишяпти.

* * *

Соат кечки ўн иккиларни кўрсатар экан, ўй-хаёлимни олдимиздаги якшанба кунги бўладиган мажлис банд этганди. Ётган жойимда у ёқдан бу ёққа ағдарила бошладим.

Кейин ақлимга бир фикр келди. Секин туриб ошхонага ўтдим... Кейин меҳмонхонага кирдим. Бу ерда бирпас ўтириб ўйландим. Якшанба куни мажлисда бўладиган суҳбатни, албатта, эшитишим керак. Аммо буни қандай амалга оширсам экан? Агар ойимга айтиб, у билан келишиб, бирга ҳаракат қилсак, мажлис бошланишидан олдин у ерга кириб бирон жойга яширина олардим. Ҳар ҳолда, французчани, инглизчани билардим. Туркчани ҳам бироз тушунаман. Лекин улар туркча гаплашишмайди. Агар улар инглизча гаплашишса, мен улар гапирадиган сўзларнинг аксариятини тушунар эдим. Немисча суҳбатлашишса, нур устига аъло нур — муаммо йўқ эди.

Тўсатдан зинапоялардан чиқиб келаётган оёқ товушини эшитдим. Кўрқиб кетдим... Гўёки дадам менинг ичимга микрофон ўрнатган-у, мени эшитгани учун ётоғидан турган ва ёнимга келаётгандай эди. Ким билади дейсиз менга нималар қилишини?! Бунақа йиғилишлар туфайли отамдан қўрқадиган бўлиб қолгандим.

Оёқ товуши тўғри меҳмонхонага қараб келаётганди. Бу жуда даҳшатли ҳолат эди... Бироқ қаршимда ойимни

кўргач кўнглим таскин топди. Ойим ҳам ухлай олмабди...
Секин ёнимга келди ва шивирлаб сўради:

— Мария, сенинг ҳам уйқунг келмадими?

— Ҳа, ойижон, ухлай олмадим.

— Мен ҳам укангнинг қилиғидан кейин ухлай олаяпман. Бунга бирор чора топишимиз керак. Улар мажлисда нимани муҳокама қилишларини билишимиз керак.

— Мен ҳам шуни ўйлаётгандим, ойижон. Эртага йиғилиш хонасида мени яшира оласизми? Агар яшира олсангиз, уларнинг ҳамма гапларини эшитар ва қандай режа тузаётганларини ҳам билиб олар эдик. Биласизми, ойижон, бу мажлисда қатнашиш учун Буюк Британиядан, Миср ва Америкадан ҳам келган одамлар бор...

— Ҳа, нимадир бўляпти... Даданг менга шунча йилдан бери қаердан маош олаётганини сира ҳам айтмаган. Хаёлимдан дадангни ўлдириш хоҳиши ўтяпти. Бу кеча сал қолди уни ўлдириб қўйишимга. Черковнинг душмани бўлган тўнғиз билан яшаяпман, уни ўлдирсам ҳам ғазабим босилмайди. Ҳақиқатан ҳам, ўлдирмоқчи эдим... Ҳаттоки ўзининг куроли билан... Кейин эса бу фикримдан қайтдим, чунки черковдан қувилишимдан қўрқдим.

— Хаёлингизга ҳам келтирманг, ойи! Дадамдан қўрқманг. Сиз қўрқсангиз, мен ҳам қўрқаман. Нега дадам жирканч ишлар билан шуғулланаётган экан-а? Олдин шуни аниқлайлик. Бундай воқеалардан жуда хафа бўлиб кетяпман.

Ойим эса бепарволик билан:

— “Лекин у сенинг...” — деди-да, лекин гапини охирига етказмасдан тилини тишлаб қолди.

Тушундим. “Сенинг отанг эмас”, — демоқчи эди. Лекин мен энди бу гапни эшитишни хоҳламасдим. Мавзунини бошқа ёққа бурдим.

— Қаранг, онажон. Бизнинг режамиз қуйидагича: сиз отамга: “Мария Вера билан кинога кетди”, — деб айта-сиз. Мен эса уларни суҳбатларини бемалол тинглайман.

“Вера ким?” — деб сўрашса, у ҳақда айтиб берай.

— Вера — иккита дугонамининг биттаси. Уни жуда ҳам яхши кўраман. У отасини ҳеч қачон кўрмаган. Қиз отасини таний олмайди, чунки онаси гиёҳванд модда истеъмол қилган кун кечаси ким билан бўлганлигини эс-лай олмаган. Кўряпсизми, Ғарб тамаддуни ниҳоятда бузилган.

Онам ваҳимага тушиб, қуёш нури билан янада пор-лаб турадиган яшил кўзларини менга томонга бурди:

— Ажойиб режа бўлди, келишдик, лекин даданг сенинг у ердалигининг сезиб қолса-чи?

Жимгина бир-биримизга қараб қолдик. “Ҳеч нарсa бўлмас”, — дегандай елкамни қисдим. Менимча, режамиз-ни амалга ошириш учун таваккал қилишдан бошқа чора-миз қолмаганди.

Кейин мавзуни ўзгартириб, асли отам ким эканлиги ҳақидаги шубҳаларни бартараф қилиш кераклигини ту-шундим. Хижолат бўлиб ойимга қарадим.

— Ойи!

— Лаббай.

— Ойи, ҳозир бунинг мавриди эмас, лекин билишим керак. Сем менинг ўз дадам бўлмаса ҳам: “Ўша аҳмоқ кўш-нимиз сенинг даданг”, — деб асло айта кўрманг!!!

Ойим юзимга тикилиб қаради:

— У ким?

— Унинг ким эканлигини ўзингиз биласиз. Менга: “Мен сенинг дадангман”, — деганди.

Ойим иккиланмасдан жавоб берди:

— Бўлмаган гап! Сенинг даданг Сем... Лекин бунақа

жирканч ишларидан кейин яна қачонгача сенинг даданг сифатида қолар — билолмайман.

Ойим хонасига чиқиб кетди. Мен ҳам холамнинг хонасига кирдим. Селинга қарасам, қўғирчоғи билан бирга ухлаб қолибди. Холам ётоғининг тунчироғини ёқиб китоб ўқиб ётган экан. Мени кўриши билан хурсанд бўлди, ўрнидан туриб ўтириб олди:

— А-а-а! Бу сенмисан? Кел, Мариям, кел. Анчадан бери суҳбатлашганимиз йўқ. Аҳволинг яхшими?

— Оҳ, холажон! Икки кундан бери миям ғовлаб кетди.

Холам тип-тиниқ сувга ўхшаган мовий кўзлари билан менга қаради:

— Ҳаммаси учун раҳмат, Мариям. Отаси унутса ҳам, сен унутмадинг Селинимни.

— Мен ҳали унинг дадасини ҳам топиб келаман. Бу ишга диплом ҳимоямдан кейин киришаман.

Кейин холамнинг кўзларига қараб сўрадим:

— Ҳали ҳам уни севасизми, хола?

Холам аччиқ кулди:

— Мени яхши билмас экансан. Мени тарк этган одамни асло севмайман. Фалаж бўлиб қолишимнинг сабабини биласанми? У мени қаттиқ севарди. Гўёки менга сиғингандай бўларди. “Қандай қилиб бу қадар алдандим?” — деб ич-этимни емирганимдан фалаж бўлиб қолдим. Мени жуда яхши кўриши унга сиғинадиган даражада севишимга сабаб бўлди. Мени тушуняпсанми? Алданиш ҳисси муҳаббатнинг тугашидан ҳам аламли, мени тушуняпсанми?

— Албатта, тушунаман. Хиёнатини сизни шу аҳволга олиб келди. Шундоқ ҳам унга сиз ҳақингизда бир оғиз гап айтмайман. Аммо мен уни топиб, Селинга олиб кела-

ман. Бечора отасини жуда соғинган.

— Тўғри, мен учун унинг тўнғиздан фарқи йўқ. Аммо Селиннинг ўй-фикрича, у — ширин ота. Мен унинг орзуларини бузмайман. Ҳа, майли, бизни қўявер, ўзингдан гапир-чи?

— Кеча битта африкалик йигитни севиб қолишимга сал қолди, балки, севиб қолгандирман. У унаштирилган қизини шунақа мақтадики, эшитсангиз, бу мақтов ва ҳурматга ҳайрон қолардингиз. Шунда ич-ичимдан дедим: “Эр бўлса, шундай бўлсин”. Мен бундай одамни эр деб атайман. Биз уларни менсимаймиз. Уларнинг мана шунақа феъл-атвори-ю эътиқоди олдида бизнинг маданиятимизнинг қадри йўқ экан. Бу йигит мисрлик эди.

— Ҳаммаси ҳам ундай эмас. Менга ишон: Мисрда ҳам эрининг шафқатсизлигидан азоб чеккан аёллар кўп.

Бирпас жим бўлиб қолдик. Кечаги кун бўлган воқеалар ҳаёлимдан ўтди. Абдулваҳҳобнинг айтган гапларини эсладим. Ич-ичимдан унинг ҳақлигига тан берардим. Кейин холамга ўтирилиб:

— Йўқ, у аёлларни йиғлатадиган эркак эмас. Ҳанс билан иккаласини таққослаб кўрдим. Калласи, қўли, оёғида ўхшашлик бор. Иккаласи ҳам инсон зотидан. Ўхшашлиги — шу, холос.

— Ошириб юборма... Художўй қизлар ўзлари турмуш қурадиган йигитни бошқаси билан қиёсламайди.

— Мен қиёслаётганим йўқ. Юрагим шуни хоҳлаяпти. Шунақа гаплар. Агар бошқа қизга унаштирилмаганда эди, уни ўзимники қилиб олардим. Ҳансни ўйлаб ҳам ўтирмасдим. Агар қўлимда очиқ-ойдин бир “исбот” бўлса, шундоқ ҳам у билан ажралмоқчи бўляпман.

— Мен ҳам ўша бевафога бир кўришда ошиқ бўлиб қолгандим. У ҳам мени севиб қолганди. Лекин қаердандир

бир рус қизи пайдо бўлди-ю, кучли муҳаббатимизни парчалаб ташлади. Эътибор қилма. Ҳар ёқтириб қолган одаминг сеники бўлиши керак деган қоида йўқ.

Хонамга қайтгач, бирмунча вақт деразадан қорнинг ёғишини томоша қилиб турдим. Кўчадан ўтиб-қайтиб юрган ҳар бир одам мен учун гўёки Абдулвахҳоб эди. Ўхшатардим. Кейин дуо ўқиб жойимга ётдим.

* * *

Қор ёғишда давом этарди. Бугун яна Абдулвахҳобни кўрдим. Жин урсин! Томиримда оқаётган қонимга ёзилгандай, онгим ҳам фақат унинг исмини айтаётгандай эди. Ўй-хаёлларим ҳам уни эсларди.

Мен машинамни кўчанинг бурчагига жойлаштирдим. Қўлларимни чўнтагимга солиб уйимизга яқинлашар эканман, беихтиёр деразаларимизга қарадим. Холам дераза ёнида эди. Деразадан кўчага соатларча қараб ўтирган бир ногирон аёл... Шунга қарамай ҳар доим кўтаринки кайфиятда, жилмайиб ўтирадиган ажойиб инсон.

Уйга киришим билан унинг ёнига бордим. Қарасам, нимагадир йиғлаган экан. Табиийки, жуда хафа бўлдим.

— Холажоним, нега йиғладингиз? Йиғлаш сизга ярашмайди. Сизнинг ўша ёқимли табассумингизга ўрғаниб қолганимиздан сўнг бизни хафа қилишга ҳаққингиз йўқ!

Аҳмоқона жумла эди бу. Йиғлашга ҳаққингиз йўқмиш. Бу нима деганим ўзи?

Бу вақтда ойим мева суви тайёрлаб холамга ичираётган эди. Селин эса яна деразадан кўчага қараб ўтирибди. Уни қучоқлаб ўпдим:

— Нега ҳанузгача деразанинг ёнидасан, азизим. Қор

ёғишини кузатяпсанми?

— Йўқ, дадамни кутяпман. Машинаси шу томонга ўтиб кетганди, ҳозир келиб қолади. Дадам ҳам мени роса соғинган.

Ичимда: “Даданг рус қизининг тузоғида, сен унинг хаёлига ҳам келмайсан”, — дедим. Бундай гапларни овоз чиқариб айтолмайман, уни хафа қилишни хоҳламайман. Болани ширин орзулар оғушидаги хаёллари билан ёлғиз қолдирдим.

Холам билан узоқ суҳбатлашдик.

— Менга хиёнат қилгани учун тамом бўлдим, Мария. Қандай қилиб унга кўр-кўрона ишондим, ўзимни кечиролмайман. Унга жуда ҳам ишонгандим. Худди Исо Масихга ишонгандай ишонгандим. Агар сизлар бўлмаганингизда, ойинг менга астойдил ғамхўрлик қилмаганда — аҳволим нима бўлар эди?..

Холам ҳар суҳбатлашганимизга шуни айтарди. Дастлабки кунларда ҳар учрашганимизда камида ўн марта айтган бўлса, хайрият, энди эса бир марта айтяпти.

Деразадан кўчага қараб ўтирган Селин бизнинг суҳбатимизни эшитиб қолган экан. Турган жойидан бизга ўтирилиб, тўсатдан болаларча соддалик билан сўраб қолди:

— Ойи, сиз дадам туфайли юра олмаяпсизми?

Иккаламиз ҳам Селиннинг бу саволидан шошилиб қолдик. Холам жуда ҳам ақлли аёл эди. Шунингдек, фарзандининг ширин орзулар дунёсини барбод қилишни хоҳламасди. Шунинг учун саволни эътиборсиз қолдиришга уриниб:

— Менинг гўзал фариштам, сен катта бўлганингда нима учун юролмаслигимни айтаман, хўпми?

— Бўпти, ойижон, аммо шифокор бўлишим билан

сизни даволайман.

Ҳаммамиз аччиқ-аччиқ кулдик. Бу ичида заррача қувончи йўқ қулги эди.

* * *

Кичик меҳмонхонага ўтдим. Дадам билан Бил гаплашиб ўтиришарди. Ойим ҳар доимгидек ошхонада. Дадамнинг юзидан ўпиб, ошхонага ўтдим.

— Салом, ойижон.

— Салом.

— Нима қияпсиз?

— Тўнғиз даданг учун тўнғиз гўшти қовурипман.

— Ойи, нега дадамни тўнғиз деяверасиз?

— Нима қилай, уни шундан бошқасига ўхшатоладим. Мендан боламни олиб қўйди. Ўғлимни черков билан душман қилди. Ундан нафратланаман, аммо ажрашолмайман. Бизнинг динимизда ажрашишга рухсат берилмаган. Агар рухсат берилганда, Исо ҳаққи қасам ичаманки, бир соат ҳам ўйлаб ўтирмасдан ажрашиб кетган бўлардим.

Шунақа гаплар. Ойим билан суҳбатлаша бошласам, у дадамни қарғай бошларди.

Кичик меҳмонхонага қайтганимда Ҳанс ҳам келган экан. Менга қараб тиржайиб қўйди. Сақични бирам хунук чайнардик. Эркак кишининг сақич чайнаши сира ҳам яхши иш эмасди. Чапиллатиб овоз чиқариб чайнаши жаҳлимни чиқарарди.

Ёнимга келди ва худди шундай қилиқ билан:

— Мария, сени олиб кетгани келдим, — деди.

— Қаерга?

— Тунги клубга.

— Боргим келмаяпти. Уйдагилар билан суҳбатлашишни хоҳлайман.

Энсаси қотиб:

— Ўзинг биласан, мен кетдим.

Бундай феъл-атворли Ҳансга ҳеч илиқлик туймадим. Тез кунда уни ташлаб кетаман, аммо истайманки, бунга унинг ўзи сабабчи бўлсин. Мен ҳам ҳадеб битта гапни такрорлайдиган бўлиб қолдим. Қарияпман, шекилли.

Ҳанс кетиши билан ойим кирди. Бил эшикнинг ёнида эди. Бу пайтда турк қўшнимизнинг уйида қиёмат кўпарди. Эркак одамнинг овози келяпти. Туркча гапиряпти. Маъноси мен биламан. Аёл киши додлаяпти. Вой-доднинг шундай бир тили борки, ҳамма буну тушунади:

— Менга қара, ҳой! Сен хотинни уриб ўлдирардим-у, кофирлар мамлакатада қамалиб кетишдан қўрқаман!

Ундан кейин хотини: “Урманг! Нима бўлар урманг! Вой-дод! Мени қутқарадиган одам йўқми?” — дея бақира бошлади.

Қарасам, ойим хурсандчилигидан ўйинга тушарди.

— Оҳ, оҳ! Уларнинг ваҳшийликлари очилиб бориши билан қандай гўзалдир! Мусулмон бўлган немис аҳмоқлари ислом зўравонлик дини эканлигини мана шунақаларни кўриб тушунишар, балки. Келсин, динимизга кирсин: насронийликка ўтишсин, роҳатланишсин.

Ногиронлар аравачасида кириб келган холам ҳам ойимни кузатиб турарди.

— Ундай дема, Тереза. Мен художўй насронийман. Эрим ҳам насроний эди, лекин мен йилига камида уч марта калтакланардим. Инсонларнинг орасида, албатта, шафқатсизлари ҳам бўлади. Бирёқлама фикрлама. Қайси динда бўлишидан қатъий назар, барча дин шунақадир. Ислом динига нисбатан бўлган бу нафратингдан воз кеч

энди. Тереза, кимки нафратланса, у тубанлашади. Кара, мен ҳам сенга ўхшаган насронийман, лекин сира ҳам мусулмонлардан нафратланмайман. Нима учун нафратланишим керак? Улар шунга ишонишган ва шу эътиқодда яшашяпти. Худо ҳаммамизни эшитади. Дунё ҳаммамизга етади.

Бояги турк аёли ҳали ҳам: “Қутқаринг”, — деб бақирришда давом этарди. Дарров полицияга хабар бердим ва полициянинг етиб келишини кутиб ўтирмасдан турк қўшнимизнинг эшигини тақиллатдим. Бир болакай эшикни очди. Рухсат кутмасдан, шошилиб ичкарига кириб, ёнига бордим. Унинг боши ва кўзлари қонга беланган эди. Эри мен эшикни тақиллатишим билан диванга ўтириб олган, ўзини телевизор кўраётган одамдай кўрсатмоқчи бўларди. Болакай ҳам бир чеккага тикилиб олганча баланд овозда хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Бечора болага раҳмим келиб кетди. Унга қараб, юрагим эзилди.

Аёлнинг ярасини боғлаётганимда полиция ҳам етиб келди. Эрининг қўлини қайириб олиб чиқиб кетишаётганда ҳам: “Бу менинг хотиним эмасми? Хотиним бўлганидан кейин ураман ҳам, севаман ҳам”, — деб бақирарди.

Дадам битта ўқитувчи ёллаб, менга мажбурлаб турк тилини ўргатганди. Шунинг учун унинг гапини мен тушунгандим, полиция эса тушунмади. Улар шунчаки туркка қараб: “Биз юртимизда аёл кишиларни калтаклатиб қўймаймиз”, — деб унга бақирарди. Бу гапнинг шунчаки сафсаталигини, аёлларнинг калтакланиши бўйича Европа дунёда биринчи ўринда туришини ҳатто шу турк ҳам биларди.

Аёлга “Тез ёрдам” чақиргандик. У ҳам полиция билан бирга келди.

Йиғлаётган Усмонни ўзимизнинг уйга олиб кириб

дадамнинг қўлига топширдим ва болакайга: “Ойингни олиб келаман”, — деб тасалли бердим. Мен бояги калтакланган аёлга ҳамроҳлик қилиш учун ортидан бордим. Аёлни шифохонага олиб бордик. Ўша кеча аёлга уйга кетишига рухсат беришмади.

Эртаси кун шифохонага борганимда аёл анча ўзига келиб қолган экан. Аёлнинг исми Ойша эди. Ойшани шифохонадан чиқариб, уйига олиб келдим. Усмонни онасининг қўлига топширдим. Аёл шикоят қилмагани учун ўша жоҳил эрини бир кечагина назоратда ушлаб туришди. Тарикча ақли билан ўзининг ожиз қолаётган томонини яшириш учун хотинини дўппослаб ўзини овутарди ўша тўнка эр.

* * *

Бу орада бизнинг Бил гиёҳванд моддалар туфайли мактабни ташлаб кетганди. У бунга бироз кўникиб қолган, ҳатто унга ҳам қарам бўлган деб айтишим мумкин.

Ўша оқшом севгилиси Деми билан ярим тунда уйга кириб келди. Ойим тутақиб кетди, лекин дадам:

— Ҳамма эркин, ёшларни тинч қўй, — деб ойимга жаҳл қилди.

Мен эса дадамга ёлвордим:

— Дада, ўғлингизга оталигингизни кўрсатинг, ҳар бир ота ўз фарзандини ҳомийси-ку, сиз эса “эркинлик” йўлида ўз фарзандингизни қурбон қиялсиз, — дедим.

Лекин дадам пинагини ҳам бузмади, чунки дадамда бундай гапларни англаш қобилияти аллақачон йўқолган эди.

Деми сархуш эди. Қаерда эканлигини ҳам билмасди. Сархушланиб сўрарди:

— Бу ер бизнинг уйимиз эмасми, Бил? — дея-дея тепадаги қаватга чиқишди.

Эркинлик дунёси баъзан менинг кўнглимни айни-тарди.

* * *

Нихоят Селиннинг дадаси Клаусни топдим. Уни битта кафега олиб бордим. Маъшуқаси эса мени: “Клауснинг бошқа бир севгилиси”, — деб ўйлади, шекилли, менга ташланмоқчи бўлиб:

— Кўй, у — менинг севгилим, уни сенга бермайман, — деди.

Унга қараб:

— Ҳой, беҳаё эр ўғриси! Юзингнинг ўртасига бир тиртиқ ташлайман, нима бўлганига ўзинг ҳам ҳам ҳайрон қоласан. Энди бизнинг ёнимиздан кет!

Аёл Клауснинг ёнига келиб:

— Бу нима деяпти, Клаус? Унга ҳеч нарса демай-санми?

Клаус хижолат бўлиб секингина:

— Сен чиқиб тур, кейин ўзим сенга тушунтираман.

Аёл ташқарига чиқди, лекин кетиб қолмади. Кўчада кафенинг ойнасидан бизга қараб турарди.

Мен Клауснинг юзига тикилиб қарадим ва сўрадим:

— Болалардан биттаси эрта-ю кеч деразанинг ёнидан кетмайди ва: “Ҳозир дадам келади”, — деб кўчадан кўзини узмайди. Нима деб ўйлайсан: сенингча, бу бола ким?

Виждонсиз Клаус ўзини тушунмагандай кўрсатиб:

— Тушунмадим.

— Тушунмайдиган ҳеч нарса йўқ. Жуда яхши тушуниб турибсан. Қизингни бориб кўрасан. Ногирон қилиб

ташлаб кетган хотинингни кўрмасанг ҳам қизингнинг ёнига, албатта, боришинг керак. Эртага бориб Селинни оласан-да, айланишга олиб чиқасан! Агар айтганимни қилмасанг, сенинг кўзларингга Германияни тор қиламан, — дедим.

Агар инсон ўз манфаати йўлида бировга бақирса, иккинчи томондаги инсонга оғир ботади. Агар бошқаси учун бўлса, оғир ботмас экан. Менинг бақириб-чақириб, катта кетиб гапиришимга қаршилиқ кўрсатмади. Айтадиганимни айтганимдан кейин кафедран чиқиб кетдим.

* * *

Эшикдан чиқар-чиқмас Абдулваҳобни кўриб қолдим. Вой худойим! Юрагим яна дукуллаб тез ура бошлади. Жойимда туриб қолдим. У ҳам менга қараб қотиб қолганди. Кулиб салом бердим.

— Салом! Бу қандай тасодиф?

— Ҳа, шундай бўлди.

— Сизни бир пиёла чойга таклиф қилсам бўладими?

Бирпас менга қараб турди-да:

— Миннатдорман. Зарурат бўлмаса, ароқ ичиладиган жойларда чой ичмайман. Ишонинг, самимий таклифингиз туфайли чой ичгандай бўлдим, — деди.

У кетгач эса юрагим типирчилаб қолди. Бу юрак нима хоҳлаётган экан-а?..

* * *

Қор ҳали ҳам ердаги ҳукмронлиги тўхтатмаганди. Уйимизга келганимда ҳар куни Софининг ёнида тўхтайман деб қарор қилдим. Софи ҳақида сизга айтиб бергандим: ўша кичкина ҳабаш қизи. Мактабда уни яна хафа

килишибди, кўп йиғлабди:

— Нега ҳамма оппоқ, мен эса қора? Мен ҳар доим юзимни совун билан юваман, лекин у оппоқ кўринмайди. Нега? Мен уни оқартиргич билан ювдим, лекин ҳали ҳам фойда бермаяпти. Ёки балчиққа ётиб кўрсам, оқарармикан: сиз нима дейсиз, Мария хоним?

Унинг бу ҳолидан жуда эзилдим.

— Менга қара, азизим. Оқ марварид ҳам қора марварид ҳам жуда қадрлидир. Биз оқ марваридмиз, сиз эса қора марваридсиз. Агар сизнинг юртингизга оқ танли қизалоқ бориб қолса, у ҳам йиғлайди: “Нима учун ҳамма қоп-қора-ю, битта мен оқман?” — деб. Сен жуда ҳам ширин қизалоқсан. Ишон: шунақанги ёқимтойсанки, буни сенга тушунтириб беролмайман, — дедим.

Софи менинг гапларимга ишонди. Хурсанд бўлди. Ҳатто севинганидан бўйнимдан кучоқлаб олди.

Ўзим ҳали ёш бўла туриб ғамгин инсонларнинг қайғусини ҳис этишни хоҳламасдим. Лекин бошқаларга яхшилик қиладиган бувимдан — ойимнинг онасидан — беихтиёр ўрнак олганман, шекилли. Дардли кўринган инсонларнинг қайғуларини ҳис этаман ва уларнинг ғамларини тарқатишга ҳаракат қиламан.

* * *

Дадам ким биландир телефонда гаплашаётганди. Телефон ўртадаги меҳмонхонада эди. Телефонда гаплашаётганида ёнида хизматкор турарди, бизни эса хонадан чиқариб юборарди. Бу ҳам мени ҳайратлантирарди. Кейинроқ эса, табиийки, мен ҳам телефондаги гапларини эшитишга ҳаракат қила бошлагандим.

Телефонда гаплашилган суҳбатларнинг ҳаммасини бўлмаса ҳам баъзи гапларини тушунардим. Кейинги йил

бундай йиғилиш Буюк Британияда, кейин Жазоирда, ўн йилдан кейин эса Туркияда бўлиши режалаштирилаётган экан. Бир кун келиб бундай йиғилишлар яширинча эмас, ҳаммага ошкора қилиб ўтказилиши ҳақида гаплашишарди.

Мен ойимнинг овқат олиб келишини кутиб диванга ётардим ва ҳозиргина эшитган гапларимнинг мағзини чақишга уринардим. Дадамнинг қилаётган ишларини ўйлай-ўйлай ётган жойимда ухлаб қолибман.

Кўрқув ичида кутардим. Дадамнинг одамлари бирин-кетин кириб келишди. Ўзларини таништириб бўлиши билан мажлис бошланиб кетди. Мен ҳам ҳаяжон, ҳам қизиқиш билан эшитаман деб, қора терга тушиб кетдим. Мен беркинган жой минбар остида эди. Жуда тор жой. Ҳар замон уларни кузатиб ҳам қўярдим. Битта нотик менинг тепамдаги минбарга чиқиб гапирди. Бошқалар эса уни диққат билан тинглаб, эшитганларини ёзиб ҳам олишарди. Дадам эса энг олдинда ўтириб, диққат билан тингларди.

Қайғу ичида кўзларимни очганимда буларнинг барчаси туш эканлигини тушуниб етдим. Дадамнинг овози эшитилди. Ёнида хизматкор ҳам бор эди.

Дадам баланд овозда гапирарди:

— Кулоқ солинг, жаноб, ўша дўстимиз Буюк Британиядан келганини айтди. У: “Мусобақалар уюштириб, мукофотлар бериб туришимиз керак. Одамларда мукофот берганларга қул бўлишга мойиллик катта бўлади”, — деди. Бундай деган одам қандай қилиб орамизга жосус бўлиб кириши мумкин.

Дадам бирпас бошқа томонни бироз тинглаганидан кейин яна баланд овозда гаплашишда давом этди.

— У мусулмонларнинг жосуси бўлиши мумкин эмас.

Ўша аҳмоқларнинг орамизга айғоқчи киргизишга журъати етмайди. Мен шундай деб ўйлаяпманми? Бўлиши мумкин, жаноб. Балки, адашгандирман. Албатта, жаноб, мен сизга ишонаман. Барча динлар йўқ қилинади. Катта-катта мукофотлар билан тақдирланадилар. Ким яланғоч суратга тушса, мақтовга сазовор бўлади. Омма яланғочликка одатланиб қолади. Бу реклама билан амалга оширилади, амалий иш маҳорат талаб қилади. Айниқса, художўйларни қўлга олишимиз керак. Биз билан мураса қилган художўйларни намуна қилиб кўрсатамиз. Уларга катта имкониятлар берамиз. Ҳа тушундим, биламан.

Эй Оллоҳим! Бу қандай иш бўлди?! Бундай йўл тутиш шайтоннинг ҳам ақлига келарми, ажабо?

Туш таъсирида бошим титраб турарди. Мен овқат еяётганимда онам ётган жойимдан кетмади ва тинимсиз сўрарди:

— Сенда бир ғалатилик бор: айт-чи, нима бўлди?

— Дадамнинг телефондаги гапларини эшитиб қолдим. Ойижон, дадам ким? Кимларга хизмат қиялпти — билолмадим. Англаганим шуки, дунёни ўзига бўйсундирмоқчи бўлган қандайдир кучлар, дадамини бошқаряпти. Ашаддий дин душмани... У: “Агар Европа бутунлай диндан чиқса, мусулмон давлатлар ҳам ортимиздан эргашади”, — деди. Ислом динидан менга нима?! Буни ҳам мен ўйлашим керакми?! Ислом дини ҳақида мусулмонлар қайғурсин. Аммо насронийликни биз ўйлашимиз керак. Мен динимиз бошига тушаётган ғам-ташвишлардан жуда эзилдим, тушкун кайфиятдаман, ойижон. Эртага ўқишим бўлмаганда епископга учрашиб гуноҳларимга тавба қилиб келардим. Исо ва Биби Марям ҳаққи, бу қандай разолат, ойи! Мен динимдан чиқсам, дадам менга ҳам топшириқ берар экан. Мен уларнинг топшириғини оламанми?..

— Баракалла, сенга, қизим. Тереза она қўласин сени.

Бирдан хаёлимга бир аҳмоқона бир фикр келди. Отам нима қилаётганини билиш учун унинг дарсларида қатнашим керак эди. Бунинг учун мен унинг таклифни қабул қилгандек бўлсам кифоя эди. Мен онамга фикримни айтдим:

— Ойижон! Эътибор беринг: хаёлимга бир фикр келди. Дадамни алдаб черков фойдасига ишлашимга рози бўласизми? Мен дадамга: “Мен ҳам атеист бўлдим, мен ҳам социализм учун хизмат қиламан”, — деб уни ишонтираман. Улар, барибир, ҳар қандай сирни дарҳол беришмайди. Дастлаб юзаки топшириқлар беришар экан.

— Оҳ, Мариягинам! Сен билан фахрланаман. Сен зўр миссионер¹ бўласан. Черков сени тақдирлайди. Аммо кўрқаман: сен жосуслик қила олишинг мумкинлигига аминмисан?

— Албатта, ойижон, хавотир олманг: эплайман. Кўрасиз, мен отамни ишонтираман.

Қарор қабул қилдик. Энди дадамга диндан чиқшимни айтиб, унинг ишончига кириб олмоқчиман. Афсуски, баъзи инсонларнинг қалбига эътиқодли бўлганингизда кира олмайсиз, лекин диндан чиққач дарров кириб оласиз.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу ҳақда епископ билан ҳам суҳбатлашдик. У ҳам жуда хурсанд бўлди. Мен бу орада ҳар куни дадамга ўзимни диндан чиқмоқчи бўлаёт-

¹ Миссионер (французча: missionnaire — жўнатиш, топширик) — черков томонидан, одатда, ҳукумат ёрдамида бошқа диндаги кишиларни ташвиқот қилиб, насроний динига киритиш учун қарам ва мустамлака мамлакатларга юборилган тарғиботчи.

гандай кўрсатардим. Табиийки, айна вақтда ўқишга ҳам келиб-кетишда давом этардим.

Бир куни Ҳанс билан сайр қилиб юргандик... Боғда дадам билан учрашиб қолдик. Иккалаимизнинг бирга юрганимизни кўрган дадам хурсанд бўлганди:

— Салом, Мария!

— Салом, дада!

Дадам тўсатдан гап бошлаб қолди:

— Биласанми, Мария, бутун Ҳанс билан бемалол боғ кезиб юрган бўлсанг, демак, бунинг учун атеизмга раҳ мат айтишинг керак. Яъни замонавий дунёқарашга... Ааицизмга... Агар художўй қиз бўлганингда Ҳанс билан қўл ушлашиб юрмасдинг.

— Дада, нега тўсатдан бундай гап пайдо бўлди?

— Қани, келинглар-чи, шу боғда ўтириб бирозгина суҳбатлашамиз. Энди диний мутаассибликни бас қил ва асло бирорта шубҳанг қолмасин.

Кёльндаги “Дом” черковига яқин хиёбонда ўтирган-дик.

— Эшит, қизим, динда эркинлик йўқлигини яхши тушунишинг керак. Насроний динининг уч юз йил олдинги Инжилнинг¹ асл нусхасида ёзилишича, аёлларнинг эркакларни севиши, сенга ўхшаб эркаклар билан сайрга чиқишлари мумкин эмас. Бундай иш қилганлар ваҳшийларча қаттиқ жазоланар эди. Ҳаттоки аёллар эрларидан нафратлансалар-да, бутун умр у билан яшашга мажбур эдилар. Чунки католик эътиқодига кўра эридан ажрашиш мумкин эмасди. Биласанми, Инжилда ёзилишича, ким бева аёлга уйланса, зино қилган ҳисобланарди, буни билар-

¹ Инжил (арабча) — Аллоҳ таолонинг Исо алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали оғзак тарзда нозил қилган китоби. Насронийларнинг муқаддас китоби.

мидинг? Диндаги босим шу қадар кўпки, агар сен насронийларнинг номус тушунчасини англасанг, уларни мутаассиб ҳисоблашингга ишончим комил.

Дадам тўхтаб бир чуқур нафас олди-да, кейин яна гапида давом этди.

— Атеистик дунёқараш... Яъни замонавий дунёқараш дин фалсафасидаги аҳмоқона қарашларни йўқ қилди. Бугун сен эркак киши билан бемалол севишиб юрганинг, бундан мен ҳам сеvingаним ва бунга мен қаршилиқ қилмаётганим учун атеистик дунёқарашдан қарздормиз. Яъни маданийлик ва замонавийликдан буларни олдиндан кўра олганинг учун қарздорсан. Бутун дунёда шуларни амалга оширамиз. Ҳатто мусулмон ўлкаларининг ўраниб юрувчи маданиятсиз қизлари ҳам бир кун келиб сенга ўхшаб кийина бошлашади. Бошларига рўмол ҳам ўрамайдилар. Ҳатто уларни ички кийимларисиз сайр қилдирамиз. Уларни бошқа инсонларга айлантирамиз ва улар биз учун жуда муҳим муносабатлар намоён этишади. Эркаклар билан севишиб юришга рухсат бермайдиган динларни мазах қилишади. Бу дин, балки, ислом динидир, балки, бошқа диндир — фарқи йўқ.

Дадамнинг олдиндан севишиб турмуш қурганлар гўёки ажрашмаётгандай тушунтиришини қаранг. Уни диққат билан тинглаётгандим. Ҳийла ишлатишда давом этаётгандим.

Шунда тўсатдан дадамнинг гапини бўлдим:

— Дадажон, кундан кунга сизнинг ҳақ эканлигингизга ишончим ортиб борапти. Менимча, мен ҳам динсизлардан бири бўламан ва юрагингизга киришга муваффақ бўламан. Мен ҳам ўша учрашувларда қатнашман. Ростини айтсам, мен Билга ҳасад қилдим. Қара, ҳаттоки Ҳанс ҳам мендан кўра сенга яқинроқ.

Дадамга: “Атеизм бутун дунёга отаси номаълум етим болалардан бошқа нима берди?” — дейишимга сал қолганди, лекин ақлим бошимга келди. Бошлаган ўйинимни ниҳоясига етказиш учун сабрли бўлишим керак эди. Дадам бу хушомадимдан хурсанд бўлди, шекилли, менга ҳам хушомад қилди:

— Баракалла, менинг ақли қизим. Бир кун келиб ҳақиқатни кўришингга ишонардим. Афсуски, ҳозирча бирон-бир аёлни йиғилишга олиб бормаимиз. Аммо керакли маълумотлар аёлларга ҳам берилади.

Унинг айтганлари ғалати эди. Эътироз билдирмай, отамнинг юрагига биринчи пойдеворни қўйдим. Кечқурун уйда ойимга бўлиб ўтган бу суҳбатни қувонч билан айтдим:

— Биз муваффақиятга эришамиз, ойи, биз муваффақиятга эришамиз. Дадам менга қаттиқ ишонди. Насроний динимизни ҳимоя қилиш учун қилолмайдиган ҳеч бир иш йўқ мен учун. Ҳаттоки дадамни киприк қоқмасдан ишонтирганимдан завқланаяпман.

— Сен билан қанча фахрлансам, кам, қизим, Тереза она сени қўлласин. Биби Марям қўлласин... Даданг эса жаҳаннамга кирганида билади буларнинг барини.

Кунларимиз ойим билан англашганча ўтарди. Бил ҳам ҳаётидан хурсанд эди. Опасининг кундан кунга диндан чиққанига ишонар: “Эркинлик дунёсига хуш келдинг, Мария!” — дерди. Эркинлик дунёсининг унга тайёрлаб қўйган кўрқинчли ниҳоясини билмасди.

* * *

Бир куни уйимиз олдида кутилмаганда Ҳанс пайдо бўлди. У жуда нотинч эди. Мени ташқарига чақирди. Жуда ҳаяжонланиб турар ва:

— Мария, Америкага кетишим керак. Самолёт учадиган вақтгача сен билан хайрлашгани келдим, — деди.

Ўзимни хафа бўлаётгандай кўрсатиб:

— Бу гап қаердан чикди энди? — дедим.

У жирканч табассум билан бошини эгиб деди:

— Хафа бўлма, азизим, мен келгунча битта турк айиғини топиб кўнглингни хушлаб турарсан. Менга тананг билан хиёнат қилишинг мумкин, лекин қалбинг билан хиёнат қилсанг, сени кечирмайман.

Карахт бўлиб қолгандим. Бу қандай дунёқараш ўзи? Хайрон бўлганимни сездириброк сўрадим:

— Қанақасига, яъни сен бу ерда йўқлигингда мени бегона эркаклар билан юришимга рухсат берасанми?

У шунчалик хунук қаҳқаҳа отиб кулдики, буни сўз билан таърифлаб бера олмайман:

— Ҳа-ҳа-ҳа-а-а!.. Нимаси ёмон, Мариям? Хиёнат қалбан бўлади. Қалбинг менга хиёнат қилмасин. Буни кўтаролмайман. Мен ҳам сенга қалбан хиёнат қилмайман. Фақат кўнгил хушлаймиз, холос. Мен юзта қиз билан юрсам ҳам, сенга қалбан хиёнат қилишим тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Нима! Мендан кейин ёш-ёш қизлар билан юрмоқчимисан? Лекин қалбан хиёнат қилмайсан!.. Буни қандай тушунса бўлади?.. Ўзинг юзта қиз билан юрасан-да, қалбингни бузмайсан, тўғрими?

— Хафа бўлма, азизим. Хафа бўладиган бўлсанг, ёш қизлар билан кўнгилахушлик қилолмайман. Балки, битта-яримта эркак топиб оларман. Айтишларича, унақалар Америкада жуда кўпмиш.

Бирдан бошим айланиб, кўнглим айниди. Таърифлаб бера олмайдиган бир ҳолатга тушгандим.

Овозимнинг борича бақирдим:

— Даф бўл! Йўқол, искирт! Сендан жирканаман, Ханс! Йўқол ва қайтиб кўзимга кўринма!

— Ўзингни ор-номус тимсоли кўрсатиб бақиряпсанми? Ёки роҳибаликка кетяпсанми? Замон ўзгарди, азизим. Замонавий, эркин ва демократик замонга ўтганимизни энди тан олдик. Кўзингни оч энди. Битта туркнинг хуштори бўлсанг, сендан нима кетади. Дўконимизда ишлаётган турк сени севиб қолган, менимча, чунки мендан ҳар доим сени сўраб туради. Хоҳласанг, мен қайтгунимча ўша турк йигит билан айш-ишрат қил. Топган пулларини ўз ўлкаларига жўнатиб юборишмасин. Эсанг қотмаса, ҳар куни уни тунги клубларга олиб бор. Кўнглини топ. Ҳам кўнгилхушлик қиласан, ҳам пулларини ўзининг ватанига юбормасдан, ўзимизнинг ватанимизда сарф қилади. Гапим ёмонми, ахир, ватанимиз учун хизмат қиляпмиз.

Ханснинг искирт башарасини биринчи марта бу қадар яқиндан кўришим эди. Ва динсизликнинг ифлос юзини ҳам...

Агар Ханс қайси динда бўлса ҳам, чинакам художўй бўлганида эди, бунчалик эркин ва бу қадар ифлос бўлмаган бўлар эди.

Ўзимни тута олмасдан қичқирдим:

— Даф бўл! Даф бўл, тўнғиз! Сени кўргунча илонни кўрсам бўлмасмиди...

Йўқ, сўзни нотўғри қўладим. Бунинг номи эркинлик эмас, бунинг номи ифлослик! Бунинг номи дегенерация¹. Мен сен билан ҳеч қачон турмуш қур-

¹ Дегенерация (лотинча: degenero — бузиламан) — ўсимлик, ҳайвон организмдаги бирор хил биологик белги ва хусусиятнинг ирсий касалликлар ёки яшаш шаронтининг оғирлашиб қолиши туфайли бузилиши, ёмонлашиб айланиб қолиши. Баъзи орган ва тўқималарнинг нормал индивидуал ривожланиш жараёнида йўқолиб кетиши (масалан, итбаликлар ўсиб, бақага айланганда думининг йўқолиши), филогенетик тараққиёт жараёнида кичраиб, бошқача бўлиб

майман.

Ҳанс кетганидан кейин мен боғчага чиқдим. Карахт бўлиб қолган эдим. Мен ўзимга ўзим минғирладим. Атеизм... Ҳа, Ҳансни шу ҳолга динсизлик олиб келди... Лаънат бўлсин сенга!.. Атеизм номи остида келган нарсаларга лаънатлар бўлсин!..

Бир қанча йиғлаганимдан сўнграгина ўзимга кела олдим. Демак, мен у билан турмуш қурсам ҳам унга оид бўлмас эканман-да. Менга буюмга қарагандай қараган бўларди. Лаънатлар бўлсин сенга, Ҳанс!

Ўша кечам жуда ҳам оғир ўтди. Эртаси куни дарсга кеч қолмаслик учун нонушта қилмасдан чиқдим. “Университет ошхонасидан бирон нарса ерман”, — дедим.

Ҳаво яхшигина совуқ эди. Машинамни зўрға ўт олдириб йўлга чиқдим. Йўлда кетарканман, Абдулвахҳоб билан дадамнинг айтган гапларини солиштириб қайси бири ҳақиқатни айтаётганини ўйлаб кетдим. Ҳақиқатан ҳам, биз мусулмонларнинг бор-будини тортиб олиб шундай ҳолга келган бўлмайлик тагин? Айниқса, Буюк Британия билан Франция уларнинг қонлари, уларнинг жонлари эвазига ривожланганми?

Шулар ҳақида ўйлай-ўйлай бирдан насронийлигим тутиб қолди.

Ўзимга ўзим овоз чиқариб гапирдим:

— Менга нима йўқ бўлиб кетмайдими шу мусулмонлар! Уларни йўқ қилиш учун бирлашмадикми, салиб юришлар¹ қилмадикми? Мусулмонларни йўқ қилиш учун

қилиши ёки моддалар алмашинуви ўзгариши натижасида емирилиши ҳам дегенерация дейилади. Асарда эса инсон наслининг бузилиши маъносида келган.

¹ Салиб юришлари — 1096–1270-йилларда Ғарбий Европа зодагонлари ва католик черкови томонидан Яқин Шарққа (Сурия, Фаластин, Шимолий Африка) қилинган босқинчилик урушлари. Салиб юришларининг босқинчилик моҳияти диний шнорлар (ғайридинларга (мусулмонларга) қарши кураш ва “Худо қабри” ҳамда “Муқаддас ер”ни (Фаластинни) озол

уч марта уриниб кўрдик, аммо бўлмади.

Кейин ақлимга тўсатдан шу гап келди: Инжилда: “Душманингни ҳам севажаксан”, — дейлмаганмиди?.. У ҳолда “салиб юришлар” билан “душманингни ҳам севажаксан”нинг бир-бирига қандай уйғунлиги бор?..

Мен шундай деб ўйлаган бўлсам ҳам, ичимда мени безовта қиладиган бир савол бор эди. Нега биз уларни қарам қилишга уриняпмиз-у, улар бизни қарам қилишга уринишмаяпти.

Бундай қарама-қарши фикрлар билан кетаётганимда Абдулвахҳобни кўрган бекатга келдим. Бу сафар у битта йигит билан биргаликда автобусни кутиб турган экан... Олдиларига яқинлашдим:

— Келинг, сизни борадиган жойингизгача олиб кетаман, — дедим.

Абдулвахҳоб биров тортингандай бўлиб:

— Миннатдорман, Мария хоним, биз кутаётган автобус ҳозир келади.

— Келинг, келинг, ўтиринг, сизни еб қўймайман, дўстингизни ҳам чақиринг.

Икки ёш йигитни мажбурлаб машинамга ўтқаздим. Иккинчи йигит жуда самимий оҳангда саломлашди:

— Вой, бу сенмидинг, Мари... Салом! Ўша кундан бери сени қидираман.

Бирдан ўтирилиб орқага қарадим, гапирган йигитнинг юзига қараб, кейин таниб қолдим:

— А-а-а! Сени танидим, исминг нима эди? Меҳмет эмасмиди? Туркияликсан. Лекин инглизчани жуда ҳам чиройли гапирасан-да.

килиш) билан ниқобланган. Салибчилар, одатда, кийимларига салиб (хоч) белгисини тикиб олишган (юришларнинг номи шундан). Жами 8 марта салиб юришлари бўлган.

— Хотиранг жуда ўткир экан... Лекин менга ҳеч ҳам телефон қилмадинг... Биласанми, ўшанда сени ёқтириб қолгандим. Неча кунлаб исмингни тилимдан туширмадим, ҳатто касал бўлиб қолгандим.

Юқоридан пастга тушиш мени бироз безовта қилсада, бу жумлалар қулоғимга хуш ёққанди:

— А-а-а! Нима сабабдан? Биз сизга шунчалик яқин бўлмаган эдик-ку!

— Тўғри, менда сенга сўз билан тушунтириб бера олмайдиган бир ҳолат юзага келди.

“Мени рашк қилармикан?” — деб Абдулваҳҳобни кузатдим. Нега рашк қилиши керак? Ўйлаган аҳмоқона фикримни қаранг.

Меҳмет менга эътибор бериб, унга қўнғироқ қилишимни кутаётганидан жуда ҳайрон қолдим. Беихтиёр ўзимга номаълум бўлган бир туйғу билан ўзимни Меҳметга яқиндай ҳис этдим. Аммо хаёлимдаги қизиқ бир нарсани сезиб қолдим. Мен Меҳметдан Абдулваҳҳобни қидираётгандим. Меҳмет Абдулваҳҳобнинг нусхасига ўхшаб кўринган эди менинг кўзимга.

Абдулваҳҳоб мавзуни ўзгартирди.

— Сиз қаерда турасиз?

— Порзда... Сиз бир учида, биз эса бошқа учида.

Меҳмет менга қотиб қолганга ўхшаб қараб турарди. Ойнада қараб, унинг мендан кўзини узмаётганлигини пайқадим. Кейин кундалигидан мен учун ёзганларини ўқиб берди.

Меҳмет ўша кунни мен билан учрашиш учун бир кунни белгилашимни илтимос қилди. Хўп дедим. Чунки ўшанда Меҳмет менга ҳам ёққан эди. Шунингдек, менга бу қадар ошиқ бўлган инсонни ҳеч кўрмагандим. Мени деб касал бўлиб қолган инсонни ҳам биринчи кўришим эди.

Ҳафтанинг охирга куни учрашдик... Мени ёқтиришини айтди. “Лекин”, — дея гап бошлади у:

— Сен католиксан, мен художўй католик билан турмуш қуролмаيمان. Мен сизнинг ҳис-туйғуларингиз билан ўйнашишни хоҳламаيمان. Мен сенга жуда ошиқман. Энди нима қиламан — билмаيمان.

— Илтимос, сиқилма, Меҳмет. Дўст бўлиб қоламиз. Ёки сен ҳам Абдулваҳҳобга ўхшаган консервативмисан?

— Абдулваҳҳоб — яхши йигит. Лекин менинг асли кимлигимни яхши билмайди. Яна ҳам тўғрироғи, буларни гаплашишга ҳали вақт бўлмади.

— Менга ўзинг ҳақингда биров гапириб бер, Меҳмет. Мамлакатингиз, оилангиз, мақсадингиз ва фикрларингиз ҳақида гапир.

— Менинг ўлкам янгидан тикланмоқда. Мутлақо бошқа давлатга айланади. Инсон ҳаққига ҳурмат, адолат, тенглик ва тўғрилиқ... Менинг келажагим ҳам, ўлкам ҳам бошқача бўлади. Мамлакатни қайта қуриш учун қўйилаётган тамал тошининг биттаси бўлиш учун ҳаракат қиляпман. Бир кун сенга бизнинг Туркиямизни кўрсатаман. “Муъжиза”, — дейсан, “Туш кўряпман”, — дейсан. Жуда қисқа вақт ичида инсоннинг ақлига келмайдиган, қиёси йўқ ишлар қилдик.

Меҳмет таърифлагани сари тезроқ Туркияга боргим келарди. Бошқа бир оламдан, бошқа ҳаётдан гапирарди. Аммо менинг фикр-хаёлим Меҳмет илгари кимнидир севган-севмаганлиги ҳақида эди. Сўрадим: йўқ экан. Менга кўп илтифот кўрсатди, гўё мен билан қайта туғилганмиш ва яна нимадир... Абдулваҳҳобни ният қилиб, Меҳметга ошиқ бўлдим.

* * *

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Селин ва Софи билан суҳбатлашишга ҳам вақт ажратардим:

— Қалайсан, менинг қора марваридим, Сени анчадан буён кўрмадим... Аҳволинг яхшими?

У мени кўриши билан оқ марваридга ўхшаш оппоқ тишларини кўрсатиб, кулиб, бўйнимдан кучоқлаб олди:

— Яхшиман, Мария. Сенга катта раҳмат, энди қора бўлганим учун хасфа бўлмайман. “Мен қора марваридман”, — деяпман ҳаммага, — деди, менга оқ марварид каби оппоқ тишларини кўрсатиб.

Онаси ҳам тасдиқлади. “Энди қораман деб хафа бўлмаяпти”, — деди. Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Демак, хафа бўлганларнинг кўнглини кўтариш ҳам фойдали экан-да.

* * *

Орадан ҳафталар ўтди. Якшанба кuni бўлиши кутилаётган мажлисни баъзи сабабларга кўра бошқа кунга қолдиришибди.

Энди ҳар кuni ўқишга Меҳмет билан бирга қатнайдиган бўлдик. Унга жуда ҳам боғланиб қолгандим. Меҳмет Абдулваҳҳобга ўхшаб истарали эмас эди. Лекин кўнглимни кўтаришни амалларди. Уни кўрмасам, туролмайдиган бўлиб қолгандим. Унинг фикрларини яхши англай олмагандим. Англашни ҳам хоҳламасдим. Менга телбаларча ошиқ эди. Унинг севгиси иккаламизга ҳам етарли эди. Фақат у мусулмон эди. Бундан жуда хафа бўлар эдим. Меҳметнинг менга бўлган севгиси хафалигимни йўқ қиларди. Севгидан сархуш эди. Унинг муҳаббати мени ҳам ром қилиб олганди. Фақат ўртамизда дин муаммоси бор эди... “Мен художўй католик қизга уйланомайман”, — деган гапи хаёлимдан сира кетмасди. “Демак, у менга уйланишни хоҳлар экан-да”, — деб ўйладим. Ё у католик бўлиши керак

эди ёки мен мусулмон бўлишим керак. Сабрим чидамай бу вазиятни онамга ҳам айтдим. Ойим карахт бўлиб қотиб қолганди:

— Нима!? Яъни сен мусулмон бўлмоқчимисан?

— Худо асрасин, ойи. Мен ҳеч қачон мусулмон бўлмайман. Уни насроний қилмоқчиман. Аммо буни қандай қилишни билмаяпман.

— Ҳеч тўхтама, қизим. Битта мусулмонни насроний қилишдан ҳам ортиқ бахт бормикан бу дунёда — билмайман. Яхудийлар билан, буддавийлар билан, жойи келса, келиша олишимиз, биргаликда қарор қила олишимиз мумкин, лекин мусулмонлар тўнғизга ўхшайди. Вой, улардан ҳазар қиламан. Қизим, ўзингни кўрсат-чи. Меҳметни насроний қил, ғалаба бизники бўлсин!

— Ҳеч ҳам, хавотир олманг, ойижон. Мен, албатта, уни насроний қиламан ва биз никоҳимизни черковда ўқитамиз.

Меҳмет билан боғлиқ бутун хаёлларим биргаликда турмуш қуриш ҳақида бўлар эди. Энди Меҳметсиз ўтмайдиган бир оним ҳам йўқ.

— Сени бахтли қиламан, Мария. Сени рўёлар олами — ўлкамга олиб кетаман. Яп-янги бир дунё барпо қилганимизни кўрсатаман сенга.

Бу менга қилинган уйланиш таклифи эди. Меҳметнинг менсиз яшай олмаслигига энди, шубҳасиз, ишонардим. Менга ошиқ эди. Мени севарди. Аслида у билан бир ўлкага саёҳатга чиққанимизда танишиб қолгандик. Саёҳатдан қайтгач мени роса кидирганмиш. Биринчи кундаёқ мени севиб қолган экан. “Сенга уйланмасам, ўлиб қоламан, сенсиз яшай олмайман. Лекин ўртамингдаги тўсиқлар бор. Бу тўсиқлар бизнинг қовушишимизни хоҳламапти”, — дерди.

Яна у билан биргаман. Сайр қияпмиз. Бутун черковга ҳам бормадим. Эй худойим, мен қандай осий қизман. Илк учрашган кунимиздан унга рўйихушлик бердим-а. Йўқ! Меҳметга рўйихушлик кўрсатмаслигим керак.

Соат неча бўлганини сўрадим, кейин шошиб:

— Меҳмет, мен ҳозироқ черковга кетишим керак, улгуришим керак... Сен ҳам бирга борасанми? “Мени ташқарида — машинада кутасан”, — дедим.

— Албатта, кутиб тураман, Мариям. Сен хоҳласанг бўлди. Агар хоҳласанг, сен билан бирга кириб ўша маросимни ҳам томоша қилиб чиқаман.

Ўзимни хурсандчиликдан ақлдан озгандек ҳис қилардим. Энди бақирмоқчи эдим, ақлим бошимга келди. Бирдан ўзимни тўхтатиб қолдим. Оғирроқ бўлишим керак. Унинг черковга киришининг менга аҳамияти йўқдай қилиб кўрсатдим ўзимни ва:

— Албатта, хоҳласанг, майли, киришинг мумкин, яна ўзинг биласан. Балки, сен учун ҳам бир ўзгариш бўларди, — дедим.

Бирга черковга бордик. Черковда айтилаётган илоҳий ваъзларнинг биронтаси қулоғимга кирмасди... Ақл-хаёлим фақат Меҳметда эди. Меҳмет бутун борлиғимни эгаллаб олганди. Абдулваҳҳоб хаёлимга келиб қолса, тезлик билан уни хаёлларимдан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қилардим. Баъзида Абдулваҳҳоб хаёлимга келарди, лекин ундан ҳеч умидвор бўлмаганим сабабли уни ақлимдан чиқариб ташлардим. Ҳатто баъзан шунақанги ошириб юборардимки, насроний бўла туриб ўзимни мусулмондай ҳис қилардим.

Кечқурун уйга борганимда ойимга бўлиб ўтганларнинг ҳаммасини гапириб бердим. Ойим ҳам жуда хурсанд бўлди.

— Биринчи марта сенинг бунчалик ошиқ бўлганингни кўриб турибман... Севган одамнинг билан қовушишингни тилайман.

— Ойи, сиз ҳам севиб қолганмисиз?

— Мен... Мен ҳам севганман, лекин у бошқасини танлаган. Ўзинг яхши биласан: аёллар тез-тез эркакларни, эркаклар эса аёлларни тез-тез алмаштириб тургани учун ошиқ бўлишига улгурмасдик. Эркакларимиз ҳам шу. Аекин мен шунга қарамай ошиқ бўлиб қолдим. (Ойимнинг айтишича, олдинги замонда ғарбликларда ошиқ-маъшук бўлиб юриш мумкин бўлмаган экан. Энди замон ўзгарди...) Шунча юрганларимнинг орасида биттасига ошиқ бўлганман, кейин бошқа ҳеч ҳам севмагандим. Дадангни кўргач, яна севиб қолгандим. Сен менга қараганда севгини жуда ҳам қадрлаб, ўзингни хароб қиялпсан. Арзимаиди, қизим. Мусулмонлар сенинг севгингга арзимаиди. Жуда ҳам хавотирдаман, Мариям, жуда ҳам. Агар Меҳмет насроний бўлмаса!.. Баъзан жаҳлим чиқади: қаердан топдинг шу мусулмонни?

— Лекин улар севгилиларини рақс тушиши учун ҳатто бошқа эркакнинг қўлига тутқазиб қўйишмайди. Ҳанснинг қилиқларини тушунсангиз-чи. “Кўнгилахушлик учун бошқасини топиб тур”, — деди менга. Аммо бундай гапни биронта мусулмон асло айтмайди.

— Қизим, сен айтаётган мусулмонлар Куръон китобида қолиб кетган. Мусулмон давлатлари рақс тушаётганда хотинини бошқа эркакнинг қўлига тутқазадиган эркаклар билан тўлган. Улар кимлар, мусулмонлар эмасми?

— Лекин уларга рақсни биз олиб бордик. Шунингдек, улар Абдулвахҳоб каби мусулмон эмас. Мен унга ўхшаганларини яхши кўраман.

— Унисининг аҳамияти йўқ, ўрганмасинлар эди.

Аҳамиятлиси шуки, бизнинг маданиятимизни қабул қилганликларидир... Тўнғизларни қандай қилиб ўзимизга ўргатдик-а? Мени хафа қилган нарсаси, ўз динимизнинг бузилиши бўлди. Қанийди, улар ўзимизнинг маданиятимизни сингдирсак-да, лекин динимиз бузилмасайди! Уларнинг маданиятини биз хароб қилдик, лекин ундан олдин ўзимизнинг йўлдан чиқиб кетганимизни сезмай қолдик. Исо бизни кўрисин! Бунинг охири яхши бўлмайди. Эҳ, Ғарбдаги барча эркакларни Ҳансга ўхшатишинг нотўғри. Биласанми, баъзи эркакларимиз хотинлари ва севгилиларини рашк қилишади.

— Ойи, ўтмишни кўя турунг, ҳозир мен Меҳметни қандай қилиб қўндириб, насроний динига ўтказаман? Сиз менга шуни айтинг.

— Сен бу масалада епископдан ёрдам сўрашинг керак.

— Тўғри маслаҳат бердингиз, раҳмат ойижон.

Ўша кеча ҳеч ҳам уйқум келмади. Меҳметни насроний динига ўтказиш йўллари йўлаб чиқдим. Кечамда ҳам, кундузимда ҳам ҳаёлим Меҳметда эди.

Эрталаб нонушта пайти Селин билан ҳам, холам билан ҳам суҳбатлашиб ўтирдик. Ойим ногирон опасини жуда яхши парвариш қиларди. Мен эса Селинга қарардим, ҳатто у билан “хола-хола” ҳам ўйнардим.

Ҳали дастурхон бошидан турмаган эдик Билнинг севгилисидеми кириб келди. Тинимсиз йиғларди. Билдан ҳомиладор экан. Кечадан бери Билни тополмаётганмиш. Ўша кеча Бил ярим тунда маст ҳолатда уйга судралиб кириб келиб ухлаб қолганди. Уни зўрға уйқотгандик.

Деми ҳўнграб йиғлаб:

— Ҳомиладорман Бил. Нима бўлса бўлсин турмуш қурайлик. Оиламдагиларнинг тушунчаси бошқача. Ҳали

хам номус ҳақида ўйлашади. Ҳомиладор бўлганимни бил-
са, дадам мени яшатмайди!

Бил тутакди:

— Жинни бўлганмисан? Мен турмуш қуришни ўйла-
майман!

Билга биз ҳам ялиндик, ҳар гапирганимизда тута-
қиб кетарди, Деми ҳам йиғларди, ҳам гапирарди:

— Менга эришгунча: “Сенсиз дунё керакмас”, —
дегандинг. Ҳозир нега энди ўзгариб қолдинг, Бил?

Кейин йиғлай-йиғлай чиқиб кетди. Бил ҳеч нарса
бўлмаган каби хонасига чиқиб кетди.

Мана алданган қизларнинг дарди!..

* * *

Меҳмет бизникига келганда ойим унга тўнғиз гўшти
едирар, лекин бу сигир гўшти деб алдарди. Ойим бу ишни
қиларкан, мен эса ойимнинг бу ишидан хурсанд бўлар-
дим. Ойим шу орқали уни насроний динига ўтгандай та-
саввур қиларди. Аммо мен онамнинг бундай қилишларига
кейинчалик қарши чиқдим, чунки виждон азобида қийна-
лардим...

Меҳметнинг ислом динидан бироз чекинган менга
ёқарди. Чунки у исломнинг баъзи қоидаларига амал қил-
маётганлигини кўрардим: ароқ ичарди, рақсга тушарди.
Бу қилиғи мени яна ҳам жасоратлантирарди.

Ўзимни унга телбаларча ошиқ каби ҳис этарканман,
Меҳмет кутилмаганда тўсатдан Туркияга кетди. Тезда
орқага қайтишини айтди. “Онамни сенга уйланишимга
ҳозирлаб, кўниктириб бораман”, — дерди.

“Онасига мен ҳақимда айтар экан”, — дея жуда
хурсанд бўлардим... У мени хатсиз қолдирмайди, кейин
эса мени Туркияга чақириб, орзулар юрти бўлган ўлка-

сини кўрсатмоқчи эди.

Вазиятдан дадамни хабардор қилдим. Ярим тун бўлса ҳам, биз дадам билан ҳамон суҳбат қурадик.

Дадам менсимагандай қилиб:

— Меҳмет кетиб қолди, дегин. Хафа бўлма, қизим, яна бошқа Меҳметларни топасан.

— Лекин, дада... Мен бошқасини хоҳламайман. Уни насроний...

Ҳиқиллаб тутилиб қолдим. Бирдан асл мақсадим эсимга тушиб қолди. Ахир, мен ўзимни диндан чиққан қилиб кўрсатаётгандим-ку. Гапни бошқа ёққа бурдим.

— Мен уни ҳақиқий социал-демократга айлантirmoқчийдим... Табиийки, диний эътиқоди йўқ бўларди...

— Сенинг бир турк йигити билан учрашганингдан хурсандман. Сени Туркияга ўз одамимиз қилиб жўнатмоқчи эдик. Энди тезлаштиришга ҳаракат қиламиз. Биз берган топшириқларни бажариб, мақсадаримизнинг Туркияда ҳам амалга ошишга хизмат қиласан.

— Яъни мен Туркияда қоламанми?..

— Доимий эмас. Олти ой у ерда яшасанг, олти ой бу ерда яшайсан. Сени журналист сифатида Туркияга жўнатишни режалаштираётгандим. Чиройлисан! Жозибалисан. Агар Мустафо Камолни¹ қўлга олсанг бўлди, у ёғи осон кечади.

— Лекин мен Меҳметга хиёнат қилолмайман, дада. Асло бўлмайди...

Яна оғзим бўшлик қилди. Лекин сир бой бермасдан

¹ Мустафо Камол (1881–1938) — Туркия Республикаси асосчиси ва 1923–1938-йилларда Туркиянинг биринчи президенти, ҳарбий саркарда. Туркияда фамилия жорий қилингач, Буюк миллат мажлиси томонидан унга Огатурк фамилияси берилган. Истанбул инглизлар томонидан ишғол қилингач, барча ватанпарвар кучлар унинг атрофида тўпланган. 1922-йил охирида турк армияси Огатурк раҳбарлигида тўлиқ ғалабага эришган. Туркия республика деб эълон қилинди. Унинг таълимоти Туркияда отатуркчилик, Ғарбда эса камолизм деб баҳоланган.

бошқача қилиб тушунтира бошладим:

— Мен уни насроний қилмоқчиман. Кейин уни атеист қилмоқчиман.

— Ўтиқодинг учун, мақсадинг учун кимнидир қурбон қиласан. Бу — табиий ҳолат, Мария! Черков билан муносабатинг қандай? Черков тутган йўлингни ҳали ҳам билишмайди, шундай эмасми?

— Черковдан яхшигина совидим. Ўртамизда қолсин-у, дадажон, ойим хафа бўлмасин деб, якшанба кунги маросимларга бориб турибман. Лекин шу маросимларни мутлақо бемаъни деб биламан.

— Баракалла, қизим... Ақлли одамнинг Инжилга эҳтиёжи йўқдир...

Қулай вазият келгани учун пайтдан фойдаланиб, бояги хатомни тузатиш учун гап бошладим.

— Йўқ, дадажон, фикримдан қайтдим, Меҳметни насроний қилиб ўтирмасдан, балки тўғридан тўғри атеист қила оламан.

Отам қувонч билан бош ирғади ва давом этди:

— Кейин сенга худонинг ҳам кераги бўлмайди. Нега унинг учун сиқилиб юришинг керак.

Охирги айтилган гаплардан рангим оқариб донг қотиб қолган эдим. “Сенга Худонинг кераги бўлмайди”, — дегани нимани англатади? Мен нафас олаётган тоза ҳаво, ичаётган сувим, мени кўтариб турган шу замин, қуёш, ой, юлдузлар, ноз-неъматлар... Ҳаммаси Оллоҳники эмасми? Оллоҳ бизга берган бу неъматларини қайтариб олса, ҳолимиз нима кечади. “Ақлли одам Инжилга муҳтож эмас”, — дегани нимаси энди. Инсон онги яхши биладими ёки Худоми? Демак, ёшларни мана шундай гаплар билан диндан чиқаришаётган экан-да. Энди тушунгандим улар бошлаган ишларининг сирини.

Дадамдан кўнглим муздай қолгандай ҳис этардим ўзимни. Лекин унга қарши чиқолмасдим. Уларнинг ташкилотига кириб олишим учун булар зарур эди.

Бу орада ёнимда турган укам Бил ёнимда аҳмоқона тиржаярди:

— Мен сенга нима дегандим, Мария, сен художўй бўладиган қолоқ қиз эмассан. Ана энди ўзингга келяпсан.

Сездириб қўймаслик учун уларга қаттиқ тайинладим: — Ойимга айтиб қўйманг, — дедим, — ойимнинг хурматига черковга боряпман.

Бил билан дадамнинг хурсанд бўлишини бир кўрсангиз эди. Худди осмонда учаётгандай эдилар.

Эртаси куни бу аҳволни ойимга айтиб бердим:

— Эҳтиёт бўлинг, ойижон, ҳеч нарсани сездириб қўйманг.

Ойим яна жинни бўлаёзди: — Хоин тўнғизлар!.. Қизимни ҳам ўзларига ўхшаган осий бўлади деб ўйлашдими?

Кунларим дадам билан ойимнинг ўртасида айғоқчилик қилиш билан ўтаётганди... Меҳметдан хат келишини кута бошлаган эдим. Одам севиб қолса, туйғулари ўзгариб қолар экан, иложи йўқ ишларни ҳам қилар экан. Уч кун бўлди кетганига. Қандай қилиб дарров хат ёзади?

Бир неча кун ўтгач кутилмаганда Меҳмет телефон қилиб қолди. Фақат ойим менга бермай гўшакни қўйиб қўйди. Роса йиғлагандим, аммо на чора. Меҳмет ҳам қайтиб яна бир марта телефон қилмади. Бир ҳафтадан кейин хат келди. “Севгилим сени жуда ҳам соғиндим, кейинги ҳафта бораман”, — деб ёзганди.

* * *

Мусулмон қўшнимиз полицияга тушганидан кейин анча вақтдан бери жанжал қилмаётганди. “Ўрганган

кўнгил ўртанса қўймас”, — деган гап бор халқимизда. Кеча яна хотинини калтаклаганмиш. Хизматкоримиз полиция чақирганмиш. Ойим севинчидан туриб ўйнаганмиш. Фақат бу оқшом немис қўшнимизнинг уйдан жанжал шовқини эшитилгач, ойимнинг кайфияти бузилди:

— Балки, бирон жойга ўт кетгандир, хабар олиш керак, — деганди.

Аслида ёнғин чиқмаганини ўзи ҳам яхши биларди. Аёл эса тинимсиз: “Мени қутқаринглар”, — деб додларди.

Борсак, турк қўшнимиз ҳам ўша ерда экан. У немис аёлни немис эрининг қўлидан қутқараётган экан. Буни кўргач ойимнинг кайфияти яна ҳам тушиб кетди. Немис аёлни қутқариш учун полиция чақирдим. Бунинг учун ойим мени роса уришиб берди. Бу ишим билан насронийларни шарманда қилибман.

Мусулмонларнинг олдида насронийларнинг камчилигини беркитишим керак экан. Беркитадиган нимадир қолганмикан?

* * *

Ўзимдан жаҳлим чиқа бошлаганди. Қани, Меҳметни ислом динидан чиқарганим? Бунинг учун эътиборсизлик қилиб, ҳеч қандай ҳаракат қилмагандим. Ўйлаб-ўйлаб ахири Меҳметни ислом динидан чиқариш йўлини топган эдим. Бунинг учун ислом динининг энг мантиқсиз, замонга тўғри келмайдиган қоидасини топиб Меҳмет келгач ундан сўрашим керак эди. Меҳмет бунга жавоб тополмагач, аста-секин ислом динидан кўнгли совий бошлайди. Йўлини топганим учун ўзимни ўзим мақтаб, ўша кеча мириқиб ухлагандим.

Эртаси куни биринчи ишим черковга бориш бўлди.

Порздаги Марям она черкови епископи¹ жуда яхши одам эди. Унга ниятимни айтган эдим, мени епископларнинг хонасига бошлаб борди. Битта стулни кўрсатиб:

— Қани, ўтиринг-чи, бўтам, сизни нима қийнаяпти?

— Ҳурматли епископ жаноблари. Мен бир йигитни севаман, аммо у йигит мусулмон. Мусулмонлар билан турмуш қуришга черков рухсат бермайди. Осий бўлишни ҳам истамайман. Шунинг учун мен у ёш йигитни насроний динига киргизмоқчиман. Менга ёрдам беришингизни хоҳлайман.

— Қандай ёрдам?

— Менга ислом динидаги энг ёмон, одамларни тескари қилиб ташлайдиган қоидаларни ўргатинг. Унга шундай савол берайки, жавоб тополмай қолсин. Лекин мен берадиган саволларнинг жавоби бизнинг муқаддас китобимизда бўлиши керак. Шунда мен ҳам мақтаниб: “Сизнинг динингизда бунинг ечими йўқ, аммо бизнинг динимизда ечими бор”, — дейишим керак. Бизнинг динимизга ҳавас қилсин. Бунинг учун унга қандай савол берсам бўлади? Сиздан шу масалада ёрдам керак. Менга ислом динининг камчиликларини топиб беринг.

Епископ Адольф бироз ўйлади:

— Савол керакми? Шундоқ ҳам уларнинг динида мантиқсиз, бўлмағур қоидалар кўп.

— Масалан, қайси бири, епископ жаноблари?

— Масалан, ундан тўртта аёл ҳақида сўра. Ишон: у сизга жавоб беролмайди. Уйланишга рухсат берилганини сўрасанг, жавоб тополмайди. Пайғамбарлари ҳам кўп хотинга уйланган. Ушбу замонавий дунёда бундай динга

¹ Епископ (юнонча: episkopos — нозир, назорат қилувчи) — православ, католик, англикан черковларида олий мартабали рухонийлардан бири, черковга қарашли маъмурий-худудий бирлик (спархия) бошлиғи.

ишониш оқилона бўладими?

— Жуда яхши, епископ жаноблари. Зўр савол экан. Меҳмет бу саволга жавоб тополмай ерга қараб қолади. Мантиқий, изоҳли жавоби йўқми бу саволнинг?

— Асло! Бу саволга мантиқий изоҳ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!!!

У ердан хурсанд бўлиб чиқдим. Машинамга ўтириб тўғри уйга кетаётган эдим ва тўсатдан хаёлимга бир фикр келди. Бу саволнинг жавобини Абдулваҳҳобдан ҳам эшитгим келди. Бу билан битта ўқ билан иккита куён овлаган бўлардим ҳамда унга қандай таъсир қилишини кўрардим.

Яхши ҳамки, Меҳмет бир куни Абдулваҳҳоб яшайдиган ётоқхонани кўрсатган экан. Уни топишим қийин бўлмади. Нимагадир совуқ кутиб олди мени. “Бу йигит жозибам таъсирига тушиб қолишдан кўрқса керак”, — деб ўйладим ўзимча. Мен билан самимий гаплашишдан ҳам тортинарди.

Мени ётоқхонанинг меҳмонлар учун ажратилган хонасига таклиф қилди. Хонасига киргизишга жасорати етмади. “Менга ташланиб қолади”, — деб кўрқдим дейман? Тан олишим керак, Меҳметни жуда севишимга қарамай Абдулваҳҳобни кўриб қолсам ёки уни эсласам, беихтиёр юрагим тез уриб қоларди.

Ҳар доимгидек олийжаноблик билан сўради:

— Марҳамат, Мария хоним! Сизни эшитаман.

— Мени бир савол қизиқтириб қолди, Абдулваҳҳоб. Сизнинг динингиздаги баъзи нарсаларни билишни хоҳлайман.

— Бу қизиқишингизнинг сабабини билсам бўладими?

— Шунчаки қизикдим. Масалан, сизнинг динингизда бир нечта никоҳга рухсат берилган. Ҳатто тўрттагача

уйланиш мумкин экан. Бундай бемаъни динни нега қабул қилгансизлар? Пайғамбарингиз ҳам кўп хотинли бўлган экан. Шундай пайғамбарнинг ҳам орқасидан эргашасизларми?

Ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди:

— Бўлмаса сизнинг пайғамбарингизнинг орқасидан эргашайликми? Нима дейсиз?

Ҳайратландим. Сездирмасликка ҳаракат қилдим. Лекин озгина хурсанд ҳам бўлгандим, албатта. Берган саволим шунчалар тез таъсир қилганлиги учун.

— Албатта, жуда яхши бўларди — дедим.

— Агар бунинг мантиғини ахтарсак, охирини тополмаймиз. Сизнинг пайғамбарингиз умуман уйланмаган. Унинг мантиғига қарасак, унда ҳеч ким уйланмаслиги керак, тўғрими? Демак, у сизлар таърифлаганингиздек, Худо эмас — у пайғамбар! Уни илоҳийлаштириб унга туҳмат қияпсизлар. Биз Исо алайҳиссаломга ҳам иймон келтирганмиз. Мен ўз эътиқодим йўлидаман. Айтинг-чи, одамлар турмуш қурмай ўтишлари керакми бу дунёдан?

Яна ҳайратим ошди. Тўғриси айтсам, суҳбатнинг бу нуқтага келишини ҳеч ўйламагандим. Дарҳақиқат, бу бизнинг ақлимизга шу пайтгача ҳеч келмаганди. Тутила-тутила жавоб бердим.

— Йўқ, турмуш қуришлар керак. Исо уйланишни тақиқламаган.

— Бизнинг Пайғамбаримиз ҳам битта никоҳни тақиқламаган. Ҳаттоки, зино қилмаслик шарти билан ҳеч қачон турмуш қурмасликка ҳам рухсат бор.

— Лекин сизнинг динингизда хоҳлаган одам тўрт марталаб уйлана олади.

— Кел, бу масалани шошилмасдан муҳокама қиламиз. Пайғамбаримизнинг кўп никоҳлари ўша даврга кўра

турли сабабларга асосланиб қурилган. Ўша пайтларда кўпчилик эркаклар эллик-олтмишта аёлларга эгалик қилишарди. Ислом дини ҳали келиб бўлмаганди. Ер юзига ёйилмаган эди. Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам 53 ёшларигача ўздан ўн беш ёш катта, икки марта турмуш кўрган Ҳазрати Хадича билан яшаганлар. Ҳазрати Хадича онамиз ўн беш йилдан кейин: “Мен қариб қолдим. Сиз бошқа биттасига уйланинг”, — дейди. Лекин Пайғамбаримиз ёш бўлсалар ҳам бошқасига уланмаганлар. Чунки пайғамбаримиз ўз шахвати учун уйланадиган одамлардан бири эмас эди. Агар нафсини ўйлаганида атрофида шунча ёшгина қизларнинг бўлишига қарамай йигирма беш ёшигача бўйдоқ юрмасдилар. Ҳарамга кирган бўларди. Ўз нафси учун уйланиш гуноҳ ёки айб эмас. Буларни эса уларнинг ўз нафси учун кўп хотин олмаганига далил келтириш учун айтяпман. Ўйлаб кўрсангиз-чи, бизнинг пайғамбаримиз йигирма беш ёшларида икки марта турмуш қурган қирқ ёшдаги Хадича онамизга уланган. Ҳазрати Хадича онамиз ўлгунича бошқа хотинга уланмаган. Ҳазрати Хадича онамиз олтмиш етти-олтмиш саккиз ёшларида вафот этганлар. Ўйибор қилинг, Хадича онамиз етмишларга бориб қолганда, Пайғамбаримиз эллик ёш бўлишига қарамай бошқасига уланмаганлар. Ҳазрати Хадича онамиз ўлганларидан кейин бир неча йил ўтиб Ҳазрати Ойша онамизга уйланадилар. Кейин ўша замоннинг шартларига кўра бир нечтасига уйланадилар. Эрлари ўлдирилиб, хотинлари бева бўлиб қолган аёллар, унинг ҳимоясига киришни хоҳлашган. Арабларнинг одатига кўра эри бор хотинга гап отишмасди. Қари аёллар ҳам унинг ҳимоясига киришни исташган. Битта уйда яшамасалар ҳам “Расулуллоҳ Муҳаммаднинг завжаси фалончи”, — деб аташларини хоҳлашарди. Айниқса, душма-

ни бўлган қабилалардан қиз олиб улар билан қариндош бўлишган. Арабларда бунга катта аҳамият беришар эди. Бир нечта қабилалар: “Муҳаммад биздан қиз олди, у бизга қуёв бўлди”, — деб мусулмон бўлишган. Ҳатто онажоним ҳам: “Америкаликларнинг мусулмон бўлишига ишонсам, эримни Америка президентининг қизига уйлантириб қўярдим”, — дерди. Мусулмон аёлларининг ягона ғояси эрлари эмас, эътиқодлари эди. Эътиқодлари ҳурматига эрларининг бошқа хотин олишига рухсат беришади.

Буларни эшитиш хаёлимдаги барча режаларни бузган эди. Охирги ҳамламни қилиш учун сўрадим:

— Унда ҳозирги эркакларнинг тўртта хотин олиши шарт эмас, тўғрими?

— Шундоқ ҳам Қуръон китобида: “Тўртта хотин олишингиз шарт”, — деган амр йўқ, бунга фақат рухсат берилган. У ҳам шароитга қараб ўзгарадиган бир ҳолат. Шундай эркаклар борки, уларга икки хотин тугул битта хотин олишга ҳам рухсат берилмаган. Бундай гапларни бирдан тушунишингиз қийин, албатта. Бунинг учун исломий таҳсил олиш керак. Энди иккинчи саволингизга келсак. Оллоҳ Қуръонда: “Сиз учун энг хайрлиси битта хотинликдир”, — деб буюрган. Шундоқ ҳам эркаклар биттадан ортиқ хотинга уйланишмайди. Бу математик жиҳатдан ҳам, мантиққа қўра ҳам, моддий ва маънавий томондан ҳам тўғри келмайди.

— Қанақасига?

— Эшит, ҳозир ҳисоблаб бераман. Айтайлик, Ер юзидаги инсонлар исломий асосларга қўра яшаяпти, дейлик. Дунё аҳолиси сони тахминан беш миллиард бўлди дейлик. Ҳар бир эркакнинг тўрттадан хотинга уйланиши учун бир миллиард эркакка тўрт миллиард аёл керак бўлади. Ҳозирги замонда бунга имкон топиладими? Йўқ. Мод-

дий томондан имконсиз. Эркаклар ва аёллар сони ҳисобланса, аёллар сони эркакларга қараганда икки-уч миллион кўп чиқиши мумкин. Шунда ҳам ҳар бир эркак эмас, баъзи бир эркакларгина иккита хотин олиши мумкин.

Абдулваҳҳоб шунча нарсани тушунтиргандан кейин қарши ҳужумга ўтди:

— Энди мусулмон бўлмаганларни кўрайлик. Никоҳларига олмасалар-да, кўпгина лаицизм аристократлари ёки бошқалари никоҳсиз яшашади. Уларнинг камида ярми ўз ҳаётларини битта хотин билан ўтказмайди. Аёллар ҳам умрининг охиригача битта эркак билан яшашмайди. Ислоҳ динига кўра эркакларга кўп хотин топилмаслиги мумкин, лекин Ғарб маданиятига кўра эркаклар оилали аёллар билан ҳам алоқа қилиши, хоҳлашса ўнталаб хотинлар билан алоқа қилавериши мумкин ва қилишяпти ҳам. Ғалати томони: аёлларнинг ўнталаб кундоши бўлишини тақиқламаган маданиятни танқид қилмайсиз-да, кўп хотинлилик мингтадан биттага тўғри келадиган, ислоҳ дини руҳсат берган ҳаётни танқид қиялмасизлар. Шунингдек, ислоҳ динига асосан туғилган боланинг ҳамма харажатлари отанинг бўйнида бўлади. Бирга яшасалар ҳам, ажрашиб кетсалар ҳам. Лекин ривожланган мамлакатда ношаръий туғилаётган болаларнинг кўпчилиги ўз оталари кимлигини билмайдилар. Нега энди, ҳайвонларникидан ҳам баттар бўлган маданиятингизни муҳокама қилмайсизлар? Ўша болалар бунга лойиқми? Айниқса, битта эркакка бир кечада ўнта аёл киритилгани ҳақида Инжилда айтилган воқеани биласизми? Билмайсиз. Ҳа, майли, гапирса гап кўп. Сизларда саноғи йўқ кундошлар, отасиз болалар... Бизда эса никоҳнинг сони бор, болаларнинг отаси бор. Қайси бирида инсонийлик бор?

Нима дейишни ҳам билмасдим. Гапи тўғри эди. Ҳеч

ким эътибор қилмаса-да, бир-бирларига хиёнат қилишадди. Битта эркак, балки, юзларча аёлларнинг ҳаётига киргандир. Аёллар эса эркакларнинг... Менинг дадамнинг ҳам кимлиги ҳам аниқмасдир, балки.

Епископ мени алдабди... “Бу саволнинг мантиқли изоҳи йўқ”, — деганди. Лекин Абдулвахҳоб мантиқли далиллар билан изоҳлаб берди.

Афсусланиб яна епископнинг ёнига бордим. Жуда ҳам хафалигимни айтиб ёлвордим:

— Жаноб епископ! Менга ҳеч қандай изоҳи бўлмаган далиллар топиб беринг. Кўп хотинлик масаласи ўтмади.

Епископ бошини қашлади. Бироз ўйлаб олгач бошқа масалани ўртага ташлади:

— У ҳолда мени яхшилаб эшит. Ислом динида закот масаласи бор. Бизнинг ўйлашимизча, Пайғамбар закотни ўз фойдаси учун жорий қилган. Йўқса нега ўз-ўзидан бунни ўйлаб топади? Чунки ўшанда Хадичанинг пуллари тугаб қолади. Нима қилишини билмаган айёр Муҳаммад, дарҳол: “Оллоҳ буюрди”, — деб ўзига пул тўплашнинг йўлини топган.

— Ўх-хў, бу зўр масала бўлди. Дарҳол бунни айтиб, уни бурчакка тақаб кўяман!

Епископ эса бу йигитдан бироз ҳузурсиз бўлганди, шунинг учун: — Мария, унинг олдига бормаганинг яхши эмасми? — деди.

— Йўқ, жаноб епископ. Меҳмет қайтгунча жуда яхшилаб тайёрланиб олишим керак. Уни насроний динига киргизмасам, қандай қилиб турмуш қураимиз?

Ҳаяжон билан машинамни ўт олдирдим-у, Абдулвахҳобнинг ёнига кетдим. Яна ўша жойда ўтирдик. Ўзимга ишончим комил бўлгани учун дадил сўрадим:

— Сизнинг пайғамбарингиз динингизни ўз фойдаси

учун қўллабди.

— Йўғ-ей! Қандай қилиб билдингиз буни?

Кайфиятим тушиб кетди. Чунки бу сафар мени ўққа тутаётганди, фақат сездирмасликка ҳаракат қилиб:

— Йўқ, йўқ, янглишдим. Ҳали саволимни бермадим-ку.

Ўзимдан ҳам берадиган саволимдан ҳам кўнглим шунчалар тўқ эдики, жойимда туролмаётгандим ва:

— Нега закот деган нарсани ўйлаб топди Муҳаммад? Пули тугаб қолган, шунинг учун, тўғрими? — дедим.

Мени одоб билан тинглагач гап бошлади:

— Эй, Исо ва Марямни бутга айлантириб, кейин ўша бутларга сиғинган қиз! Сен билан танишган илк кунимиз жанжал билан бошланган эди, ҳар ҳолда, бу сўнгги кунимиз, жанжал билан тугамас, иншооллоҳ. Мени диққат билан эшит ва шуни унутмаки, ислом дини сенинг епископинг тушунтирган дин эмас. Ислом Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам тарғиб қилган диндир. Яхши ниятли насроний руҳонийлар ислом динига оид бор ҳақиқатни билишади. Лекин сенинг ўша ақлли епископинг бу масалада ҳам бир хатога йўл қўйди. Ислом динида Пайғамбарнинг закот олиши тақиқланган. Ҳатто оила аъзоларининг ҳам закот олиши тақиқланган. Агар хоҳласанг, мисол келтиришим мумкин. Бир кун закот қилиб тарқатилиши учун пайғамбаримизнинг уйига ташлаб кетилган хурмодан бир донасини ҳазрати Ҳасан олади. Пайғамбаримиз ўша бир дона хурмони едирмаган ҳазрати Ҳасанга. Ҳазрати Ҳасан пайғамбаримизнинг невараси.

Иккинчи марта ҳайратим ошиши эди:

— Нима... Нима дедингиз? Яъни закот олиш пайғамбарга мумкин эмасми?

Мен сиқилиб турарканман, у ўзига ишонган ҳолда

жавоб берди:

— Ҳа, афсуски, шундай, Мария хоним. Лекин бошқа мусулмонларнинг камбағалларига берадиган закоти ҳаром эмас. Динимиз одамларга сахийликни тавсия қилади. Закот ҳалол ёрдам фондидир. Камбағалларнинг бойларнинг молидан оладиган ҳаққидир. Бойларнинг бойлик солиғидир. Камбағал учун эса ҳалолдир. Лекин бойлар закот бермаса, бу закот бойлар учун ифлос пулга айланади. Ислом олами буни нотўғри тушунади. Агар ҳамма бойлар закотга қўшиб солиқ ҳам тўлашса, дунёда камбағал қолмасди. Бутун муаммо — шундай тизимни ўрната билишда. Баъзи жоҳил одамлар камбағалларга бериладиган закотни ҳаром пул ҳисоблашади. Ахир, бу пуллар камбағалларники, нега ифлос бўларкан? Кечирасан, мен қаерларга кетиб қолдим-а, сени қизиқтирган нарса бу эмас эди-ку. Эшит, буюк Оллоҳ оятда нима демоқчи: “Оллоҳ фазл-у қарами билан ато қилган нарсаларининг (закотини) беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунда бўйинларига илон бўлиб ўралажак (Барча жонли ва жонсиз нарсалар кетар ва) осмонлар-у ер мерос бўлиб Оллоҳнинг ўзига қолур. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир”. (Оли Имрон сураси 180).

“...Дунё матоси озгинадир. Оллоҳдан қўрққан кишига охират яхшироқдир. Сизларга хурмо данагининг ичидаги қилчалик зулм қилинмас...” (Нисо сураси 77-оят).

Абдулваҳҳоб Қуръон оятларини ўқиётганида жуда самимий ва хушмуомала эди.

Сўнгра давом этди:

— Ҳа, биз шунга эътиқод қиламиз. Намозни вақтида

адо қилганлар, закот бериб, бошқа амалларни ҳам жойида бажарганлар энг кичик зулми ҳам кўрмайдилар. Лекин Оллоҳнинг Пайғамбарига туҳмат қилганлар бор-будини берсалар ҳам дўзах азобидан омон қолмайдилар. Ўзлари буюк ислом динига ишонмайдилар, ишонмагани етмагандай, Ислом динининг камчиликларини қидиришади. Эшит, бу ҳақда Оллоҳ Иброҳим сурасида нимани буюради: "...Кофирлар шундай одамларки, инсонларни Оллоҳ йўлидан қайтаришга уринадилар, Ислом динидан хато қидирадилар. Улар ҳақ йўлидан йироқда бўлган гумроҳдирлар..." (Иброҳим сураси 3-оят).

Ҳижр сурасининг иккинчи оятига кулоқ солсак, эшитамизки, у кун, яъни қиёмат куни инкор қилувчилар: "Кошки, биз ҳам мусулмон бўлсайдик", — дейишади. Ислом дини заҳматсиз тез ўрганиладиган дин эмас. Сен ҳам мусулмон бўлмасанг, ўша куни пушаймон бўласан.

Ақлим талатўп бўлиб қолган эди. Қуръон ўзимни ўзимга англатаётган эди... "Ўша кофирлар шундай одамларки, инсонларни йўлдан урар, ислом динидан хато қидирар", — дер эди. Худди мен... Ҳа, ҳа мени айтаётган эди Қуръон. Мен атайлаб хато ахтарар, ҳатто хато топишга буюртма бераётган эдим. Мен, ҳа менман бу! Чунки мен ислом динидан хато ахтараётган эдим.

Жуда ҳам таъсирланган эдим. Дарҳол ўзимга келиб, бу шунчаки тасодиф деб ўзимга ўзим тасалли бердим. Епископдан жуда қаттиқ ғазабландим. Мени Абдулвахҳобнинг олдида юзимни ерга қаратиб, хор қилиб, хижолатда қолдирган эди. Йиғлаганча чиқиб кетиб яна черковга бордим. Епископ кетган экан... Ғурурим поймол бўлиб, қадрим тушгандай бўлди. Бунини епископга ҳам айтолмадим. Ўзимни замонавий, Абдулвахҳобни жоҳил деб ўйлаганимда ўзим жоҳил бўлиб қолгандим. Кўз ёшимни тия ол-

май анчагача кўчаларда тентирадим. Мен тенгдошларим орасида динимга ишонган ягона қиз эдим. Самимий эдим. Кечагача жаҳл қилиб, пастга урган одамларим олдида ўзимни жангда мағлуб бўлган қўмондонга ўхшатардим.

Кўп йиғлаганимдан кўзим қизариб кетган, шекилли, эшикни очган дадам нега йиғлаганимни сўради. Мендан хавотир олди. “Мазам йўқ”, — деб қўйдим. Тўғри ётоқхонамга кетдим. Бўкириб-бўкириб йиғладим. Меҳметнинг келишига уч кун қолгани учун куяйми ёки бунақа шарманда бўлганимни ҳазм қилолмаганим учун куяйми?

Лекин мен буни шундай қолдирмайман. Қарор қилдим. Эртага бошқа епископга бориб ундан энг ишонарли саволлардан топиб ўша зоти паст мусулмонга бориб айтаман. Уни тилим билан ҳақорат қилса ҳам, қалбим ҳақорат қилмаётган эди. Бу қандай ҳол? Юрагимда унга нисбатан яширин ҳамда жуда яширин қизиқиш бор эди. Ўзимдан яширсам ҳам, аслида, бир ҳақиқат эди.

* * *

Ҳар замонда Софини кўргани бориб тураман, Селин билан ҳам кўришиб тураман. Фақат онаси калтакланган Усмондан ҳеч ҳам хабар олмасдим.

Ўғил бола онасини ҳақорат қилган ва калтаклаган отадан нафратланса, бошқа эркаклардан ҳам нафратланар экан. Бир марта: “Эркак бўлиш ёмон, мен қиз бўламан”, — деганди. Бола хаёлот дунёсида ўзини қиз боладай тасаввур қилаверса, жинсий гармонлари қиз бола каби шаклланиб қолар экан.

Буни унинг золим дадасига гапириб бердим:

— Хоҳласанг, гапимни эшит; хоҳламасанг, эшитма, — дедим.

Дадаси жуда таъсирланди.

— Бундан кейин боланинг ёнида хотинимни асло калтакламайман, — дедим.

— Ҳеч қаерда ҳеч қачон калтакламасдан ҳам яшаса бўладими? — дедим.

— Албатта, яшаса бўлади, — деди.

* * *

Меҳмонхонамизда ўтказилиши режалаштирилган якшанба мажлисининг бошланишига ҳам оз қолган эди. Ойим билан турадиган жойимни ҳал қилиб соат ўн бирларда уйдан чиқдим. Дадам ва Бил билан хайрлашдим. Дадам жуда ҳам тушунган одам. Менга ҳеч қачон ҳеч нарсани тақиқламаган.

Тушдан кейин бошланадиган мажлис учун ҳозирданоқ мўлжаллаган ерга кириб жойлашиб олишим зарур. Улар кундузги дам олиш хонада ўтиришганида мен орқа эшикдан кириб, мажлис ўтказиладиган хонага кириб ўз жойимни эгаллаб олгандим. Сем бошқасини ҳақиқий отам бўлса ҳам “дада” демайман, шунинг учун уни бу жирканч ишлардан қутқаришни хоҳлардим. Ҳақиқий отам бўлмаса ҳам. Аммо баъзан ҳақиқий дадамнинг кимлиги ҳақида гумонлар мени тарк этмай қоларди.

Дадамнинг қандай жирканч ишлар қилаётганини бугун билиб оламан. Фақат, мажлисда айтиладиган гаплардан эшитадиганларимдан тушкунликка тушиб қолишдан қўрқаётгандим. Ҳаяжоним босилмай юрагим қинидан чиққудай бўлиб тез-тез ура бошлади. Бир-икки соатдан кейин ҳаммасини билиб оламан. Ниҳоят, мен кутган он келди.

Меҳмонхонамизнинг ўнг қисмидаги йиғилиш иштирокчилари ўтирадиган саҳннинг тагига яширинганман. Худди тушимда кўрганимдагидай. Нақ бошим устида

дадамнинг оёқ товуши эшитилди. Микрофонни тўғрилаётган эди. Бил унга ёрдам бераётган эди. “Гапириладиган гапларни ташқаридан бошқа биров техник мосламалар ёрдамида эшитмасин”, — деб, микрофонга мусиқа улаб қўйишар экан.

— Бил, ўғлим, шу томонга бориб эшитиб кўр-чи, овоз яхши боряптими?

Бил кўрсатилган жойга бориб дадамга белги беряпти, шекилли.

Дадам:

— Бир икки... алоқа... мени яхши эшитяпсанми, Бил?

Микрофон ишини ҳам ҳал бўлганди. Вой юрагим... Эй қалбим... Исо, Марям ҳаққи, секинроқ. Бунчалар тез урма, юрагим! Мени эшитиб қолишса, ўламан!

Бил дадамга савол берди:

— Дада! Нега юзта одам қатнашса ҳам Марияга йигирма беш киши дедингиз?

— Кўп одам келишини бирон жойда гуллаб қўйса, биз учун яхши бўлмайди. Биз ҳар доим яширин ва усталик билан ишлашимиз керак. Келганларни нима учун орқа эшикдан бештадан қилиб чиқариб юборишимни ҳали ҳам тушунмадингми? Художўй аҳмоқлар бирон жойда йиғилиш ўтказиб, тарқалишаётганда ҳаммаси бирдан чиқиб кетади. Биз эса уч-беш киши бўлиб тарқаламиз. Шунинг учун фаолиятимизни бошқалар асло сезишмайди. Кўп ишлаб, озга эга бўлаётгандай кўринишнинг фойдаси катта. Тўдалашиб юриш зарар беради. Уларга имкон бермаслик керак. Ақлли одамлар ишларининг сирини бегонага билдирмайди.

— Дада! Мария бу ишлар ундан сир тутилаётганидан ғазабланияпти. Бунақада уришиб қоламиз. Унга ҳам

айтсак-чи?

— Гапинг тўғри, лекин мени шубҳалантирган нарсаси бор. Мария ўта художўй. Сени онангининг таъсиридан кутқардим, лекин Марияни кутқаролмадим. Мария сирдан воқиф бўлгач биронта руҳонийга айтиб бериши мумкин. Кейин режамиз чиппакка чиқади. Бироз сабр қил. Бир кун Мария ҳам художўйликдан воз кечади. Ўшанда унга ҳам топшириқ берилади. Бекорга шунча ўқитяпманми уни? Ривожланган маданий ҳаёт учун у ҳам хизмат қиладди. Лекин қиз бола бўлгани учун ташкилотнинг режаларига қўша олмаймиз. Аммо уни диндан чиқариш учун ҳаракат қилишимиз керак. Уни Туркияга тайёрлаяпман.

Бу гапларни эшитганим яхши бўлди. Демак, дадам яширин режаларини мендан яширяпти. Қизик, у қандай сир экан-а?

Айни вақтда меҳмонхона одамлар билан тўлган эди. Тирқишдан меҳмонхонани кўряпман. Қойил! Нақадар жимжитлик — сукунат бор бу ерда. Юқори даражадаги учрашув...

Эшикдан кираётганларни бирма-бир кўриб турардим.

Уларнинг паспортлари ва ушбу ташкилот томонидан берилган рухсатномаси текширилди. Буюк Британия, Франция, Америка, Жазоир, Германия, Миср, Корея, Эрон... Қойил, Саудия Арабистонидан ҳам келганлар бор! Сурия, Ироқ ва Туркиядан келганлар ҳали жуда ёш экан.

Иштирокчиларнинг исмлари ва юртларининг номи бирма-бир ўқилди. Ғалатиси шу эдики, диндан чиққанлар, мутаассиблар ва маданий инсонлар бир мақсад учун бирлаша олган эди.

Йиғилишни Франция вакили очди. Ғоятда маданий савияли, меҳмонларга илтифот кўрсатиб, топширилган ишларни яхши бажаришганини, уларнинг ҳар биридан

фахрланишини айтди ва мисол келтирди. Ислом давлатларидаги бурнини ҳам кўрсатмай ўраниб юрган аёллар эндиликда эркакларнинг ёнида чўмилиш кийимида юришаётган экан. Бу ҳолат бўйича Туркия биринчи ўринда эканини айтиб уларни мақтади. Тинимсиз ислом давлатларида бажарилган ишларидан гапириб берди. Энди билсам, маданиятли қилиш дегани фақат аёлларнинг очик-сочик юриши экан. Эронда қилинган ишлардан хурсанд бўлишди. Шоҳ Муҳаммад Паҳлавийни¹ роса макташди. Нотик анча гапирди, нутқи тутагач давомли оққишлар билан жойига ўтирди.

Минбарга француз чиқди. Гапларининг ҳаммасини ҳам яхши тушунолмадим, лекин менинг ишимга ярайдиган фикр берди:

— Дўстлар! 1789-йил биз учун қайта туғилиш ҳаракатидир. Катта мақсадни кўзлаб йўлга чиқдик. Худди шу тезликда тартибли ва режали ишимизни тўхтамасдан давом эттирсак, араб ва турк халқининг жилови қўлимизда бўлади... Биз учун қайта туғилиш бўлган 1789-йил инқилоби соясида черковларни қўлга олдик деса бўлади. Ислом дунёсини ҳам ишғол қилишимиз мумкин эди, фақат ислом динида ибодатхоналарни вайрон қилиш камлик қиляпти. Қуръон деб номланган китоби бор уларнинг. Бу китобни уларнинг қўлидан олиб қўйишимиз керак. Лекин ҳали ҳам Қуръонни йўқ қилолмадик. Биз ҳамма нарсани қилдик, лекин нима учун буни қилмадик — билмайман. Энди биз янги стратегия орқали уларнинг Қуръонга бўлган ишончини йўқотишимиз керак. Биз ҳамма нарсани

¹ Муҳаммад Ризо Паҳлавий (1919–1980) — 1941–1979-йилларда Эрон шоҳи, бош қўмондон. Паҳлавийлар сулоласи асосчиси Ризошоҳ Паҳлавийнинг ўғли. Отаси Ризошоҳнинг истеъфосидан сўнг тахтга ўтирган. 1979-йилда тахтдан ағдарилган ва мамлакатдан қувгин қилинган.

қилдик, лекин нима учун буни қила олмадик — билмайман. Бу борада Жазоир, Миср, Сурия ва Туркияда катта ютуқларга эришилди. Мустафо Камол жуда ақлли президент. Унинг ёрдами билан Туркия замонавийлашди. Туркияда жуда яқин вақтда Европа даражаларига кўтарилади. Кўрасиз, йигирма беш-ўттиз йил ичида барча чегара-ю тақиқлар олиб ташланади ёки бизнинг раҳбарлигимизни тан олишади ва биз бунга эришамиз... Биз бу мамлакатда “Керима Нодир” гўзаллик танловини ўтказдик.

Мен мавзуни аста-секин тушунаётгандим. Ростини айтганда, бу жуда зарарли нарсас эмас эди. Улар ўша пайтдаги менинг нуқтайи назаримдан яхши гапиришди. Аммо черковга душманлик қилишлари яхши эмас эди.

Ниҳоят, отам минбарга чикди. Ўзига ишонч билан гапира бошлади:

— Биродарлар! Дўстларимиз ҳам таъкидлаганидек, замонавий дунё учун қилган ишларимизни қиёси йўқ — уларни баҳолаб бўлмайди. Энди: “Мен атеистман, фикр эркинлигини ёқлайман”, — деб бемалол айтадиган ўқитувчилар ва давлат хизматчиларининг сони кўпайган. Менимча, бу ҳолат сизнинг мамлакатларингизда ҳам худди шундай ривожланиб бормоқда... Жазоирлик дўстимиз ўз мамлакатада бу масалада қандай ишлар амалга оширилгани ҳақида ҳисобот берадими?

Инглиз тилида хирқироқ овозда гапира бошлаган жазойирликнинг нутқини жуда қийинчилик билан эшитдим. Аммо, барибир, унинг гаплари тушунарли эди.

— Бизнинг мамлакатимизда атеизм ғоя ҳали жуда ривожланмаган. Биласизми, гарчи французлар бизнинг мамлакатимизда бўлса ҳам, мутаассиблик устунлик қилади. Жазоирнинг баъзи мусулмонлари ўз динларига жуда

содикдирлар. Улар бизнинг тамаддунизмизни ёқламадилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ислом динининг қудрати қораланмади. Улар мамлакатимизни мустамлакачиликдан қутқариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг халқимиз, айниқса, ёшлар французларга ҳавас қилишади, лекин улар биз хоҳлагандай динидан воз кечмадилар. Лекин шунга қарамай, менда яхши янгилик бор. Агар французларга бўлган ҳаваслари нафратга айланмаса, жуда қисқа вақтда Жазоир француз маданияти билан таъминланади. Фақат ягона хавф бор: кучли художўйларнинг: “Французлар дўст эмас, кўзингизни очинг. Мусулмон бўлмаган биз билан дўст бўлолмайди”, — деб халққа таъсир ўтказишяпти. Бундай инсонларининг кўпини ёлғончига чиқардик. Улар яна ҳам кўп ҳаракат қилишиб, халққа таъсири ортяпти. Ёшларда динини ҳимоя қилаётган мусулмонларга қаршилик кўрсатишга эътиқодлари кучли. Шу боис уларни художўйлардан нафратлантира олдик. Келажакда Жазоирда араб ёки динга тааллуқли ҳеч нарса қолмайди. Художўйларни яхшилаб чалғитдик. Албатта, баъзан алданиб қолган жойларимиз ҳам бўляпти. Шунча уринсак ҳам баъзи ёшларни диндан чиқаролмаяпмиз. Агар яхшилаб ҳаракат қилсак, уларни ҳам қутқарамиз.

Яна қарсак чалишди. Ўтирган араб ҳам ўз юртига сотқинлик қияпти. Қуръонда тўғри айтилибди. Мусулмон бўлмаган мусулмон билан дўст бўлолмайди. Залдаги ҳолатда мен ҳам кўрдим бунини. Ким ёзган экан-а бу китобни? Мақсадни аниқ кўрсатган, жуда маъноли.

Дадам энди мисрликдан сўради:

— Сизда аҳвол қанақа?

Мисрлик ҳам ўз юртини сотганлар орасида эди:

— Бизнинг юртда ҳеч ким: “Мен диндан чиқдим”, — деб айтолмайди. Айтмайди ҳам. Лекин одамларнинг кўп-

чилиги диндан чиқа бошлаган. Тилларида айтмасалар ҳам, ислом дининг кучи деярли қолмаганлигини амаллари билан кўрсатишяпти. Баъзи бойларнинг дарвозасида турадиган қоровуллари бетонда ётишади, хўжайини уларга битта кўрпа ҳам бермайди. Агар ўша одам художўй бўлганда эди, уларга еганидан едирар, кийганидан кийдирарди, бетонда ётқизмасди. Англаган бўлсангиз, одамларнинг диний қоидалари йўқолган. Фақат Миср хур ўлкага айланыпти. Бу биз учун жуда ёмон. “Ислом динида босим кўп”, — десак, ҳеч ким ишонмаяпти. Чунки қанча мачит бўлса, шунча черковлар қуриляпти. Шу Ҳасан ал-Банно¹ пайдо бўлмаганида ҳаммаси яхши бўлаётган эди. Фақат 2000-йилгача нима бўлишини билиш қийин. Агар “Мусулмон биродарлари”² ташкилоти яхши ривожланса, ҳаммаси ўзгариши мумкин. Чунки Миср ёшлари биз кутгандан ҳам кучли чиқишди. Шунча тажовузга учрасалар ҳам, ўлдириб юборилсалар ҳам, барибир, ўз динларидан чиқмадилар. Биз қойил қолдик уларга. Афсуски, сизларга ваъда беролмайман.

Навбат Туркияга келган эди. Яна ўз юртини сотганлардан бири сўзга чиққан эди:

— Бизда инглизлар босимидан, кечирасиз, ёрдами йўқ. Лекин халқимиз европаликларга жуда ҳам катта ҳавас билан қарашяпти. Ислом динидан хато топишимиз

¹ Шайх Ҳасан ибн Аҳмад ал-Банно (1906–1949) — мисрлик сиёсатчи ва ислохотчи.

² “Мусулмон биродарлар” — диний-сиёсий ташкилот. 1928-йилда Мисрнинг Исмоилия шахрида Шайх Ҳасан ал-Банно раҳбарлигида тузилган. Ташкилотнинг мақсади мусулмон ўлкаларда “исломий адолат” тамойилларига асосланган жамият барпо этишдан иборат. Унинг фаолияти кенг ижтимоий катламларни камраб олган бўлса-да, ташкилот аъзолари талаба ёшларни ўзларининг асосий зарбдор кучи деб ҳисоблаганлар. Ҳасан ал-Банно вафотидан сўнг “Мусулмон биродарлар” фаолияти янада сиёсийлашиб кетган. 1950-йиллардан бошлаб “Мусулмон биродарлар” ҳаракати экстремистик фаолияти учун фақат Мисрда эмас, балки бошқа давлатларда ҳам гайриқонуний деб эълон қилиниб ман этилган. “Мусулмон биродарлар” ҳаракати Миср, Сурия, Иордания ва Ливанда фаолият кўрсатиб, бу мамлакатлардаги сиёсий жараёнларга катта салбий таъсир қилган.

билан оммага тарқатяпмиз. Уларга афюн бердик. “Динни ўрганма, агар ўрганиб бажармасанг, гуноҳкор бўласан”, — дедик. Бу бизга анча қўл келди. Бизнинг одамлар жоҳил. У ҳар бир эшитган нарсасига тадқиқотга эҳтиёж сезмасдан ишонади. Шунинг учун бизда замонавий дунёқараш ўз самарасини беряпти. Ислоннинг камчиликларини қидираётган ёшлар гуруҳи ҳар куни нималарнидир топишяпти. Биз бу камчиликларни ҳар хил йўл билан ёшларнинг қулоғига эшиттиряпмиз. Жуда катта ютуқларга эришяпмиз. Сизга бурнигача ўранганлар юртидан битта газета олиб келдим. Шу газетага қаранг, ярим яланғоч қизлар гўзаллик танловида қатнашяптилар. Марҳамат, “Миллият” газетаси... Қуръон таълимоти асосида вояга етган юртимиз қизларининг, ёқаси ва елкаси очиқ аёлларнинг расмини газеталарга чиқиши катта ютуғимиздир. Ўлкамиз деярли очиқ-сочиқ юрадиганлар оломонига айланмоқда. Дадам айтарди: “Юртбошимиз Отатурк қатъий фармон чиқарган. “Коммунизм ва шариатни қаерда кўрсангиз, йўқ қилинг”, — деб. Халқимизда ислом билан шариат битта деган дунёқараш бор. Шариатни йўқ қилиш учун ҳамма нарса қилишяпти ва бу, албатта, ислом динига таъсир қияпти. Дўстларимиз Отатуркка бир илтимос билан чиқишган. Агар буни урдасидан чиқишса, биз зафар қозонамиз. Лекин кайфиятимни туширадиган гап эшитиб қолдим. Отатурк Қуръон тафсири ёздирадиганмиш. Биз: “Уни диндан чиқардик”, — деб хурсанд бўлиб юрганимизда, унинг Ҳамди Язир исми исломшунос бўлганлиги бизнинг умидларимизни пучга чиқаради. Энди бошқача стратегик харита чизмасак бўлмайди. Яширин ҳаракат қилишимиз керак. Агар режамиз ўртага чиқиб қолса, улар бизни йўқ қилишади. “Ёзувчиларимиз ҳам замонавий бўлиш учун Туркияни европаликларга ўхша-

тиш учун ҳаракат қилишяпти”, — деган эди отам. Яширинча жуда кўп ишларни амалга оширдик. Кинолар суратга олдик. Очиқ-сочиқ юрган қизларни киноларда, телеканалларда ҳар хил хабарларда кўрсатиб халқимизнинг кўзини мослаштирдик. Ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Интилиш кучли. Аҳамияти катта ишларни амалга оширдик. Мусулмонни мусулмон билан душманга айлантирдик. Биттаси эътиқод қилганига иккинчиси бўйсунмаса, душманга айланишади. Ҳолбуки бундай гап исломда йўқ. Бир-бирларига бўлган ишончни йўқ қилдик. Жуда катта ишлар қилдик. Университетларда ҳам ислом динини камситадиган ҳофизлар тайёрладик. Ҳақиқатан, кўп ишлар қилдик. Ҳали келажакка олиб қўйган ишларимиз ҳам бор.

Залда яна қарсақлар жаранглади. Европаликларга ўхшашни тарғиб қилиб асар ёзган ёзувчилар олқишландилар. Шунинг билан, Европага ўхшаш диндан чиқиш билан баробар эди. Абдулваҳҳобнинг нима демоқчи бўлганини энди тушундим. “Европанинг никоҳсиз туғилган болалари бор-будимизни тортиб олиб, ғуруримиз билан ўйнашяпти”, — деганди. Шунинг билан, “никоҳсиз туғилган болалар” деган атама дунёнинг ҳамма жойида бор экан.

Дадам яна гап бошлади:

— Ҳақиқат шуки, Туркияда, Ироқда, Ливияда, ҳамма ислом дунёсида катта ишларни амалга оширдик. Олдимизда бизни катта вазифалар кутиб турибди. Мустафо Камолни инглизлар томонидан мукофот билан тақдирлашимиз керак. Шу йўл билан инглизларга шафқат туйғусида бўлишади. Турк халқи ғалаёнга келиши керак. Булар режамизда бор. Энди энг асосий мавзуга ўтсак. Сизларга бутуннинг маърузасини ўқиб бермоқчиман. Бунинг устида яхшилаб ишласак, Ислом дунёсининг динга оид бор

давлатдан юзтадан одам чақирсак, етади. Кейин улар меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари учун мукофотланадилар. Уларга докторлик унвони ёки бирон медаль бердикми — тамом... каклик тўрға тушди деяверинг. Фақат исломий идроки кучлиси бўлмасин. Иймони кучли бўлса, унга мукофот берсак ҳам, саройда яшатсак ҳам, бизга фойда бермайди.

Вой худойим! Бу қандай мудҳиш режа режа!

Бир лаҳза залга сукунат чўкди. Қизиқ, бу қандай сукунат бўлди? Ўтирган жойимдан ўнг томондаги охириги ўриндик кўринмасди. Ҳамма ўша томонга қараётганди.

Яна дадамнинг овози эшитилди:

— Сизлар бунинг учун нималар қилдингиз? Бизга бу ҳақида бир нечта мисоллар келтира оласизми?

Қайси давлатдан келганини билмайман, ўнг томонимдан менга кўринмаган одамнинг овози эшитилди:

— Албатта... Ғурур билан айтаман. Инқилобларга фақат ёзиш ва нотиклик билан эришилмайди. Халқ орасидан қаҳрамонларни излаб топиш керак. Масалан ўтган йил кўкрагини газетачига кўрсатган роҳибага матбуот уюшмаси номидан жасорат медали бердингиз. Барча газеталар “жасур роҳиба” деб уни мақтаб мақолалар ёзишди. Бу билан мингларча ёш қизларни жасоратлантирддингиз. Биз ҳам шу йўлдан давом этяпмиз. Аёллар ҳуқуқлари ҳақидаги фильмда суратга тушган аёлга ечингани учун кино уюшмаси томонидан мукофот бердик. Мукофотдан ташқари: “Жасоратли, баракалла, танасини кўрсатишдан қўрқмайди”, — деган шиорлар айтилди. Бу билан юзларча актёр-у санъаткорларга ечиниш жасоратини бердик. “Руҳонийнинг севгилиси” романи муаллифига ҳам чиройли мукофот берилди. “Руҳонийлар тўполон кўтармасин”, — деб, унинг ҳам йўлини қилдик. Газеталарда:

“Ҳозирги замон руҳонийлари руҳонийнинг севгилиси романига жуда яхши муносабат билдирдилар. Фикр эркинлигини ҳурмат қилишларини айтдилар”, — деб ёздик. Мана шу иборалар руҳонийларни сокинлаштирди. Бу гапдан кейин қайси руҳоний қарши чиқади? Агар бош кўтарадиган бўлса, миллатчиликда айбашларидан қўрқади... Мусулмон художўйларига ҳам худди шундай психологик йўлни қўлласа бўлади. Энг яхшиси, ҳар бир ўлка халқининг онгига икки хил дунёқараш бердингизми — марра сизники бўлади. Биттаси — “тафаккури кенг художўй”, иккинчиси — “миллатчи художўй”. Бундан кейин художўйлар ўзларини тафаккури кенг художўй қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар, бунинг учун ҳамма нарсага тайёр бўладилар. Ҳар бир соҳада бунга ўхшаган мисолларни кўпайтириш мумкин. Энг диққатни тортувчи мисоллардан биттаси отасиз фарзанд дунёга келтирган аёлларни ёқлаб мақташдир. Агар, биронта баччавозни ўртага чиқарсак, унга: “Қаранг мен баччавозман, ҳеч кимдан яширмайман”, — деб айттиролсак, халқ олдинига бош кўтариб қаршилиқ қилади, вақт ўтиши билан қулоқлари ўрганиб қолади ва баччавозларга безътибор қарай бошлайдилар. Халқ буни қабул қилган кун марра бизники ва сизники бўлади... Шарқдаги ва Европадаги ҳамма дин тутатилади. Ҳаммамиз бирлашамиз. Бунинг учун олдин инқилобга эришишимиз керак. Одамларни секин-секин тайёрлаб боришимиз керак. Хуллас, дўстлар Ер юзида дин деган тушунча қолмайди. Европа маданиятига хос дўстлик ва биродарлик бутун дунёга кенг ёйилади. Бешинчи ва энг зарур бўлган масала шуки, энди учинчи дунё мамлакатларига оғир саноат ишлаб-чиқаришига имкон бермаймиз. Уларни йиғма монтаж ишлари билан машғул қилиб турамиз. Мана, масалан Туркияда самолёт ишлаб-чиқа-

риш корхонаси қурилиши мўлжалланган эди, аммо Америка олиб қўйди. 1926-йилда корхона мутлақо тугатилади. Фақат Туркия оёққа турмасин деб. Американинг бу қилигидан ўз манфаатимиз йўлида фойдалансак бўлади. Учинчи дунё халқлари битта нарсага ишонишлари керак: “Бизнинг ўлкамиз орқада қолибди, дин бизни қолоқ қилиб ташлабди”, — деб. Ҳеч кимнинг ақлига ҳам келмайди бунинг ўйин эканлиги. Майли, даврамизда олға қараб интилишимиз учун ҳар хил паст ишларга рухсат берилган. Яна учинчи дунё одамлари шунга ишонишлари керак: “Биз ҳеч қачон самолёт машина ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширолмаيمиз”, — дейишлари керак. Улар халқ истеъмоли ишлаб чиқариш корхоналарини ишлатишлари керак. Ўйлаб кўринг, юз тонналаб пахта етиштирувчи инсон, неча йиллаб ишлагандан кейин бор-йўғи битта дона самолёт олиши мумкин. Халқнинг қувватини тугатиш керак. Бир қанча ўлкалар уйғонгунча социалистик, замонавий ва илғор Европа давлатларига ҳаваслари ошади. Биз ҳеч иккиланмасдан уларнинг орқада қолиш сабабларини ислом динига тўнқадикими — бўлди, ишимиз битади. Шундоқ ҳам аёлларнинг очиқ-сочиқ юришларида катта натижага эришдик. Унутманг, замонавий ривожланиш йўлида аёлларнинг бошларидаги ёпинчиқларини олдингизми — энди ич кийимларини кўрсатиб юришларига ҳам эришасиз. Бунинг ҳаммаси бизга боғлиқ. Хурматли меҳмонларимиз хафа бўлмасинлар. Олдин ўзимиз уларга ўрнак бўлишимиз керак. Шундоқ ҳам сизнинг ўлкангиз бизники бўлади, бизнинг ўлка эса сизники бўлади-ку...

Бундай суҳбатнинг охири кўринмайдиганга ўхшарди.

Энди уларнинг гапи меъдамга тега бошлаганди.

Дадамнинг режаси тугай демайди. Ким томонидан тузилган бўлса, жуда ҳам мукамал режа эди.

Ниҳоят танаффус берилди. Тамадди қилиб олиш учун меҳмонхонанинг орқа томонига ўтдилар. Менинг ҳам қорним очди, ҳам жуда ҳам чанқаган эдим. Кўнглим айниб, ҳушимдан кетаёзгандим. Бошқа чидай олмасдим. Қарасам, ўриндиқларда ҳеч ким кўринмаяпти, ҳаммаси тамадди қилиш учун чиқиб кетган, шекилли. Жойимдан сакраб турдим-да саҳннинг орқа томонидаги эшикдан ўзимни ташқарига отдим.

* * *

Дадамнинг ниятини англаганим сари мен кўрқардим. Эшитганларимнинг ҳаммасини ойимга гапириб бердим. Ойим кўпроқ ислом ўлкалари билан шуғулланишаётгани учун унча эътибор қилмади. Мен эса икки кунгача ўзимга келолмадим. Демак, дунё кутилмаганда ўзидан ўзи динсиз бўлиб қолмаган. Бунга эришиш учун хизмат қилганлар эса ўз улушини оларди.

* * *

Роҳиба Элизанинг ёнига бордим. “Менга ислом динининг камчиликларини айтинг”, — дедим. Ниятим нима эканлигини тушунтирдим, албатта. У менга: “Исломда эркак аёлининг вужудини кўрмасдан бирга бўлсин” деган оят бормиш, жуда ҳам кулгили, шу сенга етадимми?” — деди. Ҳеч вақт ўтказмасдан Абдулваҳҳобдан буни ҳам сўрадим. Менга шунақанги ачиниш билан қарадики, ўзим хайрон бўлиб қолдим.

Абдулваҳҳоб бу сафар жуда қисқа гапирди:

— Мария хоним, сен жуда ҳам ақлли, ёш қизсан ҳамда университетда ўқийсан. “Бундай бўҳтонни, ўта

пасткашлар, атеист ёки даюслар, дин душманлари айтишлари мумкин”, — деб ҳеч ўйлаб кўрмадингми? Шуям гап бўлдим? Исломи дини эр-хотиннинг бир-бирига ўраниб эмас, балки жозибали кўринишлари учун ҳаммасига рухсат берган. Сенга нотўғри йўл кўрсатибди.

Яна мени ҳайрон қолдирди. Яна ғуруримни оёқости қилгандай бўлдим. Ўзимдан уялдим. Ўйга боришим билан хонамга кириб кетдим. Мен тушган бу ҳолат жуда ачинарли эди. Шунчалар кўп йиғладимки, сўз билан тушунтириб беролмайман. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибман.

Ўйгонганимда ойим ёнимда ўтирган экан. Уни кучоқлаб яна йиғладим ва:

— Тасаввур қияпсизми, ойижон, оддий бир мусулмон мени қандай эзди. Ачинарли ҳолатда тушдим. Руҳонийлар, роҳибалар исломни тан олмаслик учун нотўғри маълумотларга таянишадими? Ҳайратдаман, ойи, нима қилишимни билмай ҳайронман. Меҳмет насроний динига ўтмаса, тамом бўламан? Усиз яшай олмайман, ойи! Руҳонийларнинг берган маълумотларидан Меҳмет насроний бўлмайди.

Бирдан ҳаёлимда янги фикр пайдо бўлди. Жойимдан туриб деразанинг ёнига бордим. Ойимга ўгирилиб ғазаб билан ҳаммасини гапириб ташладим:

— Ёки менга тўғри йўл кўрсатишади, ёки мен черковдан бўйин товлаб, осий бўлишга ҳам тайёрман.

— Сен бундай қилмайсан, сени яхши биламан. Қаердаги жоҳил мусулмонни деб Исони, Марямни хафа қилмайсан. Худони хафа қилмайсан, бир эркак учун Инжилни сотмайсан.

Мен бироз ҳаддан ошгандим. Ҳовуриمدан тушиб, сал ўзимга келгандай бўлдим. Бўлмағур гапларни гапирганим нимаси?

— Албатта, сотмайман, ойижон. Менинг гапларимга эътибор қилманг. Бемаъни гаплар гапирдим... Жуда ҳам ҳурмат қилган ўша епископдан жаҳдим чиққанди.

— Тавба қил, Мария! Епископга тил теггизма.

Ўзимни тутолмай бақриб ташладим:

— Ойи! Епископга тил теггизганим йўқ. Дилдаги ғазабим тилимга чиқиб кетяпти. Атайин қилаётганим йўқ.

— Тарбиясизлик қилма! Ғазаблансанг ҳам епископни ҳақорат қилишга ҳаққинг йўқ!

— Ойи! Епископ ҳам, роҳиба ҳам мени шарманда қилишди. Жаҳд қилишга ҳам ҳаққим йўқми? Тушунсангизчи, битта мусулмоннинг ёнида мени пастга уришди. Эртага бош епископ...

Бирдан дадамни эшик ёнида турганини кўриб қолдим. Дадам нимани гаплашаётганимни билмади-ю, аммо епископга қарши исён қилганимни эшитибди. Чехраси очилиб, хурсандчилигини сездирмасликка ҳаракат қилиб жавоб берди:

— Гапинг тўғри, қизим. Руҳонийлар ва бошқа ҳудожўйларга ақли гап гапирдингми — сендан ёмони йўқ. Дарҳол исён қилишади. Ҳар бири гўё бир пайғамбар, гўё бир худо бўлиб олишади.

Дадамнинг гапларидан ҳам ғазабланардим, аммо жим турардим.

Ўша кеча яна ухлай олмадим... Сал кўзим илинди дегунча, тушимда ўзимни Абдулвахҳобнинг ёнида шарманда бўлган ҳолатимни кўрардим.

* * *

Ниҳоят бош епископнинг ёнига бораман. Қалбим ҳаяжондан чирпинарди. Қизиқ, менга қандай маслаҳат берар экан, нима дер экан?

“Шу ҳолимга қаранг”, — дердим. Қуръон китобида ёзилганидек, Ислом динининг хатосини қидираётгандим.

Кўп ўтмай бош епископ келди. Ўрнимдан турдим. “Ўтир”, — деди илтифот билан, ўтирдим. Ҳаммасини бошидан охиригача гапириб бердим. У ҳам сабр билан эшитди... Гапим тутагач, қаҳқаҳа отиб кулди ва ўзига бўлган ишонч билан жавоб берди:

— Бекорга шунча сиқилибсан, Мария. Мен сенга шунчалар мукаммал маълумот бераманки, ўша бола сенинг ёнингда бир дақиқа ҳам туролмайди.

— Вой, ростданми, жаноб епископ? Тангри сизни қўрисин! Мени хурсанд қилдингиз.

— Биринчи бўлиб у билан Қуръонни муҳокама қил. Тангри Инжил турганда нега бошқа китобни юборсин? Муҳаммад Қуръон сўзларини Инжилдан қўчириб олган. Улар бу сўзларни оят деб аташади. Сен олдин шуларни муҳокама қил. Иккинчи ва жуда керакли масала — аёлларга нисбатан қилинган ҳақсизликлари. Ўзинг ўйла, мероснинг яримини аёлларга, ҳаммасини эркакларга беришади. Яъни аёллар бир ҳисса, эркаклар икки ҳисса олишади. Бунинг сабаби эса шуки, мусулмонларнинг шариатига кўра, аёллар ярим одам деб қабул қилинган. Шунинг учун меросни ярим олишади.

Булар жуда зўр маълумотлар эди. Абдулваҳҳоб энди бунга жавоб топиб беролмайди. Меҳметни унутиб Абдулваҳҳобни нишонга олгандим. Қўрққанимдан яна сўрадим:

— Епископ жаноблари, башарти бунга ҳам жавоб берса-чи.

— Бўлиши мумкин. Лекин мантиқли жавоб топиши қийин.

— Ҳа, гапингиз тўғри, ҳақлисиз. Инжил бўла туриб нега Қуръон китобини туширди экан-а? Мерос масаласи

ҳам жуда керакли масала.

— Икки хотин ҳисобига битта эркакни гувоҳ қилиш масаласи бор. Бир эркакнинг ёнида иккита хотин гувоҳлик қилади. Муҳаммад таълимотида икки аёл битта эркакка тенглаштирилади.

— Ҳақиқатан ҳам? Ҳақиқатан ҳам, Қуръонда шундай дейилганми?

— Худди айтганимдай. Қуръонда аёлларни камситиш ҳолатлари бор...

— Ана энди Абдулваҳҳобни паришон қиламан. Аҳмоқ Абдулваҳҳоб аёлларнинг шунчалик ҳўрланишига қандай кўз юмган экан-а.

Қай тарзда бош епископга ташаккур айтиб, қандай қилиб у ердан чиқиб кетганимни эслолмайман. Машинамни катта тезликда ҳайдаб, Абдулваҳҳобнинг ёнига учиб келгандим. Ҳалокатга учрашимга ҳам сал қолганди ўшанда. Ҳаяжондан машинани ўт олдирганда қўл тормозини туширишни унутган эканман.

Ётоқхонага етиб борганимда Абдулваҳҳоб эшик ёнида турган экан. Мени кўриб ҳайрон бўлиб қолганди.

— Тинчликми, Мария хоним! Яна нима бўлди?

— Бу сафар сен карахт бўлиб қоласан. Кел, хоҳласанг, биронта кафега бориб ўша ерда суҳбатлашамиз.

— Кафегами? Йўқ, бўлмайди. Кел, яхшиси, ётоқхонанинг меҳмонлар учун ажратилган хонасида ўтирамиз.

Ўзимча: “Сенинг ҳозир кунингни кўрсатаман”, — дедим. Хурсанд эдим. Бунга қарши изоҳ топиши мумкин эмасди.

— Абдулваҳҳоб! Қуръон Оллоҳнинг сўзи эмас экан, шуни билармидинг?

Масхараомуз оҳангда сўради:

— Йўғ-ей! Буни қандай кашф қилдингиз?

— Сиз Инжилнинг Оллоҳдан келган китоб эканлигига ишонасизми?

— Албатта, ишонаман! Аммо ҳақиқий Инжилга ишонаман.

— Агар Оллоҳдан келган экан, нега Оллоҳ битта юборган китобининг орқасидан яна Қуръонни юбориши керак?

— Сиз Тавротга¹ ишонасизми?

— Албатта.

— Унда нега Таврот бўла туриб Инжил келган?

Бирдан бошимга болға билан бўлди. Нима дейишимни билмасдим. Жим туришни танладим.

У гапида давом этди:

— Таврот бўла туриб Инжилнинг тушиши, Инжил бўла туриб Қуръоннинг тушиши суннатдир. Ҳаммасидан олдин Эллик саҳифа² бўла туриб, Ўн саҳифа³; Забур⁴ бўла туриб, Таврот туширилганди... Оллоҳ ҳар бир умматини

¹ Таврот (яхудийча: “тора” — таълимот, қонун) — иудаизм динининг муқаддас китоби. Таврот 5 та китобининг (Ибтидо, Чикиш, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонуннинг) умумий номи. Иудаизм ва ислом ақиқаси бўйича, Таврот Аллоҳнинг Мусога Жабронил орқали туширган китоби. Кўпинча у “Мусо қонунлари” деб ҳам аталади. Қуръонда Таврот ҳақида бир қанча оятлар бор. Қуръонга кўра, Инжилдаги каби Тавротда ҳам яҳудийлардан бўлмаган Аҳмад исмли пайғамбарнинг дунёга келиши ҳақида айтилган. Мусулмон адабиётида “Қадимги аҳд”да учрайдиган барча китобларни Таврот деб атайдилар.

² Эллик саҳифа — Оллоҳнинг томонидан Шис алайҳиссаломга туширилган илоҳий саҳифалар.
³ Ўн саҳифа — 1) Оллоҳнинг Одам алайҳиссаломга туширган илоҳий саҳифалар (айрим манбаларда Одам алайҳиссаломга йнгирма бир илоҳий саҳифалар туширилганлиги ҳақида ҳам маълумот бор); 2) Оллоҳнинг Иброҳим алайҳиссаломга рамазон ойининг илк кечасида туширган илоҳий саҳифалар. 3) Оллоҳнинг Мусо алайҳиссаломга Тавротдан олдин туширган илоҳий таълимот. (Бизнингча, адиб 10 саҳифа деганида Иброҳим алайҳиссаломга ёки Мусо алайҳиссаломга туширилган саҳифаларни назарда тутган. Валлоҳу аълам бис-саваб (Тугрисики Аллоҳнинг ўзи билади). Одам алайҳиссаломга, Иброҳим алайҳиссаломга ва Мусо алайҳиссаломга (Тавротдан олдин) илоҳий саҳифалар туширилгани аниқ, лекин саҳифаларнинг сони ҳақида ишончли маълумотни топа олмадик. Уларга илоҳий саҳифаларнинг туширилганлигининг исботи тариқасида эса Қуръон китобида келтирилган қуйидаги маълумотни тақдим этамиз: “Дарвоқе, бу (оятлар) аввалги (пайғамбарларга нозил бўлган) саҳифаларда — Иброҳим ва Мусо саҳифаларида (ҳам) бордир”. (Аъло сураси: 18–19-оятлар. Шай Абдулазиз Мансур таржумаси ва тафсири)

⁴ Забур — Довуд алайҳиссаломга туширилган самовий китоб.

бошқа шариат билан, яъни ҳуқуқ билан имтиҳон қилган. Аммо асосий қоидалар Ҳазрати Одам алайҳиссаломдан бери ўзгармаган... Бешинчи синфни битириб, олтинчи синфга ўтган ўқувчи ҳар хил китоб ўқиб имтиҳон топширади, аммо асосий қоидалар, ҳарфлар бир хиллигича қолган ўзгармайди. Бу масала бўйича бешта китоб ёзса бўлади. Буларнинг ҳаммасини ҳозирнинг ўзида беш дақиқа ичида тушунтириш қийин. Шунини билишингни хоҳлардим: Қуръон ўздан олдин келган ҳамма китоблар ичида устундир. Қуръон Инжилнинг, Тавротнинг тўлдирилган, бойитилган нусхасидир. Инсонлар Оллоҳга қарши нонқўрлик қилиб исён кўтардилар. Забурга, Тавротга, Инжилга ўзгартириш киритдилар. Оллоҳнинг китобини бузиб, ўз хоҳишларига кўра ўзгартириш киритганлари учун Оллоҳ ҳар гал ўз қулларига амрларини бошқа янги китоб орқали жўнатган. Қуръонга ўзгартириш киритилмайди. Уни ҳимоя қилишни Оллоҳ ўз зиммасига олган.

Кутганимдай бўлмаган эди. Абдулваҳҳобнинг тушунтиришлари олдида гапириш учун калима тополмаётган эдим, шунинг учун иккинчи масалани сўрадим:

— Ҳўш унда мерос масаласи-чи? Нима учун ислом динида аёлларга бир ҳисса, эркакларга икки ҳисса мерос берилар экан. Ислом динида аёллар ярим инсон ҳисобланар экан, шу тўғрими?

Бошим ғувуларди. Ўзимни чалғитиш учун ўнгга-чапга қараб атрофни кузатдим. Узун залнинг деразасида чиройли гуллар бор экан. Менинг ичимдаги қора рангларга қарши гулларнинг ранги гўзал ва ёрқин эди. Қаршимда ўтирган Абдулваҳҳоб вазминлик билан жавоб берди:

— Мени яхшилаб тингла. Қисқа қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан. Ислом динида аёлларнинг моддий жиҳатдан бировга муҳтожлиги йўқ. Тушунсангиз-чи, ахир.

АЁЛ-НИНГ БОШ-ҚА-ЛАР-ГА МУҲ-ТОЖ-ЛИ-ГИ ЙЎ-Ў-ЎҚ.
Олдин нима учун аёлларнинг муҳтож эмаслиги сабабини тушунтираман. Аёлнинг руҳияти жуда ҳам сокин, моддиятни ўйлашига ҳожат йўқ. У на боласининг нафақасини, на эрининг пулларини сақлашга мажбур эмас. Бир хонадоннинг иккита фарзанди бор деб тасаввур қилайлик. Биттаси — қиз фарзанд, иккинчиси — ўғил фарзанд. Вақт келиб, биттаси турмушга чиқди. Иккинчиси уйланди. Иккаласининг ҳам учтадан фарзанди бўлди деб тасаввур қилайлик. Ўғилнинг оиласидаги одам сони қанча бўлишини ҳисоблайлик: фарзандлари — 3 та, турмуш ўртоғи — 1 та, ўзи — 1 та, ота-онаси — 2 киши. Ҳаммасини ҳисобласак 7 киши бўлди. Энди шу 7 кишини ўғил фарзанд боқиши керак. Ана шу ўғил фарзанднинг синглиси эса ҳеч кимни боқишга мажбур эмас. Агар қиз фарзанднинг ўзи бой бўлиб, ота-онаси камбағал бўлса, ўшандагина ота-онасини боқиши керак бўлади. Аёлларга доимо оилада меҳр кўрсатилиб, рағбатлантириб турилмаса, оилада мувозанат йўқолади. Аёлнинг яшаш шароити қийинлашган кундан эътиборан шафқат қанотлари чўка бошлайди. Аёллар юриш-туриши, еб-ичиши учун пул топишни ўйламайдилар. Оилани боқиш эркакнинг бўйнида. Энди ўзинг айт: нима учун эркаклар аёллар билан бир хил миқдорда мерос олишлари керак? Агар мерос тенг бўлинса, тенглик сақланган бўларди, аммо бу виждонга тўғри келадими — ўйлаб кўр.

— Бўпти, унда гувоҳлик масаласи-чи?

— Гувоҳлик масаласида нима бўлибди?

— Битта эркак учун иккита аёл гувоҳлик қилиши шартмиш. Тўғри, сизлар аёлларни ярим инсон деб қабул қилганингиз учун бўлса керак-а?

— Ростданми? Устозинг шундай дедими? Сизларга

жуда ҳам ачиняпман. Нукул алданар экансизлар. Қаранг, Мария хоним. Ислом дини сиз эшитган ёки кўрганингиздек эмас. Сиз ҳозирги замон мусулмонларининг яшашларига қараб баҳо берманг. Ҳаммасини энг яхши билгувчи Оллоҳдир. Ўша масала бўйича Оллоҳ шундай дейди: "...Агар эркак бўлмаса, гувоҳ сифатида битта эркак ва иккита аёл келтиринг. Аёллардан бирининг эсидан чиққанини иккинчиси эслатсин..." (*Бақара сураси 282-оят*). Бунда эслаш қобилияти ҳақида гап бўляпти. Аёллар эркакларга нисбатан жуда ҳам таъсирчандир. Болалар тарбияси билан кўпроқ улар шуғулланишгани учун ҳам унутиши мумкин. Улар кўпроқ ҳиссиётга берилувчан бўлишади, шунга кўра шарҳлаши мумкин. Лекин бу уларнинг иймонини синаш ҳақидаги бир оятдир. Аёл ҳиссиётга берилувчи нозик хилқатдир. Балки, унутиши мумкин. Бу саволнинг бир нечта жавоби — шу. Агар сизнинг ярим инсон деган қарашингиз тўғри бўлганда ислом динида аёлларга бошқача муносабатда бўлиш амри берилган бўларди. Мисол келтираман, ислом динига кўра битта одам бошқа биттасини ўлдириб қўйса, у ҳам ўлим билан жазолантирилади. Агар ислом дини ҳукмлари тарғиб қилишда аёл эркакдан фарқланганда эркакни ўлдирганга ҳам, аёлни ўлдирганга ҳам бир хил жазо қўлланмаган бўларди. "Аёл ярим инсон бўлса, жазонинг ҳам яримини берамиз", — деган бўларди. Лекин бундай эмас. Эркакни ўлдирганга ҳам аёл ўлдирганга ҳам бир хил жазо қўлланилади. Кўрдингми, буларнинг ҳаммасини сизларда бошқача қилиб айтишар экан. Ҳатто шундай вазиятлар бўладики, унда фақат аёлнинг гувоҳлиги эътиборга олинади, эркакники олинмайди. Бунга нима дейсизлар? "Эркак ислом динида одам ўрнида кўрилмайди", — деб гап чиқарасизларми?

— Нима! Эркакларнинг гувоҳлиги ўтмайдиган жойи

ҳам борми?

— Ҳа. Битта она сутини эмган ака-укалар. Ўшанда эркакнинг гувоҳлиги ўтмайди. Баъзи бир масалаларда аёлнинг гувоҳлиги эркакнинг гувоҳлигидан устун туради.

— Мумкин эмас. Руҳонийларнинг буни менга раво қўришлари мумкин эмас! Худойим, ўлгим келяпти, ўлишни хоҳайман!

Ўзимни тутолмай бу сафар овоз чиқариб йиғлай бошладим.

Абдулваҳҳоб аҳволимга тушунолмай ҳайрон бўлиб қолди:

— Нега йиғлайсиз, Мария хоним? Сизга қандай ёрдам берсам бўлади?

— Беролмайсиз! Менга ёрдам беролмайсиз! Сизнинг ёнингизда динимизни ҳимоя қилолмаяпман.

— Аммо ҳеч ким Куръонга қарши туrolмайди-ку! Бунда сизнинг айбингиз йўқ. Куръонга қарши чиқиб бўлмайди. Қарши чиққан ютқизади. Асосан бу иймонга боғлиқ, мантиққа эмас. Хафа бўлманг, Мария хоним. Мусулмон бўлинг, ҳам Инжилга, ҳам Ҳазрати Исога, ҳам Ҳазрати Марямга бўлган ишончингизни давом эттиринг... Нега бунча хафа бўласиз?

Ич-ичимдан: “Энди ўз динимнинг муаммоларини менинг динимга ишонмайдиган одамга тушунтиришга мажбур эдим! Танграм, бу қандай пасткашлик!” — деб йиғлардим.

Зўрға бир-икки гап айтолдим:

— Мен мусулмон бўлмайман, Абдулваҳҳоб! Мен сенинг олдинда ютқизиb қўйганимга уяляпман.

— Бунинг нимасига уяласиз, Мария хоним? Агар менинг ҳам диний билимларим бўлмаганда мен ҳам сизнинг саволларингизга жавоб тополмай уялиb қолардим.

Фақат сиз эмас, епископингизни олиб келсангиз ҳам, Ислом динини яхши билганларнинг олдида ютқазишингиз аниқ! Шунинг учун сиз хафа бўлманг.... Жавоб тополмаган сиз эмассиз. Ютқазганлар сизга: “Насроний дини — энг устун дин”, — деб ўргатган черковдагилардир.

Ожизлигимдан йиғлайвериб бир аҳвол бўлиб қолгандим. Аекин таслим бўлиш йўқ.

Охирги ҳамлага ўтдим:

— Сизни епископимизнинг ёнига олиб борсам, у билан тортишасизми?

— Албатта, тортишаман. Лекин ҳаммасини ҳам билмайман-да. Мен билган саволларни берса, албатта, керакли жавобни бераман. Ислом динига бундай тухматлар қилишига йўл қўймайман, унинг овозини ўчираман. Жим қилолмасам-да, гапирган гапларининг қадри қолмайди. Фақат эътироз қилиш учун гапириши мумкин бўлади.

— Илтимос қиламан, бизнинг художўйларимизга тил теггизманг.

— Аслида мен илтимос қилмоқчиман. Тил теггизиш нимаси! Шубҳасиз, уларнинг ичида ҳам яхшилари ҳам бордир. Бу гапим фақат динимизга ва Инжилга тухмат қилганларга тааллуқли, маъсум бўлган немислар ёки инглизларга тааллуқли эмас.

— Қанақасига?

— Инжилни: “Замонга тўғри келмаяпти”, — деб ўзгартириш киритдилар. Нотўғри тушунманг, биз немис халқига ёки ҳақиқий насронийларга тил теггизмаяпмиз. Насронийлар билан ишимиз ҳам йўқ. Чунки Оллоҳ: “Қуръон ҳақиқий ва ўзгармайдиган ва ҳукми қиёматгача ўз кучини йўқотмайдиган охирги китобдир”, — деб буюргани учун Қуръонга иймон келтирдик. Ўзгартириш кири-

тилмаган Инжилни ҳам тан оламиз ва ҳеч нарса йўқотмаймиз.

— Илтимос қиламан... Энди сизнинг сафсата-ларингизга тоқат қилолмайман. Епископ билан учрашув белгилайман. Нима гапингиз бўлса, унга айтасиз.

Келишиб олгач хайрлашдик. Уйга қайтганимда дадамни асабий ҳолатда кўрдим. Хизматкорни ишдан бўшатибди. Хизматкорнинг ғалати қилиқлари бор эди. Зарурат туғилиб қолса, сизларга кейин гапириб берарман. Ўша куннинг ўзидаёқ янгисини олиб келибди.

“Нега бундай қилдингиз, дада?” — деганимда, хизматкорни ўзининг энг яқин дўстларидан бири эканлигини тан олди. Жуда ҳайрон бўлдим.

Нимагадир ўтган куни бўлган йиғилишни яширинча тинглаганимни дадамга айтгим келди ичимдан. Лекин дадамдан кўрқардим. Майлига, кўрқсам ҳам айтишга қарор қилдим.

Янги уй ишчимизнинг исми Вера эмиш. Верага иккита қаҳва тайёрлашини айтиб дадамнинг хонасига чиқиб кетдим:

— Кел, гўзал қизим, қани, ўтир-чи, жигарим. Бир ота-қиз бирга ўтириб ҳасратлашайлик. Сени охирги пайтларда кўпинча кайфиятингни бузуқ кўряпман?

— Тўғри кўрибсиз, дада, жуда ҳам кайфиятим бузуқ.

— Ҳанс учун хафамисан?

— Худо асрасин! Ҳансни ҳаётимдан чиқардим, дада. Меҳметни биласиз-ку, яқинда келмоқчи.

— Ҳанс Америкага кетгани учун шундай деяпсан. Уни мен шошилишч жўнатган эдим. Махсус хат олиб бориши керак эди.

— Дада, бекорга овора бўлманг. Ҳанс мени зарра-

чалик қизиқтирмайди.

Бироз жим тургач гапни мутлақо бошқа томонга буриб юбордим:

— Дада, эсимга тушганда сўрамоқчиман. Сиз Инжилдан қандай қилиб воз кечгансиз?

— Оддий, замонга мос келмаганини кўрдим.

— Яъни Тангри юборганига ишонармидингиз?

— Албатта.

— Бўлмаса сиз Худога ишонасиз.

— Ишонаман. Албатта, атомни¹ моддага, моддани ҳужайраларга² айлантирган, хромосомаларни³ эътибор билан бошқараётган бири борлигини биламан.

— Бўлмаса, қандай қилиб уни хато қилади деб ўйлайсиз? У бизнинг замонимиздаги ишларнинг қандай бўлишини билмасмиди? Йўқ, сиз Инжилни Тангри юборганига ишонмайсиз. Агар ишонганингизда саккиз миллиард йилдир табиатнинг қонунлари ўзгармаганини, буларнинг ҳаммаси Оллоҳ томонидан бошқарилиши ҳам исбот бўларди сизга. Нега шунча чиройли қилиб бошқараётган Оллоҳ китобни хато ёзсин?

— Вой! Мени хафа қияпсан, Мария. Мен сенинг атеист бўлишингни кутиб юрганимда, нега бундай гапларни гапиряпсан? Инжилни Худо юборган бўлса, Оллоҳ тўғри гапираётган бўлса, нега руҳонийлар Оллоҳнинг сўз-

¹ Атом (юнонча: atomos — бўлинмас) — кимёвий элементнинг барча хусусиятларини ўзида сақлаган энг кичик массали ва ўлчамли зарраси.

² Ҳужайра (арабча: кичкина хона, хужрача; катакча) — такмиллаштири, тузилиши ва яшаш жараёнларининг асоси бўлган элементар тирик система (моддалар алмашинувида иштирок этиши, янги ҳужайра ҳосил қилиши ва доимо янгиланиб туриши ҳужайранинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади).

³ Хромосомалар (хромо... ва юнонча: soma — тана) — ҳужайрадаги генларни ўзида сақловчи, ҳужайра ва яхлит организм учун хос хусусиятларни белгиловчи органондлар. Ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Организмлар хромосомалари тузилиши ва функциясига кўра бири-бирдан фарқ қилади.

тилмаган Инжилни ҳам тан оламиз ва ҳеч нарса йўқотмаймиз.

— Илтимос қиламан... Энди сизнинг сафсата-ларингизга тоқат қилолмайман. Епископ билан учрашув белгилайман. Нима гапингиз бўлса, унга айтасиз.

Келишиб олгач хайрлашдик. Уйга қайтганимда дадамни асабий ҳолатда кўрдим. Хизматкорни ишдан бўшатибди. Хизматкорнинг ғалати қилиқлари бор эди. Зарурат туғилиб қолса, сизларга кейин гапириб берарман. Ўша куннинг ўзидаёқ янгисини олиб келибди.

“Нега бундай қилдингиз, дада?” — деганимда, хизматкорни ўзининг энг яқин дўстларидан бири эканлигини тан олди. Жуда ҳайрон бўлдим.

Нимагадир ўтган куни бўлган йиғилишни яширинча тинглаганимни дадамга айтгим келди ичимдан. Лекин дадамдан кўрқардим. Майлига, кўрқсам ҳам айтишга қарор қилдим.

Янги уй ишчимизнинг исми Вера эмиш. Верага иккита қаҳва тайёрлашини айтиб дадамнинг хонасига чиқиб кетдим:

— Кел, гўзал қизим, қани, ўтир-чи, жигарим. Бир ота-қиз бирга ўтириб ҳасратлашайлик. Сени охирги пайтларда кўпинча кайфиятингни бузуқ кўряпман?

— Тўғри кўрибсиз, дада, жуда ҳам кайфиятим бузуқ.

— Ҳанс учун хафамисан?

— Худо асрасин! Ҳансни ҳаётимдан чиқардим, дада. Меҳметни биласиз-ку, яқинда келмоқчи.

— Ҳанс Америкага кетгани учун шундай деяпсан. Уни мен шошилишч жўнатган эдим. Махсус хат олиб бориши керак эди.

— Дада, бекорга овора бўлманг. Ҳанс мени зарра-

чалик қизиқтирмайди.

Бироз жим тургач гапни мутлақо бошқа томонга буриб юбордим:

— Дада, эсимга тушганда сўрамоқчиман. Сиз Инжилдан қандай қилиб воз кечгансиз?

— Оддий, замонга мос келмаганини кўрдим.

— Яъни Тангри юборганига ишонармидингиз?

— Албатта.

— Бўлмаса сиз Худога ишонасиз.

— Ишонаман. Албатта, атомни¹ моддага, моддани ҳужайраларга² айлантирган, хромосомаларни³ эътибор билан бошқараётган бири борлигини биламан.

— Бўлмаса, қандай қилиб уни хато қилади деб ўйлайсиз? У бизнинг замонимиздаги ишларнинг қандай бўлишини билмасмиди? Йўқ, сиз Инжилни Тангри юборганига ишонмайсиз. Агар ишонганингизда саккиз миллиард йилдир табиатнинг қонунлари ўзгармаганини, буларнинг ҳаммаси Оллоҳ томонидан бошқарилиши ҳам исбот бўларди сизга. Нега шунча чиройли қилиб бошқараётган Оллоҳ китобни хато ёзсин?

— Вой! Мени хафа қияпсан, Мария. Мен сенинг атеист бўлишингни кутиб юрганимда, нега бундай гапларни гапиряпсан? Инжилни Худо юборган бўлса, Оллоҳ тўғри гапираётган бўлса, нега руҳонийлар Оллоҳнинг сўз-

¹ Атом (юнонча: atomos — бўлинмас) — кимёвий элементнинг барча хусусиятларини ўзида сақлаган энг кичик массали ва ўлчамли зарраси.

² Ҳужайра (арабча: кичкина хона, хужрача; катакча) — тақомиллашиши, тузилиши ва яшаш жараёнларининг асоси бўлган элементар тирик система (моддалар алмашинувида иштирок этиши, янги ҳужайра ҳосил қилиши ва донмо янгиланиб туриши ҳужайранинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади).

³ Хромосомалар (хромо... ва юнонча: soma — тана) — ҳужайрадаги генларни ўзида сақловчи, ҳужайра ва яхлит организм учун хос хусусиятларни белгиловчи органондлар. Ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Организмлар хромосомалари тузилиши ва функциясига кўра бири-бирдан фарқ қилади.

ларини ўзгартирди? Улар Худодан ҳам яхши билишадими?

— Дада! Оллоҳ бу гапларни бошқа китоб орқали билдираётган бўлса-чи?

— Масалан?

— Масалан, Қуръон...

Дадам қотиб-қотиб кулиб олгач жавоб берди:

— Кулгимни қистатма, қизим. Мен ҳозир Оллоҳнинг сўзларига ишонган Қуръон тарафдорини кўряпманми? Оллоҳдан хабар олганлар шундай бўлишадими? Мана Миср, Сурия, Жазоир, Албания, Озарбайжон, Туркия... Қаерга борсанг, бор — ўша ўлка одамлари, айниқса, ёшлари кимнинг гапини тасдиқлашаётган экан.

— Фақат бу билан Қуръоннинг қадри йўқолмайдик. Қуръоннинг ҳукмларига мусулмонлар томонидан итоат қилинмагани исбот қилинади.

— Сен мусулмон бўлмоқчимисан?

— Мусулмонлар айтганидек, Худо асрасин, дада! Бу нима деганингиз? Буларнинг ҳаммасидан беҳузур бўлганим учун сўрадим. Руҳонийлар жаҳлимни чиқаришди. Қаердаги калтафаҳм мусулмоннинг, олдида паст бўлиб қолдим. Эртага роҳиба Моникадан дарс ўрганаман.

Тўсатдан эсимга тушиб қолди, ахир, мен дадамга ўзимни динсиз қилиб кўрсатмоқчийдим-ку. Бирдан гапни бурдим:

— Нега бормоқчиман биласизми, дада, насронийлик ҳақида кўп нарсаси ўргансам, унга, яъни насронийликка қарши ичимдан ишончсизлик пайдо бўларди деб ўйлаяпман. Кейин афсусланмаслик учун.

— Ишончинг комилми?

— Албатта, дада.

— Лекин унақага ўхшамаяпти. Охирги пайтларда

паришонхотир бўлиб қолгансан. Хафасан. Хоҳласанг, динингда қолишинг мумкин. Аммо: “Меҳмет учун ислом динига кираман”, — десанг, сени ўлдираман. Ўзинг яхши биласан, мен замонавий дунёқарашли отаман. Лекин ислом динига кирсанг, мендан яхшилик кутма.

— Вой дадажон-ей... Бу гапни қаердан олдингиз энди? Меҳметни жуда ҳам яхши кўришим тўғри, лекин битта Меҳметни деб мен ўз эътиқодимдан воз кечмайман-ку.

— Ислоом дини биз учун доимо хавфли саналиб келган: буни сира унутма!

Қаҳваларимиз ҳам келганди. Ойимнинг уйда йўқлиги яхши бўлганди. Дадам билан яна суҳбатимизни давом эттирдик. Суҳбатимиз яна Мустафо Камолга бориб тақалди:

— Қизим... Жон болам... Сен жуда ҳам чиройли қизсан. Мустафо Камол сени кўриши билан ёқтириб қолади. У шахсий ҳаётида жуда кўп аёллар билан бирга бўлган. Сен ҳам унинг ҳаётига кириб борсанг, уни мусулмон аёлларнинг чўмилиш кийимида юришаётгани учун мақтаб табрикласанг бўлди, шунинг ўзи етарди. Агар у билан турмуш қурсанг борми... Туркия эртаси куниёқ бизники бўларди. Аммо жуда ҳам ақлли одам экан. Сенга уйландими-йўқми билмайман-у, лекин сен билан бирга бўлиши, яшашини аниқ биламан. Ҳар ҳолда, бир аёл билан бирга бўлиш унга масъулият юкламаса керак. Эркак бўлгандан кейин нега аёллар билан юрмаслиги керак? Отатурк жуда ҳам чиройли экан. Ҳа... уни кўришинг билан сен ҳам ошиқ бўлиб қоласан...

— Дада... Илтимос мени ҳам тушунинг ахир. Мен Меҳметнинг севгисини Камол билан алмаштиролмайман. Унинг чиройли бўлиши ҳам мени қизиқтирмайди.

— Қизим, аҳмоқлик қилма. Бу сен учун жуда катта фурсат-ку. Француз журналисти Мадам Гавлис омади чопиб қандай ютуқни қўлга киритганини биласанми? Туркиянинг Буюк Миллат Мажлисида қатнашган илк аёл бўлди. Аммо уни Отатурк билан яқин муносабатга кирган деб ўйламайман. Чунки у унчалик жозибали аёл эмас. Балки, Отатурк унга илтифот ҳам қилмагандир. Лекин сенга, албатта, қарайди... Менинг айтганимга кўна қол, Мария! Кейин маданиятимизни, эркин ва замонавий дунёқарашларимизни кенг ёйган бўлардик...

— Вой, дада... Туркия шундоқ ҳам гўзаллик танловларида қатнашаётган эмиш. Аёллар аллақачон чўмилиш кийими кийишаётган эмишлар, яна нима керак сизга?

— Чўмилиш кийимида юриши билан иш битмайдик-ку. Мусулмонларнинг ҳаммасини шундай ҳолатга келтироламизми? Отатуркни ҳам ёқтирмайдиганлар бор у ерда. Ўша ерда Отатуркни ёлғиз ташлаб қўймаслигимиз керак. Ҳар ишида унинг ёнида турмоғимиз даркор.

Дадам гапиргани сари ҳайратим ошиб борарди. Яширинча мажлисга кирганимни айтмоқчи бўлгандим, жасоратим етмай бирдан фикримдан қайтдим.

Энди хаёлимда мени қийнаётган тўртта нарса бор эди: биринчиси — Меҳмет, иккинчиси — дадамнинг динсизлиги, учинчиси — ҳали биттаям моддасини чиппакка чиқаролмаганим Қуръон китоби-ю ислом дини ва тўртинчи — Абдулваҳҳобнинг епископимиз билан бўладиган тортишуви.

Худойим, қандай шайтон тўрига тушиб қолдим-а? Нега ҳамма ташвиш менинг бошимда?

Нима учундир ҳали ҳам Меҳметдан хат келмади?

Ўзи ҳам келмаяпти. Шунчалар беҳузур бўлганимдан ўзимни йўқотиб қўйдим.

Худойим-ей, нега ҳам уни севдим!?
Шунақа ҳам севги бўладими, Оллоҳим?
Биттаси учун бошқасини севиб бўларканми?
Ёки Меҳмет билан бирга бўлиб ўзимни алдадимми
— йўғ-ей, Худо сақласин.

* * *

Роҳиба Моникага бориб дардимни англатдим. Яхши аёл эди Моника. Менга яхши гаплар гапириб, тасалли берди... Мен унга юрагимни тўкиб, енгил тортганимдан сўнг унинг уйдан чиқиб кетдим.

* * *

Яна Селиннинг дадасини ахтариб кўчага чиқдим. Ўша, холамини шол қилиб ташлаб кетган одамни... Аслида ўласам ҳам унинг ёнига бормасдим, лекин Селинни жуда яхши кўраман. Буларни у учун қилардим. Бечора қизалоқ дадасини кута-кута хароб бўлди.

Ниҳоят топдим, ўша тўнғиз отани. Жиддий оҳангда гап бошладим:

— Зудлик билан Селинни кўргани боришингиз керак. Бу оқшом боришнинг иложи топиладими?

Уриб ташламаслик учун ўзимни зўрға босиб турардим. Мен бошқа немис қизларига ўхшамайман. Уришқоқман. Қора белбоғ соҳибиман. Лекин ҳали ҳам аччиғим босилгани йўқ.

* * *

Селиннинг дадасини олдимга солиб уйга олиб келдим. Меҳмонхонага қўйиб, ўзим ичкарига кирдим.

Селин мени кучоқлаб:

— Мария, дадамнинг машинаси кўчамиздан ўтди, лекин тўхтамади.

Селиннинг гапларини эшитиб турган ўша виждони моғорлаган ота ҳам, холам ҳам ҳайрон бўлиб қолганди. Селинни кўп куттиришни хоҳламадим.

— Сели-и-и-ин, қара-чи, ким келибди?

— Ким?

Селин қўлида совға кўтариб турган дадасини кўрди. Кўриши билан югуриб бориб оёқларидан кучоқлаб олди. Кейин уни ура бошлади:

— Қаерда эдингиз дада? Рус қизини севиб қолиб-сиз... У қиз мендан ҳам чиройлими? Мен бошқа дада топмадим, нега сиз бошқа қиз топдингиз?

Дадасининг нигоҳи қизидан ҳам кўпроқ холамга қадалганди. Ногиронлар аравачасидан кўзини узолмасди. Раҳми келди. Ҳаттоки жуда ҳам ачинганди. Холамга салом берди. Холам бошини силкиб саломига алик олди. Краус жойидан қимирламай қотиб қолганди. Кейин ўзига келиб сўради:

— Мени деб бу аҳволга тушдингми?

Холам Селинни кўрсатиб жавоб берди:

— Нега энди сени деб бўларкан? Ахир, сиз дунёдаги энг яхши одамсиз. Мени хафа қилмайсиз-ку.

Краус хиёнатининг боласига айтилмаганини билгач, Селинга қараб: “Ҳозир келаман”, — деб йиғлаганча чиқиб кетди.

* * *

Мен ҳозир маст одам каби айланиб юрардим. Ишончи алғов-далғов бўлгач ўзини бўшлиққа тушиб қолгандай ҳис қилар экан инсон.

Бир куни ҳайвонот боғига бордим. Ўзимни чалғитишга уринаётгандим, аслида. Ҳайвонларга ҳам шунчаки қарардим. Уйга қайтгач кўп юриб чарчаганимни ҳис қилдим.

Уйга қайтганимда боғимизга яқин жойда ўртоғимни кўриб қолдим. Ўзимга янги ўртоқ топгандим: уйимиздаги ишчимиз Вера. Нимадандир сиқилсам, Веранинг ёнига борардим. Яна унинг ёнига бордим. Бўйнидан кучоқлаб роса йиғладим. Мени уйига олиб кирди...

— Гапир, — деди. — Сенга нима бўляпти?”

Унга бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини бирма-бир гапириб бердим.

Веранинг тасаллиси бошқача бўлди:

— Ақлинг жойидами, Мария? Жондан ортиқ севган инсонингдан битта динни деб воз кечасанми?

Йўқотадиган ҳеч нарсаси бўлмаган инсонлар учун ҳамма нарса бир хил эканлигини билмасдим:

— Мен воз кечмаяпман. У: “Сен жуда художўйсан, бу бирга бўлишимиз учун муаммо туғдиради”, — деганди. Мен уни насроний қилмоқчи бўляпман.

— Ҳеч уриниб кўрдингми?

— Йўқ, лекин тайёргарлик кўряпман. Фақат рухонийлардан хафа бўляпман. Динимдан шубҳалана бошладим... Мени Тангри кўрисин! Қаттиқ тушкунликка тушиб қолдим.

— Шунга ҳам сиқилиб ўтирасанми, Мария. У насроний бўлмаса, сен мусулмон бўларсан.

Бу қандай таклиф бўлди энди. Бирдан чўчиб тушдим.

— Мени Тангри кўрисин! Исо қўлласин мени. Ўлсам ҳам, мусулмон бўлмайман. Мусулмонларнинг ўзлари динларини ёқтирмай, исломнинг қоидаларига бўйсунуш-

майди-ю, мен бўйсунаманми?

— Во-о-й, қўйсанг-чи шу дин муаммосини қайси динда бўлишнинг нима аҳамияти бор? Ёки иккаласи ҳам бўлмаса, нима ўзгаради?

— Вой худойим! Сен ҳам атеист бўлдингми?

— Албатта-да, замонавий аёл бўлишни хоҳласанг, ўзинг кучли бўлишинг керак, динга ва Оллоҳга эҳтиёжинг қолмайди. Ҳур бўлишинг керак. Биронта эркак сени хафа қилдими, башарасига туфлаб, бошқасини топиб кетасан. Биз бекорга европализмизми? Дунёда эркаклардан қўпроқ нима бор? Масалан, турклар бизни деб ўз оиласидан, болаларидан воз кечишяпти. Демак...

Қолган гапларини эшитишга бардошим етмади. Худойим!.. Одамларга нима бўляпти ўзи? Нега динсизлик уларни ўз домига тортиб оляпти? Сирдошим деб Верадан тасалли кутарканман, у мени яна ҳам тушқунликка тушириб қўйди. Чунки у тасалли беришда номусга зид бўлган усуллардан фойдаланарди. Яхшиси, яна ойим билан маслаҳатлашиб қўраман.

* * *

Орадан анча вақт ўтди. Меҳметдан яна битта хат олдим. Фақат: “Мени кечир”, — деб ёзганди. Вой худойим! Бу нима дегани энди? Сабабсиз, изоҳсиз. Жуда ёмон ҳолатга тушиб қолдим. Хиёнатга учрагандай ҳис қилдим ўзимни.

Жуда ҳам бахтсиз эдим. Йиғлайвериб ҳамманинг эътиборини ўзимга тортгандим. Ўзимга қарамай қўйгандим. Кийинишимга ҳам эътиборсиз бўлиб қолгандим. Битта кофтани бир ҳафталаб кийиб юравердим. Диний муаммоларим ҳали ҳам давом этаётганди.

Бизнинг ёзги дала-ҳовлимиз бор эди. Унинг боғига яқинроқ жойда битта булоқ бўларди. Бир куни машинамга ўтириб ўша булоққа бордим. Булоқнинг бир четига ўтириб, анча вақт сувнинг оқишини томоша қилиб ўтирдим. Ҳеч нарсани ўйламасдим. Эҳ, Абдулваҳҳоб! Сени деб Меҳметга кўнгал қўйгандим. Энди тушиб қолган шу ҳолимга қара!

Кечкурун уйга келганимда ойимни жуда хурсанд ҳолатда кўрдим.

— Хушхабар, Мария! Сенга сюрпризим бор!

— Ойи, Меҳмет келдими? Ёки бирон хабар борми?

— Ҳа, азизим, хат келди. Мусулмонларнинг хатини олишга жирканаман, аммо сени бахтли кўриш ҳаммасига чидайман. Мана ол.

Эй Худойим! Туш кўрмайпманми? Мен қаердаман ўзи Худойим! Тангрим!

Хатни ойимнинг қўлидан қандай юлиб олганимни эслолмайман. Қўлимга олишим билан қайта-қайта ўпиб олгандим. Очишга жасоратим етмаётганди. Шундай ҳис қилардимки, гўё Меҳмет хатнинг ичида турибди-ю, хатнинг жилдини очишим билан у чиқиб учиб кетадигандай бўларди. Бир одамни шунчалар севишнинг нима кераги бор экан-а, Худойим? Мен жинниманми нима бало? Шунақа севишимга арзирмикан у?

Қўлларим қалтираб, зўрға хатни очдим... Чиройли қилиб инглиз тилида ёзибди:

“Севгилим Мария!

Биламан: мени кечирмайсан. Ҳаққинг бор... Сендан кечирим сўрашга юзим чидамаяпти.

Нега узр мактуби ёзмаганимнинг сабабини биласанми? Сени унутмоқчи бўлдим. Сени унутишнинг ягона йўли ўртамиздаги алоқани узиш эди. Аммо мен буни қила

олмаслигимни — сени жуда яхши кўришимни яна бир бор англадим. Бошқа сабрим етмади. Ўн кундан кейин ёнингга бораман...”

Диваннинг устига ўзимни ташлаб юбордим. Демак, мендан воз кечолмабди. Мени яна ҳам қаттиқроқ севиши англашиларди, бу ҳолатдан...

Агар мубтало бўлибдими, демак, воз кечолмас эканда, одамзод?!

Энди мен учун байрам бошланганди... Бирдан хурсандчилигим бўғзимда қолди. Ахир, мен ҳали уни насроний қилиш учун тайёргарлигимни кўрмагандим-ку.

Ўша кеча яна дадам билан гаплашдик. Ҳанс телефон қилганмиш. Дадам унга Меҳмет ҳақида айтганмиш. “Менга аҳамияти йўқ, Мария кўнглига қарасин, борганимдан кейин ҳал қиламан. Қачон қайтаман?” — деб дадамдан сўраганмиш.

Келгач ҳал қилармиш аҳмоқ Ҳанс! Ўзини ким деб ўйласа? Менинг бутун қалбим билан Меҳметга оидлигимни билмайди-да. Агар келиб менга оғзини очиб кўрсин, башарасига тупураман.

Ётоғимга киришим билан эртанги кунни ўйлай бошлагандим. Ёз фасли бўлгани учун бир ўзим сайр қилиш учун боғларга, канал бўйларига борардим.

Ўйлаб кўрсам, Меҳмет бир ҳафтага деб кетганди. У кетганда қиш фасли эди. Аммо бу ҳафта кетиш икки фасл давом этибди.

Эртанги кунни ўйлаётган эдим. Эртага дадам кимларнинг одами эканлигини билиб оламан. Қизиқ, дадам ким экан-а? Ақлим эртанги кун билан Меҳмет орасида тинмай худди пружина каби бориб-келиб турарди.

Билнинг севгилиси яна келди. Бил уйда йўқ эди. Қиз бечора жуда хафа. “Бола катталашиб боряпти, дадам сезиб қолса, мени ўлдиради”, — деб йиғларди. Дардини тўкиб сочиб кейин яна кетди.

Бу жоҳил қизлар шахвоний истакларига берилиб кетишади, шунда улар фақат отасиз болалар муаммосига дуч келишади.

Бил кечаси ҳам келмади.

Дадамга:

— Бу қадар эркинлик ортиқча, дада. Бу кетишда Билни бой бериб қўясиз. Ҳар қандай отанинг бола олдида оталик ҳурмати бўлиши керак. Замонавий дунё, инсонларга ҳурлик, эркинлик деб, болангизни йўқотяпсиз, Озгина эътибор қилсангиз-чи, — дедим.

Бил — укам. Унинг учун жуда ҳам қайғуряпман. Лекин Демига ҳам ачинапман. “Бил унга уйлансин”, — деб қўлимдан келганча ҳаракат қияпман. Аммо Бил: “Биз ўз хоҳишимиз билан бирга бўлдик, мен унга уйланаман деб ваъда берганим йўқ”, — дейди. Ваъда бермаган бўлса ҳам Худодан қўрқмаган эркакнинг мақсадига эришгунча гапирмаган гапи қолмайди-да. Буни киноларда кўрсатиб, асарларда ёзишган. Шунга қарамай ҳали ҳам алданган қизлар кўп? Фақат қизлар эмас, ҳаттоки, оилали аёллар ҳам алданиб қолишяпти. Ёки дунё шахвоний истакларнинг касрига тубанлашмоқдами?

Қиз йиғлайди: “Ҳомиладорман, менга уйланиши учун уни кўндириб беринг”, — дейди. Аммо Бил: “Мен билан бўлмаса, барибир, бошқаси билан бўларди, биз оила қуришга тайёр эмасмиз”, — дейди. Қиз бўлса: “Мени севишингни айтардинг”, — деса, Бил: “Эркаклар севаман

демаса, қайси қиз у билан бирга бўлишга кўнарни”, — дейди.

* * *

Эртаси куни эрта саҳар туриб епископнинг ёнига бордим. Мени бироз хижолат бўлиб кутиб олди. Мен дарров мақсадга ўтдим.

— Ҳурматли епископ! Бу Абдулваҳҳоб деган йигитга мен ҳеч нарсани тан олдиролмадим. Уни сизнинг ёнингизга олиб келмоқчиман. Сиздан илтимос: бор ҳунарингизни ишга солинг. Хафалигимдан тушкунликка тушиб қоляпман. Тез кунда севган йигитим ҳам келиб қолади. Лекин мен ҳали биттаям арзирли сабаб топганим йўқ.

Епископ меҳр тўла кўзлари билан менга қаради. Ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб берди:

— Бўлди, қизим... Бор олиб кел уни. Унинг сен билан баҳслашиши мен билан баҳслашишига ўхшамайди.

— Мен ҳам сизларнинг ёнингизда ўтирсам бўладими?

— Албатта, сен ҳам ёнимизда ўтиришинг мумкин.

Жуда ҳам хурсанд бўлган эдим. Абдулваҳҳоб турадиган ётоқхонага бориб епископнинг гапларни унга айтдим. Абдулваҳҳоб мени сабр билан тинглади. Кейин бехосдан кўзларимиз учрашиб бир-биримизга тикилиб қолдик. Вой Худойим! Булар кўз эмас, булар мен ўзига ром қилиб жон олувчи жоду кўзлар.... Фақат у яна менга совуққина қараб:

— Сиз нега мени олиб кетиш учун бир ўзингиз келдингиз?

Қоронғи кечада денгизга қарагандай унинг кўзларига қараб қолгандим:

— Армия билан келишим керакмиди?

Бу гапим Абдулвахҳобни кулдирди. Иккинчи марта кўришим эди унинг шунақанги чиройли кулишини. Менга нималар бўляпти ўзи? Ё, Худо! Битта юрагимда иккита эркакка жой бердимми? Мумкин эмас! Мен бундай ёмон кизлардан бўлишим мумкин эмас. “Ҳа шу ишларни охирига етказай, кейин Абдулвахҳобни бошқа ҳеч ҳам кўрмаслигим керак”, — дедим ўзимга ўзим.

У менинг: “Армия билан келишим керак эдими?” — деган гапимни такрорлаб, жавоб берди:

— Албатта, сен ҳам ўз дунё қарашингга кўра ҳақлисан. Ёш киз билан эркакнинг ёлғиз бир-бирлари билан самимий муносабатда бўлишлари яхши эмас, лекин буни билмас эдингиз.

Ўзимни тушунмаганга солиб:

— Вой, сиз ҳеч ҳам хавотир олманг. Сизга нисбатан ҳеч қандай туйғу йўқ менда. Менинг Меҳметим бор, кўрқманг.

Қатъий оҳангда жавоб берди:

— Мени сиздан кўрқди деб ким айтди? Кечирасиз сиздан... Бундай ҳолатда фақат бир томондан кўрқилмайди.

Чақмоқ чаққандай бўлдим:

— Тавба, тавба! Бу нима деганингиз энди? Сиз ўз қайлиғингизни севсангиз, мен Меҳметни севаман, унга хиёнат қилмайман. Эй, кимдан ва нимадан кўрқяпмиз ўзи?!

— Сизнинг бундай нарсаларни тушунмаслигингиз табиий... Сиз кўрқмаслигингиз мумкин. Мен иккита нарсадан кўрқаман. Биринчиси бандаси сифатида Оллоҳдан кўрқаман, махлуқот сифатида эса... Майли, бунисини айтмай қўя қолай.

— Вой! Биз билан бирга гаплашиб ўтирганимиз учун Оллоҳ сизни қўрқитяптими?

Яна кулди, аммо кулишида маҳзунлик бор эди:

— Қўявер, сен буларни тушунмайсан, Мария.

Махлуқот сифатида кимдан қўрқишини билмоқчи бўлиб сўрадим:

— Хўш, иккинчиси?

Яна жим эди.

— Бўпти, бу гапга эътибор қилмайлик.

— Унда кетдикми? Епископ сизни кутиб ўтирибди.

Неча кундан бери менга имкон бермай ўзингизни ҳақ кўрсатишиш нималигини энди кўрсатаман сизга.

— Қуръоннинг кучини билмаслигинг шундоқ кўри-ниб турибди. Бораман, бораман... Агар бормасам: “Епископдан қўрққани учун бормади”, — деб ўйлашинг мумкин. Бундай дейишларига йўл қўймайман. Шошма, ҳозир такси чақирай.

— Йўқ, кераги йўқ. Ташқарида битта ғилдираги сизга, иккинчи ғилдираги укангизга тегишли бўлган ярим машинангиз турибди-ку.

— Тушунарли, ўшанда айтганларим сенга қаттиқ тегган экан-да.

— Ҳеч ҳам ундай эмас. Фақат менинг машинамда ўзингизнинг ҳақингиз бордай ҳис қилганингизга ҳайрон бўлгандим.

Машинага миндик. У орқа ўриндиққа жойлашди.

— Арабларингиз Европанинг барларидан, ишрат-хоналаридан чиқишмайди. “Тунги капалаклар” билан тонг оттиришади. Ана ўшалар хотинлардан қўрқмайди-ю, сиз нега мендан бунча қўрқасиз, шунга ҳайрон бўляпман. Қаранг: қўрққанингиз учун ҳатто олд ўриндиққа ҳам ўтирмадингиз. Сиз ўша бир кечада раққосаларнинг устидан

пулларини сочаётган қора олтин — нефть қироллари бўлмиш арабларингизни кўрмаяпсизми? Ўшалардаги маданий жасорат нега сизда йўқ?

Менинг гапларимдан жаҳли чиқди. Аслида мен ҳам унинг жаҳлини чиқариш учун гапирган эдим. Лекин у яна сокинлик билан жавоб берди:

— Биринчидан, ҳарамга жасоратнинг кераги йўқ. Ҳарамда жасоратли бўлиш сизнинг маданиятингизда бор. Айниқса, ўша бизнинг араблар бизнинг мусулмонлардан эмас. Иккинчидан, итнинг орқасидан қувган ит ўзини жасоратли кўрсатиб мақтаниши мумкин. Агар кўнгли тусаган ишни олди-ортига қарамай амалга ошираётган бўлишса, бунга “маданий жасорат” дейиш тўғрими? Ҳайвонларгина ўз нафсини жиловлай олмайди. Фақат инсон зоти ўз нафсини жиловлай олади. Лекин инсонда... инсонлар... инсон ўз нафсини жиловлай олгандагина инсон бўлади. Жиловлай олмаса, ҳайвондан фарқи қолмайди. Ундан ҳам паст ишларни қилиши мумкин. Ўзинг ҳам фильмларда, витриналарда кўряпсан. Маданий европаликларнинг витриналарида сотилаётган аёллар расми турибди. Инсонлар яна қанча тубанлашишлари мумкин. Мен инсонман... Ҳайвонларнинг ҳаётига ўхшаган ҳаётни эмас, инсонларга хос ҳаёт тарзини танлайман.

— Яъни сен арабларни ит деяпсанми?

— Йўқ. “Ҳамма халқда бўлганидек, арабларда ҳам итлар бор”. Шунингдек, олийжаноб араблар ҳам бор, лекин улар сизга кўрсатилмайди ёки сиз уларни кўра олмайсиз. Сизнинг маданиятингизда ҳиссиётини жиловлай олганларнинг устидан кулишади. Ҳайвоний ҳаёт тарзи тарафдорисизлар.

Бундай дейиши жаҳлимни чиқарди:

— Бизнинг маданиятимизга қаршисиз, аммо биз-

нинг маданиятимизга муҳтожсиз.

Кўзгудан кузатсам, кўчага қараб хаёл суриб кетаётган экан. Бир неча дақиқа гапирмади. Кейин кўзларини орқа ансамга қарата қисқа ва лўнда жавоб қайтарди:

— Халқимизни талаб, пулларини, келажagini, саодатини ўғирлашларингиз оқибатидан шу ердаман. Инглизлар юртимни талон-тарож қилмаганида эди, ҳозир биз мисрликлар сизларга муҳтож бўлмас эдик.

Ўйлаб кўрсам, тўғри гапираётган эди. Лекин ҳозир буни унинг олдида тан оладиган аҳволда эмас эдим. Жавоб бермадим. Менинг хаёлим епископнинг олдида бўладиган суҳбатда эди. Шунчалар ҳаяжонланаётган эдимки, иккинчи марта йўл-ҳаракати қоидаларини буздим. Йўл четидаги белгиларга ҳам эътибор қилмаётгандим. Битта аёлни уриб кетишимга ҳам сал қолган эди.

Нихоят епископнинг ёнидамиз. Епископ Абдулваҳхобни чин дилдан ва самимий кутиб олди. “Хуш келибсиз”, — дегач, уни ўтириш учун диванга таклиф қилди. Абдулваҳхоб ўтиргандан кейин епископ ҳам ўтирди. Епископ ўтираётганда ҳам Абдулваҳхобдан кўзини узмади. Столининг устида турган китобларни кўрсатиб:

— Кўряпсизми, столим устида Қуръон ҳам бор. Охиригача ўқиб чиқдим.

Абдулваҳхоб кулиб жавоб берди:

— Қуръонни ўқиш билан тушуниш орасида фарқ бор. Ҳатто, билиш ва иймон келтириш...

— Тўғри, биламан. Лекин мен тушуниб ўқидим.

— У ҳолда сиз мусулмон бўлибсиз!

— Йўқ, мен насронийман.

— Қуръонни тушуниб туриб ўқиганлар, албатта, мусулмон бўлишган... Шунинг учун сўрагандим. Шуни ҳам айтиб ўтишим керак, Қуръоннинг ҳикматини мусулмон-

лардан бошқа ҳеч ким тушунмайди, фақат тушундим деб ўйлайди. Бугун Қуръондан эмас, Инжил ҳақида гаплашмоқчи эдик. Агар хоҳласангиз, кейин яна Қуръондан баҳс этишимиз мумкин. Айниқса, Қуръонни хато топиш мақсадида эмас, балки, ўқишни хоҳлаб ўқиган бўлсангиз, сизга миннатдорчилик билдираман. Оллоҳнинг ва Қуръоннинг йўлидан юрадиганлардан бўлишингизни тилаб қоламан. Сизни ислом динида кўриш бизни жуда севинтиради. Ислом дини билан шарафланган бўласиз.

Епископ пинагини бузмасдан жавоб берди:

— Жуда ҳам ҳазилкаш экансиз... Сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим. Бу қизимизнинг қалби севинч билан тўлишини истайман.

Абдулваҳҳоб оппоқ тишларини кўрсатиб кулди. Биринчи марта биттасининг кулиши иккинчи одам томонидан кузатилганини кўришим эди. Лекин дарров ўзимни қўлга олиб унинг нима дейишига қулоқ солдим:

— Мен ҳам айнан шуни хоҳайман.

— Сизга биринчи саволни бераман. Муҳаммад нима учун ўзини пайғамбар деб эълон қилди?

Абдулваҳҳоб кўрсаткич бармоғини кўтариб эътироз билдирди:

— Янглишдингиз. Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзини пайғамбар деб эълон қилмаган. Уни Оллоҳ пайғамбар деб эълон қилган. Саволингизга жавобни Оллоҳнинг ўзидан оламиз... “Муҳаммад Оллоҳнинг элчисидир”. Фатҳ сурасининг йигирма тўққизинчи оятининг бошида келади.

Епископ эътироз билдирди:

— Аммо менга Қуръондан ўқиб беришингиз ярамайди. Мен Қуръоннинг Оллоҳ томонидан юборилганига ишонсам, аллақачон мусулмон бўлар эдим.

Епископ чираниб гапираётганди. Абдулваҳҳоб кулимсиради:

— Миннатдорман, жаноб епископ. Очиқ гапиришингиз суҳбатимизни енгиллаштирди. Биринчидан, мен мусулмонман, албатта, ислом динидан мисол келтираман-да. Исботим ёки Қуръон бўлади, ёки Ҳадиси шариф бўлади. Бизнинг эътиқодимизда асло бошқа манбалар бўлмайди. Аммо, майли, сиз буни қабул қилмас экансиз, сизга Инжилдан мисол келтираман. Ҳаммасидан олдин Оллоҳ таоло, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг келишини ҳатто Инжилда билдирган экан. Аммо яҳудий ва насронийларнинг аксарияти Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг араб миллатидан чиққанлиги сабабли унинг келишини ҳазм қила олмадилар. Шунинг учун яҳудийлар ҳали ҳам бошқа бир элчининг келишига ишонадилар. Элчи келди, аммо бу элчи яҳудий миллатидан бўлмагани учун Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни қабул қилмадилар. Яҳудийларнинг бир қисми, ўзлари миллатчи бўлишгани учун Оллоҳни ҳам миллатчи деб ўйладилар. Аммо Баҳира роҳибга¹ ўхшаганлар ҳам бор, албатта. Яҳудийларнинг ичида ҳам бошқа миллатларни инсон сифатида кўрадиганлар ҳам бор. Ҳолбуки бизнинг эътиқодимизда ҳамма тилда ва ҳар бир қавмга пайғамбар кел-

¹ Баҳира (Бухайро) роҳиб (VI–VII) — насронийлик динига эътиқод қилувчи роҳибнинг исми (Бухайро Роҳиб ҳам дейилади). VI–VII асрларда Рум императорига қарашли Шом вилояти чегарасида Бусро деган қишлоқ бўлган. VI асрнинг охириларида Баҳира роҳиб мана шу қишлоқда яшаган. Унинг асл исми Жиржис бўлган. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам амакилари Абу Толиб билан бирга Шом шаҳрига илк бор тижорат қилиш учун сафар қилган. Улар мана шу қишлоққа кириб келганларида, уларни Баҳира роҳиб кутиб олган ва яхши меҳмон қилиб, охириги пайғамбар чиқиш вақти келгани ва Абу Толибнинг 12 ёшда бўлган бу Муҳаммад исмли жиянида нубувватлик белгиларини кўрганлигини айтган. Баҳира роҳиб бу белгиларни ўзидаги илохий китоблардан ўрганган. Баҳира роҳиб Абу Толибга жиянлари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Шомга бормасдан, шу ердан ортга қайтишни маслаҳат бериб, агар Шомга борадиган бўлсалар, уларга Шомдаги аҳли китоблар озор бериши мумкинлигини айтган. Баҳира роҳибнинг маслаҳати билан улар мана шу ердан Маккага қайтишган.

гандир. Аммо биз учун асосийси миллати ёки тили эмас, пайғамбарнинг пайғамбар эканлигидир.

— Сиз ҳозир бу гапларни қўя турунг “Инжилда башорат қилинган”, — дедингиз, айтоласизми, қандай башорат экан? Инжилни ўз ҳолингизча таҳлил қиялсиз. Инжилда бундай ёзилмаганини ҳозир билиб оласиз.

Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Яшасин епископ! Ўзига бўлган ишонч билан ҳамда жуда чиройли тарзда гапириб Абдулваҳҳобнинг тушунчаларини чиппакка чиқарарди. Кўнглим анча таскин топган эди. Демак, Абдулваҳҳоб шунчаки гапирган экан. Мен Инжилни яхши билмаганим учун ҳеч нарса дея олмаган эканман.

Епископ Инжилни столнинг устига қўйгач, Абдулваҳҳобга қараб кулимсиради:

— Қани, йигитча, менга топиб кўрсатинг-чи, Инжилнинг қаерида ёзилган экан “Мендан кейин бир халоскор келади” жумласи.

Юрагим тўхтаб қолай дерди. Абдулваҳҳоб секингина жилмайиб епископнинг юзига қаради.

Епископ ҳозир айтган гапини такрорлаб:

— Мана олинг, йигитча, гапингизни исботланг-да, Инжилдан битта далил топиб беринг-чи, — деди.

Абдулваҳҳоб кулиб Инжилни қўлига олди:

— Майли, беринг: ҳозир кўрсатаман, — деди.

Абдулваҳҳоб Инжилни варақлай бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг епископга қаради. Ҳазрати Исонинг: “Мендан кейин бир халоскор келади, унга тобе бўлинг”, — деган шаклдаги ёзувни кўрсатди.

Епископ олдинига ҳайрон бўлиб, унга қараб қолди. Қизиқ қандай жавоб қайтарар экан-а? Бир муддат жим тургач жавоб берди:

— Уми? У руҳ ҳақида. Исо: “Мендан кейин сизни

кутқариш учун руҳ келади”, — деяпти.

Абдулваҳҳоб дарҳол эътироз билдирди:

— Бу гапдан “руҳ” деган маъно келиб чиқиши қийин. Лекин гапимда қаттиқ туриб олмайман. Сиздан бошқа нарсани сўрамоқчиман:

— Юҳанно¹ Инжилининг кириш қисмида — 1:17 бандида Ҳазрати Исо айтадики: “Ҳеч ким Худони кўрмади”. Сизлар қандай қилиб ўзгартириб юборгансизлар. Бугун Исога ҳам Оллоҳ, ҳам ота, ҳам ўғил дейсизлар. Бу томондан: “Худони ҳеч ким кўрмаган”, — дейди Инжил.... Яна Юҳаннода: “...Одамнинг хоҳиши билан эмас, Тангри-нинг иродаси билан туғилган²”, — дейилади. Кейин Инжилга жуда кўп ўзгартиришлар киритгансизлар, асосий Инжилдан кам ҳукмлар қолган. Масалан, Инжилда ароқ ичиш тақиқланган, лекин сиз: “Ғуноҳ эмас”, — дейсиз.

— Йўқ, Инжил шаробни тақиқламаган.

— У ҳолда марҳамат Лука³ Инжилининг 1: 14-15 бандини биргаликда ўқийлик.

Жуда ҳам ҳайрон бўлгандим, ҳатто қарахт ҳолатга тушиб қотиб қолгандим. Оёғим қалтираб, ичимга ғалати титроқ киргандай бўлди. Абдулваҳҳоб столнинг устида турган Инжилни олди ва ўқий бошлади:

— Марҳамат, епископ жаноблари, ўқияпман. “...(14) Сенга қувонч ва бахт олиб келади. У туғилганда кўплар хурсанд бўлади (15). Чунки у Раббимнинг олдида буюк инсон бўлади. Шароб ва маст қилувчи хамр ичмайди”. Хўш бунга нима дейсиз? Сизлар “Исонинг қони” дея номлаб шароб ичасизлар, “Исонинг гўшти” дея номлаб нон

¹ Юҳанно (6-100) — Исо алайхиссаломнинг 12 хаворийларидан бири.

² Қаранг: THE NEW TESTAMENT IN TURKISH C V NITED BIBLE SOCIETIES 1988. Printed in Turkey. UBS 1988 5 m 260 ISBN 975-462-013X. Rota offset. 152 49 70.

³ Лука (?-тахминан 100) — Исо алайхиссаломнинг 12 хаворийларидан бири.

ейсизлар. Инжилга қарши чиқиш эмасми булар? Кейин Маркдан¹ яна битта бандга эътиборингизни қаратмоқчиман: "...Оллоҳдан бошқа ким ҳам гуноҳларни кечири олади?.." Сизлар бу ҳукмга қарши гуноҳларни кечиряпсизлар. Оллоҳнинг номидан қарорлар чиқаряпсизлар. Ўғил болаларни суннат қилишни ҳатто яҳудийлар инкор қилмаганда, сизлар инкор қилдингиз. "Бу билан яҳудийларни мақтаяпти", — деб ўйламанг. Фақат суннат қилиш масаласида айтяпман, холос. Инжилда ҳам ўғил болаларнинг суннат қилиниши ёзилган. Мана қаранг: "Саккизинчи куни болани суннат қилиш учун келишди". Лука Инжилнинг 1: 59 банди. Нега суннат қилиш Инжилда ёзилган бўлса ҳам бекор қилдингиз? Ишончим комилки, бир кун келиб, эҳтимол, суннатни қабул қиласизлар. Яна қайси бирини айтишим керак? Оллоҳни мантиғига сиғдира олмагани учун ҳам Оллоҳ ҳақида кўп хатоларга йўл қўйилган. Оллоҳни одам қиёфасида тасвирлашган. Ҳатто Оллоҳни ўз тасаввурингизда ўзгартирдингиз. Тўғри, Оллоҳ ҳақидаги тушунчаларини ўзгартирмаган насронийлар ҳам бор. Фақат улар жуда камчиликни ташкил қилади. Сиз черков аъзолари Оллоҳни тасаввурингизга сиғдиролмаганингиз учун ҳам одамни: "Оллоҳ", — деддингиз. Бу билан гуноҳларингизни бўйнимга олишни истамайман. Баъзи насронийлар Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар эканлигини тан олишган. Бу борада уларга ҳеч нарсa демайман, аммо, барибир, ислом динига тўғри келмайдиган томонлари ҳам бор. Бошқа бир мазҳабдагилар: "Исо пайғамбар", — дейишади. Лекин улар ҳам охиратни инкор қилишади. Ҳаммаси битта жойдан чиқяпти. Ҳурматли епископ жаноблари, энди сиздан шуни сўрамоқ-

¹ Марк (?-68) — Исо алайҳиссаломнинг 12 хаворийларидан бири.

чиман: инсонлар Оллоҳдан ҳам яхши билишадими?

— Асло! Бизда ҳам бундай гап йўқ. Келганингиздан бери сиз гапиряпсиз, рухсат берсангиз, энди мен ҳам гапирай, менинг ҳам сиздан сўрайдиган саволларим бор. Сизнинг динингизда ҳам қарама-қаршиликлар бор. Масалан, тўртта мазҳаб...

— Эътиборингиздан четда қолган бир масала бор бу хусусда... Биздаги мазҳаблар кунлик масалаларнинг ечимини топиш ёки ҳадиси шарифларни таҳлил қилишда баъзи тушунчаларининг қарама-қаршилиги натижасида юзага келгандир. Аммо тўртта мазҳабнинг ёки бошқа мазҳабларининг алоҳида-алоҳида Қуръон китоблари йўқ. Ҳаммасидаги Қуръон китоб биттадир, бир хилдир, битта оят кам ҳам эмас ёки кўп ҳам эмас, ёки бошқача қилиб ёзилган ҳам эмас. Аммо сизда тўртта бошқа-бошқа одамлар томонидан Исонинг ҳикояларини англатган Инжил китоби бор. Бу Инжилдаги мавзуларнинг кўпи бир-биридан фарқ қилади. Аммо сиз бунинг ҳам ечимини топдингиз. “Бири иккинчисини тўлдириб келган”, — дейсиз. Бизда мазҳабларнинг борлиги сизни хурсанд қилмасин. Диндаги фарқлар бошқа, мазҳабдаги фарқлар бошқа. Қисқаси, епископ жаноблари... Сиз ҳалол инсонга ўхшайсиз. Марҳамат, Ислом динини таҳлил қилинг. Агар Оллоҳдан келмаган бўлса, нима учун Исонинг ўликларни тирилтирганини айтиб мақтайди ва қабул қилади? Агар: “Муҳаммад тўқиб чиқарган”, — деб айтадиган бўлсангиз, шунча ақлли бўлган одам ўзида бўлмаган хислатни бошқасида бўлганини айтиб, Исонинг обрўсини оширадими? Исо алайҳиссаломнинг ўликларни тирилтириш мўъжизасини тан олмай ёлғонга чиқариши ҳам мумкин эди-ку. Марҳамат, Оллоҳ бандаларига қандай вазифаларни юклаганини ўрганинг. Ислом динига киринг. Ҳазрати Исо

алайҳиссаломдан ҳам, Ҳазрати Марямдан ҳам айрилмаган бўласиз. Инжилга ўзгартириш киритилганини ва ҳақиқий Инжилга яқин бўлган Барнабас¹ Инжилининг ҳам йўқ қилинганини яхши биласиз. Ишонинг: Куръон сизларнинг ҳам тарафингизни олган. Баъзи насронийларнинг эътиқодли бўлганини айтган.

Абдулваҳҳоб бирпас тўхтаб, чуқур хўрсинди-да, гапини давом эттирди:

— Инжил шу қадар ўзгартирилдики, инсонлар бой бўлишини гуноҳ деб ўйлай бошладилар. Инжилда қашшоқлик мақталди. Буни ислом оламига ҳам олиб кирдингиз. Ҳолбуки пайғамбаримиз қашшоқлик кўрқинчли дейди. “Қасамёд қилиш учун деярли сабаб бўлар эди”, — дейди у қашшоқликка. Жаҳолат даврида аёллар бозорда сотиларди, динсизлик даврида эса витриналарда сотиляпти. “Динлар тақиқласа, бизда мумкин”, — дейишди. Яъни бозор билан витринанинг фарқи шу. Яхудийлар эса дунёнинг ҳамма жойида бой бўлиш учун ҳаракат қилишди. Черковларнинг йўналиши 1789-йилдаги инқилобдан кейин бутунлай ўзгарди. Европаликларга хос “ҳақиқий янги туғилиш” деган жаҳолатга етакловчи тузум барпо қилин-

¹ Барнабас (?-61) — Исо алайҳиссаломнинг 12 хаворийларидан бири. Барнабас Исо алайҳиссаломдан эшитганларини ўзгартирмасдан ёзиб қолдирган эди. Барнабас Инжилида Аллоҳнинг бир эканлиги айtilган эди.

Болус-Паулус-Павлос исми бир яхудий пайғамбар яхудийлардан келмади деб, ўзини насронийларга исавий қилиб кўрсатиб, ўзини дин олими сифатида танитди. Исо алайҳиссаломдан кейин биринчи иши ҳақиқий Инжилни йўқотиш бўлди. Исо Аллоҳнинг ўғли деди. Шаробни ва тўнғизни ҳалол қилди. Қиблаларини Каъбадан қуёш чиқадиган тарафга алмаштирди. Аллоҳ ҳам битта, ҳам учта деди. Диндан қайтган бу яхудийнинг сўзлари дастлаб ёзилган тўрт Инжилга, хусусан, Луканинг Инжилига аралашиб кетди. Исо алайҳиссалом суҳбатларида бўлган, ҳазрати Исонинг дўсти, ёрдамчиси, яъни хаворийлардан бўлган Барнабас ҳазрати Исодан эшитганларини ўзгартирмасдан ёзиб қолдирган эди. Лекин бузуқ тўрт Инжилга алданганлар, фирқаларга бўлинди. Бир-биридан фарқли 72 та фирқа ҳосил бўлди. Павлоснинг хиёнатни фош қилиниб, Қуддусда икки марта ҳибсга олинди. Сўнгра Римга жўнатилди. У ерда Нерон томонидан боши танасидан жудо этилди (Валлохи аълам бис-савоб). Манба: ahlisunnat.uz

ди. “Диний таълимотлар тараққиётга тўсқинлик қияпти”, — деган инқилобчи демократлар, дин билан давлатни бири-биридан ажратиб: “Тангрини черковда ўлдирдик”, — дейишгача боришди. Динни давлатдан, таълимдан, маорифдан узоқ тутишди. Вақт ўтиши билан шунга асосланиб Куръонни ҳам танқид остига олдилар. Куръонни ҳам давлат ишига аралаштирмадилар. Бир қанча давлатлар бунга амал қилишди ва шунчалар тубанлашиб кетдики, витринада аёллар сотувга қўйилди. Мусулмонларнинг динини ҳам Инжил билан қиёслаб насронийлар билан бир эканлигига ишонтирдилар... Францияда ёзилган диний китоблар мусулмонларнинг тилига таржима қилинди. Француз ёзувчиси черковга қасдлашиб: “Дин бизни қолоқ қилиб қўйди”, — дегач, франциялик ўқувчилар бу дин насроний дини деб тушундилар. Аммо Туркиядаги ёки Мисрдаги, ёки бутун ислом ўлкаларидаги ёшлар, бу дин ислом дини экан деб тушундилар. Алаалхусус, мусулмонларнинг динни яхши билмаслигидан фойдаланиб, бизларни шу аҳволга солишди. Бунинг сабабчиси эса Ғарбдир.

Тўғриси Абдулваҳҳобнинг гапларига қулоқ соларканман, унинг гапларига қойил қолардим. Аммо ўзимни бу ҳиссиётдан дарҳол узоқлаштиардим.

У гапида давом этди:

— Келинглар, яхшиси, вақт борида мусулмон бўлинглар. Ўзгартирилавериб-ўзгартирилавериб, жинларпарилар, хаёлот дунёсига айланган эртаклар оламидан чиқиб, ислом динига киринглар. Ҳозирги ҳолингизда сизга уйланиш тақиқланган. Фитратингизга қайтинг. Уйланинг, фарзандларингиз ва турмуш ўртоғингиз бўлсин. Агар эътиқоди мукаммал художўй бўлишни хоҳласангиз, яна бўлинг. Яхши ва ҳақиқий мусулмон сизларнинг қараши-нгиздаги “эътиқоди мукаммал художўйдир”.

Вой худойим!

Мени титроқ тутиб жағларим бир-бирига тегиб шақиллай бошлади. Энди ҳушимдан кетай деб турганимда епископ гап бошлаб қолди:

— Инжил одамларни камбағалликка даъват қилади деб ким айтди сизга?

— Инжилларингизни ва маърузаларингизни такрор кўздан кечирсангиз, билиб оласиз. Мана қаранг шу Матто¹ 5: 27,3-бандидан бошлаб ўқиймиз. Мана шундай ёзилган: "...Оилангдан бошқаси билан жинсий алоқада бўлмайсан..." Бу қараши жуда яхши. Ҳар ҳолда, ҳақиқий Инжилдан қолган экан. Қаранг энди, айнан шу банд қандай давом этапти: "...Сизга шуни айтишим керакки, кимдир бир аёлга ёмон кўз билан қараса, ўша ондан эътиборан у ўз жуфтидан ташқари бошқаси билан жинсий алоқа қилгандай бўлади". Эҳ... буниси ҳам, яна давомини эшитинг: "...Агар ўнг кўзинг сени гуноҳ қилишга олиб бораётган бўлса, ўша кўзингни ўйиб ол-да, отиб юбор". Ҳа, худди шундай деб ёзилган. "Ўша кўзингни ўйиб ол-да, отиб юбор", — дейилган. Сиз эса, епископ жаноблари, бегона аёлга суқланиб қарагани учун ўз кўзини ўйиб олган биронта одамни кўрдингизми? Масалан сиз, шунча очик-сочик юрган аёлларни кўрасиз, уларга қараб ҳеч хаёлингиз бўлинганми? Кечирасиз, балки, бирон сабабга кўра сизнинг хаёлингиз бўлинмагандир. Миллионларча насроний ва руҳонийлар ичидан биронтасининг бегона аёлларга ёмон кўз билан қараганлари бўлмадимикин? Эркак киши бўла туриб, айниқса, бўйдоқ ҳолида шунча ноз-у карашмалар билан ярим яланғоч юрган аёлларни кўради-ю, ҳеч қандай ҳис-туйғуга берилмай юра оладиларми? Уларда

¹ Матто (?-74) — Исо алайҳиссаломнинг 12 хаворийларидан бири.

пайғамбарларга берилган хислатлардан йўқ-ку. Ҳаттоки, пайғамбарларнинг ҳам шаҳвати бўлган ва бу гуноҳ эмас-ку. Гуноҳ томони шаҳватнинг истагини ҳаром йўллар билан қондирмоқ. Гарчи, сизларда уйланишга қарши бўлмаган мазҳаблар ҳам бор. Фақат роҳибларга уйланишни тақиқлаганлар ҳам кам эмас. Инсон ўзидан ҳам олдин ўзининг феълига жавобгардир... Инжил инсон қалбига қарши чиқа оладими? Менимча, Маттони ёзганнинг аёлларга нисбатан ҳеч қандай туйғуси бўлмаган, шекилли, эркакларнинг ҳиссиётига қарши шунча сўз ёзибди... Ҳа, майли, Маттога эътиқод қилганларни камситгандай бўлиб қолмайлик. “Аёлга ёмон кўз билан қараган қайтиб қарама-син ва қалби бузилган бўлса, тавба қилсин”, — демасдан: “Кўзини ўйиб олсин”, — дейди. Худо ҳаққи, бу нимаси?

Епископнинг жаҳли чикди, лекин сездирмай муло-йимлик билан сўради:

— У мажозий маънода ёзилган. Бундай гаплар Қуръонда ҳам бор.

— Яхши, айнан шу бандни ҳали охиригача ўқима-дик. Мажозийми-йўқми — кўрамиз. Келган жойимдан давом этаман. “...У кўзни ўйиб ол. Чунки сен учун тана аъзоларингдан биттасининг йўқ бўлиши, бутун тананг-нинг жаҳаннамда ёнишидан яхшироқдир. Агар ўнг қўлинг сени гуноҳ қилишга тортаётган бўлса, уни ҳам чопиб ташла. Чунки сен учун тана аъзоларингдан биттасининг йўқ бўлиши, бутун танангнинг жаҳаннамда ёнишидан яхшироқдир”. Бу гаплар Маттода ёзилган. Мажозий маъно йўқ бу ерда. Жаҳаннамни тушунтирмоқда. Менимча, бу Инжилнинг ўзгартирилмаганига ишонган ва жаҳаннамни

инкор қилган “Яхова шоҳидлари”га¹ керакли маълумот бўлган. Инжилингизнинг мантиғига кўра, дунёнинг барча эркаклари жаҳаннамга кирар экан. Ёки гуноҳ қилган жойини шартта кесиб олиб ташлаш керак экан. Европа-ликларнинг аҳволига қаранг. Гуноҳга ботиб қолган, фикр-у хаёли зинода... Куй-қўшиқларида ҳам уятсиз шаҳвоний сўзлар бор. Лекин уларнинг кўзлари ҳам бошқа аъзолари ҳам жойида турибди.

— Гўёки сиз мусулмонлар динингизнинг ҳукм-ларини бажараётгандай гапиришингизни қаранг.

— Ҳақлисиз. Лекин биз шахсий хатоларни гапир-маяпмиз. Биз диннинг муҳокамасини қияпмиз. Бизнинг мусулмонлар гуноҳкор, аммо динимизнинг гуноҳи йўқ. Яъни динимизда хато йўқ. Қўлимизда ҳеч қачон ўзгар-маган Қуръон деган китобимиз бор. Бизнинг бу аҳволга келиб қолишимизнинг биринчи сабаби динимизни яхши билмаслигимиз, иккинчисига сизлар сабабчисиз. Маъноси йўқ, инсоннинг ақлига хаёлига келмайдиган хурофотлар ислом оламига сизлардан кириб келган. Ислом дунёсининг ислом динини билмайдиган қисми: “Инжил ва Тавротдаги ҳақиқатга қарши айтилган сўзлар Қуръонда ҳам бор”, — деб ўйлашади. Аммо: “Фақат сизлар сабабчи бўлдингиз, мусулмонларнинг айби йўқ”, — деб ҳам айтолмайман.

Епископнинг жаҳли чиқиб:

— Ҳаддингиздан жуда ошяпсиз. Бизнинг ибодат-

¹ “Яхова шоҳидлари” — АҚШлик Чарльз Тейз Рассел (1852–1916) томонидан асос солинган ташкилот. 1870-йилларда 18 ёшли Чарльз черковга қарши чиқиб насронийликка янги тариқат киритади ва “Тўлиқ ижил насронийлари” деб атайдди. 1874-йилга келиб эса Исо Масиҳни осмондан ерга тушиб, ўз бошқарувини ўрнатганини даъво қилиб чиқишади. Чарльзнинг таълимоти дунё бўйлаб кенг ёйила бошлайдди. Унинг тарафдорлари ва издошлари ўзларини энг ҳақ Масиҳийлар деб эълон қилиб, миссионерлик ҳаракатларини кучайтира бошлашади. Чарльз Тейз Расселнинг вафотидан сўнг бу оқим аъзолари орасида ихтилоф келиб чиқади ва 1932-йилга келиб ушбу секта иккига бўлиниб кетади. Улардан бир қисми ўзларини “Яхова шоҳидлари” деб номлашади. Шу тариқа “Яхова шоҳидлари” оқими пайдо бўлади....

хонамизда бизни ҳақорат қилишингизга йўл қўймайман.

— Кечирасиз, ҳақорат қилиш ниятим йўқ эди. Аммо сиз бизнинг мачитларимизда, ўлкаларимизда, ҳаётимизда ҳар доим, ҳар фурсатда, ҳар жойда бизни ва динимизни ҳақорат қилдингиз. Епископлар ёки роҳиблар учун айтмаяпман. Илтимос, мени тушунишга ҳаракат қилинг. Мана Инжилга қаранг. Битта Инжилда Оллоҳ сўзи ўн марта ҳам тилга олинмаган. Аммо камида уч юз марта Исо тилга олинган. Ҳамда: “Раббим Исо”, — деб айтилган. Ҳазрати Исонинг ҳаётини ёзганлар, яъни Матто, Марк, Лука, Юҳаннога ўхшаганлар Оллоҳнинг номидан ҳам кўп Исони тилга олишган. Бизнинг йўлдан чиққан тариқатларга ўхшаб... Оллоҳни унутиб, Оллоҳдан хабар олиб келгани ёзишибди. Биздаги тариқатларнинг яхшиси ҳам бор, аммо йўлдан чиққанлари сизларга ўхшайди. Бир жойга тўпланганларида ўн марта Оллоҳ дейишса, энг камида юз марта шайхларининг номини тилга олишади. Сизникилар ҳам Оллоҳни унутган кўринадилар. Бундай қарайдиган бўлсак, Оллоҳ номидан кўра Исонинг исми кўп такрорланган китобни Оллоҳ юборган китоб дейиш мумкинми? “Ким бева хотинга уйланса, хиёнаткор, яъни ахлоқий бузуқликка йўл қўйган ва зино қилган бўлади”, — деб ёзилган сўзларни Оллоҳдан келган деб бўлар эканми? Бева аёллар Оллоҳнинг бандаси эмасми? Қайта турмуш қуриш ҳуқуқини қандай қилиб йўқ қилишади? Ёки гапларим ёлғонми? Матто 5:32-бандгага қарасангиз — балки, рақамларида адашган бўлишим мумкин — Инжилга кўра бевага уйланиб бўлмайди. Аммо ҳозирги маданиятингизда бокиралигини сақлаб юрган қизларнинг устидан кулишади. Энди бир жинсдагиларнинг ўзаро турмуш қуришларига ҳам рухсат бергансизлар. Аёлларни паст кўрган маданиятингиз ўз айбини бизга ағдармоқчи бўляпти... Инжил-

ни ҳам ўз фойдаларингизни ўйлаб ўзгартиргансиз. Мана ҳозир Марк Инжилидан мисол келтираман. “(25) Исо жавоб берди. “Довуднинг ва яқинларининг қорни очиқиб овқат егилари келганида қандай йўл тутганларини ҳеч ҳам ўқимадингизми? (26) Абиатар¹ епископлик қилган замонларда қандай қилиб Оллоҳнинг уйига кириб муқаддас нонларни еганини... Ўша нонларни ейиш фақат епископларга рухсат берилмаганмиди?” Бошқа Инжилда эса: “Халқнинг ҳам, пайғамбарларнинг ҳам ўша нонлардан ейиши мумкин эмас. Фақат епископлар ейди”, — дейилган. Ўйлаб қолдим... Халқ емайди, пайғамбарлар емайди, аммо епископлар ейди. Бундай ажратишлар қаердан келган епископларга? Худога яқин десак, пайғамбарлар улардан ҳам яқин эмасми?

— Ҳўш, Инжилда ҳеч ҳам Оллоҳдан келган амрлар йўқми?

— Бор, албатта, Масалан, мана шулар: “...Исо шундай жавоб берди: Одам ўлдирмайсиз, зино қилмайсиз, ўғирлик қилмайсиз, ёлғон гувоҳлик бермайсиз, отангизни ва онангизни ҳурмат қиласиз”. Булар Матто: 19: 13–19-бандларида ёзилган. Шуларга ўхшаган ислом динига ва Оллоҳнинг қоидаларига тўғри келадиган сўзлар бор. Лекин сони кам ўн беш-йигирматадан ошмайди. Масалан, Инжилда: “Ер-юзидида ҳеч кимга ота демайсан” (Матто 23:9), — дейилган. Сизнингча, бу Оллоҳнинг амри бўлиши мумкинми? Бир томондан: “Ота-онангизни ҳурмат қилинг”, — деса, иккинчи томондан: “Ҳеч кимни ота деб айтмайсан”, — дейди. Ақлга сиғадиган гаплар эмас булар! Куръонда ёзилганига кўра, сизлар Инжилга ўзгартиришлар киритгансиз. Инсон ҳолатига қарши келадиган қилиб

¹ Абиатар — Инжилдаги образ.

ўзгартиргансиз. Роҳиб билан роҳиба турмуш қуролмайди! Ҳаромга қараса, кўзларини ўйиб олиши керак! “Бахтсиз яшаса ҳам аёл эри билан ажрашолмайди”, — дейилгани учун ҳам инсонларнинг бу диндан кўнгли совиган. Кучи билан, тафаккури билан Оллоҳнинг қудратига ҳеч қандай алоқаси қолмаган Инжилдан кўнгли қолган. “Диннинг чиқиш йўли йўқдир, монастирда ёлғиз қолиб кетишдир”, — дейишиб диндан чиқаришди ҳамда у ажратишларни динга қарши қўллаб, одамларнинг жонига тегиб, тинкасини қуритган. Мана шундай йўл тутишган. Ўз динини йўқотганлар ислом динининг оёқда туришига чидай олармиди? Албатта, чидай олмадилар... Энди бор кучини ислом динини йўқотишга қаратган. Аммо улар тез орада ислом динининг қордан яралмаганини ва ҳеч қачон эримаслигини кўрадилар.

Уларнинг суҳбатини жон қулоғим билан ҳайратим ошиб, ҳаяжон билан тинглар эдим. Битта мусулмон бизнинг Инжилимизни ўқиб ва у ҳақида шунчалар кўп излаишлар олиб борган экан. Епископга қарши гапирганда ҳам кўр-кўрона бир тарафлама эмас, онгли равишда қарши чиқар эди. Абдулваҳҳобнинг айтганлари олдида епископ ҳам шошиб қолганди. Аслида жуда ҳам олийжаноб бўлган епископнинг жаҳли чиққанди:

— Жаноб, сизга Муҳаммад: “Баҳсга кирганингда ёнингдагига гапириш фурсати берманг”, — деганми?

Менинг ҳам жаҳлим чиққанди. Абдулваҳҳобнинг илми олдида ҳақиқатга таслим бўлиш ўрнига тарафдорлигим тутиб чорасизликдан басма-бас бақира бошлагандим:

— Норозилик билдираман, Абдулваҳҳоб! Епископга гапиришга навбат бермаяпсиз. Сиз ҳам, епископ жаноблари, илтимос, сиз ҳам гапиринг, худо ҳаққи, барча муқад-

дас билимларингиз ҳаққи, сиз ҳам гапиринг!..

Ўзимни йиғлашдан зўрға тутиб турардим.

— Жаноб епископ, гапиринг илтимос! Бошқа чидолмайман! Бу мусулмоннинг гаплари ёлғонлигини айтинг!

— Бу йигит умуман хато қилмади, Мария. Аммо баъзи хатолари мавжуд, холос. Тўхтовсиз гапиряпти. Фақат ҳимоя қиялпти. Бизнинг ҳимояланишга эҳтиёжimiz йўқ. Шунинг учун мен Инжилни ҳимоя қилмаяпман.

Ҳайратдаман. Қанақа ҳимоя, ахир, у ўзининг ишончини гапиряпти ва тасдиқлаяпти-ку. Кўрсатган Инжил оятларини бандларини адаштирган бўлса ҳам кўпини тўғри айтаётган эди. Жинни бўлаёзгандим. Эй Худо!.. Кулоқларим шанғиллаб бошим айланаётган эди. Абдулваҳҳоб ўзига хос услубда жавоб берди:

— Миннатдорман, епископ жаноблари, Ҳақиқатларни тан олиш ҳам олийжанобликдир.

Епископ ҳеч иккиланмасдан очиқ гапирди:

— Тўғрисини айтсам, мен ҳам баъзи масалаларда шубҳаланардим.

Епископнинг охирги гапи мени қуюшқондан чиқарган ҳам эди. Жойимдан сакраб тушдим. Хаёлларим сувга тушганди. Умид гулларим сўлиб тушганди бир кунда:

— Ета-а-а-ар! Ета-а-а-ар! Жаноб епископ, гап-ларингизни эшитишни хоҳламайман! Оллоҳнинг қаҳрига учрай! Олинг бўйнимдаги хочни ҳам, олинг! “Олинг!”, — дедим сизга! Сизнинг хочингизни истамайман! Мен ўзини ҳимоя қилолмаган ожиз динни хоҳламайман!

Бақира-бақира зинапоялардан пастга туша бошладим. Кўчага чиққанимда ҳам жинниларча югурардим. Абдулваҳҳоб ҳам орқамдан чопиб келаётган эди.

— Тўхтанг, Мария! Илтимос, тўхтанг!

— Жаҳаннам бўлинг! Ҳеч қайсингизни кўришни истамайман! Орқамдан келманг, мени тинч қўйинг!

— Тўхтанг, гаплашамиз. Бир дақиқа...

Мен олдинда чопиб кетаётгандим, у бўлса орқамдан югуриб келаётганди. Ҳамма бизга қараётганди. Худди шу пайт черковнинг қўнғироқлар чалиниб қолса денг! Ўзимни тутта олмадим. Ақли жойида одам қилмайдиган жинниликни қилдим. Жойимда тўхтаб, атрофдаги одамларга овозимнинг бориचा оғзимга келган гапни қайтармай бақира бошлагандим:

— Эй одамлар! Бу қўнғироқларга ишонманг! Бу қўнғироқлар ҳақиқий Инжилни намойиш қилмаяпти! Чалинманг! Чалинманг қўнғироқлар! Энди сизларга ишонмайман! Ичимда сизларни ўлдирдим! Черковларни ҳам ўлдирдим! Роҳиб ва роҳибаларни ҳам ўлдирдим! Чалинманг... “Чалинманг!” — дедим сизларга! Сизни юрагимдан чиқариб отдим, мени эшитинг!..

* * *

Паришонхотир эдим, телбаларча тентирадим кўчаларда. Шаҳарнинг қаерида юрганимни билмай ҳайрон бўлиб туриб қолдим. Атрофга аланг-жалаң қарадим-да, турган жойимда ерга йиқилиб тушгандим. Ўзимга келиб, кўзимни очсам, Абдулвахҳоб тепамда ўзимга келишимни кутиб турган экан. Қўлимдан ушлаб, мени машинамнинг ёнигача олиб борди. Зўрға машинамга чиқдим. Рулни ушлашга ҳам мадорим йўқ эди...

Абдулвахҳоб:

— Агар хоҳасангиз, мен ҳайдай машинангни, — деди.

— Яхши бўларди. Ҳайдовчилик гувоҳноманг борми?

— Ҳа бор. Ҳар эҳтимолга қарши олиб юраман.

— Бўпти, қаерга борамиз.

— Сиз қаерни хоҳласангиз, ўша ерга.

— Сиз айтяпсизми, бу гапларни?

— Ҳа, мумкин эмасми?

— Сиз аёллардан ўзингни тортардингиз-ку?

— Ҳали ҳам шунақа. Аммо ҳозир сизни шу аҳвол-
нгизда ташлаб кетолмайман.

— Жуда ҳам хурсандсиз, тўғрими?

— Нега хурсанд бўлишим керак?

— Нега бўларди? Менинг исёнимни кўрдингиз.
Сизнинг қаршингизда қадрим тушиб, паст бўлиб қолдим.
Сиз ютдингиз. Художўй епископнинг билими етмади.

— Бўлиши мумкин. Баъзан бизнинг художўйлари-
миз ҳам етарлича маълумотга эга бўлмасалар, кутилган
жавобни бера олишмайди. Ўз динини яхши билмаган
мусулмонлар эса сизнинг роҳибларингиз олдида енгилиб
қолишяпти. Мен динимни ҳам, динимизни ҳам яхши била-
ман ва, албатта, ҳеч ким мени диним билан алдолмайди.
Аммо сени паст кўришим хусусида янглишдинг, Мария!
Сен мусулмон бўлсанг, хурсанд бўлардим. Насронийликни
ҳам ташлаб динсиз бўлсанг, хафа бўламан. Энг ёмон, энг
паст ишончсизлик ҳам динсизликдан яхшидир.

— Яъни фақат менга мусулмон бўлишни таклиф
этяпсанми?

— Йўқ. Сенинг ҳозирги тушкунлик ҳолатингдан чи-
қаришда ёрдам бериб, инсонийлик вазифамни бажар-
моқчиман.

— Жуда ҳам яхши инсонсан... Аммо мен чорасиз-
ман. Энди ҳолим нима бўлади? Мен энди черковга бор-
майман.

Бирдан ақлимга бир гап келиб қолди-ю, шартта ай-

тиб юбордим:

— Қизик, Оллоҳ, ростдан ҳам, йўқмикан?

— Нотўғри! Шунақаси ҳам бўларканми? Оллоҳ бўлмаса сен ҳам бўлмасдинг. Сен йўқликдан йўқ бўлиб яралганмисан? Йўқликдан яралганмисан?

— Ёки тасодиф бўлсам-чи?

— Йўқликдан тасодиф ҳам туғилмайди. Ўзи туғилмаган қандай қилиб туғдиради? Ўзингга қара-чи: йўқликдан туғилганга ўхшайсанми? Сенга: “Тана аъзоларингнинг жойини алмаштир”, — десалар, нимангни қаерга қўярдинг?” — деганмиш бизнинг мутафаккирларимиздан бири. Мувофиқсизликда математик ҳисоб бўлмайди. Мана шу биз нафас олаётган ҳавонинг кислороди 21 % эмас, бироз кам бўлса ёки бироз кўп бўлса, бирида бўғилиб қолардик, бирида эса ёниб кетган бўлардик. Инсоннинг бош миясини олиб қарайлик, агар нинанинг учидай озгина қон бўлаги биронта қон томири ўртасида тикилиб қолса, одам танасининг қайсидир аъзоси ишламай шол бўлиб қолади ёки оғриқ бериб қийнайди. “Оёқнинг ишламай қолишига сабаб бўлган ўша заррадан ҳам кичкина бўлакнинг қон томирга тикилиб қолишининг ўзи мукаммал бошқарувчи борлигидан хабар берапти”, — дегани эмасми? Кўзингга кўринаётган ҳар бир нарсага синчиклаб қара. Қара: ҳаммаси мукаммал яратилган. Сантиметр-миллиметрларига-ча ҳисобга олинган. Математика силсиласи яратилган дейсан гўё. Кўз шифокори неча йил ўқигач, кўз шифокори бўлади? Менимча, ўн олти-ўн етти йил бўлса керак...Тушуняпсанми, биттагина кўз санъатини ўрганиш учун нечталаб китоб ўқиб, қанча дарсга қатнашиши керак бўлади. Тасодифнинг китоби борми? Тасодифдан дарс олиб бўладими?

— Жуда яхши гапирдингиз.

— Нимани?

— Тасодифдан дарс олиб бўлмайди, тўғри. Агар ҳам-ма нарса мувофиқсиз — тасодиф бўлса, мингларча билимлар, касблар, бир нечта бўлимдан иборат мавзулар бор. Нима учун ўқишда уларни бизга ўргатишяпти?

— Офарин! Жуда яхши ўйлабсан. Меҳметнинг омади бор экан. Сендай ақлли қиз билан бирга бўлгани учун жуда бахтли бўлса керак.

— Оббо! Энди муносабатларимизни Меҳмет билан қандай давом эттирамыз — билмайман. Ўша ошиқ йигит кетди-ю, ўрнига мени тарбиялайман деб бошқаси келди. Уч кунда келаман деб кетган эди. Ўн кун ўтди, кейин ўн ой бўлди, лекин ҳали ҳам келгани йўқ. Хат ҳам ёзмай қўйган. Ошиқнинг бу қадар эътиборсиз бўлиши яхши эмас. Қўй энди, шу Меҳметга чалғимайлик, гапингни давом эттир... Аммо менинг ахволим яхшимас. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Яхшиси, мени уйга олиб бор...

— Албатта, жоним билан. Фақат ўзингни қўлга олсанг бўлди.

Абдулваҳҳоб газни босиб уйимга томон ҳайдай бошлади. Ундан сўрадим:

— Қандай эплайман?

— Нимани?

— Қандай қилиб ўзимга келаман? Бошим алғов-далғов бўлиб қолди. Ўзимни бошқаролмаяпман, ўзимга ўзимнинг гапим ўтмаяпти. Бўронга дуч келиб ҳар тарафга тўзғиб кетгандайман. Бутун умр эътиқод қилган черковимдан ҳам бир соат ичида воз кечдим.

— Сен шундоқ ҳам черковнинг қоидаларига амал қилмасдинг-ку... Аммо ўзингни у ерга оид билардинг. Ўзингда художўй қизларга хос бирор хислатни кўрган-мисан? Художўй насроний қизлар сенга ўхшайдими?

Унинг бундай дейишидан жаҳлим чиққанди:

— Бу билан нима демоқчисан?

Менга қараб:

— Атеист қизлар билан ёнма-ён турганингда улардан қайси жиҳатинг билан ажралиб турасан?

— Оббо!.. Қайси жиҳатим бўлса, шуниси билан... Тугади ҳаммаси, тугади... Ҳаммаси тугади энди. Фақат сендан илтимос қиламан бугун бўлган ишларни ойимга сотиб қўйма. Агар сенга қовоғини солса ҳам унга аҳамият берма.

— Нега менга қовоғини солиши керак? Ҳали мени кўрмади-ку.

— Ойим мусулмонларни ёқтирмайди. Менинг насронийлигимдан фахрланади. Ҳозирги ҳолатимни билиб қолса, юраги кўтаролмайди. Сени ҳам уйга киритмайди.

— Зарари йўқ... Нима бўлган тақдирда ҳам одамларнинг бизга ёвқараш қилишини биламиз ва ҳам биз бунга ўрганиб қолганмиз.

Кўз ёшларим тинганди-ю, лекин кўзим атрофи шишиб кетганди.

Абдулваҳҳобдан илтимос қилдим:

— Мени озгина сайр қилдиrolасанми? Уйимдагиларнинг йиғлаганимни билиб қолишларини хоҳламайман. Ҳеч бўлмаганда кўзимдаги шишлар қайтгунча...

Озгина кайфияти тушди, бунга ишончим комил. Фақат менга сездирмасликка ҳаракат қилиб:

— Албатта, сайр қилдираман. Бугун сен учун бошқача кун бўлди. Сенинг ёнингда бўлиш мен учун бурч.

Уйга келганимда кеч соат ўн бир бўлган эди. Абдулваҳҳобни уйга таклиф қилдим. “Эркаги йўқ уйга киришим менга тўғри келмайди”, — деди. Уйда дадам борлигини айтдим. Шу пайт дадамнинг деразадан қараганини кўриб

раъйимни қайтармади. Абдулвахҳоб билан уйга кирдик. Ойим билан дадам, холам ва жияним меҳмонхонада ўтиришган экан. Бизни кўриши билан дадам ўрнидан турди:

— Ў-ў-ў! Менинг гўзал қизим ниҳоят уйга келди. Хуш келибсиз. Қаерларда юрибсан, Мария? Кеч келишингни айтмаганинг учун сени кутиб ўтирибмиз.

— Бироз сайр қилдик. Бу — дўстим Абдулвахҳоб.

Селин келиб бўйнимга осилди. Холам ҳар доимгидек гўзал ва очиқ чехра билан Абдулвахҳобга салом берди. Дадам ҳам меҳр билан кутиб олди Абдулвахҳобни.

— О-о-о, жуда ҳам хурсанд бўлдим. Қизимнинг дўсти менинг ҳам дўстимдир. Марҳамат, келинг, шу ерга ўтиринг.

Дадам меҳмонларни жуда чиройли кутиб оларди. Ойим Абдулвахҳобнинг юзига ҳам қарамади... Дадам бирдан кўзимга қаради.

— Мария, йиғладингми?

Кўзимни олиб қочдим:

— Аҳамияти йўқ, дада.

— Нега аҳамияти бўлмас экан. Нима сабабдан йиғладинг? Ҳозироқ билишим керак. Шунинг учун: журналистлар йиғламайди.

Абдулвахҳоб гапга қўшилди, кулимсираб ойимга қаради:

— Гапингиз тўғри, журналистлар йиғламайди, йиғлатадилар... Фақат Марияга ўхшаган виждондилари йиғлайди, аммо йиғлатолмайди.

Кулишга ҳаракат қилдим. Ойим пичирлаб:

— Гапир, сенга нима бўлди, Мария?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ойи! Озгина юрагим сиқил-ганди.

— Меҳмет учун хафа бўляпсанми? Ўзингни хароб

қилма. Ҳеч ким бунчалик хароб бўлишга лойиқ эмас.

— Гапингиз тўғри, ойи, аммо нима қилай Меҳметсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман.

Дадам сўради:

— Дарвоқе, сен бугун епископнинг ёнига бормоқчи эдинг, бордингми?

Дадамга кўзим билан ойимни кўрсатиб:

— Кейин гаплашамиз, дада.

Дадам секингина қулоғимга эгилиб:

— Бечора ойинг... Сени ҳали ҳам католик деб ўйлаяпти. Баракалла, ролингни яхши ўйнаяпсан.

Кейинроқ ойим ҳам худди шунақа қилди қулоғимга эгилиб:

— Баракалла, дадангнинг ёнида динсиз ролингни яхши ўйнадинг.

Дадам билан Абдулвахҳоб кичик меҳмонхонамизга ўтишди. Бироздан кейин мен ҳам уларнинг олдига бордим. Дадам гапираётган эди:

— Қани, йигитча, гапиринг-чи, қаерликсиз?

— Мисрликман, афандим.

— Ў-ў-ў!.. Миср... Мисрни жуда яхши биламан. У ерда бир йиллик хизмат вазифамни ўтаганман.

— Қанақа хизмат вазифасида бўлгансиз, афандим?

— Ёшлигимда епископ бўлишга қизиққандим. Черков томонидан мени Мисрга юборишган. Арабчани ҳам яхши билардим.

— Нима сабабдан юборишган?

— Насронийликни кенг тарғиб қилиш учун. Бир йил Мисрда қолиб кетдим. Фақат биттагина мусулмонни насроний қила олгандим. Шунда ҳам унинг бобоси насроний бўлгани учун кирган эди. Лекин иккита епископ дўстим мусулмон бўлишди. Зерикдим, кейин орқага қайтдим.

Кейин умуман динни ташлаб атеист бўлдим. Динлар мени ўзига чорламади.

— Динлар эмас, “насронийлик” денг. Динлар десангиз, ислом дини ҳам ичига киради.

— Фарқи йўқ. Ҳамма дин бир хил.

— Катта фарқи бор ва динлар бир хил эмас. Бошқа динлар билан ислом дини бир-бирига ўхшамайди. Ислом дини Оллоҳнинг инсон фитратига тўғри келадиган хабаридир. Ислом динини математикага, тиббиётга, шеърга ўхшатса бўлади. Ҳеч ўзгармайди.

Бирдан мавзуни ўзгартиришим кераклигини тушундим.

— Дадам динсиздир, Абдулваҳҳоб. У билан динни тортишма. Яхшиси, сен бугунги гапингни айт.

— Қайси гапни?

— Ҳалиги: “Тасодифларнинг дарси бўлмайди”, — дегандингиз-ку. Менга ёққанди.

Дадам эътироз билдирди:

— Мария, атеистлигимни айтиш сенга ёққанга ўхшайди. Қизим, “динсиз” дема, “атеист” де. Динсизлик гуноҳ эмас-ку.

— Нега дада? Динсиз сўзи билан атеист сўзининг орасида қандай фарқ бор. Иккаласи ҳам бир хил эмасми?

— Албатта, бир хил. Аммо таъсири ҳар хил. Халқимиз “динсизман” деган гапдан чўчийди. Аммо “атеистман” дейилса, атеистликни замонавий дунёқарашдай кўришадди. Шунинг учун биз “динсизман” деган гапни ҳеч ҳам оғзимизга олмаймиз. “Атеистман” деймиз... Ёки социал-демократга ўхшаган гаплар.

— Социал демократлар динсиз бўладиларми?

— Амал қилмасалар ҳам баъзи бирлари динни яхши кўришини айтишади. Агар самимий гапираётган бўлиш-

са, нима учун динсиз бўлишсин? Аммо баъзилари: “Динни яхши кўрамиз”, — дейишади, фақат диннинг ҳукмларидан нафратланишади. Энди буниси яхшимас. Диннинг амридан нафратланадиганлар художўй ҳисобланмайди. Гап исломга бутундай ишонишдадир.

Абдулваҳҳобга қараб:

— Сен шу тасодифлар мавзусини гапирсанг... Балки, дадам ҳам Оллоҳга ишонар.

— Қизим, номи Оллоҳми ё бошқами — билмайман, аммо, барибир, қандайдир яратувчи борлигига ишонаман. Абдулваҳҳоб бунинг нимасини тушунтирсин? Ҳеч нарсани тушунтиролмади ҳам, сўрай олмайди ҳам. Биз у кунлардан ўтиб бўлганмиз.

— Шошма, Мария, дадангга мен жавоб бермоқчиман... айтоласизми, Оллоҳнинг борлигига қандай қилиб, нимага асосланиб ишонасиз?

— Билмасам... Қандайдир яратувчи бор.... Қара, арилар ҳам ақлли ҳаракатланишади. Ариларнинг яратилиши ҳам тасодиф эмас. Кичкина арининг ўзида ҳайратланарли даражада ажойиботлари бор. Тангридан бошқа ҳеч ким бундай мукамал яратолмас. Тўғри, Тангри бор. Биология ўқитувчимиз айтганди: “Ўпканинг пуфакчаларини ёйишнинг имкони бўлса, саксон тўрт квадрат метр бўлар эди”. Яъни битта хонадон дегани бу. Тангри шунақанги ақлли ва мухташам санъат соҳибидир. Кичкина ўпкага катта майдонни эгаллайдиган пуфакчаларни жойлаштирган. Шунинг учун бор деб ўйлайман. Коинот ичкараси ва ташқариси ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган.

Дадамнинг гапларини ҳайратланиб эшитар эдик.

Ҳайратини яширолмаган Абдулваҳҳоб деди:

— Жуда ҳам чиройли тушунтирар экансиз. Сиздай буюк идрок соҳиби бўлган инсон қандай қилиб динсиз

бўлди? Ростдан, ҳидоят — бошқача тушунча. Аммо сиз бу кетишда... Ўзингиз шунчалар идрок қила туриб...

Бу суҳбат дадамни завқлантирган эди. Гапида давом этди:

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, агар сизларга буйракни тушунтирсам, эсингиз оғиб қолади.

— Гапириб беринг, дада, илтимос. Сизнинг гапларингизни маза қилиб эшитяпман.

— Эшит, эшитгин-у, дадангнинг онгсизларча атеист бўлмаганини тушуниб ол. Эшитинг, ҳар битта буйракда бир миллиондан икки миллионгача нефрон¹ бўлади. Қон шу миллионларча нефронлардан ўтиб тозаланади. Бу нефронларни ким ва нима учун у ерга жойлаштирган? Энг қизиғи, табиат нефронларни қаердан билади? Тозаланган қон — гломеруларга² келган қон бу ерда бир кунда 170–180 литр атрофида қонларни филтрлайди. Вужудимиздаги парчалар, қонимизнинг филтрланишига эҳтиёжи борлигини қаердан билсин?

Абдулваҳҳобнинг дадамга ҳайрон бўлганидан оғзи очилиб қолганди. Ҳар икки гапнинг бирида: “Демак, ҳамма нарсани билиш иймондан эмас, деган гапнинг сабаби шу экан-да”, — дерди. Дадам художўй бўлган пайтлари олган билимларининг ҳаммасини тўкиб сочаётган эди.

— Тана аъзоларимизнинг ақли йўқ-ку: ўзларини бошқариб, тўғри ва фойдали ишлар қилишса. Аммо ҳаммаси буйруқ занжирига боғланган. Бир-бирига тобе бўл-

¹ Нефрон (юнонча: nephros — буйрак) — буйрак қилнайчалари. Умуртқали ҳайвонлар ва одам буйрагининг асосий структуравий-функционал бўлаги (элементи). Буйрак коптокчаси ва ундан тармоқланиб чикувчи буйрак каналчаларидан тузилган. Нефронлар сийдик ҳосил бўлиш жараёнида қондан моддалар алмашинуви маҳсулотларини чиқариб ташлайди; бирламчи сийдик таркибидан сувнинг қонга қайта сўрилишини таъминлайди; оксил, сув-туз, ишқорий-кислотали муҳитни идора қилади, қон таркибини бошқаради. Ҳар бир буйракда тахминан бир миллионгача нефрон бўлади.

² Гломерул — буйрак коптокчаси.

ган ҳолда ўз устига тушган вазифани бажаришади. Агар тана аъзоларимиздан биттаси ўз вазифасини бажармай қўйса, қийналиб қоламиз. Неча асрлардан бери инсоннинг мия фаолиятини ўрганиб келишмоқда. Агар у ўз-ўзидан пайдо бўлган тасодиф бўлганида, шунча ривожланган бўлишига қарамай, ҳали ҳам инсон миясининг муаммолари ечимини топиш билан овора бўлишармиди? Тиббиёт олимларини беш юз йилдан бери изланишдан тўхтатолмайдиган даражадаги мукамаллик оддийгина тасодифдан эмаслигини билдиради.

Абдулваҳҳоб ҳайратдан қотиб қолган эди.

Ойим ҳам ўз ҳайратини яширолмай: — Вой худойим!.. Мария шуларни даданг гапиряптими?

— Ҳа, ойижон...

Дадам бизга жавоб қайтарди:

— Оббо! Ошириб юборманг! Буларни олдиндан биламан, тўғри келиб қолгани учун айтяпман.

Абдулваҳҳоб сўради:

— Динсиз бўлишингизнинг сабаби нима? Мен сизчалик мукамал тушунтириб беролмасдим.

— Мени қийнаётган нарса ҳам шу аслида. Қанча уринсам ҳам, ўзимни худосиз қилолмаяпман. Атроф муҳитда нима бўлса, ҳаммаси битта нарсага бориб тақалади. Шунинг учун яратувчини ақлимдан чиқариб ташлай олмапман. Шунга қарамай ўзим атеистлар гуруҳидаман.

— Ҳеч ким Тангрисиз эмас. Шунинг учун бизнинг эътиқодимизда “Худосиз”, “Тангрисиз” деган сўзларни ишлатмаймиз. Динсиз Оллоҳни тан олмаса ҳам, унинг Оллоҳи ҳам Оллоҳдир. Фақат илоҳлар ўзгарган. Ленинни¹ ёки унга

¹ Владимир Ильич Ленин (Ульянов) (1870–1924) — Россия большевиклар (коммунистлар) партиясининг асосчиси. СССР деб аталган “қизил империя”нинг ташкилотчиси.

ўхшаганларни илоҳийлаштирган бўлсаларингиз, гапирадиган гапим йўқ.

— Нима? Яъни инсон Тангрига ишонмаса, уни динсиз дейишмайдими?

— Дейилмайди. Ҳозир айтдим-ку. Чунки унинг ҳам Оллоҳи бор. Тан олмаса ҳам уни Оллоҳ яратган. Лекин у бунга ишонмайди. Ишонмаганлиги учун уни худосиз яратилган деб бўлмайди.

Қизгин суҳбатимиз анча давом этди. Дадам Абдулваҳҳобга тинимсиз: “Ҳали ёшсан, динга суяниб қолма”, — деб таъкидласа, у ҳам: “Ҳам яратувчи ақли дейсиз, ҳам бутун коинотда яратилган жонзотларнинг нафас олиш йўлларигача ўйлаган яратувчининг инсонларга бир раҳбар, бир тузум юборган бўлишини тушунмаяпсиз. Ҳаммасини мукаммал ўйлаган Оллоҳ бизга бизни қаердан юбориб қаерга олиб кетишини айтмайдими? Бизни чексиз коинот узра, миллиардларча юлдузлардан фақат биттасининг устига яъни нима учун бу ерга олиб келганини билдирмайдими?” — дерди.

Дадам: “Бу йигитдан қўрқаман, мени йўлимдан қайтаради!” — деб, ҳазиллашган бўлди-да, бошқа диний гаплардан гапирмади. Ўша кеча дадам Абдулваҳҳобнинг кетишига рухсат бермади. Абдулваҳҳоб бизникида ётиб қолди. Ҳамма ётгани ўз хонасига тарқалди.

Ўша кеча ҳам кўп йиғладим... “Меҳметим... Сенсиз яшай олмайман, Меҳметим. Келсанг бўлмайдими... Энди мен католик эмасман...” — дея ухлаб қолибман.

Эрта тонгдан, яна ҳам тўғрироғи, ҳали қуёш чиқмасдан қорнимнинг очлигидан кўнглим айниётганини ҳис қилдим. Ўйлаб кўрсам, кечаги нонуштам билан юрган эканман. Бир кунда руҳиятим ўзгарганди. Буларни ҳазм қилиш менга осон бўлмади. Пастга тушсам, Абдулваҳ-

ҳобнинг уйғониб, меҳмонхонамизда бир нималар ўқиётганини кўрдим. Дарҳол сўрай қолдим.

— Тинчликми, Абдулваҳҳоб! Эрта тонгдан нима қилиб ўтирибсан?

Мени кўргач чўчиб тушди.

— Дуо қияпман, намоз ўқигандим.

— Мен овқатланмоқчиман. Тўғрироғи, чой ичиб, нонушта қилмоқчиман. Сен ҳам ичасанми?

— Йўқ. Мен даданг билан бирга ичаман.

— Бўлмаса мен шу ерда сенинг ёнингда ўтириб нонуштамни қиламан. Бир ўзим ўтиргим келмаяпти.

— Тонг саҳардами?

— Тунни кутиш керакми? Нега тонгда бўлмайди? Тонг саҳардан Оллоҳ билан гаплашяпсан-ку, мен билан ҳам гаплашасан. Оллоҳ сени яна ҳам яхши кўради. Чунки яхшилик қилган бўласан. Менинг кайфиятим яхшимас.

— Бўлмайди, Мария! Мендан бошқа муносабат кутма. Саволларинг бўлса, менга хат ёз.

— Яна ўша гаплар! Бўлди, тушундим сен мендан кўрқасан. Наҳотки, тушунмасанг? Менинг кўзим Меҳметдан бошқасини кўрмайди.

— Бўлиши мумкин.

Унинг кўзларига қараб:

— Бу билан нима демоқчи бўляпсан?

Мендан кўзларини олиб қочаркан:

— Шуни унутмаки, мен сенинг кўзларинг ҳақида гапирмаяпман.

Тушунгандай эдим:

— Бўлмаса ўзингнинг кўзларингга ишонмаяпсанми?

— Бундай гапларни гапириш менга қийин. Илтимос Мария... мени тушун... Ўзтиқодимга қарши боролмайман.

Айниқса, қайлиғим Селва бизни кўриб қолса, кечиролмайди.

Ҳайратим ошиб яна сўрадим:

— Ў-ў-ў! Ўша қизнинг дунёқараши шунчалар торми?

— Йўқ... Мени жуда севади. Севса, рашк қилади. Аммо Ғарб маданияти рашк қилишни уят, пасткашлик деб тушунишади. Одамларнинг бошини шохлар босиб кетиб, калласи кўринмай қолган. Шунинг учун Селвага ўхшаганларни сизлар тушунмайсиз.

— Сени тушунмаяпман. Мен дардлашмоқчи бўлгандим. Худди сени еб қўядигандай нега мендан қочяпсан? Сизнинг динингизда чорасиз қолган қизларни ўз ҳолига ташлаб қўйишадими? Дардимни дўстларимга айтсам, устимдан кулиб масхара қилишади. Сен бундай десанг. Мен нима қилишим керак энди? Мен билан гаплашаётганда ҳам баъзан “сен” дейсан, баъзан “сиз” дейсан. Мен билан гаплашаётганингда ҳаяжонланаётгандай бўласан.

— Сизга нима қилдим, Мария хоним?

— Мана, яна расмий оҳангда гаплашяпсан. Кеча “сен” деб гапираётганинг, бутун “сиз” деяпсан.

— Мени шошириб қўйганинг. Бир кунда қирқ йиллик дўстларга ўхшаб қолгандик. Сенинг руҳий ҳолатинг туфайли шундай бўлганди.

— Мен сени ўзимга яқин олгандим. Сени энг яқин дўстимдан ҳам яқин олгандим. Сен бўлса мен билан бирга бирга нонушта қилишни ҳам раво кўрмадинг. Шунақа ҳам дўстлик бўладими, Абдулвахҳоб?

— Тушунмаяпсан, Мария. Қара, барибир, ёнимга келиб чой ичяпсан. Нега менинг ҳам эътиқодимга ҳурмат кўрсатмаяпсан?

— Оббо, ғалати бола экансан-ку. Сени еб қўймадим-

ку. Менга Меҳмет ҳақида гапириб бероласанми? Нима деб уйлайсан: Меҳмет менга уйланармикан?

— Билмайман. Одам: “Ошиқ бўлдим, ўлапман”, — дегани билан ўлмайди.

— Хўш, сен Меҳметнинг жойида бўлиб қолсанг, менга уйланармидинг?

Абдулваҳҳоб бу саволимдан шошиб қолганди:

— Ҳасбуналлоҳ!.. Бу қандай савол бўлди, Мария?

— Мисол учун дедим. Мисол келтириш ҳам гуноҳми?

— Мария! Ўта самимийлик ҳам биз учун яхши эмас.

Қиз бола эркакка бундай саволларни бермаслиги керак..

Яхшигина жаҳлим чиққанди.

— Вой Худо!.. Сен ҳам ҳаддингдан ошяпсан! Саволимнинг нимаси яхшимас. Ёки мени севиб қолишдан кўрқяпсанми?

— Тушунмаяпсан... Севиб қолишдан кўрқиш эмас бу... Эътиқодимга тўғри келмайди, эътиқодимга. Қолаверса, мен ҳеч кимга ошиқ эмасман. Мен учун ҳеч кимга алмашмайдиган Селвам бор. Мен унга заррача хиёнат қила олмайман. Унга буни раво кўрмайман. У — менинг борлиғим.

— Қандай чиройли севги... Кошки, Меҳмет ҳам мени шундай севсайди!.. Сенинг севгингга ҳавасим келяпти. Селва билан қандай танишиб қолганингизни гапириб бер. “Фотиҳа қилинганмиз”, — дейсан, “Унаштирилганмиз”, — дейсан. Ҳеч бирининг менга аҳамияти йўқ. Мен сизларнинг қандай танишиб қолганингизга қизиқяпман.

— Ислом қоидаларига кўра, унаштириш ва фотиҳа қилиниш битта маънони беради... Одамларнинг қиладиган иши йўқдай шунақа маросимлар бор. Уч марта совчиликка борилади. Бирида қизни келин қилиш ниятини айтиш учун, бирида қиз рози бўлгани учун бошига оқ

“рўмол ташлаш”га, бир бориши “муборак бўлсин”га, яна бир боришда унаштириш кунини белгилаб келиш учун, кейин унаштирилиш учун борилади, охири йўқ бу маросимларнинг. Бир кун розилиги олинди. Кейин узук тақилди. Бир кеча эса унаштирилдик. Қандай қилиб танишганимизга келсак, айтишга айтаман, аммо бундан кейин эътиборли бўламиз, ҳўпми? Мен билан фақат хат орқали гаплашасан.

— Ундай дема, Абдулвахҳоб! Тушкунликка тушганимда ёнингга боришимга рухсат бер. Сен билан гаплашсам, енгил тортгандай бўламан. Худо ҳаққи, мени ҳам тушун! Мен ўзимни ёлғиз ҳис қиляпман. Йигитлар менга ўхшаган чиройли қиз билан саломлашишга зор бўлиб юришади-ку! Сен эса мenden қочяпсан!.. Мени тушунмаяпсан!..

— Биламан... Ҳозир сенга қийин...

— Тушунганинг учун миннатдорман. Менга эътибор қилмасанг ҳам, лекин ўйлаяпсан. Бу мени хурсанд қилди. Қани, айтиб бер-чи, Селва билан қандай қилиб танишгансиз?

— Тўғриси айтсам, у ҳақда гапириш мени завқлантиради. Модомики, билишни хоҳлар экансан, унда айта қолай. Мен ҳали ўша пайтларда динни яхши билмасдим. Юртимизни мустамлака қилиб олишган инглизларнинг маданиятига ҳавас қилардим. Инглизларга ўхшаб юриб, улардай кайф-у сафо қилардим. Ўзимизнинг куйлар ҳам ёқмасди. “Мусулмонман”, — дейишга уялардим. Сенга одатий ҳолдай кўринган нарсалар ўша пайтларда менга ҳам шундай кўринарди. Мен ҳам кўп гуноҳ ишлар қилардим. Нима бўлса ҳам ўша кун бўлди, уни кўриб қолган куним. Жуда чиройли қилиб ўраниб олганди. Мукаммал ўраниш жуда қийин. Лекин у мукаммал ўранганди. Биз ва

учта ўртоғим — йигит ва қизлар — айланиш учун Нил қирғоғига чиққандик. Биздан сал олдинда Селва ва унинг оиласи чодир қуриб дам олишга чиққан экан. Селвани кўрдик. Бизнинг ёнимиздан ўтиб сув олиб келишга бораётган эди. Унга гап отиб устидан кулдик. Европа маданияти бизни шу даражада алдаб қўйган эканки, биз ўз динимиздагиларнинг, ислом динида яшаётганларнинг устидан кулардик. Европаликларни маданиятли инсонлар деб олқишлардик. Жуда ҳам ёмон аҳволга тушиб қолганди мусулмон ёшлар!.. Европаликлар томонга ўтиб олиб ўзиникиларни ўққа тутарди. Яна сув олиб келиш учун ёнимиздан ўтиб кетди. Қайтишида унга дўстларим Муҳаммад, Жамила, Нова ва мен масхаралаб гап отмоқчи бўлдик. Биринчи мен гап бошлашим керак эди. Бизга яқин қолиши билан:

— Бувижон, бизга ҳам озгина сув беринг.

Жойида жавоб қайтарди:

— Албатта, идишингиз борми бериб кетаман.

— Сиз одамларга сув тарқатиб юришни яхши кўрасизми?

— Йўқ. Одамларга сув беришни ёқтирмайман. Чунки одамлар чанқасалар, ўзлари сувни қидириб топишади. Лекин ҳайвонлар бундай эмас. Шунинг учун мен ҳайвонларга бераман.

Бирдан ҳаммамизнинг жаҳдимиз чиқиб кетди:

— Нима, бизни ҳайвонларга ўхшатдингми?

— Ундай дема, болам! Қариб қолганим учун кўзим яхши ажратолмади. Сенинг ёнингда ҳайвонлар ҳам борми?

— Бизга сув бериб бурнимиздан чиқармоқ чимисан? Сен одамларга қилган яхшилигингни бетига соласанми?

— Йўқ. Мен одамларга қилган яхшилигимни миннат

қилмайман. Лекин ёнимда турганларнинг фақат ташқи кўриниши инсонга ўхшамай, ички қалби ҳам инсон бўлса эди...

Устимдан бомба тушиб парчаланиб кетгандай бўлдим...

Бизга:

— Яхши қолинглар, — деб узоқлашди.

Жамиланинг жаҳли чиқиб:

— Ҳали унга кўрсатаман ҳақорат қилиш қанақалигини, — деди.

Ёш йигитларнинг ёнида камситилгандай бўлишганди. Биз ҳам қизларнинг ёнида шарманда бўлгандик. Дарҳол уларнинг чодирига қараб юра бошладик. Биз ҳам унинг жаҳлини чиқарадиган гап айтмоқчи эдик. Олдимиздан яна ўшанинг ўзи чиқиб қолди ва:

— Келинг... Сомон сўраб келдингизми? — деб қолди.

Баттар жаҳлимиз чиқди.

Мен ҳақоратланганимиз учун алам билан гапирдим:

— Менга қара, сен ўзингни ким деб ҳисоблаяпсан?

— Мен ўзимни ким деб ҳисоблашим муҳим эмас, чунки ўзимнинг инсонлигимга ишончим комил. Шунингдек, мусулмонман. Ўз юртини сотмайдиган инсонман. Ўз эътиқодига содиқ қолган ва ғурур билан оёқда турган шарафли мусулмонман.

— Биз ким эканмиз? Биз кофиримизми?

— Сизлар олдин инсон бўлинг. Қолганини кейин гаплашамиз.

— Сен ким бўлибсанки, бизни ҳақорат қиласан?

— Сизлар-чи, сизлар кимсизларки, менинг устимдан куляпсиз? Масхара қилиш ҳақоратга кирмайдими? Юртингизни, ғурурингизни қўлингиздан олган инглизларга ўзингизни чиройли кўрсатишга ҳаракат қилаётга-

нингизда, мусулмон бўлганим учун менга қилган қилиқларингиздан кейин сизларни инсон деб бўладими? Инсонлик бунчалик пастга урилмайди. Бошқа гапингиз йўқми?

Биз нима дейишимизни билмай қолгандик. Уялиброқ гапиргандим.

— Сиз бизни нотўғри тушундингиз.

— Тушунчаларимни муҳокама қила оладиган даражага эришган шахссизлар деб ўйламайман. Қани, кетинглар: инглиз далаларини бориб кўринг-чи: сизларга жой бормикан? Уни қидиринг.

Орамизда энг кўп Жамиланинг жаҳли чиққанди.

Йиғлаб туриб орқага қайтди ва:

— Айтинг-чи, юртимизга инглизлар бостириб кирмадими? Бизни динимиздан айириб, замонавий бўлинглар деб қўлимизга ичкиликларни инглизлар тутқазмадими? Нега энди шу қизнинг олдида камситилишимиз керак? Нимага, нима учун? Жим турманг. Сизлар ҳам гапиринг. Шу қизнинг қайси гапи нотўғри? Бизнинг ҳайвондан фарқимиз қолдими? Уни масхара қилаётганимизнинг фарқига бормаяпти деб ўйлагандик. Уялиб кетяпман. Аҳволимизга қаранг... Қўлимизда ичкиликлар. Тилимизда кофирларнинг қўшиқлари... Яна тарбиясизлик! У ҳам етмагандай мусулмонларга душманга қарагандай қаряпмиз... Биз худосизмизми? Биз кофирми? Мусулмонларга эътиқодсизларнинг нигоҳи билан қаряпмиз. Мен буларни яхшилаб ўйлаб кўришим керак.

Хўнгир-хўнгир йиғларди Жамила:

— Оллоҳим! Бизни кечир... Бизнинг йўлимизни ўзингнинг йўлингга бошқар... Шу қизга ўхшашни хоҳлайман, мени ҳам унга ўхшат! Бу маданиятдан шу оннинг ўзидаёқ нафратландим. Кутулишни хоҳлайман. Мени кутқар! Кутқар мени!..

Ҳаммамиз ҳанг-у манг бўлиб қотиб қолгандик. Нил дарёси бўйлаб Жамиланинг овози жарангларди. Қарасам, Селва келяпти. Жамиланинг овозини эшитган экан. Кела солиб Жамиланинг бўйнидан кучоқлаб олди... Иккаласи ҳам йиғларди... Селванинг маҳзун овози юрагимни эзарди.

— Синглим, бизни бир-биримиздан ажратиб қўйишди. Бизни алдашди. Ягона менинг, хафа бўлма. Бундан кейин бошқача бўламиз. Қариндошлик ришталаримизни янгилаймиз. Иссиққина руҳ билан боғланамиз бир-биримизга.

Жамилани кучоқлаётган Селва билан нигоҳларимиз учрашиб қолди. Вой худойим! Бу қандай ажойиб кўзлар эди. Одамни ҳаяжонлантирадиган қарорли, виқорли, илмли кўзлар. Дарров кўзларини мендан олиб қочди... Аммо руҳим ва кўзларимни бир сония ҳам ундан айира олмадим. Жуда ақлли ва ўзига ишончи катта бўлган Селвани кузата бошлагандим.

Ўша куни биринчи ишим ичкиликбозликдан воз кечиш бўлди. Намоз ўқишни бошладим. Диний китобларни ўқий бошлагандим. Бирдан ўзимни бошқа оламга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Яхшигина мусулмон йигити бўлдим. Жамилага ҳам ўша кунги гаплар қаттиқ таъсир қилганди. У ҳам чиройли художўй қиз бўлди. Ўранди... Ўқиди, Селва билан қалин дугона бўлишди.

Мен эса ҳар куни Селваларининг кўчасидан ўтадиган бўлдим. Уч ой уни кўриш насиб қилмади. Ичимдаги оташ аланга оларди. Уч ойдан кейин Қоҳирадаги битта дўкондан чиқаётганида кўриб қолдим. Югуриб ёнига бордим:

— Салом, Селва! Мен Абдулвахҳобман. Мени танидингизми?

— Нимадир сўрамоқчимисиз?

— Мен!.. Ҳалиги!.. Мен мусулмон бўлдим. Ўша куни мени ҳайратга солган эдингиз.

Секин юра бошлаганди:

— Хурсанд бўлдим. Оллоҳ давомли қилсин.

Мен ҳам ўша қатори юриб бораркан сўрадим:

— Ишонмайсизми?

— Исломга киришнинг шарти менинг ишониб-ишонмаслигимга боғлиқ эмас. Мен ишонмасам ҳам бўлаверади. Оллоҳ кўрувчи ва билгувчидир. Агар инсонлар сизга ишонмасалар, хафа бўлманг. Мақсадингиз фақат Оллоҳга ёқиш бўлсин. Ҳар қандай қилинган яхши амалларимиз учун бандадан илтифот кутиш ширкдир. Бандаларнинг бирига ёқса, иккинчисига ёқмаслиги мумкин ва ҳақиқий мусулмон бўлганингизга ишонмайдилар. Улардан ҳам хафа бўлманг. Рухсатингиз билан кетсам. Бошқа мен билан кўришишингизга ҳожат йўқ. Сизга айтадиган охириги сўзим шу бўлиши хоҳлардим.

Бирдан мақсадга ўтдим:

— Селва, менга турмушга чиқасанми?

Қандай қилиб айтганимни ўзим ҳам билмайман. Бир дақиқа жим тургач жавоб берди:

— Менинг билишимча, кўчадан картошка-пиёз олишади. Тинчликми? Мени шуларга ўхшатдингизми?

Шу гапларни айтгач, орқасига ҳам қарамасдан тез-тез юриб кетиб қолди. “Лекин мен сени кўчадан бошқа жойда кўрмайман-ку”, — дедим орқасидан. Эшитишни ҳам хоҳламади. Агар менга ишонганда суҳбатлашарди.

Неча ой ҳаракат қилдим. Бир йил кеча-кундуз ўқидим. Битта тафсир¹, икки юзта китобни ўқиб тугат-

¹ Тафсир — Куръоннинг мадрасаларда алоҳида фан сифатида ўрганиладиган муфассал шарҳи.

дим. Охири уйдагиларни юбордим. Бир неча марта боришди ва ниҳоят розилигини олдим.... мен ҳам шуури баланд мусулмон йигит бўлгандим. Тақдиримда шу ерда ўқиш ёзилган экан — келдим. Боришим билан тўйимизни қиламиз, худо хоҳласа.

Абдулваҳҳоб орқасига ястаниб чуқур нафас олди. Кўзларини дераза ойнасидан ҳам узоқларга қарата давом этди:

— Хуллас, у билан мана шундай танишганмиз. Кейин у ҳам мени севиб қолди. Орқасидан қолмагандим. У менинг битта гапли ва қарорли эканлигимни ёқтирган экан.

— Жуда ҳам таъсирландим. Демак, художўй қизларнинг шунақа ақллилари ҳам бор экан-да. Нимагадир биз художўй қизларни аҳмоқ, жоҳил ва ҳеч нарсани эпломайдиган қизлар деб ўйлардик.

— Ишонч ана шундай пайдо бўлади ва шундай амалга ошади. Яъни асл жоҳиллар кимлигини биласанми, нимани эшитса, шунга ишонганлар... Ўзларингиз танимаган инсонларингиз ҳақида ёмон фикрга бориб хато қилгансизлар. Бундай қизларимизнинг камлиги одамни хафа қилади. Бизнинг ҳам тушунчаларимиз ортиши билан шунақанги онгли ва маданиятли қизлар ва йигитлар сони ортади. Буни тез орада кўрасиз буларни.

* * *

Меҳметни нима қилсам бўлади? У католик қизни хоҳламайди. Хўш динсизни хоҳлармикан. Билмайман. Ойимнинг ҳоли нима бўлади? Мен эса энди диндан ҳам чиққан эдим. Бу дардимни кимга ҳам айта олардим? Абдулваҳҳоб ҳам мен билан самимий бўлишдан ўзини олиб

қочаётганди. Мени ҳам озгина тингласа, нима қиларди? Менга Меҳметдан хабар олиб келса. Уни қандай қилиб кўндиришим йўлларини ўргатса.

Уф-ф!..

Шунчалар сиқилдимки...

Яна ҳам аниқроғи, инсонлар олтмиш йил ўтгандан кейин бирор нохуш хабарни эшитса, шундай ҳолатга тушарди. Мен эса ҳозир шундай ҳолатдаман.

* * *

Мен ўқишда эдим. Бил уйга келиб роса тўполон қилган экан. Уни наркотик моддалар хумори тўтибди. Бақириб кўчага чиқиб кетибди. Дадам унинг ҳолини кўриб йиғлаганмиш. “Тўғри, ҳаддан ташқари эркинлик инсоннинг ҳаётда яшашига зарар бераркан, мен хато қилдим”, — деганмиш. Ва ниҳоят бу гапни айтганмиш.

Шунингдек, яхши хабар ҳам мавжуд. Селиннинг дадаси келганмиш. Холамга: “Ярашайлик, жуда ҳам афсусдаман, виждоним қийналяпти”, — деганмиш. Аммо холам: “Ҳозирги гапларинг севганинг учун эмас, мени ногиронлар аравачасида кўрганинг учун. Менга ачинганинг учун айтяпсан. Менинг ачинишга эмас, севгига, муҳаббатга ва ишончга эҳтиёжим бор. Сен рус қизининг кўлига тушгансан, энди менга на севги ва на ишонч бера оласан. Қизимнинг хурсанд қилиб юрсанг, шу менга етади. Энди эса черковга бориб гуноҳларингга тавба қил”, — дебди.

Шу ишга қаранг! Азоб тортган холам, руҳоний эса холамини азоблаган гуноҳкор эрининг гуноҳларини кечирар экан. Бу ҳақда, албатта, Абдулваҳҳобдан сўрашим керак.

Бир куни Абдулвахобни ахтаришга тушдим. Ўқишга келмабди. Бир дўстини кўриб қолдим. “Кеча роса йиғлаганди. Сабабини сўрасам, айтмади. Нимагадир бугун дарсга ҳам келмади — ётоқхонада қолди”, — деди.

Жуда ҳам хафа бўлдим. Қандай бўлмасин, уни топаман ва йиғлашининг сабабини сўраб билиб олмоқчи бўлдим. Кета-кетгунча ўйлаб кетдим:

“Абдулвахобга нима бўлди экан! Ёки... Ёки бу йигит мени жуда севиб қолдими? Вой, нима деяпман ўзи? Унинг Селваси, менинг эса Меҳметим бор. Ажабо, бўлмағур нарсаларни нега ўйлаяпман ўзи?”

Тўғри у яшайдиган ётоқхонага бордим. Ўша ерда экан — ётоқхона назоратчиси айтди. Мен уни кутиш залида кутиб ўтирдим. Ўн дақиқадан кейин келди.

Вой Худойим!

Унга нима бўлган ўзи?

Ранги оқариб кетган. Бирдан ўтирган жойимдан туриб кетдим.

— Нима бўлди, Абдулвахоб?

— Ҳеч нима сўрама, Мария.

— Худо ҳаққи, гапир сенга нима бўлди?

— Ҳаётим... Ҳаётим остин-устун бўлди, Мария!

— Нима бўлди?

Йиғлаётганидан гапира олмасди:

— Ҳеч сўрама... Гапирадиган аҳволда эмасман.

— Хавотиримни оширмай гапир: нима бўлди? Сен билан дўстмиз-ку, нега айтмаяпсан?

— Селвам!

— Селвага нима қилди? Ёки бошқасига турмушга

чиқибдими?

— Селвам! Борлиғим Селвам! Селвам ўлибди! Селвамни ўлдиришибди!

— Нима? Ўлибдими?

— Ҳа, ўлибди!.. Қийнаб ўлдиришибди! Кўп қон йўқотибди.

— Ким қилибди?

— Инглиз кўппаклари! “Сен ислом ташкилотидансан, кимлар билан алоқа қиялпсан — айтиб берасан”, — дейишибди. Уч ой қамокда қолиб кетибди. Ҳар куни қийноққа солишибди. Кейин қўйиб юборишибди. Бир ойдан кейин яна қамашибди... Мисрдаги қирол Фарук¹ атрофидагилар ҳам инглизлар каби фикрлаб, унинг шикоятини эътиборга ҳам олмабди. 1936-йилнинг 20-январида ўлибди. Кетди Селвам! Жон жигарим кетди! Энди у билан у ёқда учрашгунимча бошқа кўрмайман.

— Қаерда кўришасизлар?

— Ўша ерда.

— Ўша ер — қаер?

— У дунёда... Яъни охиратда... Кўзимизни юмар-юммас кетадиган дунёмизда.

— Во-о-й! Демак, у билан ўша ерда учрашасизларми? Қандоқ яхши. Ўша ерда ҳам у билан турмуш қурасизларми?

— Албатта, турмуш қурамиз. Жаннатга кириш насиб қилсин-да. Ягона умидим шу менинг. Агар уни қайта кўрадиган кун борлигига ишонмаганимда мен бу айрилиқни кўтаролмаган бўлардим.

Унга таскин беришга ҳаракат қилиб кўрдим. Аммо тинмасдан йиғларди. Мен ҳам унга қўшилиб йиғлардим.

¹ Фарук I (1920–1965) — 1936–1952-йилларда Миср ва Суданнинг қироли.

Қанча тасалли бермай, гапларимга кулоқ ҳам солмасди. Йиғи ичдан, тасалли эса сиртдан келган нарса эди. Шунча гапираётган гапларим унинг кўз ёшлари билан ювилиб оқиб кетаётган эди.

* * *

Орадан яна бир неча ой ўтди. Меҳмет ҳали ҳам келмаганди... Фақат хат ёзиб турарди. Лекин ёзган хатларида унинг севгисини тополмаётгандим. Ҳар кун бўлмаса ҳам, тез-тез хат ёзиб турардим олдинлари. У ҳам хатларимга жавоб ёзарди. Аммо мен Меҳметнинг ўзини жуда ҳам соғингандим. Оллоҳга шукурки, Абдулваҳҳоб бор экан... Ойим мени ҳали ҳам насроний деб ўйларди. Мен эса насронийликдан аллақачон кетиб бўлгандим. Лекин мусулмон ҳам эмасман. Шунча тушқунликларга қарамай Меҳметдан воз кечолмаётгандим.

Ниҳоят ўзимнинг нозик жойимни билдим. Унинг менга нисбатан меҳри менинг ҳам унга қизиқишимни орттирган экан. Унинг меҳри камайгач меники ҳам камайибди. Агар мен, ҳақиқатан ҳам, ошиқ бўлсайдим, бундай ҳолга тушармидим?

* * *

Университетни ҳам битирдим. Дипломни ҳам олдим. Энди мен журналист бўлгандим. Университет томонидан Туркияга юборилар эканман. Аслида бу гапдан хабарим бор эди. Дадам кўп айтарди: “Сенинг вазифанг — Истанбулда”, — дерди. Туркчани яна ҳам яхшилаб ўргангандим. Меҳмет келмаса ҳам уни Туркиядан топишни ўйлай бошлагандим. Балки, мен ҳам мусулмон бўлар-

ман. Ислом динини сева бошлаган эдим.

Дадам: “Сенинг вазифанг — Истанбулда”, — дерди. Керакли маълумотларни юбориб турар эканман.

Абдулваҳобнинг аҳволи ҳали ҳам ўша-ўша. Унинг ёнига борганимда менга кўрс гапирарди. Ҳолбуки мен уни дўст сифатида яхши кўрардим ва дардларига шерик бўлишни хоҳлагандим. У эса нукул қаршилиқ қиларди. Бундан жуда эзилар эдим. Лекин уни ҳам жуда яхши англардим. Ҳали ҳам Селвани унутолмаганди. Уни жуда яхши англардим... Агар Меҳметим ўлса, мен қандай аҳволга тушаман — билмасдим?..

Меҳмет... Шу кетганича ҳали қайтиб келмади. Ўзи келмаса ҳам хатлари келиб турарди, мен шулар билан овуниб юрардим. Жуда ҳам чиройли хат ёзарди. “Сенсиз бу юртим жуда ҳам қоронғи”, — дерди. Шулар менга умид қилишим учун етарли эди. Ошиқлигим ҳам, ҳаяжоним ҳам камаяётган бўлса ҳам... Хатда ёзганларига қараганда ўзининг юртида мен билан турмуш қураб экан.

Уни тушимда кўрдим. Унга католикдан кетганимни, черковга ҳам бормаётганимни айтдим. Жуда ҳам хурсанд бўлганди... “Сени табриклайман”, — дер эди. Энди мусулмон бўлсам! Лекин бу осон иш эмасди. Динни алмаштириш, севгилисини алмаштириш осон эканми? Инсон ўз футбол жамоасини алмаштиради ҳам тушқунликка тушади-ку?! Севгилисини ёки динини қандай қилиб алмаштиради?

Якшанба кунларининг бири эди... Кайфиятим жуда тушқун эди. Ҳамма нарсадан беҳузур бўлаётган эдим. Нимагадир уни кўролмаётганим учун бетоқат бўлаётган

эдим. Охири чидай олмай Абдулвахҳобнинг ёнига кетдим. Бирон бир фурсат бўлди дегунча уни кўришга ҳаракат қилардим. Мени хоҳламаса ҳам, менга бақирса ҳам, мени олдидан ҳайдаб юборса ҳам...

Мени кўриши билан қовоғини солди:

— Яна нима бўлди, Мария?

— Сени кўргани келдим.

— Мени нега кўришинг керак, Мария? Сени кўришни хоҳламайман. Илтимос қиламан: мени тушун энди.

— Лекин сен менга кераксан. Илтимос, Меҳметга сен ҳам хат ёз. “Мария сенинг ишқингдан ўлапти, тезроқ кел”, — деб ёз. Бу ҳол менга жуда ҳам азоб берапти.

— Бўлди қил, Мария! Сендан ҳам, Меҳметдан ҳам тўйиб кетдим! Нега ҳадеб келаверасан, орқамдан қолмаяпсан? Сенга кечаги ҳафта бир неча бор: “Бошқа келма”, — дегандим-ку.

— Мусулмонлар сенга ўхшаган шунақа кўпол бўлишадими? Мен мусулмон бўлишга ҳаракат қиляпман-ку, сен эса мени итариб юбормоқдасан.

— Ким бўлсанг, бўл! Сени кўришга бошқа тоқатим қолмади. Бир кун келиб сен, барибир, охир-оқибат мусулмон бўласан. Мен бунга яхши биламан. Мен учун мусулмон бўлмоқчимисан? Мен учун мусулмон бўлаётган бўлсанг, бўлмай қўя қол. Шунақа ҳам иймон келтирарканми?

— Ҳеч ҳам унақа эмас. Қаердан олдинг бу гапни?

— Ислом динининг камчиликларини тополмаган ҳар ақлли инсон ислом динига киришга мажбурдир. Сен ҳам ақллисан... Нима қиласан? Оллоҳ яратган дунёда ундан хабарсиз яшамоқчимисан?

— Сенинг бундай ўзингни тутишинг севиб қолганларнинг қилиқларига ўхшайди, Абдулвахҳоб. Ёки мени севиб қолдингми? Нималар деб валдираяпман ўзи? Ахир,

сен Селвани севардинг-ку... Лекин ўзингни тутишинга қараб бундан бошқа маъно чиқаролмаяпман. Сен фақат гуноҳ томонини ўйламаяпсан. Мени кўришинг билан уришиб ташлайсан. Мен дардларимни ким билан пойлашаман?.. Шунчалар тушқунликка тушганманки, сени кўрмасам, туролмаяпман.

— Мени тинч қўй! Дардларингни хоҳлаган одамингга айт.

Жим бўлиб қолди. Кейин кўзини бир нуқтага тикиб қотиб турди. Бирдан ўрнидан туриб бор овозда бақириб ташлади (Ҳайҳот! Биринчи марта кўзимнинг ичига тик қараши эди):

— Хўш, мен-чи? Мен дардимни кимга айтаман? Айтсанг-чи, Мария! Мен нима қилай? Ўзимнинг дардим етмагандай, сенинг Меҳметингни эшитиб ўтиришга мажбурманми? Менинг ҳам бир дўстга, севгига, тасаллига эҳтиёж сезиб муҳтож бўлиб ўтирганимда, фақат ўз севгингни, ўз дардингни айтиб мени ноқулай ҳолатга солиб қўйганингни биласанми ўзи?

— Вой худойим! Нималар деб валдираяпсан? Сен Селвани севардинг-ку!

— Ҳали ҳам севаман. Ҳали ҳам у менинг борлиғим, азизим. Аммо шуни унутма, Мария, севгилиси ўлганларнинг кўнгли ўлмайди. Севгилиси ўлганларнинг қалби ўлмайди... Бир кун яна севгига эҳтиёжи бўлади. Яна севиб қолиши мумкин. Ҳаёт шунақа, Мария! Ҳеч ким севгилисига қўшилиб ўлиб кетмайди... Кет ёнимдан, Мария! Сенга ўрганиб қоляпман. Ўз ақлимга ҳокимлик қилолмаяпман. Мен уйлангунимча кўзимга кўринма!

Қотиб қолгандим. Юзига тикилиб қараб қолгандим:

— Вой-й! Жинни бўлиб қолибсан. Меҳметни севишимни биласан. Сен мусулмон бўлсанг.

— Жуда тўғри. Мусулмон бўлганим учун Меҳметнинг севгилисига: “Мендан узоқ тур”, — деяпман. Нима мусулмонларнинг юраги йўқ деб ўйлайсанми? Мусулмонларнинг кўнгли йўқ деб ўйлайсанми? Мусулмонлар нафас олмайдилар деб ўйлайсанми? Меҳметни севишингга келсак, мен сенга: “Уни севма”, — деб огоҳлантирган эдим, тўғри, албатта, уни севишинг мумкин. Фақат мендан узоқда севишинг керак. Ҳис-туйғуларимни сенга айтишни хоҳламайман. Фақат менинг кўзимга кўринмасанг бўлди, сенга кет деяпман. Кимни севсанг сев, фақат мени безовта қилма. Мусулмон бўлганимиз билан қалбимиз тош эмас. Ўз ҳаракатимизни бошқара оламиз, лекин ҳар доим ҳам қалбимизни бошқара олмаймиз. Фақат ўз ҳис-туйғуларимизни қўлга олишга ҳаракат қиламиз. Аммо айтганимдай кўнглимизни ҳар доим ҳам ўзимиз бошқара олмай қолишимиз мумкин. Шунча гапирган гапларим тушунишинг учун етарли бўлдики? Бундан кўпини жинниларга айтиш мумкин.

Ундан ҳайратимни яширолмай сўрадим:

— Яъни сен мени севиб қолганмисан?

Абдулваҳҳоб менга қошларини чимириб қаради:

— Йўқ!.. Фақат сени ўзимга яқин оляпман. Сени севиб қолмаслик учун олдини оляпман, холос.

— Бу — ғирт аҳмоқлик! Мен ҳам сени ўзимга яқин оламан, фақат севиб қолишдан кўрқиб сендан қочаётганим йўқ-ку.

— Сен қочмасанг ҳам бўлаверади.

Бу сафар мен жойимдан ирғиб турдим:

— Бу билан нима демоқчи бўляпсан? Нима мени энгилтак қиз деб ўйладингми?

— Йўқ, ундай демоқчи эмасдим. Сенинг эътиқодингга кўра мен билан гаплашиб ўтиришингга ҳеч

қандай эътироз йўқ. Мария, нега тушунишни хоҳламаяпсан? Сени ҳадеб ёнимда кўргим келмаяпти. Агар керак бўлиб қолсанг, ўзим уйингга телефон қиламан.

Унинг бундай дейиши мен учун жуда азобли эди. Бирдан бўшлиққа тушиб қолгандай бўлдим. Ўзим қадрлаган инсонларимни қўлимдан бой бераётгандай эдим... Унга алам билан қарадим ва:

— Гапларинг жиддийми? — дея сўрадим.

Кўзларимга тик қараб туриб жавоб берди:

— Ҳа.

— Аммо мен сени кўрмасам туролмайман.

— Нега туролмайсан? Сенга ҳозир севги керак. Ичингдаги бўшлиқни мен орқали тўлдирмоқчисан. Меҳмет билан топишгач, ҳаммаси тугайди. Шунча пайтдан бери ярим кўнглингга ямоқ бўлганим сенга етмадими?

Жуда ҳам хафа бўлдим. Кўзимнинг ичи ёшга тўла эди. Кўз ёшларим оқиб кетмасин деб ўзимни зўрға тутиб турардим.

— Ҳа-а, демак, ҳаммаси тугадими?

— Ҳа... Ҳаммаси тугади.

— Мен динимдан, эътиқодимдан айрилдим. Ҳеч бўлмаганда ислом динини ўргатсайдинг. Аммо сен буни ҳам қилмаяпсан. Шуми мусулмонлик? “Менга исломни ўргат”, — деганларга ўргатмасликми? Динсиз юриш менга ёқмаяпти, лекин сендан ҳам ёрдам ололмаяпман.

— Мария! Мени қийнама... Сенга мусулмон бир қиз топиб бераман, ундан ўрганасан. Шундоқ ҳам энг асосий қоидаларини ўргатганман. Қолганини бошқасидан ўргансанг ҳам бўлади. Мен бегона аёлга динни ўргатган қанча эркакни кўрган бўлсам, ё қиз унга, ёки йигит қизга ошиқ бўлиб қолганини эшитганман. Эҳтиёт чораларини олдиндан кўриш керак. Мусулмон бўлган кунинг менга хат ёзиб

хушхабарни айтсанг бўлди.

Ўзимча ич-ичимдан минғирладим:

“Жинни бўлганми бу? Мусулмон бўлгач ўзим келиб сенга бу хушхабарни айтаман. Хат ёзиб вақтимни йўқотиб нима қиламан?”

Кейин чидай олмай бу гапимни овоз чиқариб айтдим:

— Мусулмон бўлсам, охирги марта ёнингга келиб ўзим айтаман.

— Уфф, оҳ Оллоҳим! Қаерданам шу қизга дуч келдим-а?! Тушунмаяпти, тушунишни хоҳламаяпти... Мария! Мен мусулмонман. Мен ислом динининг ҳукмларини ҳимоя қилсам, у ҳам мени ҳимоя қилади. Гуноҳдан қочиш ҳам гуноҳ қилмасликка тенг. Сен менинг гуноҳимсан!.. Сенга яқин бўлишни хоҳламайман...

Тўхтади, ютинди... Нималарнидир сўрамоқчи бўларди-ю, аммо сўраб-сўрамасликни ўйлаётгани шундоқ сезилиб турганди. Юзини бошқа томонга буриб, кўзини мендан олиб қочди, кейин секингина паст овозда — гўёки гапирмоқчи эмас — фақат калималар тишларининг орасидан зўрға чиқаётгандай гапирди:

— Яна ҳам тўғрисини айтсам, сенда Селванинг руҳини кўраётгандай бўлардим. Мендан узоқ тур!.. Охири дилимдагини тилимга чиқартирдинг...

— Ундай бўлса яна ҳам яхши-ку, бунинг нимаси ёмон. Бўпти-бўпти, кетаман. Мени деб гуноҳга ботма. Шундоқ ҳам ҳамма айб менда. Сени ўзимнинг бир бўлагимдай кўргандим. Сени жуда ҳам севгандим!

Унинг ёнидан кетаётганимда кўзи тўла жикқа ёш эди. Абдулвахҳобнинг кўзларидаги ёш менинг ақлимни олгандай бўлди. Меҳметни севмаганимда эди, ҳаммаси бошқача бўларди. Лекин Меҳметни севишимнинг сабаби

ҳам ўзи эди-ку. Меҳметни Абдулваҳҳобни туфайли севгандим ва уни жонимдан ҳам ортиқ кўришимни айтгандим унга.

Унинг ёнидан чиқиб, машинамга ўтирдим. Қарасам, орқамдан югуриб етиб келибди. Ҳам ҳайрон бўлгандим, ҳам орқамдан келгани мени хурсанд қилганди. Пушаймонлиги шундоқ кўриниб турарди:

— Мендан хафа бўлма, Мария. Қўполлигимни кечир. Албатта, ислом динига кир, ҳўпми? Майли сенга охирги марта бўйнимни эгаман, мусулмон бўлишинг билан келиб менга хушхабарни айт, илтимос қиламан.

— Катта раҳмат. Лекин ислом динига ҳам кирмайман, сенинг кўзингга ҳам кўринмайман. Модомики, сен орқали бўшлиқни тўлдирибман — сен шундай деб ўйлаётган бўлсанг, сени кўришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Ўзини айбдордай ҳис қилиб:

— Хафа қилиб қўйганим учун мени кечир!

Юзига қарамай жавоб бердим:

— Ҳа, жуда ҳам хафа қилдинг... Ҳаётимни барбод қилдинг!

Қизиқиб сўради:

— Менга ўрганиб қолганинг учун ҳаётинг барбод бўлдими?

— Йўқ. Мени кўришни хоҳламаганинг учун. Юрагимни парчаладинг.

— Оғриндингми, Мария? Сени хафа қилишни ҳеч ҳам хоҳламагандим, аммо менинг юрагим ҳам бошқа томондан парчаланди. Бошқа кўришмаслигимиз иккаламиз учун ҳам яхшиликка бўлсин.

Кетаркан бирдан орқасига қаради:

— Ҳа-а, эсим борлигида айтишим керак. Мени черковга олиб борган кунинг ўша ерда бир епископ бор эди-

ку, — деди.

— Хўш, унга нима қилибди?

— Ўша епископ мусулмон бўлди...

— Нима?!

— Ҳа, мусулмон бўлибди. Ўзи топиб келди мени. Келиб пешонамдан ўпиб кетди. Мен сабабчи бўлган эканман.

Бу гапни ойим эшитгудай бўлса, юраги ёрилиб ўларди. Меҳмет эшитса, хурсанд бўларди... Тўғриси, сабабини билмайман-у, мен ҳам хурсанд бўлдим ва:

— Мен ҳам сенинг хурсанд бўлганингдан севиндим. Жуда ҳам! — дедим.

Машинамни ўт олдиргим келмаётганди. Унинг ёнидан узоқлашишни хоҳламасдим. Унинг ёнида бўлиш менга қандайдир ҳузур ва қувонч берарди. Аммо унинг яна кўполиги тутди:

— Қани энди, кета қол, Мария.

— Бутун умр кўришмаслик шарти биланми?

— Афсуски, шундай.

— Бу қандай бўлади? Мен сени кўрмай қандай яшайман энди?

— Бўлди, энди кет!.. Худодан сўрайман: ҳақиқий мусулмон бўл ва бир мусулмон йигитга жаҳл қилганингда аламингни ислом динидан олмассан?

— Бу нима деганинг?

— Баъзи ғайримуслимлар мусулмон динига киргандан кейин биронта мусулмон унинг жаҳлини чиқарса, яна қайтиб диндан чиқади-да, шунга айтяпман.

— Мен мусулмон бўлсам: “Оллоҳнинг дини исломдир”, — деб мусулмон бўламан. Одамлар учун кирмайман.

— Буни биламан. Сен сохталикни ёқтирмайсан.

— Ростдан ҳам, шундай деб ўйлайсанми?

— Ҳа, сен, ростдан ҳам, виждонли ва ахлоқли бир қизсан.

Мени мақтаганидан хурсанд бўлгандим. Ундан ажралишни хоҳламаганим учун суҳбатимизни давом эттираётгандим.

— Ростдан ҳам, ҳар бир мусулмон ҳақиқий мусулмон эмасми?

— Йўқ! Биз — бутунги кун мусулмонлари — Оллоҳга дуо қилаётганимизда жуда чиройли дуо қиламиз. Ислом динига кўра дуо қиламиз. Аммо, афсуски, исломга кўра яшамаймиз. Шуни унутма: аввало, иймон келтирганларгина ўзаро дўст бўла олади, ундан бошқаси бўлолмайди. Аммо мутаассибликда ҳаддидан ошганларнинг фикрича, битта гуруҳда бўлганларгина ўзаро биродар бўла олар эмиш. Бир кун мусулмон бўлсанг ҳеч ҳам ундайлардан бўлма. Ҳеч қачон жоҳиллардан, ишончи учун алоҳида-алоҳида гуруҳлардаги мусулмонлардан бўлма. Сен билан, балки, бошқа учрашмасмиз. Шу маслаҳатимни ҳеч ҳам унутма... Ким нима деса десин, мақсадинг фақат ва фақат Оллоҳ розилиги учун бўлсин. Бу гапларимни унутма, хўпми? Албатта, Оллоҳ томон бўл... Сенга ислом динида бўлишинг ярашади. Унутма, Мариям!..

— Оҳ! Сен менга: “Мариям”, — дединг.

— Бўлиши мумкинмас. Нотўғри эшитгандирсан.

— Йўқ, айтдинг!.. Мариям дединг.

— Бўлди қил энди... Оғзимдан чиқиб кетгандир. Бўлди энди, ҳайда машинангни.

Кўз ёшимни тия олмасдим:

— Кетяпман. Энди сени бошқа кўрмайман.

— ...

Мажбур кетдим у ердан. Агар машинанинг кўзгусидан кўрганларим ёлғон бўлмаса, унинг ҳам кўзларини

артаётганини кўргандим. Кета-кетгунимча бир томондан йиғласам, бир томондан ўйлардим. Хуштор бўлиб юрганлар ҳам бунчалик севолмаса керак. Эй худойим, нега мени севиб қолди экан-а? Бекорга азобланыпти. Мен ҳам уни севаман. Лекин у мени севмайди, у менга ошиқ бўлган. Уни кўрмасдан яшашни тасаввур қилолмаяпман. Меҳмет қаердасан, кела қолсанг-чи энди...

Меҳметнинг келишини кутишимга ҳожат қолмади. Энди ўзим Туркияга кетаётгандим...

Яна ҳорғинлик... Яна чарчаган ҳолда уйга келдим.

* * *

Епископнинг мусулмон бўлганига ҳайрон бўлгандим, буни дадамга айтиб бердим.

— Нима! Мусулмон бўлибдими? Жинни бўлганми?

— Билмайман, дада, мен ҳам ҳайрон қолдим.

— Исломдан нима топибди?

— Билмайман.

— Бўпти, тушунарли... Ўша йигит уни мусулмон қилгандир. Чунки ўша йигит маъноли ва таъсирли қилиб гапирар экан. Худога шукур, сенга ўз таъсирини ўтказолмади. Лекин сен жуда ҳам ақлли қизсан.

Дадам бу хабарни ҳазм қилолмаганди. Бир муддат залнинг у ёғидан-бу ёғига қараб секин-секин юра бошлады, кейин менга қараб:

— Менга қара, Мария! Бу гапдан кейин юрагим ғаш бўлди. Епископнинг нима учун мусулмон бўлганини ўрганиб менга айтоласанми?

— Қаердан ўрганаман?

— Бориб ўша Абдулваҳҳобмиди — ким эди — ўшандан сўра.

— Мен унинг ёнига бормаيمان, дада. Менимча, у ҳам билмаса керак. Епископ ҳам унга хушхабарни айтиб кетган экан.

— Йў-ўқ.. Мен мусулмонларни яхши биламан. Улар бир епископ мусулмон бўлади-ю, унинг билан алоқани кесади, шунақами? Мумкин эмас. Мен уларнинг ислом тарихидаги хислатларини ўқигандим.

— Ўша тарихдаги мусулмонлар ҳозир деярли йўқ эмиш... Яъни жуда кам бормиш. Келажакда яна кўпаяр экан.

— Улар жуда яхши билишарди. Биз келажакда ҳатто исломнинг изини ҳам қолдирмаймиз. Аҳмоқлар билмайди...

— Лекин сиз Худога ишонасиз-ку.

— Ишончим учун диннинг бўлиши шартми?

— Модомики, Оллоҳ бор. Оламлардан нимани хоҳлашини билдириши керак эмасми, дада?

— Ҳа, мантиқ шундай дейди.

— Башарти ислом дини орқали билдирган бўлса-чи?

— Бўлди, ўзингни қийнама. Тағин сенга ҳам таъсирини ўтказмасин? Худо сақласин!.. Епископ учун жуда хафа бўлдим. Халқ буни эшитса, жуда қаттиқ зарбага дучор бўлади... Охир-оқибат бу ҳол баъзиларининг мусулмон бўлишига сабабчи бўлиб қолади. Зудлик билан газетага хабар беришим керак.

— Оббо! Нима учун, дада, қандай хабар бермоқчисиз?

— Ҳозир қараб тур: нима дейишимни ўзинг эшита-сан.

Дадам қаергадир телефон қилди. Тушунишим бўйича дадам гаплашаётган одам ҳам мухбир, ҳам бош-лиқлардан бири эди. Ҳам дадамни жуда ҳурмат қиладиган-

лардан бири эди. Дадам унга нима деб ёзиши кераклигини сўзма-сўз айтиб турди. Айниқса, шундай ёзишларини таъкидлади:

— Епископ тушкунликка тушиб, “Черковнинг менга бераётган пули камлик қияпти, мусулмонликда кўп пул бор”, — деб, епископликни ташлади.

Хайратдан қотиб қолгандим. Дадамнинг имонини заҳарлаганлар виждонини ҳам заҳарлаб улгуришган экан.

— Нега ундай қилдингиз, дада? Ахир, бу ёлғон-ку!

— Негалиги кўришиб турибди-ку. “Епископ нима учун исломга кирди?” — деб қизиққанларнинг кўпчилиги ислом динига кириб кетиши мумкин. Шундай десак, халқни қизиқтирган саволларнинг жавобини топган бўлишди.

— Жуда ҳам ақлсиз, дада. Лекин ёмон ниятда ишлатилган ақл сизга тинчлик берадими?

— Ривожланган дунё қуришимиз учун ақлли бўлишимиз шарт... Ҳа-а... Нега сен ўша йигитнинг ёнига бориб сўрашдан ўзингни тортяпсан?

— Унинг ўзи мени кўришни хоҳламаяпти.

— Қизиқ нима учун? Аслида бундан хурсанд бўлдим. Бўлмаса сени ҳам ўз таъсирига оларди... Ундай бўлса, ўзим бораман...

Дадамдан буни кутмагандик. Ойимнинг ва менинг хайрон бўлиб қараб туришимизга эътибор ҳам қилмай, курткасини кийиб, Абдулваҳҳоб билан учрашиш учун уйдан чиқиб кетди.

Икки соатдан кейин уйга қайтганда жаҳл отига минганди. Ойим қўймай сабабини сўраганида:

— Ҳеч сўрама, епископ мусулмон бўлганмиш. Ислом динининг ҳақиқий дин эканини очиқча айтаётганмиш. “Муҳаммад оддий инсон эмас. Чунки кўп хислатлар соҳиби

бўлган Исо алайҳиссалом ўликларни тириктирар эди. Ўзидан ҳам кўп хислатларга эга бўлган пайғамбарни мактар эди. “Ҳақиқий пайғамбар бўлмаганда Исони мактамасди”, — деяётган эмиш. “Бу дин ҳақиқий бўлмаса, ҳақиқий деган нарсанинг ўзи йўқ. Айниқса мен инсон фитратига мос келадиган дин бўлгани учун ҳамда мусулмонлик дини мантиқли дин бўлгани учун мусулмон бўлдим”, — деганмиш.

Ойим қовоғини солиб жавоб берди:

— Тўнғиз! Жаҳаннамга кетсин!

— Ойи! Нега епископга тил теггизяпсиз?

— Энди у епископ эмас.

— Нима фарқи бор? Яна ҳам художўй ва яхши инсон бўлиб ҳаётини давом эттиради. Ҳамда ҳеч кимга туҳмат қилмасдан, Исодан ҳам, Мусодан ҳам, Инжилдан ва Биби Марямдан ҳам айрилмасдан яшайди.

* * *

Меҳметдан ҳали ҳам ҳам хабар йўқ эди. Эй Худойим, мен Меҳмет десам, кўз олдимга Абдулваҳҳоб келади. Шунақаси ҳам бўладими? Бунинг устига Абдулваҳҳобдан хафаман. Сен туфайли шундай бўлди, Меҳмет. Кетдинг. Кетганинг бўйича қайтай демадинг. Уч кунга деб кетган эдинг?.. Меҳмет, мени, менинг юрагимни ёлғиз ташлаб кетдинг, бу юрак қурғур эса мендан сўраб ўтирмай ўзига дўст топиб олди.

* * *

Холам ҳам алоҳида яшаш учун бошқа уйга кўчиб ўтди. Давлат унга кечаси учун алоҳида, кундуз учун алоҳида ҳамшира ажратди. Селин ҳафтада бир марта дадаси

билан айланишга чиқиб тураётган эмиш. Дадаси ҳар доим: “Қизим, мени кечир”, — деб узр сўрармиш.

Ойим холамнинг кўчиб ўтадиган уйини бизнинг уйга яқинроқ жойдан олдирган эди. Онамга қойилман... Бошқаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлишига қарамай, опасини меҳр билан парвариш қилди.

Софини кўргани бордим. “Менинг қора марваридим”, — деб кучоқладим уни. Унинг қўғирчоқлар билан бирга хола-хола ўйнадик. Кейин унга қўғирчоқ олиш учун дўконга олиб бордим.

— Сенга совға қилмоқчиман қайсисини оласан, танла, — дедим.

Битта қора танли қўғирчоқни танлади.

— Нега уни олдинг? — деб сўрасам, кўзимга маъноли қараб жавоб берди:

— Уни ҳеч ким танламайди, кейин хафа бўлиб қолмасин деб олдим, — деди.

Ёшгина боланинг маъноли ва ҳозирги кунимизнинг аччиқ ҳақиқатини айтган бу гапларидан жуда ҳам таъсирланиб кетдим. Софининг маъсум чеҳрасига қараб, ичимда; “Бутун дунё қўлни қўлга бериб, Африкани ривожлантиришимиз керак. Қора танли болалар оқ танли болалар ичида, оқ танли болалар қора танли болалар ичида яшашларига мажбур бўлмаслиги керак. Ҳеч қайси бола қора танлилар орасида ўз рангини деб қийналмаслиги керак. Оқ танли болалар, қора танли болаларнинг орасига тушиб қолса, улар ҳам, руҳий қийинчиликларда қолиши мумкин”, — деб ўйладим.

Ҳайронман дунёни бошқараётган раҳбарлар нега

буни ўйлашмаяпти. Атташенинг¹ қизи ҳам ота-онаси билан бирга кетган эди. Дадасининг хизмат вазифаси юзасидан Нигерияда яшашига тўғри келган экан. Ўша ўртоғим ҳам ҳабашларнинг орасида қийналиб яшаганини айтиб берганди. “Олти ёшда эдим. Ҳамма қора, битта мен оқ эдим. Роса йиғлардим”, — деб гапириб берганди.

Инсоният бу масалани, албатта, кўриб чиқиши керак.

* * *

Орадан яна неча ҳафталар, кунлар ўтиб кетди. Бир куни ярим кечаси дадам ҳаяжон ичида келиб қолди.

— Мария, кел, қизим, сенга айтадиган гапларим бор. Энди Туркиядаги ишларинг бошланяпти. Бу кеча сенга баъзи вазифаларингни тушунтираман. Сенга Истанбулнинг Лалели туманидан битта уйни ижарага олдим. Атташенинг қизи Сузи ҳам сен билан бирга туради. Илк мақолангни Туркиядан ёзишингни хоҳлайман. Германиянинг энг машҳур газетасида мақолаларинг чиқади. Туркиядаги дўстларимизнинг манзилларини ҳам сенга бераман. Қийналмайсан. Оҳ, қанийди, каллангни ишлатиб Отатуркни ўзингга оғдира олсанг... Сенга дунёларни берардим.

— Мендан бундай қилишимни сўраманг, дада. Мен Меҳмет билан турмуш қураман. Бошқасига қарамайман.

— Қизим, битта Отатуркнинг ўзи ўнта Меҳметнинг жойини босади. Ҳам давлат бошлиғи, ҳам келишган чиройли эркек...

¹ Атташе (французча: attache — қўшиб қўйилган, бириктирилган) — 1) кичик дипломатик мартаба, унвон; 2) бирор соҳа, масалан, ҳарбий соҳа вакили бўлган дипломатик ходим.

— Барибир, менга буларнинг қизиғи йўқ.

— Майли, ҳеч бўлмаганда, унга яқинроқ бўл. Бизнинг тушунчаларимиз ҳақида гапириб берсанг, бизга анча ёрдамнинг тегиб қоларди. Иккинчи вазифанг шуки, Туркияда қобилиятли ёзувчилар қанча бўлса, ҳаммасини аниқлайсан. Улар билан ҳар хил тадбирлар ўтказасиз. Бизга бўйсунадиган, хизмат қиладиган ташкилотлар сонини кўпайтир.

— Хўп бўлади, дада. Уларни тақдирлаш учун ҳар хил мукофотлар ҳам бериб туришимиз керак, тўғрими? Кичкина темир парчасини олган инсонлар шон-шуҳратдан маст бўлиб қолишади.

— Баракалла, қизим. Бу гапларни сенга ким ўргатган? Менми?

— Албатта, сиз айтгансиз-да, дадажон... сиз... инсонларнинг ожиз томонини жуда ҳам яхши биласиз. Бунни қандай қилиб аниқлагансиз?

— Жуда оддий. Одамлар хушомадни, мақтовни яхши кўришади. Бўлмаса шунча санъаткор олқиш олиш учун халқнинг олдига чиқармиди?

— Мукофотларни қайси хизматлари учун беришимиз керак, кечирасиз, дада, бердиришимиз керак?

— Қизим-ей, мукофот бериш учун сабаб кўп-ку. Балкониини расмлар билан безагани учун мукофот билан тақдирлансин. Ўзига қараб, чиройли кийинганлар учун мукофот... Чиройли нутқ сўзлаганларга ҳам мукофот берилсин. Яхши ёзган ёзувчиларга битта мукофот. Қиморхоналарга аъзо бўлгани учун ҳам мукофот берилсин. Ярим яланғоч юрганларга мукофот. Уйида ит боқгани учун мукофот. Аҳоли сонининг ортишига муносиб ҳисса қўшганларга мукофот берилсин. Намунали бошлиқ мукофоти. Битта чиройли шеър ўқигани учун ҳам мукофот берилсин.

Аълочи талабалар учун мукофот. Мукофот бериш учун сабаблар кўп. Энг асосийси мукофотни кимларга бераётганингни яхши билсанг бўлди. Мукофотлар билан тақдирлаш хусусида бизнинг уюшмамиз яхши фаолият олиб борапти. Деярли барча обрўли одамларни ўзимизга оғдириб олди. Қани энди, сен ҳам маҳоратингни кўрсат, қизим. Ҳақиқий социал-демократ журналист бўл. Бизга кўпроқ маълумотлар жўнатиб тур. Ҳали кўрасан... Сени дунёнинг энг машҳур журналисти қиламан.

— Агар бунга лойиқ бўлмасам-чи, дада?

— Сен биздай фикр юрита бошлаган кунингданок энг катта мукофотга лойиқ бўлгансан. Агар билсанг, бизнинг рухсатимизсиз ҳеч ким журналистиклик соҳасида машҳурликка эришолмайди. Агар биз хоҳласак, энг оддий газета муҳбирини катта журналист даражасига кўтаришимиз мумкин. Сен булар учун хавотир олма.

* * *

Меҳметдан келган кейинги хат шунчаки ёзилган эди. Хатнинг мазмунидан соғинч ҳиссиёти сезилмаётганди. “Оддий руҳий ҳолатдир”, — дедим, ўзимча.

Туркияга кетаётганимдан жуда ҳам хурсанд эдим. Йўл тайёргарлигини ҳам кўриб қўйгандим. Поезд эртага соат ўн бирларда кетиши керак...

Хурсандчилигимдан учаётганга ўхшардим. Ахир, у ерда Меҳметни кўраман-ку! Меҳметим, сени жуда соғиндим!

Мен аслида Меҳметни менга ошиқ бўлиб қолгани учун севганман. Ўша севгисининг соясида бахтли эдим. “Абдулваҳҳобнинг хислатлари унда ҳам бордир”, — деб ўйлардим ўзимча. Нима бўлган тақдирда ҳам Меҳмет

мусулмон эди.

Қаранг, яна хаёлимга Абдулваҳоб келди! Қандай бўлмасин, уни топиб хайрлашиб кетишим керак эди. Уни топиш унча қийин бўлмади. Сездирмасликка ҳаракат қилса ҳам, уни қидириб келганимдан севингани билиниб турарди. Уни кўрар-кўрмас гапирган гапим кейинчалик ўзимга ҳам ёқмаганди:

— Ҳеч ҳам кўркма, мени бошқа кўрмайсан. Мени кечир, сен билан хайрлашмасдан кетолмасдим.

— Раҳмат. Мени ўйлаганинг учун хурсанд бўлдим. Ҳайрон бўлиб:

— Қўйсанг-чи, сенми? Худо ҳаққи, бундай дейишингни ҳеч ҳам кутмагандим.

— Рост гапиряпман. “Оллоҳ” сўзи сенинг тилингга қандай чиройли ярашди. Бундай кейин доимо шундай дегин. Демак, энди кетяпсанми?

— Ҳа, эртага соат ўн бирда.

— Мусулмон бўлганингни кўрмас эканман-да.

Уни хафа қилиб қўйишни хоҳламагандим:

— Шунақа, шекилли. Балки, кирмасман.

— Кирасан. Сенинг руҳиятинг мусулмонликни аллақачон қабул қилиб бўлган. Фақат қалбинг билан ақлинг тўхтаб турибди.

— Миннатдорман. Сенга ҳаммаси учун катта раҳмат.

— Биласанми, кеча Селва тушимга кирганди. Тушимда қўлимга битта хат бериб кетди. Хатида сенга ҳам салом айтибди. Туш бўлса ҳам жуда ҳам таъсирландим.

— Қизиқ... Агар яна тушингга кирса, менинг номимдан ҳам унга салом айт. Майли, мен энди бора қолай. Туркия ҳам сизга ватанингиздай бўлса керак. Ахир, мусулмонларнинг давлати-ку... Тезроқ мусулмонларни кўришга

қизиқяпман. Қани, кўрайлик-чи, мен уларнинг орасида ўзимни қандай тутар эканман?

— Менга, албатта, хат ёз. Ёзасанми ўзи?

— Албатта, ёзаман.

— Меҳметга ҳам менинг номимдан салом айтиб қўй. Мен мусулмон бўлганим учунгина сен билан бирга бўлади. Бунинг учун мусулмонлигимдан миннатдор бўлсин.

— Бу нима деганинг?

— Сен бунга эътибор қилма, шунчаки гапирдим-да.

— Кетаётганимдан хурсанд бўлсанг керак?

Кўзини ердан узмай жавоб берди:

— Ҳмм, жуда ҳам хурсанд бўлдим... Қойилман, ахири тушунибсан.

— Тушунмайдиган жойи йўқ-ку бунинг.

— Майли, буни бошқа гаплашмайлик.

— Тўғри... Бўлмаса сен гуноҳкор бўлиб қолардинг.

Эҳ, Абдулвахҳоб, сен менга нисбатан, ўзинг ўйлагандай ҳиссиётга эга эмассан. Агар шундай бўлганда ҳозир менинг кетишимга жим қараб турмасдинг. Меҳмет билан бирга бўлмаслигим учун қўлингдан келганча қаршилиқ қилган бўлардинг.

— Мен биров билан унаштирилган қизнинг ҳаётига нега аралашишим керак! Бу нима деганинг? Бошқаси билан унаштирилган қизга пасткашларгина кўз олайтиради. Қўй, энди кетадиган вақтинг ҳам жанжаллашмайлик.

— Агар йигитим бўлмаганда менга уйланадигандай гапиришингни қара. Тўғри айтасан, энди жанжаллашмайлик. Бу, барибир, бизнинг сўнгги учрашувимиз бўлади.

— Худо билади.

Унинг бундай дейишидан ҳайрон бўлгандим:

— Мен Меҳмет билан турмуш қургач, унинг ёнида —

ўша ерда яшамоқчиман.

— Тўғриси ҳам шу: унинг ёнида қолишинг керак. Туркияда ҳали ҳам мусулмонлар бор бўлса, уларга менинг номимдан салом айтиб қўй. Турк биродарларимизга айтиб қўй: араблар уларнинг орқасидан пичоқ санчгани йўқ. Биродарларнинг ўртасига совуқчилик тушириш учун “Ёш турклар¹” ҳамма ёққа ёлғон гап тарқатишди. Биродарларимга айтиб қўй, душманларнинг ҳийла-найрангига учмасин. Такрор айтяпман: араблар битта ҳам туркни ўлдиргани йўқ.

— Аммо сен нега йиғлаяпсан?

— Селвам эсимга тушиб кетди, шунга йиғлаяпман. Сенга ҳам ўрганиб қолган эканман... Буни сенга айтмоқчи эмасдим, барибир, энди кетяпсан-ку шунга... Ёнимга ҳадеб келавермаганингда шунчалик ўрганиб қолмасдим. Энди сен кетгач ёлғизланиб қоламан. Буни ҳозирданоқ ҳис қила бошладим. Лекин шуни жуда яхши бўлишига аминман.

— Майли, яхши қол! Сен энг яхши биродар, энг яхши дўст бўлдинг. Сени ҳеч қачон унутмайман!!!

— Бўлди қил!.. Кета қол энди!

Орқасига ўгирилиб чопиб кетди. Унинг йиғлаётганини билиш қийин эмасди.

Эртаси куни ҳамма билан хайрлашиб поездга чиқдим... Онам, дадам, дўстларим... Ҳаммаси мени кузатиш учун вокзалга келишганди. Атрофимда ҳамманинг бўлишига қарамай, нимагадир кўзларим Абдулвахҳобни қиди-

¹ Ёш турклар — XIX аср охири ва XX бошларида Усмонли турк империясидаги инкилобий ҳаракат катнашчилари, “Иттиҳод ва тараккий” партияси аъзолари. Ёш турклар (улар дастлаб ўзларини Янги усмонлилар деб аташган)нинг асосий мақсади султон Абдулҳамид II (1842–1918)нинг истибодини конституцион тузум билан алмаштириш, Туркияда ажнабийлар ҳукмронлигига қарши кураш ва демократик жамият қуриш бўлган.

рарди. Тавба, жуда ғалати...

“Агар йигит билан қиз ёки аёл билан тез-тез учрашиб, гаплашаверса, ўрталарида ўзлари сезмаган ҳолда яқинлик пайдо бўлади. Шунинг учун эҳтиёт бўлишга ҳаракат қиляпман!” — деганди. Гапи тўғри экан.

Эй Худо! Ё Оллоҳим! Нималар деяпман ўзи? Ахир, бу билан Меҳметга хиёнат қилган бўламан-ку. Худойим, ўзинг мени кечир. Меҳметга бўлган севгим пок бўлиши керак-ку. Ишончим комил, унинг севгиси ҳам менга нисбатан худди шунақа.

Поезд қўзғаладиган вақт бўлди. Барибир, атрофдан уни қидираётган эдим. Нима қиларди, Абдулваҳҳоб шу ерда турган бўлса-ю, уни яна бир бор кўрсам. Мен уни ёмон ният билан севмадим-ку...

Ўз биродаримдай... яқин дўстимдай...

Роса кутдим...

Аммо уни кўрмадим.

Поезднинг қўзғалиши учун гудок чалиши уни кўришга бўлган умидларимни йўққа чиқарди.

* * *

Вагонга киргач, дераза ёнидаги жойга бориб ўтирдим. Рўпарамда тўқ сариқ сочли битта қиз ўтирган эди. Поезд юришни бошлаганига ярим соатлар бўлган эди. Ҳали ҳам қимирламай ойнадан ташқарига қараб кетаётган эдим.

Тушкун кайфиятим олдимга қараб ўтирдим-да, рўпарамда ўтирган қизга салом бердим:

— Салом.

— Салом.

— Қаерга кетяпсиз?

— Туркияга.

— Сиз-чи?

— Мен ҳам.

Поезднинг юра бошлаганига ҳам анча бўлганди. Кетмоқдаман... Аммо қалбимнинг бир парчасини Германияга ташлаб кетаётган эдим. Мен, ростдан ҳам, унга ошиқ бўлиб қолганман. Чунки унга бундай интилишимнинг бунинг бошқа изоҳи йўқ.

Ўзимни чағитиш учун рўпарамда ўтирган қиз билан гаплаша бошладим. У билан анча суҳбат қурдик. Кейин эсимга тушиб қолди.

— Кечирасиз, сизнинг исмингизни сўраш эсимдан чиқибди.

— Исмин — Фикрия. Сизники-чи?

— Меники — Мария... Қаерда яшайсиз?

— Анқарада. Сиз Отатуркни танийсизми?

— Уни ҳамма танийди-ку.

— Мен у билан бирга яшайман.

— Тушунмадим, қанақасига?

— Яъни Анқарадаги “Чанқая” кўшида тураман.

— Қанақасига? Сиз Отатуркнинг турмуш ўртоғимисиз?

— Ҳозирча йўқ, лекин бўламан. У менга уйланмоқчи. Биз бир-биримизни жуда ҳам яхши кўрамыз.

— Ишониш қийин.

— Ростдан, тўғри гапиряпман. Мен унга телбаларча ошиқман.

— Бўлмаса нега поезддасиз ва бир ўзингиз кетяпсиз?

— Поездда юришни яхши кўраман. Менинг боришимдан хабари йўқ. Унга сюрприз қилмоқчиман.

Тавба, ҳали танишганимизга уч соат ҳам бўлгани

рарди. Тавба, жуда ғалати...

“Агар йигит билан қиз ёки аёл билан тез-тез учрашиб, гаплашаверса, ўрталарида ўзлари сезмаган ҳолда яқинлик пайдо бўлади. Шунинг учун эҳтиёт бўлишга ҳаракат қиляпман!” — деганди. Гапи тўғри экан.

Эй Худо! Ё Оллоҳим! Нималар деяпман ўзи? Ахир, бу билан Меҳметга хиёнат қилган бўламан-ку. Худойим, ўзинг мени кечир. Меҳметга бўлган севгим пок бўлиши керак-ку. Ишончим комил, унинг севгиси ҳам менга нисбатан худди шунақа.

Поезд қўзғаладиган вақт бўлди. Барибир, атрофдан уни қидираётган эдим. Нима қиларди, Абдулваҳҳоб шу ерда турган бўлса-ю, уни яна бир бор кўрсам. Мен уни ёмон ният билан севмадим-ку...

Ўз биродаримдай... яқин дўстимдай...

Роса кутдим...

Аммо уни кўрмадим.

Поезднинг қўзғалиши учун гудок чалиши уни кўришга бўлган умидларимни йўққа чиқарди.

* * *

Вагонга киргач, дераза ёнидаги жойга бориб ўтирдим. Рўпарамда тўқ сариқ сочли битта қиз ўтирган эди. Поезд юришни бошлаганига ярим соатлар бўлган эди. Ҳали ҳам қимирламай ойнадан ташқарига қараб кетаётган эдим.

Тушкун кайфиятим олдимга қараб ўтирдим-да, рўпарамда ўтирган қизга салом бердим:

— Салом.

— Салом.

— Қаерга кетяпсиз?

— Туркияга.

— Сиз-чи?

— Мен ҳам.

Поезднинг юра бошлаганига ҳам анча бўлганди. Кетмоқдаман... Аммо қалбимнинг бир парчасини Германияга ташлаб кетаётган эдим. Мен, ростдан ҳам, унга ошиқ бўлиб қолганман. Чунки унга бундай интилишимнинг бунинг бошқа изоҳи йўқ.

Ўзимни чағитиш учун рўпарамда ўтирган қиз билан гаплаша бошладим. У билан анча суҳбат қурдик. Кейин эсимга тушиб қолди.

— Кечирасиз, сизнинг исмингизни сўраш эсимдан чиқибди.

— Исмин — Фикрия. Сизники-чи?

— Меники — Мария... Қаерда яшайсиз?

— Анқарада. Сиз Отатуркни танийсизми?

— Уни ҳамма танийди-ку.

— Мен у билан бирга яшайман.

— Тушунмадим, қанақасига?

— Яъни Анқарадаги “Чанқая” кўшида тураман.

— Қанақасига? Сиз Отатуркнинг турмуш ўртоғимисиз?

— Ҳозирча йўқ, лекин бўламан. У менга уйланмоқчи. Биз бир-биримизни жуда ҳам яхши кўрамыз.

— Ишониш қийин.

— Ростдан, тўғри гапиряпман. Мен унга телбаларча ошиқман.

— Бўлмаса нега поезддасиз ва бир ўзингиз кетяпсиз?

— Поездда юришни яхши кўраман. Менинг боришимдан хабари йўқ. Унга сюрприз қилмоқчиман.

Тавба, ҳали танишганимизга уч соат ҳам бўлгани

йўғ-у, қиз ҳамма дардини тўкиб солганди. Ўйлаб қўйган қандай режалари бўлса, ҳаммасини менга, яъни танимаган одамига айтар эди. Тушкунликка тушиб қолган одам ўзини қандай идора қилишни билмай қолар экан. Бунинг ўзи ҳам сал кейинроқ тушуниб қолганди.

— Вой, менинг оғзимнинг бўшлигини қаранг. Шахсий муаммоларим билан сизнинг ҳам бошингизни оғритиб юбордимми?

— Ҳеч ҳам ундай деб ўйламанг. Сизни бундай кўрганга учун ҳайрон бўлгандим. Лекин сиз билан танишганимдан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Энди сиз билан дугона бўламиз.

— Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Анқарада сирлашадиган одамим йўқ. Юртимизнинг одамлари ҳали ҳам қолақликдан қутулмади-да. Отатурк билан яшаётганим учун гуноҳкор эканман. Ҳамма билиб қолмаслиги учун у билан бирга қўл ушлашиб ҳам юролмаймиз.

— У ҳам бунинг қабул қилмайдими?

— Йўқ, нега эди? Отатурким жуда ҳам замонавий. “Халқ ҳали бунга тайёр эмас”, — дейди. Менга аҳамияти йўқ. Нима бўлганда ҳам яқинда турмуш қурамиз-ку.

— Агар сизга уйланмаса-чи?

— Бўлиши мумкин эмас. Унга борлигимни ҳаётимни берганман. Аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилаётган давлатимиз бошлиғи менга ёлғон гапирмаса керак? Мумкин эмас. Ўйлаб кўрсангиз-чи, аёлларни ҳимоя қилиш учун эркакларга хотин устига хотин олишни тақиқлади. Нима учун? “Ўша аёл хафа бўлмасин, йиғламасин”, — деб тақиқлади. Ахир, мен ҳам аёлман-ку, мени ҳам йиғлатиб қўймас. Бунинг устига унинг учун ўз жонидан ҳам воз кечишга тайёр турган бир аёлнинг... Шунинг учун ундан шубҳаланмайман. Лекин унинг онасидан кўрқяпман, у мени ҳеч ҳам

ёқтирмади.

— Менимча, Отатурк ўзига ишонган бир қизни, бир аёлни: “Бошқа аёл уни ёқтирмайди”, — деб хўрламаса керак.

— Йўқ, хўрлатиб қўймайди. У — ажойиб инсон.

— Тўғриси айтсам, Отатуркингизнинг қанақа одам эканлигига жуда ҳам қизиқяпман. Замонавий экан... Сизнинг юртингиздаги одамларни “қолоқ” дейишганди.

— Тўғри, қолоқ одамлар ҳам бор. Аммо секин-аста ҳаммасини замонавийлаштирамиз. Туркияни Европага ўхшатамиз.

— Ақлли қиз экансан. Туркиядаги бошқа қизлар ҳам сенга ўхшаган ақллими?

— Албатта! Чет элда ўқиб келаётган қизларнинг ҳаммаси мендай фикрлашади..

— Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Журналистлик фаолиятимни сизнинг юртингизда давом эттирмоқчиман. Мен бундан жуда ҳам мамнун бўлдим. Биринчи мақоламни сиз ҳақингизда ёзаман.

— Ростданми, мени хурсанд қилдингиз. Сизни кўшкимда меҳмон қиламан. Сизни Отатурким билан таништириб қўяман. У ҳам хурсанд бўлади.

— Катта раҳмат ҳозирдан ҳаяжонланишни бошладим.

— Сиз билан хат ёзишиб турамиз. Телефонлашиб турамиз, яқин дугоналар бўламиз.

— Жуда яхши бўларди. Қанчалар севинганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз! Буларнинг ҳаммасини дадамга ёзаман. Ҳайратланганидан менга қойил қолади.

— Истанбулда дўстингиз борми?

— Яхши кўрган йигитим бор. У билан турмуш қурмоқчимиз.

йўғ-у, қиз ҳамма дардини тўкиб солганди. Ўйлаб қўйган қандай режалари бўлса, ҳаммасини менга, яъни танимаган одамига айтар эди. Тушкунликка тушиб қолган одам ўзини қандай идора қилишни билмай қолар экан. Бунинг ўзи ҳам сал кейинроқ тушуниб қолганди.

— Вой, менинг оғзимнинг бўшлигини қаранг. Шахсий муаммоларим билан сизнинг ҳам бошингизни оғритиб юбордимми?

— Ҳеч ҳам ундай деб ўйламанг. Сизни бундай кўрганга учун ҳайрон бўлгандим. Лекин сиз билан танишганимдан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Энди сиз билан дугона бўламиз.

— Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Анқарада сирлашадиган одамим йўқ. Юртимизнинг одамлари ҳали ҳам қолақликдан қутулмади-да. Отатурк билан яшаётганим учун гуноҳкор эканман. Ҳамма билиб қолмаслиги учун у билан бирга қўл ушлашиб ҳам юролмаймиз.

— У ҳам бунинг қабул қилмайдими?

— Йўқ, нега эди? Отатурким жуда ҳам замонавий. “Халқ ҳали бунга тайёр эмас”, — дейди. Менга аҳамияти йўқ. Нима бўлганда ҳам яқинда турмуш қурамиз-ку.

— Агар сизга уйланмаса-чи?

— Бўлиши мумкин эмас. Унга борлигимни ҳаётимни берганман. Аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилаётган давлатимиз бошлиғи менга ёлғон гапирмаса керак? Мумкин эмас. Ўйлаб кўрсангиз-чи, аёлларни ҳимоя қилиш учун эркакларга хотин устига хотин олишни тақиқлади. Нима учун? “Ўша аёл хафа бўлмасин, йиғламасин”, — деб тақиқлади. Ахир, мен ҳам аёлман-ку, мени ҳам йиғлатиб қўймас. Бунинг устига унинг учун ўз жонидан ҳам воз кечишга тайёр турган бир аёлнинг... Шунинг учун ундан шубҳаланмайман. Лекин унинг онасидан кўрқяпман, у мени ҳеч ҳам

ёқтирмади.

— Менимча, Отатурк ўзига ишонган бир қизни, бир аёлни: “Бошқа аёл уни ёқтирмайди”, — деб хўрламаса керак.

— Йўқ, хўрлатиб қўймайди. У — ажойиб инсон.

— Тўғриси айтсам, Отатуркингизнинг қанақа одам эканлигига жуда ҳам қизиқяпман. Замонавий экан... Сизнинг юртингиздаги одамларни “қолоқ” дейишганди.

— Тўғри, қолоқ одамлар ҳам бор. Аммо секин-аста ҳаммасини замонавийлаштирамиз. Туркияни Европага ўхшатамиз.

— Ақлли қиз экансан. Туркиядаги бошқа қизлар ҳам сенга ўхшаган ақллими?

— Албатта! Чет элда ўқиб келаётган қизларнинг ҳаммаси мендай фикрлашади..

— Жуда ҳам хурсанд бўлдим. Журналистлик фаолиятимни сизнинг юртингизда давом эттирмоқчиман. Мен бундан жуда ҳам мамнун бўлдим. Биринчи мақоламни сиз ҳақингизда ёзаман.

— Ростданми, мени хурсанд қилдингиз. Сизни кўшкимда меҳмон қиламан. Сизни Отатурким билан таништириб қўяман. У ҳам хурсанд бўлади.

— Катта раҳмат ҳозирдан ҳаяжонланишни бошладим.

— Сиз билан хат ёзишиб турамиз. Телефонлашиб турамиз, яқин дугоналар бўламиз.

— Жуда яхши бўларди. Қанчалар севинганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз! Буларнинг ҳаммасини дадамга ёзаман. Ҳайратланганидан менга қойил қолади.

— Истанбулда дўстингиз борми?

— Яхши кўрган йигитим бор. У билан турмуш қурмоқчимиз.

— Лекин олмон қиз билан турк йигити... Ораларингизда маданий жиҳатдан жуда катта фарқ бор-ку, бунга нима дейсиз? Йигитинг замонавий фикрлайдиган ёшларданми, ишқилиб?

— Ҳа, жуда ҳам замонавий. Фақат католик динидан бўлганим учун ташвишланаётган эди. Мен католик динидан чиқдим. Балки, мусулмон бўларман.

— Вой, ростданми?

— Ҳа... Ҳозирча ўйлаб турибман.

— Жуда қизиқ! Бизнинг қизларимиз сизларга ҳаваси келади, сиз эса бизга ҳавас қиляпсиз-а?

Ҳайрон бўлиб:

— Вой! Сиз ҳам мусулмонмисиз?

Фикрия ҳеч ҳам пинагини бузмасдан, ҳайратланганимга парво ҳам қилмай жавоб берди:

— Албатта.

— Ҳайратимни оширдингиз... Лекин кўринишингиз бизга ўхшар экан. Мен ҳам мусулмон бўлсам, сиз билан бир хил бўларканмиз-да?

— Бунинг учун Отатуркимиздан миннатдор бўлишимиз керак. Отатурким мусулмон аёлларнинг ҳам европалик аёлларга ўхшаб юришини хоҳлайди. Диний кийимларимизни ҳам замонавийлаштирди. Кўпгина аёлларимизни европалик аёллардан ажратолмайсиз. Отатуркимиз мутаассиблик билан курашмоқда. Ҳамма нарса ўз вақтида ҳал бўлади.

— Бўлмаса, мен ҳам мусулмон ҳисобланар эканман-да. Ҳеч қандай фарқи ҳам йўқ... Қандай яхши! Иккаламиз ҳам бир хил кийинганмиз, фикрлашимиз ҳам бир хил. Маданият... Замонавийлик... Бирга ҳаракат қилишимиз учун буларнинг аҳамияти жуда катта. Демак, диннинг ҳам аҳволи шу экан-да.

Фикрия билан жуда яхши дутона бўлдик. Мен учун Истанбулда бир кеча қолди. Эртаси куни ҳам ижарага олинган уйимга жойлашиб олишимда ёрдам берди. Кейин: “Отатуркимни роса соғиндим, уни кўрмасам туролмайман”, — деб, Анқарага кетди... Жуда ҳам меҳрибон, очик чехрали, юраги ёниб турган қиз экан.

Фикрия Анқарага кетар-кетмас, мен ҳам қўлимдаги манзил бўйича Меҳметнинг ёнига чопдим. Унинг мени севишига, мени жуда соғинаётганига амин эдим..

Манзилини қидира-қидира зўрға топдим. Сарик рангли бино... Уйи иккинчи қаватда экан. Вой Худойим, ҳаяжондан юрагим ҳаприқиб кетяпти! Қизик, Меҳмет мени кўргач, қандай аҳволга тушар экан-а?

Мени олиб келган фойтун¹ эгасининг ҳаққини бериб кетишинга рухсат бериб юбордим. Меҳметнинг шу кунларда келишимдан хабари бор-ку — уйидадир...

Вой Худойим, бу қандай ҳаяжон бўлса...

Уни кўрмаганимга ҳам бир йилча бўлиб қолганди. Ҳаяжонланишимнинг сабаби ҳам, балки, шундандир.

Оёқларим жонсиздай, тиззаларим дир-дир титраётган эди... Иккинчи қаватга ҳам зўрға чиқдим... Қўлларим қалтираганидан бармоқларимни ҳис қилмаётгандай эдим. Қўнғироқ тугмасини зўрға босдим... Эшикни битта аёл очди...

— Марҳамат, келинг.

— Меҳметни сўраб келгандим, уйдами?

— Бу ерда Меҳмет деган одам яшамайди, болам. Ҳа-а... Ўн кун олдин кўчиб кетганларни сўраб келдингми?

¹ Фойтун — тўрт гилдиракли, очилиб-ёпиладиган соябонли енгил арава.

Улар кетишган. Уларнинг Меҳмет деган ўғли бор эди. Ўқитувчилик қиларди.

— Қанақасига? Сизга қаерга кетишганини айтишмадими?

— Йўқ, болам, айтишмади.

— Бўлиши мумкин эмас. Балки, эсингиздан чиқаргандирсиз? Меҳметнинг мени келишимдан хабари бор эди-ку. Уйингиздаги биронтасига айтиб кетгандир, балки, илтимос, сўраб кўринг. У менга бундай хиёнатни қила олмайди!

— Йўқ, болам, агар манзилини бериб кетган бўлса, менинг хабарим бўларди.

Ўша ернинг ўзида ҳушимдан кетибман. Озгина ўзимга келгач, аёл мени ичкарига олиб кирди, сув берди... Қўлимга одеколон қўйди. Аммо мен бўкириб-бўкириб йиғлар эдим. Демак, ҳушим жойига қайтаётгандирки, йиғлай олган бўлсам. Йиғлай олишим карахт бўлиб қолишдан бир қадам олдинда бўлганимни англатади.

Аёлга ҳаммасини айтиб бергандим. У ҳам хафа бўлди. “Шу атрофда кўриб қолсам, айтаман”, — деди. Истанбулнинг танимаган, билмаган бегона кўчаларида такси қидириб тентирай бошладим. Такси йўқ эди ёки мен кўрмаётгандим. Ахири яна битта фойтун дуч келди. Уйга зўрға кириб келдим.

Уйга кирганимда мен билан бирга яшамоқчи бўлган Сузини кўрдим. Уйга киришим билан бўйнимга осилиб кучоқлаб олди... У менинг ғамгин ҳолатимни кўраётган эди.

Унга ҳам борини гапириб бердим:

— Нима ҳаққи бор? Менга буни қандай раво кўрди? Ахир, мени бутун борлиғи билан севар эди-ку? Менсиз яшай олмасди-ку? Йўқ... Бу ерда мутлақо бошқа гап борга

ўхшайди.

— Оббо! Битта йигитни деб ҳам шунча йиғлайдими, азизим? Бошқа чиройлироқ қизни кўрган бўлса, сени эсидан чиқариб юборгандир-да... Арзимаиди... Эркакларни деб йиғлаганлар аҳмоқдир, аёлларни деб йиғлаганлар тентақдир. Яна ҳам тўғрироғи, биров учун йиғлаш керак эмас. Кетиб қолдими? Кетса, кетсин. Агар қайтиб келса, ўшанда сеники бўлади.

— Лекин у биров эмас, у менинг Меҳметим-ку.

— Қўй энди, Мария, унут уни. Бу дунёда ҳеч ким абадий бошқа бировники бўлолмайди.

— Сен севгига ишонмайсанми?

— Ишонаман. Аммо “ишқ боқий” деган гапга ишонмайман. Қандайдир сабаб билан ишқ ҳам тутайди. Шу хусусда битта мусулмондан битта гап эшитгандим: “Ҳеч ким ишқни илоҳий деб ўйламасин”.

— Сенинг ичинг нафратга тўлганга ўхшайди.

— Ҳа... Бир замонлар мен ҳам севги бобида сендай фикрлардим. Кемални жуда ҳам қаттиқ севиб қолгандим. Кейин билсам, аҳмоқ бўлган эканман. Мен уни қанчалар қаттиқ севган бўлсам, у мени шунчалар бемалол ташлаб кетди. Анчагача ўзимга келолмагандим. Ҳамма айбни менга тўнкаб хат қолдириб кетганди. Буюк муҳаббатимизни битта хат билан тугатиб кетганди. Ҳа, битта хат — бор-йўғи битта хат орқали тугатиб кетди. Унинг назарида, менинг қадрим бор-йўғи тўрт қатор сатрлар экан.

— Лекин, Меҳмет бошқача. У мендан қочмайди. Нега ҳам қочсин? Мен унинг борлиғиман. У менсиз яшай олмайди, ўзи айтган бу гапларни.

— Қўйсанг-чи бунақа сафсатааларни. Мария! Бирок бировнинг борлиғи бўлолмайди, ўзимизни асдамайлик, илтимос.

— Йўқ, мен ўзимни алдаётганим йўқ. Меҳмет мени ташлаб кетолмайди.

Тўғри: “Ташлаб кетолмайди”, — деб айтишга айтдим-у, лекин ўзим қанча кун ўтган бўлишига қарамай ҳали ҳам Меҳметни тополмаётгандим. Юрагим сиқиларди. Бир кун ўтириб Абдулвахҳобга, дадамга ва ойимга хат ёздим.

Аввало, Абдулвахҳобга хат ёзишни бошладим:

“Ҳурматли дўстим, яқин дўстим! Туркияга келганимдан бери ҳушсиз юргандай ҳис қиляпман ўзимни. Бошқача ҳолатдаман. Кўрсанг, ҳайрон қоласан. Беўхшов гаплар ёзсам, тушунишга ҳаракат қил.

Истанбул Европага ўхшамайди, лекин унга яқинроқ деса ҳам бўлади. Мен бу ерга келаётганимда: “Бошқача оламга тушиб қолсам керак”, — деб ўйлаган эдим. Туркия ҳақида бошқача фикрда эдим. Фақат географик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, ажойиб шаҳар дейсан. Маданий жиҳатдан эса инсонларнинг кўриниши фарқ қилмас экан. Бизга тақлид қилишар экан.

Сенга яхши хабарим ҳам бор. Отатуркнинг севган қизи билан танишиб қолдим. Бунга ўзим ҳам ишона олмаяпман. Европада ўқиган экан. Жуда ҳам беғубор, қалби тоза қиз экан. Туркияга келган куним мени ёлғизлатиб қўймади. Янги уйга жойлашиб олишимда ҳам ёрдам берди. Мен Меҳметни қандай севсам, у ҳам Отатуркни шундай севар экан. Ҳаттоки унинг севгиси меникидан ҳам кучли экан. Унга қаттиқ ишонар экан. Ҳа-я, Меҳмет деганимга эсимга тушди. Аслида эсимдан чиқарганим йўғу, аммо... Нима демоқчи эдим, гапирадиган гапларим эсимдан чиқадиган бўлиб қолибди. Меҳметни тополмаяпман. Қидирмаган жойим қолмади. Балки, Германияга

кетгандир, илтимос, кўрган бўлсанг, менга айт: уни топишимда ёрдам бериб юбор. Мен усиз ҳолда бу ерга сиғмайман. Илтимос, сен мени бошқалардан яхшироқ тушунадиган одамсан. Маслаҳатинг керак. Ўзимнинг ақлим ишламай қолди. Бу ерда ўзимни ёлғиз ҳис қиляпман.

Яшаш жойимга қизиқаётган бўлсанг, Лалелининг Седабоди кўчасида тураман. Жуда ҳам чиройли уй экан. Мен билан турадиган шеригим ҳам бор. Исми — Сузи. Жуда ҳам яхши дугона... Истанбул географик жиҳатдан яхши жойга жойлашган жуда ҳам чиройли шаҳар экан. Лекин халқини тушуниш қийин. Урушдан яқинда келганларга ўхшайди. Баъзилари чарчаган, баъзилари ҳаётдан хафа. Тушунарсиз муҳитга тушиб қолганман.

Яна бошқа нима ёзишни ҳам билмаяпман. Сени соғиндим десам, жаҳлинг чиқса. Ҳа-я бу ерда мусулмонларни кўрдим. Ташқи кўринишдан ҳеч ҳам мендан фарқ қилишмас экан. Демак, мен ҳам мусулмон ҳисобланар эканман. Шунинг учун диний муаммом йўқ энди”.

Яна биров бошқа нарсалар ҳақида ҳам ёзиб Абдулваҳҳобнинг хатини конвертга солдим.

Дадамга ҳам кўп маълумотлар юбордим. Ҳушим ўзимда эмас эди. Шундай бўлса ҳам, ўзимнинг аҳволим ҳақида ҳам ёздим.

Истанбулга келганимга ҳам анча бўлди. Бу ерда бир қанча янги дўстлар орттирдим. Лекин Меҳметни тополмаяпман. Балки, Меҳмет менга хат ёзган бўлса ҳам ойим уни менга айтмагандир. Ўй-хаёлларимда ҳамма нарса чалкашиб кетди. Топишим керак... Уни, албатта, топаман.

Фикрия билан телефон орқали гаплашиб турамиз. Бир ҳафтадан кейин Анқарага бораман. Фикрия билан дардлашиб келаман.

Журналист сифатида арзигулик биронта иш қилолганим йўқ. Лекин Фикрия ҳақида мақола ёздим. Мақолам газетада чиқди. Дадам ҳам мени шошилтиряпти. Нима хоҳлаётганини билмадим. Унга ёзган охирги хатимда: “Дада, Туркия Европа маданиятини ўзлаштиришда биздан ҳам ўтиб кетган. Сиз бекорга хавотир оялпсиз. Бу ерда ҳам қиморхоналар очилган... Аёллар саҳнага чиқиб ашула айтишяпти. Гўзаллик танловларини аллақачонлар бошлаб юборишган — сизнинг булардан хабарингиз бор-ку!.. Бундай танловлар учун талабгорлар жуда кўп. Сиз овора бўлманг. Шундоқ ҳам Туркия биз каби бўлиши учун бор кучи билан ҳаракат қилаётган экан”, — дедим.

Отатуркни кўраман. Битта давлатни бошқараётган буюк инсонни кўраман. У шунақанги буюк инсонки, ўз халқи томонидан илоҳийлаштирилган!

Буларнинг нима аҳамияти бор?

Мен учун Меҳметсиз ҳеч нарсанинг завқи бўлмаяпти.

Оҳ Меҳмет! Оҳ Меҳмет!

Мени шундай хафа қилишингга нима ҳақнинг бор ўзи?

* * *

Абдулваҳҳобдан ҳам хат келмаяпти. “Менинг кўнглимни кўтарадиган гап айтармикан?” — деб умид қилгандим.

Шундай деб юрганимда, бир кун почтачи ундан менга хат ташлаб кетса денг. Ҳаяжонланганимдан юрагим

тез-тез ура бошлади. Вақт ўтказмасдан хатни очдим.
Эътиборни тортадиган сўзлар билан бошланганди.

Шошиб хатини ўқий бошладим.

“...Оллоҳнинг саломи ҳидоятга тобе бўлганларга
бориб етсин.

Қадрли Мария!

Сенга хат ёзмаслик учун ўзимни қайтаришга ҳара-
кат қилиб кўрдим. Бўлмади, барибир, хат ёзишга кириш-
дим.

Аҳволларинг қалай? Сен ҳам ёзмай қўйдинг. Хат
ёзмасликка ҳаққинг бор, албатта, жавоб ёзмаган инсонга
яна қайта бир мартагина хат ёзиш мумкин, сен ҳам
шундай қилдинг.

Меҳметни топдингми-йўқми — хабарини ҳам бер-
мадинг. Ёки уни топиб турмуш қурдингизми? Менга-ку
қизиғи йўқ, албатта, шундай бўлса ҳам хавотир олганим
учун сўрадим.

Ислом динига кирганинг хусусида ёзганларингнинг
ислом динига алоқадор томони йўқ. Туркиянинг Оллоҳни
унутиши сени қутқармайдиган-ку... Улар исломий тузумни
хоҳламагани учун қандай халқ бўлиши хусусида бир йўлни
танлай олмаяптилар. Ўзлизини унутган инсонлар кўп...
Бошқа ислом давлатларида ҳам... Эндиликда нима қи-
лишларини билолмай ҳайрон. Европаликларга ўхшасин-
ми? Муслмонлигича қолиши керакми? Ёки ҳар икки
томонга ҳам баробар бўлсинми?

Ўзинг ўйлаб кўр: сен энди ўзларининг ким эканлиги-
ни билолмаётган беқарорлардан ўрнак олмоқчимисан?
Сен беқарор бўлма. Ҳали ҳам хушхабарингни кутяпман.
Тўғрисини айтсам, кеч қоляпсан. Сендай ақлли қиз учун
уят эмасми? Яна ҳам ўзинг биласан, ахир, бу сенинг

қароринг-ку. Фақат эслатдим, холос. Оллоҳ бу дунёни ҳамма учун яратган, аммо жаннатни унга лойиқ бўлганлар учун яратган”.

Ёзган хатида ҳам яна бир қанча насиҳатлар қилибди менга. Ён томонимизда турадиган қўшнимиз менга: “Мени опа десанг ҳам бўлади”, — деганди. Ўша қўшни опа билан ҳам дўстлашиб олгандим. Уч ой ичида опамнинг журналист ўғли Серкан мени севиб қолган эди. Мен нима бўлганини, қандай содир бўлганлигини айтардим, аммо узун ҳикоя. Аёлни бир кўришда ўқишни ҳам ёзишни ҳам билмайдиган оми инсон деб ўйлайсан, кейин унинг бошқа хислатини кўргач яна фикринг ўзгаради. Унинг аламлари ҳам, тушунчалари ҳам бошқаларникига ўхшамайди: у — тоза қалбли инсон. Ўғли, менимча, демократ бўлган, шекилли. Бечора аёл: “Ўғлим ароқ ичадиган бўлди, қизим. Худосиз бўлдимиз?” — деб мендан сўрайди.

Бир куни уларнинг уйида ўтирганимизда “Миллият” газетасига кўзим тушди. Қарасам, ғалати рекламаларни кўрдим. Ҳар бирида европача номларни ишлатишган: “Туркларнинг дўсти Перри Лотти” деган ёзув бор, “Мушкул никоҳ” “Аср” кинотеатрида”, — дейилган. “Бустен Кеонтон”... “Аиан Ҳайд: ишқ ва жинойт!” Ҳамма нарса ёзилган экан. Опам бўлса мунғайиб бир менга қарайди, бир газетага қарайди.

— Ўқи-чи қизим, нималарни ёзишибди газетага?

— Ҳамма нарса ёзилган, сиз ўқишни билмайсизми?

— Биз бир кечада оми бўлиб қолдик. Бизнинг эски тилимизни, биз танийдиган ҳарфларни йўқ қилишди. Ҳозирги ёзувларни билмаганимиз учун бизни жоҳил деб ҳисоблашди. Уларнинг тазйиқларга дош беролмай кўзларим ҳам яхши кўрмайди. Фақат расмларини хира-шира кўраман. Эски тилда ўқишни биламан, ҳозирги тилда

ўқишни билмайман.

— Қандай қилиб тилингиз эскириб қолган? Нега ҳарфларингиз янги бўлган.

— Аслида ўзимиз чиқиб ўтирган шохга ўзимиз болта уряпмиз. “Ҳарфлар эски эмас”, — дейишимиз керак эди, аммо бизни лақиллатишди.

Аёл ўлкасига бостириб келганлар орасида Германия ҳам бор деб ўйлади, бизни ҳам ҳақоратлади, унинг гапини бўлгим келмади.

— Албатта, бор, иккаласи ҳам бор. Олдин бизда чиққан бу газеталар.

— Нимаси бор унинг?

— Мамлакат ҳақида хабарлар бор. Ҳар куни шу ҳақда ёзишади.

— Қандоқ ажойиб! Худди шу нарсаларни 1300 йил олдин Маккадаги одамлар қилишарди. Аммо улар деворларга ёзишган. Булар эса қоғозга ёзишяпти.

— Нима дедингиз, яхши тушунолмадим. Қаерда нимани ёзишарди?

— Исломдан олдин ва кейин... ўша куни қандай воқеа содир бўлса, Маккадаги деворга ёзишган. Яъни девор газетаси бўлган.

— О-о-о! Ростданми?

— Албатта, тўғри.

— Сиз қаердан биласиз?

— Ўқиганман, болам. Дадам катта олим эди. Лекин уни...

Нимагадир бирдан йиғлаб юборди.

— Нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

— Дадам... Улар дадамни осишган... Бир неча йиллар олдин.

— Ким осган?

— Фармонни бажарувчи аскарлар... Давлат ҳукм чиқарди, аскарлар осди дадамни. Эндигина урушдан қайтган эди. Элик ёшида ҳарбийга жўнатишди. Лекин дадамни “Инқилобга қарши чикди”, — деб осишди. Аммо дадам ҳам ҳамма қатори душманларни юртимиздан чиқариб юборган эди. Дадам мукофот олишнинг ўрнига дорга осилди. Ҳаммасини шу расмда кўриб турганларингга ўхшаб яшаш учун қилишди. Лекин буларни ўғлимга тушунтиролмапман. “Бобом шунга лойиқ бўлган”, — дейди. Ўғлимни ҳам дадамга душман қилиб қўйишди. Қандай қилиб йиғламай, қизим? Бир кун кечгача дадамни ахтарганман. Ҳеч қаердан тополмадим. Шомга азон ўқилгандан кейин шайх Исмоилнинг ўғли келди ва:

— Дадангни кўрдим, — деди менга.

— Қаерда? — дедим.

— “Тақсим” майдонида, — деди.

— Эшитишим билан “Тақсим”га қараб чопганман. Тасаввур қиялпсанми, Лалелидан “Тақсим”гача югуриб кетяпман. Кўрсам бўлди деганман. Дадам... Азиз дадажоним! Дарахтда осилиб ётган эди. Кейин ўша дарахтни ҳам чопиб ташлашган экан. Кўрганлар айтишарди. У ёқларга ўзим қайтиб қадам босмадим. “Одамларга ибрат бўлсин”, — деб бир неча кун дорда осилганича қолдиришган экан. Тушуняпсанми, дадамни ватан хоини, уни осганларни эса қаҳрамон деб эълон қилишганди. Ҳозиргача ўйлайман. Дадамнинг гуноҳи нима эди? Нима эди? “Исломий қоидалар билан яшайдиган миллат бўлайлик”, — дерди. Сизларнинг яшаш тарзингизни хоҳлашаётган эди улар. Ўзинг айт-чи, мамлакатингиздаги инсонларнинг ҳаммаси бахтли яшашадими? Оталари, оналари, фарзандлари, қариндош-уруғлари билан яхши яшашадими? Айтсанг-чи, сизларга тақлид қилиб яшаш учун шунча кесилган бошларга,

шунча тўкилган қонларга арзийдими сизнинг яшаш тарзингиз? Арзийдими?

Дадажонимни дорда кўргач, дод сола бошладим. “Дада-жо-он! Дадажоним, кимлар раво кўрди буни сенга?!” — деб йиғлаб айтган гапларимни эслайман. Битта аскарнинг қўндоғи зарбидан ерга йиқилиб тушганман. Ҳушимга келганимда ўша аскар мени ҳам уриб, ҳам бақираётган эди.

— Ўчир овозингни! Ўша ватан хоини учун йиғлама. Ўлкамизнинг озодлигига қарши чиқди. Бундай кўппаклар кўз ёшингга арзимади.

— Йўқ! Ёлғон! Дадам хоин эмас. Дадам художўй, ватанига содиқ одам эди.

Ўлдиришгани етмагандай, дадамга ва дадамга ўхшаганларга тўхмат қилишиб халқни алдашар эди. Хурофотга қарши бўлган дадамни “Душманларни юртимиздан қувиб чиқаришимизга қарши... Инқилобга қарши”, — деган тўхматлар билан қоралашган. Оми халқни бунга ишонтиришган эди. Бировни ишонтириш қобилияти шунчалар кучли эдики, ёлғон гапларига ҳаммани ишонттира олишарди. Дадамнинг неварасини ҳам унга қарши қилиб қўйишни уддалашди. Дадам учун йиғлашимга ҳам йўл қўйишмаганди. Улар Мени “Тақсим” майдонидан судраб узоққа обориб ташлашганди. Дадам!.. Азиз дадам... Сенга буни қандай раво кўришди! Қандай қилиб сени дорга осдилар! Ҳали ҳам сўнгани йўқ юрагимдаги оташ. Ойим ҳам дадамнинг ўлимига куйганидан сил¹ бўлиб қолганди, ўтган йили вафот этди.

Аёл юракни ўртаб йиғларди. Чуқур ўйга толгандим.

¹ Сил (арабча) — турли аъзолар, асосан, ўпкада ўзига хос яллиғланиш билан кечадиган сурункали юкумли касаллик; туберкулёз.

Ўзимнинг юртим билан мусулмонлар ўлкасини солиштирар эдим. Бу юртнинг бошқарувчиларини ва бошқа инсонларни ўзligидан воз кечтириб бизга ўхшатишга ҳавас қилдирган нарса нима экан-а? Бизнинг нимамиз уларни ўзларига жалб қилган бўлса? Ўз динидан, шахсиятидан ва ўзligидан узоқлаштиришга мажбурлаган нарсалар нима бўлиши мумкин?

Ўзимча битта сабабини топгандай бўлдим: “Демак, буларнинг ҳаммасини бизга ўхшаш учун экан-да. Биз... Қизиқ, бизнинг нимамиз яхши? Бизникиларнинг кўпчилигида номус тушунчаси қолмаган-ку... Фақат бизнинг техникамизнинг зўрлигига ҳавас қилишса керак, шуни баҳона қилиб, ўз динидан чиқмоқчи, шекилли”, — деб ўйлагандим.

Аёл анча йиғлагандан кейин мендан сўради:

— Сени ўзимга яқин олдим. Бўлмаса сенга яхши гапирмаган бўлардим. Газетанинг қолган жойларини ҳам ўқи, яна нималарни ёзишган экан?

— Кўп нарсаларни...

— Ўқи, ўқий қол, биттасини ўқи.

— Яна хафа бўласиз-да.

— Бусиз ҳам ҳар куни хафа бўляпман. Кўчага чиқсанг, кўпчилиги бизга ўхшамайди.

— Бўпти ўқияпман.

“Ўзгаллик танловига қатнашинг. Ютқазиб қўйишдан қўрқманг. Иккиланишга ҳожат йўқ. “Ютқазиб қўйсам, шарманда бўламан”, — деб хавотир олманг. Чунки фақат ғолиб бўлганларни эълон қиламиз. Ғолиб бўлмаганларнинг кимлиги сир сақланади.

Танловда иштирок этиш қоидалари.

1. Жуда ҳам ҳалол, ориятли бўлиши керак.

2. Ёмон ном чиқармаган бўлиши керак.

— Вой! Нақадар айёрилик билан тузилган...

— Ҳа, тўғри... Секин-секин ўргатиб боришнинг йўли шу бўлса керак. Оилалари гўёки: “Бу ориятлиларники экан”, — деб хотиржамлик билан эркакларнинг ичига ярим яланғоч киргизиб юбораверишар экан-да. Мақсад — қизларни ярим яланғочликка ўргатиш. Сизнинг юртингизда ҳам шундай ишлар қилишадими?

— Бўлмасам-чи. Шуни билингки, сизнинг динингизга қарши чиқадиган ҳамма нарса бизнинг ўлкамиздан келган.

— Гапинг тўғри, қолганларини ҳам ўқи.

— Жоним билан. Бошқа саҳифаларини ҳам кўрайлик-чи?

— Шу яланғоч аёлнинг расмига нима деб ёзилган экан? Тавба қилдим! Бу аёл ҳамманинг олдида ич кийимда туришга уялмайдами?

— Чўмилиш кийими дейилади, чўмилиш кийими, ички кийим эмас.

— Номини ўзгартирганинг билан кўйлак бўлиб қолмайди-ку, барибир, ички кийимлигича қолади-да.

— Бизнинг чўмилиш кийимларимиз бундан ҳам қисқа. Сизларники ҳозирча тиззадан келаркан. Яқинда сизларники ҳам бизникидай қисқа бўлади.

— Вой худойим! Бу — қандай разиллик?! Юртимиздаги инглизларни қувиб чиқариб, яшаш тарзини олиб кибмиз-да. Нима ҳам қилардик, қани, ўқи-чи, нима деб ёзибди.

— Бу реклама экан. “Оғриқлардан халос бўлинг”, — деб дорининг номини кўрсатишибди.

— Хўш... дорининг яланғоч хотинга нима алоқаси бор?

— Мақсадлари: бир томондан дорини ярим яланғоч

аёл билан бирга чиқариб, эътибор тортиб дорининг савдо-сини юритиш бўлса, иккинчи томондан махсулот ёрдамида ярим яланғоч аёлларнинг расми орқали халқнинг кўзини рекламаларга мослаштиришдир. Агар сизнинг динингиздаги инсонлар ярим яланғоч аёл сурати чиққанини баҳона қилиб бу дориларни сотиб олишмаса, вазият ўзгариши мумкин. Ниятларига етмаган бўларди. Агар ҳеч ким шу дорини сотиб олмаса, қайтиб бунақа реклама чиқаришармиди? Шуни унутмангки, янгича маданиятга инсонлари секин-асталик билан рекламалар ёрдамида мослаштириладилар. Бизнинг юртимизда ҳам шундай йўл тутишган экан... Мана шу мақола сизни қизиқтирса керак. Эшитинг: нима деяпти: “Европа гўзаллик танлови учун ҳакамлар ҳайъати раҳбари Меврижа Вольф келди”. Яна бошқа хабар ҳам бор: “Бенруби мусобақаларда иштирок этиш учун Париждан келди”. Шу ерда эса: “Бу — миллий бурчимиз”, — деб ёзилган. Кўзимни газетадан олиб аёлга қарадим. Мусулмонларнинг ўлкаси Туркиянинг бундай йўл тутиши мени лол қолдирганди, тўғриси. Хафа қилиб қўймасликка ҳаракат қилиб, эҳтиёткорлик билан ўз фикрларимни айта бошладим:

— Афсус! Гарчанд, буюк бир халқ бўлишингизга қарамай сизларни ўзларига қарам қилиб олишга улгурибди. Ҳамда жуда осонлик билан. Кеча французларни юртингизда қувиб солган бўлсангиз, бугун Бенруби Париждан келяпти, қизларингизни ярим яланғочликка олиб чиқиш режасини амалга ошириш учун. Сизлар эса унинг келишидан хурсанд бўляпсизлар. Тўғрисини айтсам, сизларга раҳмим келди. Тез тузоққа тушибсиз. Рақибларингизни қийнамасдан ўз хоҳишингиз билан кияпсизлар тузоққа. Ишонсангиз, ҳар қандай вазиятда ҳам сизларнинг бу аҳволингизга йиғлагим келяпти.

Дадам ўтказган йиғилиш...

Йиғилишдан олдин режалаштирилган! Ачинганим-дан битта мақола ёзган эдим:

“Ёлғонларга ишонган турк халқининг онги очилмоқда”.

Афсуски, газета бу мақоламни чоп эттирмади.

Туркия ҳақида кўрганларим, эшитганларимдан мени кўп ҳайратлантирарди. Лекин вақт ўтган сайин кўрганларим ва эшитганларим хотирамда бир ипга тизила бошлади. Янги дўстлар орттирдим, шаҳар ҳаётини ўргана бошладим. Шундай қилиб Туркияда яшашга ҳам ўрганиб қолдим.

* * *

Фикрия билан учрашдик. “Чанқая” кўшига яқин бир уйда — гўдаклигида сут эмизган аммасининг уйида ўтирдик. Бироз тоби йўқ экан...

— Нима бўлди? — деб сўрадим.

— Зотилжам¹ қайталади, — деди.

— Шунақами? Тезроқ тузалиб кет? Кўркма, зотилжам касаллигининг давоси топилган, хафа бўлма.

— Хафа бўлмай бўларканми? Отатуркнинг онаси Зубайда хоним энди мени ўғлига раво кўрмайди-ку.

— Йўқ, йўқ, дарров тушқунликка тушма. Сизларда битта яхши мақол бор-ку: “Чиқмаган жондан умид бор”, — деган. Умидингни сўндирма... Хўш, Отатурк қаерда? Мени у билан таништирмайсанми?

— Измирга кетган. Нимагадир кўнглим ғаш. Ҳеч қаерга сиғмай кетяпман. Мен усиз яшай олмайман. Унга телбаларча ошиқман, Мария... Жуда ҳам!..

¹ Зотилжам (арабча; ўпканинг яллиғланиши) — ўпканинг юкумли касаллиги; пневмония.

— Хавотир олма, “Миллатнинг отаси” каби даражага етган одам сени ташлаб қўймас. Сендай ошиқ бир қиздан воз кечишга виждони йўл қўймайди.

Сухбатимизга аммаси ҳам қўшилди:

— Мен ҳам шундай дедим, тушунтирдим, аммо Фикрияга гап уқтириб бўлмаяпти.

— Гап уқмаётган сизнинг Фикриянгиз эмас, аммажоним, қалбимга гап уқтириб бўлмаяпти. Нега Измирга мени ҳам олиб кетмади? Нега у менсиз бахтли? Мен эса усиз бахтли эмасман. Ёрдамчиси Музаффар ҳам қўлидан келганича мени хотиржам қилишга уриняпти, аммо юрагим хотиржам эмас.

Кейин эса менга гапира бошлади:

— Менга эътибор қилма. Ўзингдан гапир-чи, нималар қиялсан? Меҳметни топдингми?

— Йўқ. Ўқитувчи бўлибди, аммо қаерда ишлаётганини билмайман.

— Хавотир олма. “Чанқая” кўшикида ҳаммага гапим ўтади. Таълим вазирлиги орқали уни сенга топиб бераман.

— Ростданми? Бу яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман. Истанбул ҳокими ҳам топиб беришга сўз берганди. У билан тadbирда танишган эдик. Аммо сенинг ёрдминг билан уни тезроқ топишимга аминман.

Ўша кун уларникида ётиб қолдим. Эртаси кuni Истанбулга қайтиб келдим. Орадан бир ҳафта ўтгач Фикрия телефон қилиб қолди. “У Меҳметни топган, шекилли”, — дея хурсанд бўлиб кетгандим.

— Алло, Фикрия!

— Ҳа, менман.

— Нега йиғлаялсан?

— Йиғлаялпман, Мария. Отатурк мени “Муниҳа” оромгоҳига жўнатиб юборяпти.

— Ўҳ-хў, жуда қиммат оромгоҳ-ку.

— Пулини Отатуркнинг ўзи тўларкан. Аммо менинг боргим келмаяпти. Мен Отатуркдан узоқда бўлишни хоҳламайман. Кетсам, у билан яна бирга бўла олмай-дигандай ҳиссиёт бор ичимда.

— Ундай дема, Фикрия! Борсанг, даволаниб келасан. Отатурк сени ташлаб кетмайди.

— Лекин онаси Зубайда хоним мени ёқтирмайди. Бунга яхши биламан. Отатуркни мендан айнитишса-чи. Энди ўзинг айт: мен усиз қандай яшайман?

Кўп ўтмай Фикрияни “Муниҳа”га жўнатишди. Ўзининг муаммолари билан бўлиб менинг илтимосим эсидан чиқиб кетганди. Орадан бир ой ўтгач, ундан хат келди. Хатни қалам билан эмас, кўз ёши билан ёзган эди гўё.

“...Азизим Мария.

Ишон: бу ерлар мени зыяпти, бу ерлар сиқяпти. Мен тамом бўлдим, ҳеч нарса ёқмаяпти. Фақат Отатурк учун даволанишга рози бўлгандим.

Кеча ундан хат олдим.

“Нима қилсанг ҳам тезроқ тузалишга ҳаракат қил. Мен сени соғлом кўришни истайман”, — деб ёзганди.

Агар у билан охир-оқибат бирга бўлмасам, ўзимни ўлдираман.

Усиз менга ҳаёт қоронғи. Нима учун ўзини менга шунчалар севдирдики? Нега уни шунчалар севдим экан-а? Нимагадир ғалати ҳиссиётлар бор менда.

Илтимос сендан Анқарага бориб Отатуркка айт. Мен усиз яшолмайман. Ёлвораман: унга бориб айт...”

Фикрия оташ бўлиб ёнаётган эди. Унинг қайғуси билан овора бўлиб, Меҳметни қидиришни тўхтатиб қўйгандим.

Бир куни базм кечасида Истанбул ҳокими ёрдамчиси билан танишиб қолдим. “Тез кунда бундай исмли йигитни топиб бераман”, — деганди.

Фикриядан яна ғам тўла хат олган куним, “Миллият” газетасидан одамни карахт аҳволга туширувчи хабарни ўқиётган эдим: “...Мустафо Камол подшо, Латифа хоним билан турмуш қуришди”. Вой худойим! Бу хабар Фикрия учун ўлим фармони-ку. Энди Фикриянинг ҳоли нима бўлади? Унга энди ким тасалли беради? Қандай сўз, калималар билан юпатади. Оҳ, Фикрия, Фикриягинам! Тамом бўлдинг, гўзал Фикриям, тамом бўлдинг! Бу хабарни ўқирканман, мен ҳам сен учун сендан кам куймадим, Фикриям!

Анчагача йиғидан ўзимни тўхтатолмадим. Амма-сига телефон қилдим. У ҳам йиғлаётган эди.

— Фикриямга бунини қандай қилиб айтаман, Мария қизим? Фикрия тамом бўлади. Фикриям бу янгиликни эшитиши билан тамом бўлади-ку... Энди нима бўлади, худо ҳаққи, бир нарса де, менинг ақлим ишламаяпти.

— Менинг ҳам... Менинг ҳам тилим лол. Нима дейишга ҳам ҳайронман.

Кейин ўтириб Фикрияга хат ёздим. Уни бундай ёмон хабарни эшитишга секин-секин тайёрламоқчи бўлдим. Йигирма кундан кейин ундан хат келди. Хат эмас ўлим хабари эди гўё.

“...Азизим Мария... Менга ёрдам бер, илтимос! Бугун газетада Отатуркни кўрдим. Орқасида бўйи пастроқ бир аёл, ёнида эса ёрдамчиси зобит Музаффар турган экан. Газетани берган аёлдан: “Бу аёл ким?” — деб сўраган эдим. “Хотини бўлса керак. Уйланди-ку, эшитмадингми?” — деди. Мен унинг гапига ишонмадим. Аммо юрагим чилпарчин бўлди, Мария! Илтимос суриш-

тириб кўр-чи. Отатурк бошқаники бўлди-ми? Мен энди у билан бўлмайманми? Худо ҳаққи, менга, албатта, ёз. Тез кунларда шифохонадан чиқишга ҳаракат қиламан. Балки, сенинг хатингдан олдин ўзим бориб қоларман. Отатурк учун Париждан олган тўппончани ҳам олиб бораман. Бу тўппончани унга совға қиламан. Ишончим комил, Отатурк меникидир. Уни бошқаларга бериб қўймайман...”

Яна нималарни ёзмаган дейсиз бу хатда...

Ўша куни кечки пайт Фикриядан телефон келди. Туркияга келибди. Бўғиқ паст овозда зўрға гапираётган эди:

— Ўз кўзларим билан кўриб ишонч ҳосил қилиш учун эртага “Чанқая” кўшиқига бормоқчиман. Ишонгим келмаяпти, Мария.

Ўша куни мен учун жуда ҳам оғир кун эди. Кечгача хабар келмади. Эртаси куни аммасига телефон қилганимда эшитган гапимдан юрагим чилпарчин бўлиб минг бўлакка парчаланди:

— Кетди, Фикриям кетди, Мария! Бугун Отатурк олиб берган тўппонча билан пешонасидан отиб, ўз жонига қасд қилди. Ёки шундай деб кўрсатишди. Ҳар бир ишнинг ҳақиқати Оллоҳга аёндир!

Бундай хабарни эшитгунча ўлганим яхши эди!.. Бутун умр эсдан чиқмайдиган хабардан тамом бўлгандим.

Фикрия муҳаббат учун қурбон бўлганди... Фикрия энди бу ёруғ оламда йўқ. Бир неча кундан кейин битта газетада шуларни ўқидим:

“Турк аёли озодликка эришди!”

Фикриянинг хотирасига эса кичкина хабар ёзилганди, холос.

Ойим билан ҳам, дадам билан ҳам хат орқали хабарлашиб турибмиз. Мен дадамга керакли бўлган маълумотларни юбораман, мақола ёзаман. Фақат ўз ишимни меҳр билан қилолмаётгандим. Дадамнинг пулларини Меҳметни топиш йўлида сарф қилаётган эдим. Дадам: “Пулдан қайғурма, қизим. Истанбул кўчаларида японлар билан қўл ушлашиб юрсанг бўлди”, — дер эди. Дадам билмайди-да бу ерларда японлар масаласи алақачон тўхтатилганини.

Фикриянинг ўлиmidан кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Фикрия ўлган эди. Лекин менинг ўлишимни истамасдан ўлганди у. Зобит Музаффардан менга ёрдам беришни, яъни Меҳметни топиб беришни сўраган экан.

Менга зобит Музаффардан хат келди.

“Ҳурматли Мария хоним... Фикрия хоним воситачилигида бизга келган илтимосингизни бажо келтирдик. Меҳмет Измирдаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган экан. Манзилини сизга юборяпман”.

Вой Худойим! Қандай гўзал хабар-а? Қуш бўлиб учаётганга ўхшардим... Дарҳол йўл ҳозирлигини кўрдим... Меҳметни кўраман энди... Ҳа, уни кўраман. Телбаларча шоша-пиша югуриб-елиб автобекатга бордим ва чипта олиб Измир автобусига ўтирдим.

Эй худойим! Автобус нега тез юрмаяпти. Нега тез-тез тўхтаяпти!.. Бу йўллар мени тушунмаяптими? Бу автобус мени тушунмаяптими?

Йўл анча узоқ экан. Икки кундан кейин Измирга кириб бордик.

Манзилда кўрсатилган Меҳмет ишлаётган ўрта мак-

табни қидириб топиб бордим. Эрта тонг бўлгани учун ҳали ҳеч ким келгани йўқ эди. Мактабнинг боғида ўтириб Меҳметнинг келишини кута бошладим. Ҳали дарс бошланишига бир соат бор экан. Эй Худо, тезроқ ўта қолсайди шу бир соат ҳам.

Ўтирган жойимда менинг ақлимга ёмон хаёллар кела бошлаганиди.

Хўш, мени нима сабабдан излаштиради экан? Мени кўргач уялиб қолармикан? Мени кўргандан кейин уятдан юзи қизармайдими? Ер ёрилса-ю, ернинг тагига кириб кетгудай бўлмайдими? Лекин нега ер тагига кириб кетиши керак? У ҳам, албатта, мени қидирган бўлса керак. Ким билсин, балки, у ҳам мен учун кўз ёш тўккандир.

Ана шуларни хаёл суриб ўтирган эдим, ёнимга мактаб қоровули келди:

— Кечирасиз, бирор юмуш билан келдингизми?

— Ҳа... Биттасининг келишини кутяпман.

— Сиз... Сиз туркларга ўхшамаяпсиз?

— Ҳа, турк эмасман. Бу ерга чет элликлар киритилмайдими?

— Нега кирмас экан?! Бизнинг юртимизда чет элликлар учун эшигимиз доим очиқ.

Қаердан келдингиз?

— Истанбулдан. Ҳозир автобусдан тушгандим.

— Ў-ў-ў!.. Бўлмаса қорнингиз ҳам очдир. Юринг, менинг аёлим сизга нонушта тайёрлаб беради.

— Миннатдорман. Соғ бўлинг.

Ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Бу инсонлар менга чин дилдан ҳурмат кўрсатаётган эди. Ҳолбуки мен уларнинг юртига ёмон ниятда келганлардан бири эдим. Лекин ҳеч қандай ёмонлик қилмаганим учун худога шукр қиламан. "Бу миллатни йўқ қилишга уринганлар уларнинг инсоний

хислатларини кўришмаяптими?” — деб ўйлардим, ўзимча.

Бордим... Улар мактабнинг бир четидаги уйда яшашар экан. Очиқ чехра билан мени кутиб олган хоним чиройли қилиб нонушта тайёрлади.

Кичкина ўғилчаси ҳам бор экан. Исмои Иззат экан. “Сен биз билан яшайсанми?” — деб сўради. Ҳали жавоб беришимни ҳам кутмасдан болаларча маъсумияти билан: “Бўлмаса менга битта машина ясаб берасизми?” — деб қолди.

Боланинг бу илтимосига юрагим эзилади. Бу болаларга биз — ривожланган давлат инсонлари — ўйинчоқ эмас, қурол тайёрлаётган эдик. Ўша жойда ўзимга ўзим сўз бердим. Мен ҳам мусулмон бўлиб, уларнинг сафига кириб оламан.

Хонадон соҳиблари мен билан суҳбат қуришарди. Менинг хаёлим эса Меҳметда эди. Мен: “Меҳмет агар хоҳласанг, мен шу ернинг ўзидаёқ мусулмон бўламан”, — дейман деб хаёл суриб ўтирардим. Бу қароримдан роса хурсанд бўлса керак. Унинг хурсанд бўлган ҳолатини тасаввур қилаётган эдим.

Ниҳоят соат саккиз бўлди. Мактабнинг дарвозасига чиқиб сўрадим. Ҳали келмаган экан. Мактабга орқамни ўгириб, энди кўча томонга қараган эдимки, унинг келаётганини кўрдим. Вой худойим, ҳеч ҳам ўзгармабди — ўша-ўша.

Кутилмаган ҳолда мени кўриб қолди... Кўзларига ишонмай ҳанг-у манг бўлиб жойида туриб қолди... Кейин югуриб ёнимга келди.

— Хуш... Хуш келдинг, Мария!

— Хуш кўрдим...

— Мени қандай қилиб топдинг?

Ғалати бир кайфиятда ҳайрон бўлиб сўради.

- Нега мени олдингидай: “Мариям”, — демаяпсан?
— Ҳайратдан шошиб қолдим. Юрагим ўйнаб кетди.
— Сенга нима бўлди, Меҳметим? Нега ҳеч ҳам

мендан хабар олмадинг?

Бошим айланиб кетди.

— Кел, шу ерга ўтирайлик: ҳаммасини тушунтириб
бераман.

— Нимани тушунтирасан?

— Сени нега қидирмаганим сабабини.

— Нима! Сен мени қидириб топишни ўзинг хоҳла-
мадингми? Мен бўлсам, балки...

— Сени қидиришни ўзим хоҳламадим.

— Нега? Нима учун мени қидирмадинг? Ишонгим
келмаяпти. Ахир, сен ўзинг мени қаттиқ севиб қолганинг-
ни айтган эдинг-ку!

— Ҳа, мен айтган эдим. Лекин сен билан турмуш
қуролмасдик, Мария. Сен билан дунёқарашларимиз мос
келмайди.

Ҳали ҳам ўзимга келолмаётган эдим:

— Бор-йўқ сабабинг шуми ҳали сенинг? Энди ҳозир
мен айтадиган гапимга қарахт бўлиб қоласан, — дедим.

— Қандай гап?

— Сен кутган гап.

— Қандай гап айтсанг-чи, қизиқиб кетяпман.

— Мен... Мен...

— Ҳа, сен...

— Ҳаяжонланганимдан айтолмаяпман.

— Айта қолсанг-чи, мени ҳам ҳаяжонлантиряпсан.

— Мен ҳам мусулмон бўлмоқчиман. Энди ҳеч қандай
муаммо қолмади.

— Нима? Мусулмон бўлмоқчимисан?

— Ҳа... Ҳа... Агар хоҳласанг, ҳозироқ бўламан. Мен

бунга ўзимни яхшилаб тайёрлаганман.

— Мария... Мен мусулмон эмасман-ку!..

Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Кўзимнинг атрофи олдинига қоронғилашди, кейин яна ёруғлашгандай бўлди. Жуда ёмон аҳволда эдим.

— Ни-ма-а-а! Сен мусулмон эмасмисан?

— Йўқ, эмасман. Мен атеист социалистман.

— Сен... Сен... Яъни динсизмисан?

— Ҳа. Мен замонавий демократ камолчиларданман.

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас!.. Ёлғон гапиряпсан!

— Йўқ. Ёлғон гапирмаяпман.

— Сен... “Рўёларга ўхшаган бутунлай бошқа давлат барпо қиламиз” деган тузум — атеизм асосида юритилган тузумми?

— Ҳа, лекин...

Кутилмаган бундай гапдан ҳаяжонланиб, нима дейишни ҳам, нима қилишни ҳам билмай қолгандим. Қулоқларимга ишонмасдим. Лекин бу гапларни у ўз оғзи билан гапираётган эди.

Қарахт бўлиб қолгандай эдим.

Унинг кўзига қараб туриб сўрадим:

— Меҳмет, сўзингдан қайтдингми? Энди менга уйланмайсанми? Мендан воз кечган бўлсанг, нега менга хабар бермадинг.

— Айтолмадим. Лекин менинг қандай қийналганимни сен билмайсан.

Шу пайт ёнимизга ёшгина қиз келди ва:

— Меҳмет, бу қиз ким? — дея сўради.

Меҳмет нима дейишини билмай дудуқланиб :

— Германиялик дўстим, — деди.

— Бу қандай таништириш бўлди? — дедим Меҳметга, норози оҳангда.

Шунда ўша қиз менга қараб:

— Бўлмаса ўзингиз айта қолинг.

— Мен унинг борлиғиман. Бўлажак турмуш ўртоғиман. Исмим — Мария. Лекин ҳозир у нимагадир мен билан ҳазиллашяпти.

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Мен эса унинг унаштирилган қайлиғи бўламан. Исмим — Руқия...

— Бўлиши мумкин эмас.

— Бу аллақачон содир бўлган, хоним...

Хушимдан кетиб йиқилиб тушмаслик учун ўзимни зўрға тутиб Меҳметга қарадим:

— Ростдан ҳам, бошингга катта ташвишлар тушган экан.

Зинапояга ўтириб қолдим. Холам тортган азоб ҳам шунақа бўлган экан-да. Алданиб қолганим учун ўзимни кечиролмаётган эдим. Бу аламини кўтаролмай хушимдан кетиб қолибман. Таранглашиб қолган асабларим ўзини бўш қўйиб юборган эди. Билни ўйлаб қайғуришим, Меҳметни топиш учун сиқилганларим, дадамнинг топшириқлари — ҳаммасини кўтаришга асабларим дош беролмаганди.

Кўзимни очсам, шифохонада эканман. Қон босимим тушган экан. Мени касалхонага олиб келибди. Мени нима учун ташлаб кетганини сўрамадим ҳам. Бўлган тортишувларни эслаб ўзимдан жаҳлим чиқди. Унинг ёнида хушимдан кетиб ўзимни хўрлангандай кўрсатганим алам қилди менга.

Меҳмет ёнимда ўзимга келишимни кутиб ўтирган экан. Мени ташлаб кетиш сабабини сўрамаслик учун ўзимни ҳеч нарса бўлмагандай тутишга қарор қилдим. Бирдан мавзуни ўзгартириб янги барпо қилинган инқилоб

ҳақидан сўрай бошладим:

— Демак, Усмонли давлатини йиқитдингиз, ғалаба қилдингиз. Қайси тузумга ўтмоқчисизлар? Европа тузуми-гами?

— Ҳа... Ҳа, Мария. Бир кун келиб европаликларга ўхшаймиз.

— Яъни мен яшаб келаётган тузум, давлатни янги-ча бошқариш тузумига ўтмоқчисиз, тўғрими? Пок қалбли инсонларни динидан урф-одатидан маҳрум қилиб, аёлининг қўлини бошқа эркакларнинг қўлига тутқизиб қўядиган Ҳанслар кабиларни, сув ўрнига ароқ ичадиган, никоҳни ҳурмат қилмайдиган, ўзлигини унутадиган авлодларни яратишни хоҳлаяпсизми? Европанинг кўчалари фоҳишалар билан тўлиб тошганидан хабаринг борми? Сиз олиб кираётган тузум бу ерни шундай аҳволга келтиришини биласанми? Ўз давлатингга, ўз миллатингга буларни қандай раво кўрасан? Кейин виждонинг қийналмайдими? Бунинг устига баъзи давлатларнинг мақсади мусулмон давлатларни ўзларига бўйсундириб, қарам қилиб олиш экан.

— Ўз юртингни ёқтирмайсанми?

— Сен-чи, ўзинг ёқтирасанми?

— Мен замонавий ҳаёт кечиришни хоҳлайман.

— Сен хоҳлаётган ўша ҳаётда дин йўқ — шуни биласанми? Борлари ҳам черковга маҳкум қилинган.

— Биламан. Дин бизга тўсқинлик қиляпти. Шунинг учун...

— Қайси дин тўсиқ бўляпти?

— Фарқи йўқ. Ҳамма динлар бир хил.

— Йўқ. Ислом дини билан бошқа динларни солиш-тирма.

Қалбим ларзага келиб кетганди. Кейин ўзимни тутиб туролмай яна давом этдим:

— Меҳмет!

— Лаббай?

— Сен менга ваъда берган юртинг ўша — ўзим яшаётган тузум эдими?

— Ҳа, ўша сен яшаётган тузум.

— Меҳмет! Сени таний олмаяпман... Наҳотки, мен неча ойдан бери қидириб тополмай юрган севгилим Меҳмет сен бўлсанг?

— Мен ҳар доимгидекман, ўзгарганим йўқ.

— Сен бунга лойиқ эмассан, Меҳмет! Эссиз, сен учун тўккан кўз ёшларим! Афсус...

— Бундай дема, Мария. Мен сени, ростдан ҳам, севганман. Энди шундай бўлиб қолди. Унаштирилганман. Тан олишим керак, сени кўришим билан қалбимдаги севги яна қайтадан жонланди.

— Менга уни эслатма. Илтимос қиламан сендан. Сен жим тур: фақат мен гапираман. Сендан кўп нарса сўрамоқчиман.

Эй, худойим! Бу нимаси? Ростдан ҳам, мен севган Меҳмет шуми? Ишонгим келмаяпти. Ишониш қийин, зўрға гапимда давом этдим:

— Сен учун буларни гапириш шунчалар осон, демак: “Шундай бўлиб қолди...” Агар сенинг бунақа одам-лигингни билганимда унаштирилган бўлмаган тақдирингда ҳам сенга қайрилиб қарамасдим. Ўз миллатидан нафратланган, ўзлигидан, ўз динидан уялган сендай инсон мени севганингда нима ўзгарарди? Афсус, минг марталаб афсуслар бўлсин! Ҳали менинг борлиғим менинг ҳаётим деб юрган одамим сенмидинг? Энди билсам, сен буларга арзимас экансан. Сени ўзим ўз ҳаёлимда мукаммал қилиб буюклаштирган эканман.

— Мени ҳақорат қилма, Мария!

— Ҳали бунӣ ҳақорат деб ўйлаяпсанми? Сенга ўхшаганларга бундай ҳақоратни илтифот деса бўлади. Сен жуда пасткаш одам экансан. Мен аҳмоқ бўлса сени, ўзимча, буюк инсон деб ўйлабман.

Унга кўзларига қарарканман, нафратимни яшира олмадим:

— Демак, муносабатимиз шу ергача экан-да? Мана энди ҳаммаси тугади. Мен орзу қилган қаҳрамоним қандай инсон бўлиши кераклигини яхши биламан энди... Яхши қол!.. Мени тинч қўй энди...

— Мария, шошма ҳали гапим тугамади, ҳаммасини сенга тушунтиришим керак...

Унинг менга хиёнатини, унаштирилган қайлиғи ҳақидаги баҳоналарини эшитишга тоқатим йўқ эди. Шунинг учун: “Сенинг шахсий ҳаётинг мени қизиқтирмайди”, — деган маънода гапни бошқа ёққа бурдим.

— Сенинг ўзингга хос гапирадиган гапларинг борлигига ишончинг комилими? Менинг юртимдагиларни менга тушунтирмоқчимисан? Уларни эшитишнинг менга қизиғи йўқ. Чунки мен сенинг кўкларга кўтарган тузумингни илоҳийлаштириб сиғинаётганинг ўша Европа давлатида туғилиб вояга етганман ва ўша маданиятнинг ичида яшаяпман. Ўша Европа маданияти менинг қўлимдан укамни олди, дадамни олиб-олмаганини эса билолмаяпман. Лекин дадам бутун дунёни динсизлаштириш учун ҳаракат қиляпти. Сен энди ўша маданиятнинг кимга ўтказмоқчи бўлсанг, ўтказ. Фикрингнинг менга қизиғи йўқ. Ҳар битта гапингни Европадан олгансан. Уларни битталаб йиғиб, тўплаб, кейин ўз жамиятингга тарқатяпсан. Ҳозир эса сен мендан ўрганганларингни менга ўргатмоқчи бўлаяпсанми? Отатурк ҳам шунчалар ожиз эканлигингизни айтганди.

— Адашяпсан.

— Илтимос, жим бўл! Қайси бирида адашяпман? Лаицизм қўлаб-қувватлашингизни айтиб адашяпманми? Уни ҳам Европадан ўргандингиз. Демократиядами? Кўри-нишингиздами? Кийинишингизда ҳам Европага тақлид қияпсиз. Сиз ҳатто ўз тақвимингизни ташлаб бизнинг тақвимда яшаяпсизлар-ку. Кечагина сизларга қарши уруш қилган ўлкаларни, бутун кучоқ очиб, ўзингизни уларга қўш-қўлаб топширяпсиз. Кеча қизларингизга кўз тиккан одамнинг кўзини ўйиб олишга ҳам тайёр эдингиз. Лекин бутун гўзаллик танлови номи остида қизларингизни ярим яланғоч қилиб бутун дунёга кўрсатяпсиз. Хўш нима учун? Ниманинг ҳисобига? Фақатгина улардан мукофот олиш учун... Маданиятинг шуми? Қани бу ерда сенинг шахсий фикринг, сенга оид бўлганлари қаерда? Ўзингга оид бўлган йўлинг қани, айтоласанми?

— Камолизм.

— Ўзингни алдаяпсан. Камолизм деган ғояни бу ўлкада кўрмадим. Борга ўхшайди, лекин ичи бўш. Кўрганларимнинг ҳаммаси Европадан келган. Ўзлигидан уялган сенсан... Мадҳ-мақтов, шон-шухрат, хушомад-у замонавийлик учун ислом динини ҳам тарк этгансан. Бечорагина инсон!

— Нима, Усмонлилар қилган хатони такрорлаб юртимизни душманларга бериб қўйишимиз керакми?

— Ўша душман деб атаётганинг ким? Ўзларингиз ҳавас қилганларингизмасми? Кулгимни қистатма... Мени: “Четдан келган, ҳеч нарсани билмайди”, — деб ўйлама. Лозаннада бой берилган ерларни¹ сизнинг халқингиз бил-

¹ Лозанна конференцияси — Яқин Шарқ масалалари бўйича 1922-йил 20-ноябрь — 1923-йил 24-июлда бўлиб ўтган конференция. Туркия Англия — Греция интервентларига қарши урушда (1919–1922) галаба қозонганидан кейин ўтказилган. Унда бир томондан — Туркия, 2-томондан

мас, аммо мен яхши биламан. Ҳатто, ерингиздан ҳам қадри бўлганлари бор. Кошки, фақат ерларингизни бериб қўйсангиз эди. Сенга ўхшаш одамлар ориятини ҳам бериб қўйган. Аммо буни парвойингга ҳам келтирмайсан...

— Сен нималар деяпсан, Мария? Сен буларнинг ҳаммасини қаерда ва қачон ўргангансан? Мени ҳайратда қолдирдинг.

— Тўғриси, сен ҳам мени ҳайрон қолдирдинг. Ҳайрон қолдирганда ҳам ақлимга сиғдира олмайдиган даражада ҳайратлантирдинг. Меҳметбейнинг қандай одам эканлигини кеч бўлмасдан билдириб қўйдинг, бунинг учун сенга ташаккур айтаман.

— Лекин сенинг гапиришинг бошқача. Худди мусулмонларга ўхшаб гапиряпсан. Сен каби танқидчини бу ерда ёки мусулмонлар орасида ҳеч қачон кўрмаганман. Сенга ўхшаб исломни қўлаб-қувватлаб, ёқлаб гапирган бирор инсонни ҳалигача кўрмагандим.

Шифохонанинг мен ётган хонасида мендан ташқари яна бешта бемор ҳам бор эди. Ҳаммаси бизни кузатиб, суҳбатимизни тинглашаётган эди:

— Буни ўзим учун шараф деб биламан. Бир неча ойлардан бери ўқияпман. Ислонинг бир қанча ҳукмларини ўргандим. Оллоҳнинг бир қанча каломини ўргандим.

— Ислон динини мен ҳам биламан, Мария.

— Сенми? Қулгимни қистатма. Шошма, сумкамдан битта дафтаримни олай, ундан Қуръон оятларидан бир нечтасини ўқиб бераман. Яъни Оллоҳнинг каломларидан. “Агар Ер юзидаги барча дов-дарахт қалам бўлиб, денгиз

— Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Греция, Руминия, Югославия иштирокида Лозанна тинчлик сулҳи имзоланди (1923-йил 24-июль), Туркиянинг ҳозирги чегаралари белгиланди. Капитуляциялар режими ва чет эллик фуқароларнинг иқтисодий ва сиёсий имтиёзлари, Туркия устидан халқаро молиявий назорат бекор қилинди.

(сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса, Оллоҳнинг сўзлари тугаб битмас. Албатта, Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир” (Луқмон сураси 27-оят). Ўзинг айт-чи, Меҳметбей, сен денгизларни ҳам тугатадиган даражада кўп илм эгаси бўлган Оллоҳнинг сўзлари ва яратганларидан қанчасини биласан? Инкор қилиб қутулмоқчи бўлдинг. Ҳақиқатни ўрганишдан қўрқаркансан. Қулоқ сол: Қуръонда нима дейилган: “Албатта, Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир”. Лекин сизлар Оллоҳнинг ҳукмларига эътибор қилмабсизлар.

— Лекин Усмонлида...

— Мен Усмонлидан эмас, Қуръондан, Оллоҳнинг сўзларидан гапиряпман. Усмонли хато қилгандир, тўғри қилгандир — у бошқа масала. Шуни айтишим керакки, Усмонли сизларга қараганда жуда ҳам ғурурли бўлган... Мана шу оятдаги сўзларга нима дейсан? “Сизларнинг туғилишингиз ҳам, қайта тирилишингиз ҳам Яратганга боғлиқдир. Шубҳасиз, Оллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир”. Аммо сен Оллоҳни танимаганинг учун қайта тирилишингга ишонмаяпсан. Афсуслар бўлсин.

Кейин мавзуни бирдан ўзгартириб гапни бурдим.

— Унаштирилган қайлиғинг чиройли қиз экан! Мендан воз кечишингга арзийди. Сен айблаётганим йўқ. Ҳамма айб — ўзимда. Ўзим айбдорман... Фақат Оллоҳни таниганим учун ўзимни ҳам кечираман. Сенга ишониб катта аҳмоқлик қилдим. Лекин ислом динидай гўзал ҳаёт тарзини танлаганим бу аҳмоқликни кечиради.

Менинг гапларимдан Меҳмет лол бўлиб қолганди.

Меҳметдан умидимни узиб Истанбулга қайтдим. Сузига бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини айтиб бердим. Сузининг ҳайрати ошиб:

— Сен тўлиқ мусулмон бўлибсан-ку.

— Йўқ, ҳали тўлиқ мусулмон бўлганим йўқ. Аммо, албатта, бўламан. Ойим билан дадам мени кечиришмаслиги тайин. Майли, кечиришмаса ҳам мен ҳақиқий динни топдим. Ота-онамни ранжитмаслик учун Оллоҳ амрларига қарши бормайман ҳамда жаҳаннам оташида ёнишни хоҳламайман. Оллоҳ мени яратаётганда улардан сўрамаган-ку. Нега энди мен Оллоҳ буюрган динга кириш учун улардан рухсат сўрашим керак?

— Балки, Меҳметдан ажралганинг учун тушкунликка тушиб қолганингдан шундай деяётган бўлишинг мумкинми?

— Сенга айтган билимларимни тушкунлик ўргатган бўлиши мумкинми? Бундан кейин Меҳмет деган ҳеч кимни танимайман. У ҳақида гапиришни хоҳламайман.

У оддий Меҳметдир: қалбимга кирди — кетди!..
Қалбимни биров яралади: тилкалади — кетди.
Ҳаётнинг ўзи дард берар ҳам даволар. Қара:
Ўткинчи ишқ келди-ю, тўхтамай ўтди — кетди¹.

— Нақадар гўзал шеър. Шоир бўлибсан! Сени тушунаман. Буни ҳазм қилиш осон эмас. Лекин сенга қойилман: оёқда тик турибсан. Ҳам ўзингга бўлган ишончинг яна ҳам ортган. Қойил, табриклайман сени.

— Гапинг тўғри. Унинг европаликларнинг ҳаётига қизиқаётганини билиб бирдан кўнглим қолди. Мен ўз сўзида турадиган қатъиятли эркакларни ёқтираман. Менга у, барибир, “бошқа биров”нинг сояси каби ёққанди. Менинг қалбимда доимо ўша “бошқа биров” бор эди. Мен эса Меҳметни ўша “бошқа биров” деб тасаввур қилганман,

¹ Ушбу китобдаги барча шеърларни Алишер Равшанов таржима қилган

холос. Лекин ҳар доим ўша “бошқа биров”ни — Абдулваҳ-
ҳобни қўмсардим. У менга ошиқ эди. Уни яхши билганим
учун Меҳметнинг қандай одам эканлигини ажратишим
қийин бўлмади. Зитлер қонуни каби. Балки, унга турмуш-
га чиқарман. Унга бўлган қизиқишим ўйлаганимдан ҳам
кучли.

Бир неча ҳафта давомида ички руҳий тўқнашувлар
гирдобиди қолдим. Лекин ички тўқнашуварим енгил кеч-
ди. Абдулваҳҳоб қалбан мени бунга олдиндан тайёрлаб
борган экан. Ислом динига киришим унчалик қийин бўл-
мади. Бир куни қўшни опанинг ёнига чиқдим. “Мен мусул-
мон бўлмоқчиман, менга калимайи шаҳодатни ўргатинг”,
— дедим. Мени кучоқлаб олди, хурсанд бўлганидан йиғла-
ди ва менга калимайи шаҳодатни ўргатди. Янгидан туғил-
гандай бўлдим. Ўзимни шунчалар енгил ҳис қилдимки,
худди қуш бўлиб самода учаётгандай эдим. Айтмоқчи-
манки, энди мен бошқа инсонга айланган эдим.

Саид-и Нурсий ҳазратларининг калимайи шаҳодат
ҳақида ёзганларини ўқидим. Баъзи дин олимларининг
суҳбатларини тингладим.

“Ла илаҳа иллаллоҳ” дейиш “Бошқа илоҳларни тан
олмайман, мен учун битта илоҳ бордир, у Оллоҳ”, — деган
маънони берар экан. “Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва
ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росувлуҳ” эса “Мен
шоҳидлик қиламанки, Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва
Муҳаммад Оллоҳнинг бандаси ва Расулидир”.

Нақадар гўзал!

Исломга қадам қўйиш билан Оллоҳдан бошқа илоҳ
йўқлигини ўргатади. Бошқача қилиб айтганда: “Диний
қоидаларни фақат Оллоҳ қўяди”, — дейилади. Ҳеч ким ўз
хоҳишига кўра диннинг номидан ҳалол ва гуноҳни ўрга-
тишга ҳаққи йўқ. Насронийлар каби адашиб: “Пайғамбар-

га Оллоҳ деманг, инсондан устун қўйманг”, — дейилади, “Муҳаммад Оллоҳнинг бандаси ва Расулидир”, — дейилди... Муҳаммад бир бандадир ва Оллоҳнинг Расулидир. Эй Худойим! Жуда ажойиб айтилган калимаи шаҳодат! Ислом динига ана шундай калимаи шаҳодат билан кирилади.

Абдулваҳҳобга хат ёза бошладим.

“Ассалому алейкум. Салом, Абдулваҳҳоб, аввало, хушхабарни айтай. Ниҳоят мусулмон бўлдим. Қўшни опага калимаи шаҳодатни айтдим.

Ўша опа жуда ҳам хурсанд бўлди. Бўйнимдан қучоқлаб йиғлади.

“Динимизга хуш келдинг, азизим!.. Оллоҳ сени жаннати билан мукофотласин!..” — деди.

“Омин... Лекин насроний динида ҳам омин дейилди”, — дедим.

“Бўлиши мумкин. Насроний динида ҳам, бошқа динларда ҳам, шунингдек, бошқа таълимотларда ҳам исломий ҳукмлар бордир. Динсизликда ҳам... Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам: “Уларнинг баъзи томонлари ислом динига тўғри келаркан”, — деб ислом дини билан тенглаштирилмаслик керак. Ислом фақат Оллоҳнинг динидир... Инсонлар ислом номидан баъзи хурофотларни киргизсалар ҳам Қуръоннинг аслини ҳеч ким ўзгартиролмайди. Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ”, — деди.

“Жуда ҳам бахтлиман. Жуда... Буларни зудлик билан Абдулваҳҳобга айтишим керак”, — дедим ва сенга ёзмақдаман:

“Оллоҳнинг саломи сенга бўлсин Абдулваҳҳоб!

Ислом дунёсидан сенга саломлар бўлсин! Жуда ҳам

ҳаяжондаман... Сенга айтадиган яна битта хушхабарим бор. Тўхта ҳаяжонланиб кетма ўзингни тутиб тур. МЕН... МУ-СУЛ-МОН... БЎЛ-ДИМ! ҲА МЕН МУСУЛМОН БЎЛДИМ. Кечирасан, буни айтгандим-а.

Қалай, хурсанд бўлдингми? Ишончим комилки, жуда ҳам хурсанд бўлгансан.

Сенга айтадиган яна бошқа битта янгилигим ҳам бор. Мен Меҳмет билан ажралдим. “Ҳар ҳолда, сендаги хусусиятни унда кўрмагач, бирдан кўнглим қолди”, — дейишни хоҳлардим-у, аммо бундай дея олмайман. Меҳмет мени ташлаб кетди. Бошқа қизга унаштирилган экан. Мен ҳам айтадиганимни айтдим... Уни ҳаётимдан бутунлай ўчириб ташладим. Кейин нима бўлди биласанми? Сени соғиндим. Агар билсанг, мен сенга жуда ҳам боғланиб қолган эканман...

Бу ерда жуда кўп воқеалар бўлди... Сенга олдин айтган дугонам Фикрия ўз жонига қасд қилиб ўлди. Отатуркнинг бошқасига уйланганини ҳазм қилолмади...

Мен жуда кўп бошқа дўстлар орттирдим, мақолалар ёздим... Аммо тан олишим керак, сени ҳеч ҳам унутолмадим.

Тез орада бориб қоламан. Дадам: “Келма”, — деди. Майлига, дадамнинг гапига кирмайман, барибир, бораман. Шундоқ ҳам: “Журналист сифатида қалам тебратмадим”, — десам ҳам бўлади. Чунки ёзган мақолаларимни газетада чиқаришмади.

Бу ерлардагилар ўз халқини алдаб келаётган экан. Кўрқинчли ўзгаришлар бўляпти. Кўриб туриб чидаш қийин. Халқи тумтарақай бўлиб кетяпти. Сен буни яхши тушунсанг керак, олдин Мисрда ҳам шундай тарқоқлик бўлган экан-ку. Жумҳурият дейишади-ю, аммо камчилигининг фикри эътиборга олиняпти. Бошқаларини бу

“жумхуриятчилар” одам ўрнида кўришмаяпти.

Нима қилишни ҳам билмайсан киши бу ерларда? Шу кетиш бўлса, ҳали кўп ёмон кунлар бўладигандай ҳаёлимда... Аммо шуни билишингни хоҳлардимки, мен мусулмонларга ўхшаб, мусулмончасига яшаяпман.

Лекин Исломга кириш осон экан-у, исломда қолиш одамдан ғайрат талаб қилар экан. Нимани қандай бажаришим кераклигини менга билдир. Унутма, сен менинг устозим ҳисобланасан.

Сендан яна битта нарса сўрамоқчиман. Айбга буюрма, илтимос. Сени жуда ҳам яхши кўраман. Мен билан турмуш қуришга рози бўласанми?”.

Ўша кеча ёзаверибман, ёзаверибман қанча соат ёзганимни ўзим ҳам билмайман. Эртаси куни хатни почтадан жўнатиб юбордим.

* * *

Орадан бир ой вақт ўтган эди. Бир куни бозор айланиб уйга кириб келганимда кўзларимга ишонмадим. Нимага дейсизми?! Уйда Абдулваҳҳоб билан тортишувдан кейин мусулмон бўлган собиқ епископ ўтирибди. Уйдаги хизматкор аёл уни уйга киргизган экан. Мени кўриши билан ўрнидан турди.

— Вой! “Хуш келибсиз, жаноб епископ”, — дедим.

Епископ билан анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Епископ жуда ҳам ҳаяжонланаётган эди:

— Хабаринг бор мен ҳам энди мусулмон бўлганман. Сен ҳам мусулмон бўлибсан: буни мен ҳам биламан. Энди биз бир-биримизга қандай мурожаат қилишни ўрганишимиз керак.

— Худо ҳаққи, айтсангиз-чи, сиз мени қандай қилиб топдингиз?

— Манзилингни Абдулвахҳоб берди.

— Келишингизнинг сабабини билсам бўладими?

— Сенга Оллоҳнинг амрига кўра Абдулвахҳобдан совчи бўлиб келдим. Олдин дадангнинг олдига совчиликка боргандим. Аммо, китобларда ёзилишича, бир оиланинг қизи мусулмон бўлгач, ота-онаси узатишга рози бўлмаса, тўғри қизнинг ўзидан сўраса ҳам бўлар экан. Мен дадангнинг розилигини олмоқчи бўлган эдим. Даданг: “Мен аралашмайман”, — деди. Ойинг: “Агар мусулмонга турмушга чиқса, уни фарзандим деб ҳисобламайман”, — деди. Шунинг учун тўғри ўзингнинг ёнингга келдим. Абдулвахҳоб сени жуда ҳам яхши кўрар экан. “Қалбининг тозалигини жуда ёқтираман”, — деди. Сен нима дейсан?

Ишонинг ўзимда йўқ хурсанд эдим.

— Розиман... Ўйлаб ҳам ўтирмайман. Шундоқ ҳам турмуш қуриш таклифини унга ўзим айтган эдим.

— Жуда ҳам хурсандман.

— Абдулвахҳобнинг аҳволи қандай? Яхшими?

— У нима ҳам қилсин, ўтирса ҳам турса ҳам бор фикр-у хаёли сенда. “Ўзимдан жаҳлим чиқади”, — дейди. “Бу ёғи ортиқча”, — дейди. “Лекин нима қилай, юрагимга гап уқтиролмаёпман”, — дейди.

— Билардим, менга қаттиқ-қаттиқ гапириб: “Ҳадеб кўзимга кўринаверма, мени гуноҳга ботирияпсан”, — дейишидан мени севишини сезгандим.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Эҳ-ҳе! Ҳаммаси бирдан ўзгариб кетганидан нима қилишга ҳам ҳайронман. Аммо битта ишимдан мамнунман, мен энди мусулмон бўлдим. Бундан жуда ҳам бахтлиман. Сизга мусулмонларнинг буюк шоири Нажиб

Фозилнинг¹ битта шеърини ўқиб бераман:

Қўнғироқ овози.

Хонамда ёнган шамни ўчирди қўнғироқ навоси,
Кўзларимга кўринмиш ҳалқа-ҳалқа учган овози.

Олдимдан лип этиб ўтди-ю, қолди оловдай излар,
Очилади тупроқ остидаги қават-қават даҳлизлар.

Чақмоқлар ёниб-ўчди, чақмоқлар ўчиб-ёнди.
Чуқур сойларда тиниб ётган сувлар уйғонди.

Ўнг-у сўлга тебранар ҳам данг-дунг қилар қўнғироқ.
Тўхтамай чалар қўнғироқ, тўхтамай чалар қўнғироқ,

Сувлар титрар, буюмлар титрар, метинлар қалтирар,
Баҳайбат қўнғироқлар кўрқинч-у даҳшат ила титрар.

Кўрдимки, қадам-бақадам тўда-тўда кашишлар
Абадий зулмат-ла қопланган қабрга кирмишлар.

(1925)

— Шунчалар таъсирли шеърки, худди менга атаб
ёзилганга ўхшайди.

— Йўқ, фақат сенга эмас, иккаламизга атаб ёзил-
ганга ўхшайди, Мария.

— Гапингиз тўғри. Айтгандай, сиз қандай қилиб
мусулмон бўлдингиз?

— Ўзингга маълум, Абдулваҳҳоб Ислом динини жуда
чиройли қилиб тушунтиради. Агар ислом дини чиройли

¹ Нажиб Фозил Қисакурак (1905–1983) — турк шоири, драматург ва ёзувчи.

қилиб тушунтирилса, ислом динини асло қабул қилмайдигандай бўлиб кўринганлар ҳам, барибир, қабул қилишадди. Худога шукур қиламан. Энди Мисрга араб тилини ўрганиш учун кетмоқчи бўлиб турибман. Лекин бунинг учун менда имкон бўладими-йўқми — унисини билмайман. Хўш, шундай қилиб энди сен бизга келин бўлдинг. Тезлик билан бунинг Абдулваҳҳобга ёзишимиз керак. Сенинг рози бўлишингга ишонганди-ю, аммо... Даданг билан ҳам тез-тез учрашиб туради. Ақллигини қара, дадангнинг кўнглига йўл топиб сенга ҳамманинг розилиги билан уйланишни хоҳлайди. Даданг, менимча, ислом дининг фаолиятини чуқурроқ билиш учун ўзини ишонгандай кўрсатяпти.

Ҳайратим ошганидан юрагим ҳаприқиб кетди.

Бир неча кундан кейин собиқ епископ Германияга қайтиб кетди. Мен ҳам Германияга кетмоқчи бўлиб юргандим.

Кетишдан олдин Истанбулнинг исломий обидаларни ўзида мужассам этган гўзалликларини томоша қилиш учун сайр қилмоқчи эдим ва бу мақсадимга эришдим.

Бир нечта жоме масжидларга бордим. Айни вақтда хонадошим Сузига ҳам ислом динини тушунтиришни бошлаган эдим. Унинг ҳам мусулмон бўлишини хоҳлар эдим. Лекин у қулоқ солмаяпти-да.

Қўшни опанинг уйига чиқдим... Энди Истанбулдан зерика бошлаган эдим. Одамларнинг қарамликка интилиши — замонавийликка интилиши жаҳдимни чиқара бошлаган эди. Уларнинг бундай кўр-кўрона ҳаракатини кўришга бошқа тоқатим қолмаган эди. Ҳеч бўлмаганда ўн-ўн беш кишининг эсида қоладиган нималардир айтишим керак эди. Ичимдаги гапларни опага айтганимда, бунга эътироз билдирди.

— Гапларимни яхшилаб эшит, жон қардошим. Ҳеч

қачон исломнинг амрларини яхши билмасдан ваъз айтма, мунозарага кирма. Кейин ислом динини яхши билмаганинг учун сени оёқости қиладилар. Мантиқий саволлар бериб, сени довдиратиб ташлашади. Ҳатто сени чалкаштирадилар.

— Ислом дини мантиқий дин эмасми?

— Мантиқий дин, албатта, Лекин мантиқдан ҳосил бўлмаган. Баъзида тўғри бўлган нарсалар ҳам мантиққа тўғри келмаслиги мумкин. Жаннатдан қўчқорнинг туширилишини¹ мантиқ қабул қилмайди. Мантиқнинг ҳам иймонлиси бўлиши керак.

— Бу нима дегани?

— Яъни ислом ваҳий динидир. Ҳар кимнинг ақли ваҳийни тушунолмайди. Ақл олдин иймонли бўлса, кейин исломнинг ҳукмларини идрок эта олади. Ўрганмай туриб ўргатолмайди. Ҳамма нарса ҳам мантиқ билан ҳал бўлмайди. Ислом динига кирган қанча одам пухта ўрганмай туриб ислом динини бошқаларга ўргатишга ҳаракат қилишган. Фақат ўзлари яхши билмаганлари учун ожизлик қилиб

¹ Жаннатдан қўчқорнинг туширилиши — маълумки, Аллоҳ таоло ўз халқли Иброҳим алайҳиссаломни синаш учун унга ўғли Исмоилни ўзи учун қурбонлик қилишни буюради. Оллоҳ амрига биноан Иброҳим алайҳиссалом ўз ўғли Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилишга ҳар томонлама тайёр бўлади ва ўғли Исмоил алайҳиссалом ҳам бунга рози бўлади. Иброҳим алайҳиссалом бу ишга бел боғлаб энди ўғлининг қонини оқизмоқчи бўлганда Оллоҳ бунинг бир синов эканлигини англатади ва ўғлининг ўрнига қурбонлик қилиш учун жаннатдан бир қўчқор юборади.

Бу Қуръоннинг Сафот сураси 104–108-оятларида қуйидагича ифодаланган:

“Бас, Биз унга нидо қилдик: Эй Иброҳим, дарҳақиқат сен (қўрган) тушингни рост-бажо қилдинг. Албатта, Биз, чиroyли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта, бу (яъни Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишга буюрилиши) очик-равшан имтиҳондир, холос”.

“Биз (Исмоилни жаннатдан туширилган) катта бир (қўчқор) эвазига қутқариб қолдик (ёки Исмоилнинг қурбонлигини унинг ўрнига сўйилган қўчқорнинг қурбонлиги билан қабул қилдик). Ва кейингилар орасида (Иброҳим) ҳақида (ғўзал мактов-олқишлар) қолдирдик”.
Қуръони қарим маънолари таржумаси. Таржимон: Абдулазиз Мансур

Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссаломнинг ўрнига жаннатдан туширилган қўчқорни қурбонлик келтирдилар. Бу одат авлоддан авлодга ўтиб, то қиёмат давом этадиган суннатга айланди.

диндан чиқиб кетишган. Ёки ўзлари билмаганликлари учун бошқаларга ҳеч нарса ўргатолмаганларидан азият чекишган. Шунинг учун сен ўзлигингни йўқотма. Исломи дини мукаммал ўрганмасдан билганларингни бошқаларга тушунтирма. Сен ҳозирча бунга тайёр эмассан. Аммо, ишончим комилки, ҳаммасини яхши ўрганиб-ўзлаштирган мусулмон бўласан. Шоир айтганидек:

Сояларда дам олиб, Ҳақдан жаннат сўраганлар.
Бирор заҳмат чекмайин жаннат келсин деганлар.

— Энг аввало, нима қилишимни маслаҳат берасиз?

— Ҳар бир кўрган хатоларингга қараб туриб одамларни танқид қилма. Эрта ётиб, эрта туришни одат қилиб ол. Ҳар куни фикҳ билими ол ҳамда биттадан қисса ўқишга ҳаракат қил. Қуръон тиловат қилишни ўргангунингча, ҳар куни Қуръоннинг бир нечта саҳифасини ўқишга ҳаракат қил. Инсонларга яхши билганларингни ўргат. Билмаганларингни ўргатишга уринма. Агар билмаган нарсангни сўраб қолишса: “Билмайман”, — дейишдан тортинма.

— Фикҳ нимани англатади?

— Қандай ибодат қилишни, ҳаром ва ҳалолни, ислом динининг аҳқомларини ва буларни қандай бажаришни ўргатадиган фан. Бу фаннинг ҳам хурофотли ва хурофотсиз томонлари бор.

— Аммо ҳамма нарсада хурофот бўлса, ўй-фикрларим саросимага тушиб қолмайдими?

— Тушсин. Саросимага тушган ўй-фикрлар аста-секин билан тўғриланади. Саросимага тушмаган ўй-фикрлар эса ҳар доим лойқа кўринади, яъни доимо гумон остида бўлади.

— Суннат нима дегани?

— Буларнинг барчасини бир зумда билиб олишнинг

иложи йўқ. Ислом илмларидан таҳсил олиб, маълум вақтдан кейин ўрганасан. Суннат ислом дини яратилишининг тамал тошларидан биридир. Бу ҳукмлар қуйидагилардир: фарз¹, вожиб², суннат³, мустаҳаб⁴, мубоҳ⁵. Булар қаторида шуларни ҳам ўрган: ҳалол, ҳаром, макруҳ⁶, муфсид⁷.

— Тўғри айтасиз, аммо буларнинг ҳаммасини бирдан ўргана олмайман-ку. Вақтим ҳам йўқ. Иншооллоҳ,

¹ **Фарз** (арабча; катъият, мажбурият) — ҳамма мусулмонлар бажариши катъий бўйрилган амаллар. Буларга Қуръонда кўрсатилган диний эътиқод, маросим, урф-одат талаблари, ахлокий ва ҳукукий меъёрлар киради. Фарз икки турга — “фарзи айн” ва “фарзи кифоя”га бўлинади. Биринчи тури барча мусулмонларга баб-баробар бўйрилган бўлиб, уларнинг адади 40 атрофида (масалан, намоз, рўза, таҳоратдаги фарзлардир). Амри маъруф, наҳий мункар, илм олиш ҳам “фарзи айн”га киради. “Фарзи кифоя” эса бир қисм мусулмонлар бажарса, қолганлар зиммасидан соқит бўладиган ишлар. Масалан, жаноза намози, кафанлаш, мурдани ювиш, дафн этиш кабилар. Шариятта кўра, фарзнинг бу турига кирувчи ишларни ҳеч бир мусулмон бажармаса, ҳамма мусулмонлар гуноҳкор бўладилар.

² **Вожиб** (арабча; мажбурият, бурч) — ислом шарияти тушунчаси. Мусулмонларнинг Аллоҳ ва Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам амрларининггина эмас, яққа ҳукмдорлар (халифа, подшо, амир, хонлар) фармойишини ҳам бажариши мажбурий эканлигини англатади. Мажбурийлик нуктаин назаридан вожиб фарздан кейин, суннат талабларидан олдин туради. Исломда вожибни инкор этиш оғир гуноҳ ҳисобланса-да, кофирликка нисбат берилмайди.

³ **Суннат** (арабча; одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) — исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзи, қилган иши, хатти-ҳаракатлари. Суннатга тегишли ҳар бир маълумот ҳадисларда берилган ва тўплам қилинган. Суннат исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариятнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган.

⁴ **Мустаҳаб** (арабча; севилган, ёқтирилган) — шаръий амал. Бунни бажарган киши савобли бўлади, бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди. Шаръий ҳукмлар китобларнда мўмин-мусулмонлар қилишлари маъқул бўлган ўнлаб мустаҳаб амаллар (нафл намозларини ўқиш, нафл рўзасини тутиш, садақалар бериб юриш, турмушда оддий одоб қондаларига риоя этиш, атрофдаги одамлар учун турли фойдалли ишлар қилиш ва бошқалар) кўрсатиб ўтилган.

⁵ **Мубоҳ** (арабча; умумий, ихтиёрый иш-ҳаракат) — шарият тушунчаларидан бири. Унга кўра, қилиш ва қилмаслик баробар бўлган амал. Уни қилган кишига ҳам, қилмаган кишига ҳам савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқдир. Ҳаром бўлмаган, ман қилинмаган (қайтарилмаган) ишларнинг ҳаммаси мубоҳдир. Масалан, ўтириш, туриш, юриш, ётиш, ухлаш, ҳалол таомларни ейиш ва бошқалар.

⁶ **Макруҳ** (арабча; рад этилган, қораланган, номақбул) — шарият ҳукмларидан бири. Катъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган амаллар макруҳ ҳисобланган. Макруҳ — Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам қайтарган иш демакдир. Ҳар бир мусулмон макруҳ ишлардан сақланиши лозим. Макруҳ ишни гуноҳдан кўркиб қилмаган киши савобли, қилавсрган киши гуноҳли бўлади.

⁷ **Муфсид** (арабча; бузувчи) — шаръий амалларни бузувчи нарсалар ва ҳолат. Масалан, намозда қаҳқаҳа отиб қулиш, гапириш, атайин рўзани бузиш, Оллоҳни ва Қуръонни ҳақоратлаш кабилар. Шаръий амални бажаришни бошлагандан сўнг уни узрейс, қасддан бузиш гуноҳ ҳисобланади. Унга тавба қилмоқ ва шу бузилган амални қайта адо қилмоқ лозим.

Абдулваҳҳобга турмушга чиққач ундан ўрганарман. Энди мен Истанбул кўчаларини айланмоқчиман. Билганларим-нигина одамларга айтишим мумкин. Сизга сўз бераман: ўзим билмаган мавзуда баҳс юритмайман. Агар мен билан боришни хоҳласангиз, юринг: бирга айланамиз.

— Майли, бераман: таклифингдан хурсанд бўлдим. Биринчи бўлиб Султон Аҳмад¹ мақбарасига борамиз.

Иккаламиз бирга кетдик.

— Вой, мачитнинг эшигига нега қулф осилган?

— Давлат ёпдириб қўйди.

— Нима учун?

— Сабаби кўриниб турибди-ку. Лекин, албатта, бир кун келиб бу эшиклар очилади. Мен бунга ишонаман. Чунки ҳеч қайси тузум зулм ўтказиш билан давом этмаган... Французлардан, инглизлардан қутулишни баҳона қилиб, ислом динидан қутуломоқчи бўлганларга қарата буюк шоир Меҳмет Акиф² шундай деган:

“Истанбулга келиб боқсам: бозор каби башарият,
Наъра билан тебранарлар, мана ... ўша ҳуррият.

Чиндан, чекинаркан мантиқ, ғазаб кўтарса ғалаён,
У кун кимни кўрсам: қилмиши телбалардай ноаён.

Гўёки телбалар-у жиннилар озод бўлиб занжирдан,
Жиннихонани қулатиб чиққанми ҳаммаси бирдан?!

Тўрт томон юрар онгсиз оломон — қўлида байроқ:
Бу сурув саркорининг ақли биттага камлиги чатоқ”.

¹ Султон Аҳмад I (1590–1617) — Усмонлилар салтанатининг 1603–1617-йиллардаги ҳукмдори.

² Меҳмет Акиф Эрсой (1873–1936) — Усмонлилар ҳукмронлиги давридаги шоир. Туркия мадҳияси сўзлари муаллифи, ветеринар, ўқитувчи, диний маърифатпарвар (Қуръон таржумони), депутат.

— Ҳа... Аҳмоқ, жинниларга қолди бу миллат тақдири.

— Шоир ҳам зўр қилиб таърифлабди бўлаётганларни. Дарҳақиқат, давлат нима қилишини билмаяпти. Юринг: газета сотаётган одамнинг олдига борайлик. Унга бир-икки оғиз гапим бор.

Унга яқин қолганимизда бақириб чақираётган эди:

— Ёзибди, ёзибди! Туркиямиз гўзалининг ютуғини ёзяпти.

Мен қичқирган одамдан сўрадим:

— Қандай ютуқ ҳақида ёзяпти?

Газета сотувчиси менга бир қараб олди-да, кейин жавоб берди:

— Гўзалимиз юксакликка эришди.

— Нимаси билан?

Газета сотувчиси нима деганимни тушунмаганди.

— Ма, ол: газетадан ўқи.

— Лекин мен сендан сўраб билмоқчиман... Ўз ватандошининг, ўз динингдан бўлган бир қизнинг одамларнинг олдига ярим яланғоч чиқаётганидан хафа эмасми-сан? Европада бундай гўзаллик танловлари бошланганида насроний динидагилар исён кўтаришган эди. Сен битта насронийчалик бўлолмадингми?

Газета сотувчисининг гапларимдан жаҳли чиққан эди:

— Оббо! Шунга қаранглар. Сен насронийсан. Биз мусулмонмиз — тушундингми?

— Тўғри, ўз қизларининг ярим яланғоч юришидан уялиш ўрнига хурсанд бўлган мусулмонсиз.

У ердан кейин спиртли ичимликлар сотиладиган дўконга кирдим. Ўзимни арслон ёки қоплон деб ўйламайман-у, аммо бошқача куч ҳис қилгандим:

— Салом!

— Марҳамат, келинг, mademoiselle¹.

— Сизга саволим бор эди. Сиз спиртли ичимликлар инсонларининг соғлиғига зарар келтиришини билмайсизми?

Сотувчи менга маъноли қараб:

— Биламан.

— Ароқ ичиб маст бўлган одамларнинг хотинларига, фарзандларига зулм ўтказишини, мингларча оиланинг ичкилик оқибатида бузилиб кетаётганини, ислом динида ҳам спиртли ичимлик ичишнинг гуноҳ эканини билмайсизми?

— Албатта, биламан.

— Ҳаром нарса сотган одамнинг пули ҳам ҳаром эканини биласизми?

— Албатта, биламан.

— Бўлмаса нима учун спиртли ичимлик сотяпсиз?

— Энди бу мамлакат ҳур, озод ва демократик давлат бўлди. Ҳамма нарсага рухсат берилган. Давлат курдирган спиртли ичимликлар заводини.

— Давлат виждонсиз ва динсиз бўлса, сиз ҳам динсиз бўласизми? Бундай ақл соҳибларига афсуслар бўлсин. Худонинг олдида қандай жавоб берасизлар?

Жавобини кутмасдан дўкондан чиқиб кетдик.

Ўзимни жанг майдонида юргандай ҳис қилаётган эдим:

Эндигина Боязид² майдонига келган эдикки, похол

¹ Французларда турмушга чиқмаган қизларга мурожаат шакли.

² Йилдирим Боязид I (1359–1403) — усмонлилар сулоласига мансуб Туркия султони (1389–1402), султон Мурадхон I (1359–8139) нинг тўнгич ўғли, султон Ўрхон (1326–1359) нинг набираси.

шляпа кийган иккита аёлга дуч келиб қолдик.

— Кечирасиз, хонимлар, сизларнинг вақтингизни олиб беш дақиқа суҳбат курсак бўладими?

Ноз-карашма ила сузилиб жавоб беришди:

— Марҳамат қилинг, сизни эшитаман.

— Қайси диндансиз?

Аёллар ҳайрон бўлишди:

— Албатта, ислом диниданмиз.

— Ишончингиз комилми?

— Албатта, ишончим комил.

— Бўлмаса нега Европанинг динсиз аёлларига ҳавас қиляпсизлар? Узр, қизиққаним учун сўрадим?

— А-а! Сиз чет элликсиз, туркчани жуда чиройли гапирар экансиз.

— Ҳа мен дадамнинг тузоқларини деб... Аммо бу тузоқлар уларнинг ўзига қарши ишлатилди. Туркияда динсизликни тарғиб қилишимни буюришган эди. Шунингдек, сизлар Европага ҳавас қилаётганингизда улар сизлар учун мана шундай тузоқлар қўйишяпти.

— Лекин биз динсиз бўлмаймиз.

— Унда айтинг-чи: динингизга оид нима қолган ҳозир қўлингизда?

Аёллар жуда ҳайрон қолишди.

Қани уларнинг бунга жавоблари.

Бу саволга жавоб бериш нари ёқда турсин, ҳаттоки ислом динининг у ерлардан кетиб қолганини сезмай ҳам қолишганди.

Эътиборларидан қолганди ислом.

Аммо ислом дини кетганининг фарқига боришма-ганди. Энг ачинарлиси ҳам шу эди-да.

Энг эътиборлиси, уларнинг ақли биттага кам эди.

Мен ўша куни кўрган ҳар бир одамдан сўрадим:

“Сиз мусулмонмисиз?”

Ҳаммаси ҳам “ҳа” жавобини берарди. Нақадар ғалати халқ! Ҳамма нарсасидан айрилган, ислом динининг бу ерлардан кетиб қолган бўлишига қарамай ўзларини мусулмонмиз деб ўйлардилар.

Айланиб-айланиб китоб бозорига бориб қолдик. Битта китоб дўконига кириб ҳайратга тушгандик. Дўконга “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб ёзилган экан. Лекин эгаси дин душмани экан. Сотаётган китобларининг баъзиларини биламан. “Динни ўлдирдик” номли китоблардан эди.

Қандай қилиб мусулмонлар буларни кўрмаслиги мумкин? Қандай қилиб бундай аҳволга келиб қолишган бўлса? Ҳа-я, эсимга тушди, дадам нима деган эди: “Агар мусулмонларга динингиз ёмон”, — дейдиган бўлсак, дарҳол динларини ҳимоя қилишга ўтишади. Айёрлик билан секин-секин уларни динларидан узоқлаштирамиз. “Уларни динларининг қоидаларидан уяладиган ҳолга олиб келасан”, — деганди.

“Шунақаси ҳам бўларканми, дадажон? Худога қарши чиқиб бўларканми? Охирида ўзингиз борадиган жойингиз ҳам Оллоҳники-ку. Сизни тутиб ололмайди деб ўйладингизми?” — деб айтолсам, қанийди.

Йўлимда учраган ҳар кимга: “Биласизми бир кун Ғарб маданияти кириб келса, сизнинг номусли сўзингиздан масҳара қилиб, устингиздан куладиган бўлишади. Ғарб мамлакатларида шунақа. Лаицизм ёшларни олдинига динсиз қилди. Кейин эса номус душманига айлантирди”, — деган эдим, битта ёш қизнинг жаҳли чиқиб:

“Қарангалар-а, битта ажнабий келиб, бизга ақл ўргатадиган бўлдимиз?” — деб бақирди. Ёнидаги ўртоғи эса: “Нега жаҳлинг чиқади? Бу кетишда унинг айтганлари бўладиганга ўхшайди. Шу газетани ўқисанг-чи, нималарни ёзишибди: “Рус давлатларида бўлганидек, бизда ҳам шаръий никоҳни бекор қилиш керак”, — дейилган. Ҳатто Отатурк ҳам яхши кўрган қизига қизнинг шаръий никоҳ ўқитишни хоҳлагани учун уйланмаган экан. Отатуркдай буюк қахрамонни ҳам ўз таъсирига олибди”, — деганди.

Ҳа-я, Отатурк деганимга эсимга тушди. Уни кўргандим. Битта тадбирда. Менга катта илтифот кўрсатганди. Унинг ҳайкаллари нақадар бўйдор эканлигига ҳайрон қолдим. Бўйини гўёки икки метрдан қилиб тасвирлашган. Аммо бўйи меникидан сал калта экан. Инсон санъати билан нималар қилмайди дейсиз. Ўзини катта кўрсатиб ясаган ҳайкалтарошларни роса уришса керак. Аммо афсуски, Отатурк ҳам Ғарб тамаддунини тушунадиганлардан бири эмас эди. Лекин мен Ғарб тамаддунини жуда яхши биламан. Бу миллатга ачинишимнинг сабаби ҳам шу эди.

Эй Худойим, бу инсонларга нидо қилгим келди...

— Алданиб қолманг! Сизларни синдирмоқчи бўлганлар, сизларни синдириш учун арабча, туркча, форсча, лазча¹, курдча... қанча тил бўлса ҳаммасини ўрганиб орангизга кириб олган. Алданиб қолманг! Кўзингизни очинг!

Ўша куни уйга зўрға оқшом пайти етиб келдик. Опа билан хайрлашаётганимда:

— Сенга бир гап айтсам, жаҳлинг чиқмайдими? — деди.

¹ Лазлар — Қора денгизнинг жанубий-шарқида — Туркиянинг шимолий-шарқида жойлашган тарихий ҳудуд — Лазистон вилоятининг аҳолиси.

— Йўқ, — дедим.

— Жуда ҳам яхши қизсан. Идрокинг аъло даражада. Аммо эътиборингдан чиққан битта нарса бор. Бу миллатни ислом динини бўйин эгдириш учун, очиқ чехра билан, мулойимлик билан аста-секин тушунтириш кераклигини унутиб қўйдинг. Жуда тез гапириб улар билан хужум қилмоқчидай бўляпсан. Исломи динининг илк пайдо бўлган замонларда Оллоҳ қандай йўл билан ислом динини бандаларга ўргатган бўлса, биз ҳам ўша йўл қоидаларини яхшилаб ўрганишимиз керак. Агар қўпол муомала қиладиган бўлсак, инсонларни ўзимиздан узоқлаштирган бўламиз.

— Гапингиз тўғри, опа, лекин нима қилай уларга қараб туриб чидай олмаяпман?

— Агар сен менинг билганларимни билсанг эди... Мақсад-режаларидан хабаринг бор, буни эшитдим. Лекин мен ўша режаларни қандай амалга оширишганини кўрганман. Мен нималарни кўрмадим, кўз кўриб, қулоқ эшитса ҳам ишонгинг келмайдиган кунларни кўрганман. Шунга қарамай ўзимни сокин тутишга ҳаракат қиляпман.

— Тўғри, дадангизни дорга осилганини кўргансиз: ундан ҳам даҳшатли бошқа нима бўлиши мумкин.

— Ҳа, сен ҳақсан, дадамнинг танаси дорнинг сиртмоғида неча кунлар қолиб кетганини кўришдан ҳам, би-лишдан ҳам ёмони йўқ, тўғри. Мен фақат дадамини эмас, ислом динининг ҳам дорга осилганини кўрганман. Лекин ислом дини дадамга ўхшаб ожиз эмас, шунинг учун ислом дини ўлмади. Ҳа, ислом дини ўлмайди. Улар исломни ўлимга ҳукм қилдилар, лекин ўлдира олмадилар.

* * *

Турмуш қуришга ахдлашганим одамим — Абдул-ваҳҳобни бир он бўлсин хаёлимдан чиқаролмасдим. Ётоқ-

хонага телефон қилиб навбатчига роса илтимос қилиб туриб олдим телефонга чақириб беринг деб. Назоратчи: “Биз ҳар бир талабанинг қайлиқларига уларни чақириб бераверсак, назоратхонада бизни бир дақиқа ҳам ўтиришимизга йўл қўйишмайди”, — деб телефонни ўчириб қўйишганди.

Уйга тез-тез телефон қилиб тураман. Ойим мусулмон бўлганим учун роса тўполон қилди. Дадамдан ҳеч қандай садо чиқмаганди. Баъзан Селин бизникига келган вақтида телефон қилиб қолсам, у билан ҳам гаплашиб турардим. Ҳали уларнинг уйига телефон ўрнатишмаган эди.

* * *

Билнинг севгилиси Деми менга телефон қилди. “Неча ойдан бери оиламни кўрмадим. Илтимос, Билни кўндириб беринг”, — деди. Мен эса: “Озгина сабр қилиб кутиб тур, яқинда уйга бораман”, — дедим.

* * *

Мусулмон бўлганим учун яна ҳам севиниб шамолдай учиб юрган эдим. Жойимда туролмасдим, олдимдан чиққанга: “Сизларни алдашяпти, нега уларга ишоняпсизлар?” — деб сўрардим. Сўнгги вақтларда ниятимнинг яхши бўлса ҳам, уни амалга ошириш усулим нотўғри эканини билиб олдим.

Маълум бўлишича, Сузининг мендан жаҳли чиққан экан. Бир куни ёрилиб қолди:

— Менга қара, Мария! Неча йилдан бери қилаётган ишларимиз, барча ҳаракатимиз ўз мевасини бераётган вақтда сенинг бу аҳмоқликларингга ортиқ чидай олмайман.

Ҳайрон бўлиб:

— Нима иш қилдингиз?

— Нималар қилмадик! Ишладик, ҳаракат қилдик. Кўрмаяпсанми катта бир халқни шундай европалаштирдикки, эркакларига ҳам, аёлларига ҳам ўзимиз киядиган кийимларимизни кийдирдик. Кийимларини ўзгартириш бўйича ғалаба қозондик. Қара, давлат ишида ишлайдиган аёлларнинг бошларини ўраб юриш тақиқланди. Европадан ҳам ўтиб кетяпти булар. Бизнинг ўлкамизда ўранган роҳиба аёллар ишлашлари мумкин. Аммо бундай аҳмоқлар подаси юртларидан диний қоидаларнинг озгинасини ҳам қолдирмаганимизни сезмай ҳам қолишди. Биз уларнинг иқтисодиётини ҳам ўз назоратимизга олдик. Яна нима керак сенга, Мария? Тангридан ўзингга бало сўраб оляпсанми? Бу ўлкада спиртли ичимликлар заводи қурилди, Қиморхоналар расмийлаштирилди, сони ортди, фоҳишахоналар очилди. Бундан каттароқ ғалаба бўладими?

Кайфиятим тушиб кетганди:

— Тўғри, тақиқланган эмас. Битта эркак ўнтаси билан юриши тақиқланмаган.

— Аҳмоқ бўлма, Мария! Театрларига эътибор қарат... Кинотеатрига қара... Ҳаммасида бизнинг асарларимизни саҳналаштиришяпти, бизнинг киноларимизни томоша қилишяпти. Булар биз учун буюк ғалаба эмасми? Технология бўйича доим биз илғормиз. Энг ажойиби бу миллатга ўз технологияларини ривожлантира олмаслигига ишонтирдик. Шунча ютуқларга эришиб турганимизда сен ақдан оздингми, Мария? Ўзингга келиб қоларсан деб аввалига индамадим. Энди бу қилигнинг нимаси? Кўчаларда юриб олдингдан чиққан одамга ислом динини тушунтиряпсанми сен? Яна уялмасдан менга ҳам айтиб берганинг нимаси? Кечагина ислом динига кириб уни ҳаммадан яхши биладигандай мақтаниб юришингга қара!

Етар, бас! Бўлди қил энди! Сенинг бу қилиқларингга чидашга тоқатим қолмади!!!

Сузидан жаҳдим чиққанди:

— Менга қара, Сузи! Мен исломни эмас, империализмнинг эксплуататорлигини тушунтиряпман. Уларни қарам қилиб олоқчи бўлаётганимизни тушунтиряпман уларга, энди тушундингми? Қани, айт-чи, Бенруби эринмай Европадан бу ерга нима учун келди? Гўзаллик танловида ҳакам бўлиш учунми а? Унинг мақсади фақат шундан иборат деб ўйлайсанми? Бу миллатнинг қизлари ярим яланғоч бўлганда келган Бенруби улар ўранганда келармиди?! Бу миллатни ўз динидан воз кечтириш учун қилинаётган бу ҳаракатларнинг қаерида маданият бор, қаерида инсонийлик бор? Шу миллатнинг бағрида неча асрдан бери насронийлар ҳам, яҳудийлар ҳам яшаб келяпти. Аммо бу миллат уларни ўз динларидан ажратиб ташламади-ку.

— Йўқ, азизим! Уларни ҳам мусулмон қилиш учун оз ҳаракат қилишган дейсанми?

— Бироқ насронийларнинг қизларини, эркакларини йўлдан чиқаришга, фоҳишалик қилдиришга уринишмади. Уларнинг борлиқларига қўз олайтирмадилар... Ислом динига даъват қилиши эса табиий ҳол. Чунки инсонларни ҳақиқий динда бўлишини хоҳлашган. Аммо Ғарб тамаддуни бу миллатни динсиз қилиш учун ҳаракат қиляпти. Ўзларини дўст кўрсатиб яширинча душманлик қилишяпти. Ҳақиқий мақсадларини яширишяпти. Лекин улар эса қачон уруш қилган бўлсалар ҳам, нима ўйлаган бўлсалар ҳам ҳар доим мақсад ва ниятларини очиқ айтиб ошкора ҳаракат қилдилар. Кейин мусулмонлар ҳам хато қилишлари мумкин. Қилдилар ҳам. Бунинг учун ислом динини айблаб бўлмайди-ку.

— Бўлди, етар! Бас қил Мария! Сени мусулмонларнинг тарафини оладиган адвокат каби кўришга тоқат қилолмаяпман... Қанчалар аҳмоқ экансан-а! Кўрган одам сени ақлли қиз деб ўйлайди.

— Тўғри ўйлашади. Чунки ақллиман.

Тортишувимиз тугамай эшикнинг кўнғироғи жинглади. “Опам бўлса керак”, — деб ўйлаб бориб эшикни очдим. Очсам!... Ўҳ-ҳў! Кимни кўрдим денг? Меҳмет... Турган жойимда қотиб қолдим ва:

— Тинчликми, Меҳмет, нега келдинг? — дея сўрадим.

Меҳмет ғалати қараш билан жилмайиб қаради менга ва:

— Сен билан гаплашиб олгани келдим, — деди.

Қўлимни белимга қўйиб эшикни тўсиб туриб олдим. Энсамни қотириб сўрадим:

— Нимани гаплашасан?

— Нимани бўларди... Иккаламиз ҳақимизда.

— Иккаламизми? Энди иккаламиз деган гап қолмади. Дунё тўла одам. Лекин иккаламиз деган гапда маъномазмун қолмаган. Фақат алоҳида бўлсаккина, бир маъномазмун касб этиши мумкин.

— Қулоқ сол, Мария! Мен сенинг мусулмон бўлганинг учун жуда хафа бўлдим. Шунга қарамай сени кўришим билан сенга бўлган муҳаббатим яна олов бўлиб ёна бошлади. Энди сенга уйланишга рози бўлдим. Унаштирув фотиҳамни буздим. Кел энди, ярашайлик. Илтимос, мени хафа қилма!

— Вой! Нақадар ажойиб! Ростданми? Қандай гўзал шарафга эга қилдинг мени. Лекин тушунмаган жойим: сенга турмушга чиқаётган ким? Мендан ҳам сўраб кўрддингми?

Етар, бас! Бўлди қил энди! Сенинг бу қилиқларингга чидашга тоқатим қолмади!!!

Сузидан жаҳдим чиққанди:

— Менга қара, Сузи! Мен исломни эмас, империализмнинг эксплуататорлигини тушунтиряпман. Уларни қарам қилиб олоқчи бўлаётганимизни тушунтиряпман уларга, энди тушундингми? Қани, айт-чи, Бенруби эринмай Европадан бу ерга нима учун келди? Гўзаллик танловида ҳакам бўлиш учунми а? Унинг мақсади фақат шундан иборат деб ўйлайсанми? Бу миллатнинг қизлари ярим яланғоч бўлганда келган Бенруби улар ўранганда келармиди?! Бу миллатни ўз динидан воз кечтириш учун қилинаётган бу ҳаракатларнинг қаерида маданият бор, қаерида инсонийлик бор? Шу миллатнинг бағрида неча асрдан бери насронийлар ҳам, яҳудийлар ҳам яшаб келяпти. Аммо бу миллат уларни ўз динларидан ажратиб ташламади-ку.

— Йўқ, азизим! Уларни ҳам мусулмон қилиш учун оз ҳаракат қилишган дейсанми?

— Бироқ насронийларнинг қизларини, эркакларини йўлдан чиқаришга, фоҳишалик қилдиришга уринишмади. Уларнинг борлиқларига қўз олайтирмадилар... Ислом динига даъват қилиши эса табиий ҳол. Чунки инсонларни ҳақиқий динда бўлишини хоҳлашган. Аммо Ғарб тамаддуни бу миллатни динсиз қилиш учун ҳаракат қиляпти. Ўзларини дўст кўрсатиб яширинча душманлик қилишяпти. Ҳақиқий мақсадларини яширишяпти. Лекин улар эса қачон уруш қилган бўлсалар ҳам, нима ўйлаган бўлсалар ҳам ҳар доим мақсад ва ниятларини очиқ айтиб ошкора ҳаракат қилдилар. Кейин мусулмонлар ҳам хато қилишлари мумкин. Қилдилар ҳам. Бунинг учун ислом динини айблаб бўлмайди-ку.

— Бўлди, етар! Бас қил Мария! Сени мусулмонларнинг тарафини оладиган адвокат каби кўришга тоқат қилолмаяпман... Қанчалар аҳмоқ экансан-а! Кўрган одам сени ақлли қиз деб ўйлайди.

— Тўғри ўйлашади. Чунки ақллиман.

Тортишувимиз тугамай эшикнинг кўнғироғи жинглади. “Опам бўлса керак”, — деб ўйлаб бориб эшикни очдим. Очсам!... Ўҳ-ҳў! Кимни кўрдим денг? Меҳмет... Турган жойимда қотиб қолдим ва:

— Тинчликми, Меҳмет, нега келдинг? — дея сўрадим.

Меҳмет ғалати қараш билан жилмайиб қаради менга ва:

— Сен билан гаплашиб олгани келдим, — деди.

Қўлимни белимга қўйиб эшикни тўсиб туриб олдим. Энсамни қотириб сўрадим:

— Нимани гаплашасан?

— Нимани бўларди... Иккаламиз ҳақимизда.

— Иккаламизми? Энди иккаламиз деган гап қолмади. Дунё тўла одам. Лекин иккаламиз деган гапда маъномазмун қолмаган. Фақат алоҳида бўлсаккина, бир маъномазмун касб этиши мумкин.

— Қулоқ сол, Мария! Мен сенинг мусулмон бўлганинг учун жуда хафа бўлдим. Шунга қарамай сени кўришим билан сенга бўлган муҳаббатим яна олов бўлиб ёна бошлади. Энди сенга уйланишга рози бўлдим. Унаштирув фотиҳамни буздим. Кел энди, ярашайлик. Илтимос, мени хафа қилма!

— Вой! Нақадар ажойиб! Ростданми? Қандай гўзал шарафга эга қилдинг мени. Лекин тушунмаган жойим: сенга турмушга чиқаётган ким? Мендан ҳам сўраб кўрддингми?

Аслида уни хафа қилган нарсa менинг мусулмон бўлишим эди. Мени қўлга олиш учун менга уйланмоқчи бўлган. Насроний қизнинг мусулмон бўлганига чидай олмаётган эди. Лекин мингларча мусулмонларнинг динсиз бўлишидан севи́на́р эди. Ҳаммасини тушунгандим. Ўзимни гўлликка солиб сўрадим:

— Ахир, сенга художўйлар ёқмасди-ку?

— Аммо сен бошқачасан.

— Насронийлигимда менга уйланмаган Меҳмет мусулмон бўлганимда менга уйланишни хоҳлаб қолдимиз? Яна ўзини ноёб инсондай ҳис қилиб, гўё менга лутф-марҳамат кўрсатгандай бўлиб олдимда катта кетиб туришини-чи бунинг. Сен менга уйланишни ният қилган бўлсанг ҳам мен сенга тегмайман. Сен ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Ваъдасида турмаган, инсонийликдан чиққан бир бечорасан-ку! Ўлсам ҳам, сенга эрга тегмайман. Айтгандай, сенга ҳам хабар берай: мен ҳам унаштирилдим.

Шошиб қолди:

— Бундай бўлиши мумкин эмас, мени билан ҳазиллашяпсан.

— Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлди. Қасам ичишга ҳам тайёрман!

— У ҳам художўйми?

— Албатта, шунингдек, ҳақиқий художўйлардан. Уни сен ҳам танийсан.

— Ким экан? Менинг художўй танишим йўқ-ку?

— Абдулваҳҳоб.

— Бўлиши мумкин эмас. Унинг унаштирилган қайлиғи бор-ку.

— Қайлиғи ўлибмиш!

— Сени қандай қилиб топди?

— Ўзим унга ёздим. Шундоқ ҳам у менга ёқарди.

— Демак, менга бўлган севгинг ёлгон экан-да.

— Йўқ, ёлгон эмасди. Аммо аҳмоқлик экан. Сени шунча кутганим... Шунча тўккан кўз ёшим.... Энди ўз тенгимни топдим деб ўйлайман.

— Вой, номуссиз! Демак, мен севган қизга эга чиқмоқчимми?

— Оғзингга қараб гапир! Сен ўша қизга эгалик қилганмидинг? Сенинг яхши кўрганларинг бошқаларнинг хотинини йўлдан уриб, ётоғига тортаётганда, уларга ҳам номуссизлар деганмидинг? Айниқса, сен уйланмай, ташлаб кетган қизга унинг эгалик қилиши ҳеч қайси динда гуноҳ ҳисобланмаган. Чунки сен ажралган эдинг. Гапнинг қисқаси, энди кетишинг мумкин, Меҳмет.

— Сенинг бу қилиғинг одамгарчиликка тўғри келмайди.

— Вой Худойим! Одамгарчиликни гапираётган одамга қаранглар-а?! Одамгарчиликни сендан ўрганмайман. Иккаламизнинг кўзларимиздаги одамгарчилик ҳеч ҳам бир-бирига ўхшамайди.

— Ундай дема, Мария! Хато қилган бўлсам, кечирим сўрайман.

Унинг гапларидан кўзларимни юмдим. Кейин шунақанги ҳайрат нигоҳи билан қарадим-да:

— Кечирим сўраш — яхши хислат. Аммо мен сенга ўхшамайман. Мен сўз бердимми: сўзимдан қайтмайман, ваъдамда тураман. Айниқса, сенга турмушга чиқишнинг ўзи аҳмоқлик бўларди. Сен ҳам атрофингдагилар каби шаръий никоҳни хоҳламайсизлар, аммо ҳар доим яна бошқа қиз топиб, уни ўзингга ошиқ қилдириб бўлганингдан кейин бошқасининг орқасидан чопасан. Нима бўлган тақдирда ҳам ўзингизга мос қонунлар ёзиб олгансиз.

“Биттаси билан турмуш куриш мумкин, иккинчисига рухсат йўқ”, — деб, хушторларнинг йигирманчисига рухсат берасизлар. Сенда меъёр йўқ, Меҳмет, меъёр. Ислон динининг қоидаларини рад этасизлар, гуноҳ ишларнинг ҳаммаси тасдиқлайсизлар. Бундай дунёқараш билан яшайдиган, ўзлигини йўқотган, Оллоҳдан узоқлашган инсонлар билан яқин бўлолмайман. Дўстона бошлаган муносабатимизни дўстона якун топтирдик. Хуш қол, Меҳмет!.. Фойдасиз бутларни ташлаб, раҳмати чексиз бўлган Оллоҳга яна қайтишингизни тилаб қоламан.

Меҳмет кетди. Ўзимдан ҳайратландим!.. Негадир хафа ҳам бўлмадим, йиғламадим ҳам!!! Ҳайратдаман! “Ундан бошқасини севолмайман”, — дер эдим-ку. Ажабо! Меҳмет қандай қилиб сездирмай юрагимдан чиқиб кетди экан.

Демакки:

Инсон фахрланар, кўз ёш тўкар ҳамда бўлар пушаймон,
Дил оғринар, қалб қартайур, юрак эса тўхтамас бир он!
Башариятнинг дил-қалби барқарормас, лек беқарордур:
Бугун севган инсонидан кечар бир кун, бўлмас паришон.

* * *

Сузи яна аҳмоқона телбаларча ҳужум қилар эди. Негадир менинг мусулмон бўлганимни ҳазм қилолмаётган эди. У билан тортишишни истамайман — чарчагандим. Аммо эрталабки нонушта вақтида ҳам чакаги тинмагач, бу сафар мен унга бақира бошладим:

— Етар! Бас қил энди! Бўлди қил, Сузи! Қотилларнинг тарафини олишни тўхтат энди! Мени ўз ҳолимга қўй!

— Оғзингга қараб гапир! Кимни қотил деяпсан?

— Уларни, яъни сизникиларни. Уларнинг ҳаммаси

қотил! Дадамнинг: “Нима қилсангиз қилинг, мусулмонларни бир-бири билан низо чиқартириб, урушни бошлатишимиз керак. Бир-бирларини ўлдиришлари керак”, — деб айтган гапларини ўз қулоқларим билан эшитганман. Мусулмонлар бирон марта бундай пасткашликни қилишдими? Битта насронийни бошқа насронийга ўлдиртирдими? Ғарбликлар ишлаб чиқараётган қуроолларини кўпроқ сотиш учун уруш бўлишини хоҳлашяпти. Ўзинг ўйлаб кўр, ислом давлатларида қурол ишлаб чиқаришга рухсат бермаган Америка ва Европа шунча қуроолларни ким учун ишлаб чиқаряпти? Уйғонсанг-чи, Сузи, кўзингни оч! Миллиардларча инсонларни бир дақиқада йўқ қиладиган қуроолари бор уларнинг қўлида. Дунёни қайта-қайта йўқ қилиб юборадиган бомбалари бор уларнинг қўлида. Ким учун бу бомбалар? Нима учун одамларни ўлдирадиган бу қуроолларни ясаб туриб: “Биз тараққийпарвармиз”, — деган гаплар билан чалғитишяпти. Кўзингни оч, Сузи! Уларнинг ишини ваҳший ҳайвонлар ҳам қилмайди. Улар қандай қилиб одам ўлдириш билан тараққийпарвар бўлишадими?! Йигирма йилдан кейин одамларни ўлдирадиган бомбаларни ҳозирдан тайёрлаб қўйишган.

Нима десам ҳам унга фойдаси бўлмади.

Ўрнимдан туриб опаникига чиқиб кетдим... Опа онги тоза, фикр доираси кенг мусулмон аёл эди. Аммо мен унга ўхшаганларни ҳеч қачон учратмаган эдим. Мен учун фақатгина ўша опа диний қоидаларга амал қилиб яшаётган эди. Аммо битта шу опа билан динни тиклаб бўлмайди-ку. Ахир, битта одам учун мингларча опалар, биродарлар керак бўлади.

Опанинг эшигидаги қўнғироқ тугмасини босаётганимда ичкаридан Қуръон тиловати эшитилар эди. Нақадар буюк китоб!!! Инсон онги Қуръоннинг маъносини ту-

шунмаса ҳам, руҳи англайди ва инсонни ҳайратлантиради. Демак, Қуръоннинг маъносини ақлимиз тушунмаса ҳам, руҳимиз тушунар экан-да.

Опа келиб эшикни очди. Юзида маъюслик бор эди ва:

— Кел, қадрдон синглим, кел, — деди.

Ичкарига кирдим ва:

— Ҳозиргина Қуръондан ўқиган сураларингиз сизга нималарни аңлатди?

— Қизиқаётган бўлсанг, марҳамат, эшит: айтаман.

Бир-биримизга қараб жойнамознинг устига ўтирдик. Қўлимга ҳозиргина ўқиган сурасини маъносини айтиб берди.

Мен опага ҳайрат билан қарадим ва сўрадим:

— Сиз ўқишни билмайман деган эдингиз-ку? Айнан шундай дегандингиз. Энди қарасам: жуда ҳам идрокли ва билимли экансиз. Ёки идрок бошқа, билим бошқами?

— Менинг билимим бор, фақат араб тилида таҳсил олганман. Мени инқилобчилар жоҳил билимсизга чиқарди. Кейин эса бир кечанинг ўзида мен ўқиган алифбо бекор қилинди. Алифбо ислоҳоти нималар қилса қилди. Ўша пайтларда динни тўлиқ билмасдим ҳам. Ҳали жуда ёш бола эдим. Кейин ўқиб ўрганганман. Ақлим бўла туриб нима учун ўқиб ўрганмаслигим керак?

— Ҳмм. Сиз жуда ҳам қобилиятли экансиз. Кечирасиз, бироз чалғиб қолдим. Ўқиганларингизда айтилишича, қорни оч инсонларнинг қорнини тўйдирмаган мусулмонлар ҳақиқий мусулмон ҳисобланмас экан-да?

— Албатта, худди шундай.

— Ҳақиқатан ҳам, жуда ажойиб. Оч қолганлар билан иши ҳам бўлмайдиган мусулмонлар бундай оятлар борлигини билишадими?

— Билмадим. Билганим мусулмонларнинг кўпчилиги Куръонга эътибор қилишмаяпти. Мен фақат шуни биламанки, агар эътибор берсанг, бугун дунё бўйлаб оч қолган инсонларнинг қорнини тўйдираётган инсонларнинг кўпчилиги мусулмон эканлигини кўрасан.

Опа менга яна бир қанча нарсаларни тушунтириб берди.

Унинг суҳбатига тўйиб бўлмасди...

Лекин мен кетишим керак эди. Германияда ҳам шундай чиройли гапирадиган мусулмон топсам, яхши бўларди.

Тополмасам-чи?! Майли зарари йўқ, ахир, энди Абдулваҳҳобга турмушга чиқяпман-ку, ҳаммасини ундан ўрганаман... У энди менинг дунё ва охиратни ўргатган устозим ҳамда турмуш ўртоғим бўлади, иншооллоҳ.

* * *

Ҳа-я, сал қолса унутардим.

Ойим, дадам, холам ва Селин биргаликда Истанбулга келишиб меникида уч ой туриб кетишган эди. Бу уч ой ичида нималар бўлди, нималар бўлмади дейсиз... Яхшиси, бу ҳақда айтмай қўя қолай. Серкан исми битта журналист бола менга, Али исми зобит холамга ошиқ бўлиб қолишса денг. Ўшанда ҳам нималар яшамадик, нималар қилмадик. Буларни сизларга айтмадим. Агар эҳтиёж туғилиб қолса, балки, бошқа жойда айтиб берарман ёки ёзарман.

* * *

Истанбул кўчаларини айланиб юрдим. 600 йиллик тарихга эга Усмонлининг кўчаларида ҳали ҳам виқор бор эди. Одамлар уйларининг болохоналари гуллар билан қопланган, ҳамма ёқ топ-тоза, инсонлари пок қалбли, ҳамма

ёққа дарахтлар экилган. Инқилобга энди эришган бўлишига қарамай, баъзи одамлар асирга тушгандай ҳолатга кириб қолган эди. Туркиянинг 2000-йиллардаги ҳолатини кўришни истардим. “Ўз эътиқодидан уялган миллат қандай ҳолатга тушиб қолар экан?” — деб ўйлардим ҳар доим.

Ҳаммаси бўлиб олти ой турибман Туркияда. Истанбулни тарк этиб кетиш ҳам қийин бўлаётган эди. Тушунтириб беролмайдиган тушкун ҳолатда “Циркечи” станциясига¹ келдим. Опа, Сузи ва бир нечта қўшнилар мен билан хайрлашиш учун келишганди. Қўшнилар билан ҳам ажойиб хотираларим бор. Лекин буларни сизга айтмагандим.

Эҳ, дунёнинг ишлари қизиқ экан... Туркияга душманлик қилиш учун жўнатилган эдим, аммо Истанбулдан дўст бўлиб қайтиб кетяпман!

Сузи жуда ҳам хафа... Кетаётганим учун афсусланмаяпти, мусулмон бўлганим учун афсусланяпти...

— Яхши биламан сени, Мария, сен Германияда исломни унутасан, — деди тўсатдан.

Титраб кетдим:

— Худо сақласин! Мен мусулмонман, Сузи.

Бу гапни эшитган опа бирдан неча кундан бери менга айтолмаётган гапини Сузига айтди:

— Сочини бекитиб, бошига рўмол ҳам ўрайди, исминини ҳам ўзгартиради.

Мен соддадиллик билан опага жавоб қайтардим:

— Бошимга рўмол ўраш учун мен ҳали ёшлик қиламан-ку. Исмимни ҳам ўзгартирмайман. Мен мусулмон бўл-

¹ Станция (лотинча: statio — тўхташ жойи; бекат) — 1) темирйўл поездлари ёки курукликдаги бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой (асарда шу маънода); 2) махсус вазифа бажарувчи айрим муассасалар, корхоналар ёки илмий-текшириш иши олиб боровчи муассасалар номи; 3) бортида илмий асбоб-ускуналари бўлган космик аппарат.

дим. Турк ёки араб бўлганим йўқ-ку. Лекин шу онда пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламнинг: “Исмнинг маъноси яхши бўлмаса, уни ўзгартириш керак”, — деганларини эсладим. Ва ҳатто ўз даврларида бундай исмларни ўзгартирган эканлар. Исмимнинг маъносини сўраб кўраман: агар яхши бўлмаса, албатта, ўзгартираман. Албатта, Олоҳнинг амрларига бўйсунаман. Ўраниб юриш ҳақида гапирадиган бўлсак: ёш қизлар бошини ўраб юришлари шартми? Аммо кўчаларда бошини ўраб юрган биронта ёш қизни кўрмадим. Бўлмаса ёш қизлар ҳам бошини ўраб юришига жавобгар эканлар-да. Мен бун билмаган эканман. Бунинг учун бир фурсат ҳам бўлмаганди.

— Албатта, қизим, мусулмон аёллари ёш-қарисига қарамайди, ҳаммаси ўраниб юришлари керак. Ҳаттоки ёш қизларнинг яхшилаб ўранишлари муҳим. Жуда қариб қолганларнинг имкони бўлмаса, кўчага чиқаётганда киядиган кўйлаklarини киймасликларига рухсат борлиги Нур сурасининг 60-оятда ҳукм бор¹.

— Бўлмаса нега мен Истанбул кўчаларида сизга ўхшаб ўраниб юрган ёш қизларни кўрмадим?

— Ўзинг яхши биласан-ку! Ёшларга онгига: “Агар очик юришса, замонавий бўлишади”, — деган тушунчани сингдиришган. Дин қолмади-ку, ўраниш қолармиди. Сен ҳали ҳам бизнинг юртимизни яхши тушунмадингми? Шунчалар тез бузилиб кетган ўлкада ўранадиганлар бўларканми, менинг қадрдон синглим? Лекин, шунга қарамай оз бўлса-да, ўраниб юрадиганлар бор, аммо улар

¹ Хотинлардан ўгириб (кексайиб) қолган, никоҳ (эрга тегиш)ни ўйламайдиганлари бирор зийнат билан ясанмаган ҳолларида кийимларини (ёпинчикларини) ечиб қўйишларида уларга гуноҳ йўқдир. Ўзларини пок (ёпинчикда) тутишлари улар учун яхшироқдир. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир (манба: Қуръони карим маънолари таржумаси. Таржумон: Абдулазиз Мансур).

кўчага чиқишга кўрқишади.

Ўша пайтда мен ўзимни Оллоҳнинг ёнида гуноҳкорга ўхшаб қолгандай ҳис қилиб, титраб кетдим... Ўранишим кераклигини тушунгандим.

— Нега бўлмаса менга: “Ўран”, — демагансиз?

— Ўзинг билсанг керак деб ўйлаган эдим. Ҳали атрофингдагиларнинг олдида ўраниб юришинг қийин бўлса керак? Лекин ишончим комилки, сен буларни енгиб ўтсан, нафсингга қийин бўлса ҳам...

— Атрофдагилар ким бўлибди менга. Агар Оллоҳим шуни буюрган экан, нега энди ўранмас эканман? Поезднинг юришига ўн дақиқа қолибди. Энди нима қилсам экан-а? Ҳа, ёпинчиғингиз остида рўмол кўрган эдим. Шуни менга бероласизми? Бошимни ўрамоқчиман.

Опа ҳам ҳайрон бўлди. У менинг бу қадар тез рўмол ўрашимни сира кутмаган эди. Ўйлаб ҳам ўтирмасдан ёпинчиғининг остидан рўмолни чиқариб менга берди:

— Нега бермас эканман! Сен хоҳласанг бўлди: дарҳол топиб бераман.

Рўмолини менга берди. Лекин қандай ўрашни билмасдим. Атрофдагилар бизга ҳайрон бўлиб қарашарди. Мен уларнинг нигоҳи остида опанинг ёрдами билан бошимни ўраб олган эдим. Ўзимга жуда ҳам ёққан эди. Сумкадан кўзгумни чиқариб, ўзим қарадим. Энди мусулмон бўлганимга ишонган эдим. Бошимда йўқ пайтида ҳам мусулмон эдим, энди эса қалбим роҳатланди. Энди ташқи кўринишдан ҳам мусулмон бўлгандим. Атрофдагилар танқид қилишар эканмиш-а?! Менга нима улардан?! Мен атрофдагиларнинг хоҳишига кўра яшашим керакми ёки Оллоҳнинг амрига кўрами? Агар Оллоҳнинг амрига кўра эмас, атрофдагиларнинг хоҳишига қараб яшайдиган бўлсам, менинг ўзлим қаерда қолади?

Сузининг жуда жаҳли чиққанди, шунинг учун опа ҳам тушунсин деб ярим туркча бақира бошлаганди:

— Сен ўхшайсан энди кампиршога. Сен бўлдинг энди яшил хотин!

— Мен учун асосийси атрофдагиларнинг нима деб қарашлари эмас, Оллоҳнинг ёнидаги ўрнимнинг қаердалиги. Атрофдагиларнинг мен ҳақидаги фикрлари Оллоҳнинг ёнидаги ўрни олдида умуман қиймати йўқ. Яшил кўринсам, нима қилибди?! Айни вақтда сен шунча пардоз-андоз қилган бўлсанг ҳам, чиройли кўринаётганинг йўқ. Сендан олдин бўёқларинг кўзга ташланади.

Ана! Поезд жўнашга тайёр.

Иккаласи билан кучоқлашиб хайрлашдим. Кейин мени кузатиб қўйиш учун келган иккита қиз ва учта аёл билан хайрлашдим. Улар қўшниларим эди. Кейин вагонга чиқдим. Деразасидан уларга қараб қўлимни силкитиб яна хайрлашдим. Ўз жойимни топиб ўтирдим.

Опа соғинчдан, Сузи эса уни ёлғиз ташлаб кетаётганим учун хафалигидан йиғлаётган эди... Мен эса бу дунёнинг қизиқ ишларига ва бу ўлканинг инсонлари учун йиғлаётган эдим.

Бечоралар! Шундай ёмон тузоққа тушибдики, бу кетишда бу тузоқни кўришларининг имкони йўқ.

Шунақа ачинарли ҳолат учун йиғлагандим.

Бир томондан хурсанд ҳам эдим. Абдулвахҳобга қовушаман.

Поезд шаҳардан узоқлашар экан, Истанбулга охириги марта қарадим.

Германияга келадиган кунимни оиламдагиларга айтмаган эдим. Абдулвахҳобга сюрприз қилмоқчи бўлган

эдим. Шунақа ҳаяжонланаётган эдимки.

Поездда битта муфти¹ билан танишиб қолдим. Менинг насроний динидан мусулмонликка ўтганимни билиб ўзи ёнимга келди. Менга ҳурмат кўрсатиб меваали пироглардан олиб келди.

Ундан сўрадим:

— Исмим — Мария. Бу исм ислом динига мос келадами?

— Мария, Биби Марямга ўхшаб кетади. Ўзгартиришинг шарт эмас. Агар ўзингнинг ислом динига ўтганингни исбот қилмоқчи бўлиб, янги бир инсон бўлиб шакланмоқчи бўлсанг, исмингни ўзгартиришингни маслаҳат бераман, яна ихтиёр ўзингда. Бу — менинг бир фикрим, холос. Исломга биноан шарт эмас.

— Бўлмаса ўзгартираман.

Бирпас ўйлаб турдим ва танлаган исмимни айтдим:

— Селва деб қўйсам бўладими?

— Маъносини эслай олмадим.

— Аммо бу исмни мисрлик битта қизга қўйишган эди.

— Бўлмаса маъноси ёмон бўлмаса керак, ўйлашимча, арабларнинг кўпчилиги исмларининг маъносини яхши билишади.

— Бўлмаса исмим Селва бўлади.

* * *

Узоқ йўл босиб келарканмиз Германия чегарасидан ўтганимиздан кейин юрагим тез ура бошлади. Кёльнга келганда поезддан тушдим. Дарров битта такси тўхтатиб

¹ Муфти(й) (арабча; фатво берувчи) — мусулмонларда олий лавозимли рухоний: шарият қонунларини талқин қилувчи, шарият ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо.

Абдулвахобнинг ёнига кетдим.

Кутилмаганда қаршисида пайдо бўлганимни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Нима қилишини билмай шошиб қолди. Мен унинг бўйнига осилмоқчи бўлдим.

Қўли билан “бўлмайди” деб ишора қилди.

— Хуш келдинг... Ҳам исломга, ҳам бу ерга хуш келдинг, Мария. Сени бундай гўзал кўриш қандай ёқимли.

— Энди менинг исмим Мария эмас, мен исмимни ўзгартирдим.

— Ўзингга қандай исм қўйдинг?

— Селва...

— Нима! Рост гапиряпсанми?

— Ҳа. Гапим рост. Менинг ўша қизга нисбатан хурматим кучли эди... Сен ҳам уни севардинг. Исмим билан уни, руҳим билан ўзимни сенга ҳадя қилмоқчи бўлдим.

— Аммо ундан рашк қилсанг-чи.

— Йўқ, рашк қилмайман. Агар мендан кейин бўлганда қизганган бўлардим. Лекин у ёнингда бўлганда мен бўлмаганман, мени танимас эдинг.

Абдулвахоб биринчи марта бунақа кўзларимга қараб севинч билан гапирарди:

— Қалайсан, Мария... Кечирасан, Селва?

— Яхшиман. Ўзинг яхшимисан?

— Оллоҳга ҳамдлар бўлсин, мен ҳам яхшиман... Интиқлик билан келишингни кутаётган эдим. Ишонсанг, бу ҳолимдан ўзим ҳам ҳайронман. Яхшиси, дадангнинг ёнига бирга боришимиз керак.

— Дадам билан муносабатингиз яхшими?

— Тўхтовсиз тортишамиз. Берган саволининг жавобини диққат билан тинглайдиган даражада олийжаноб.

У билан узоқ вақт суҳбатлашдик. Кейин биргаликда бизникига бордик. Ойим билан, дадам билан хурсанд бў-

либ кўришдик. Ойим ўзини тутолмай бақириб-бақириб йиғлар эди... Биринчи берган саволи ҳам бошимдаги рўмол ҳақида эди:

— Мариям, нега мусулмонларга ўхшаб бошингни рўмол билан ўраб олдинг? Ёки уларга ҳавасинг келдими?

Аслида ойимнинг хабари бор эди мусулмон бўлганимдан.

— Ҳа, ҳавасим келганди, ойи.

Ойим йиғлаганча дадамга қараб гапирди:

— Кўрдингми? Уни мусулмонлар юртига юборишимиз керак эмасди. Оҳ, менинг Мариям! Оҳ қизим-а?! Қанийди, мусулмонликка ҳавас қилган ҳолингни кўргандан кўра ўлим хабарингни эшитсайдим.

— Йўқ, ойи. Мен борган мамлакатда мусулмонлар бор эди-ю, лекин мусулмонлик йўқ эди.

— Шунақаси ҳам бўларканми? Шундай катта халқнинг тўнғизларига нима қилибди?

— Ойи, улар тўнғиз эмас, оғзингизга қараб гапиринг. Кейин уларга нима қилганини дадамдан сўранг. Дадам жуда яхши билади уларга нима қилганини.

Дадамга кўзимни тикиб туриб сўрадим:

— Шунақами, дадажон? Ўша мусулмонларининг бундай аҳволга тушиб қолишининг сабабини сиз жуда яхши биласиз, тўғрими?

— Кўйсанг-чи, Мария, бунақа гапларни. Кел, яхши-си, ёнимга ўтир-да, ўзингдан гапир. Нималар қилдинг? Бизсиз яшаган ойларинг қандай ўтди? Шулардан гапир.

— У ерда ўтказган ойларим фақатгина ўзимни тушуниш билан ўтди.

— Меҳметга нима бўлди? Мен тамомила тушунолмадим.

— Меҳмет деган одам энди йўқ. Бу ҳақда гапи-

ришни хоҳламайман.

Ойим бундай фурсатдан фойдаланиб орага гапга қўшилди:.

— Ана, мусулмон деганлари шунақа бўлади.

— “Мусулмон бўлмаганлар яна ҳам яхши?” — деб ўйлайсизми, ойи? Шунингдек, Меҳмет мусулмон эмас. У йигит Оллоҳнинг динини менсимайдиган, инсонларни ўзига илоҳий қилиб олган бечора. Оллоҳнинг илоҳлигини менсимай, Ленинни ёки Мустафо Камолни илоҳийлаштирганлардан бири бўлган. Оллоҳнинг ҳақиқий динини ўзи танимайди, лекин уни танқид қиладиган бир бечора бола у.

— Нима? Нима дединг? Оллоҳнинг дини дедингми?

— Ҳа, ойижон, Оллоҳнинг дини.

— Оллоҳнинг Инжилдан бошқа дини бор эканми?

— Сиз айтаётган бу Инжил Матто, Марк, Лука ва Юҳанноларнинг Исо алайҳиссалом ҳақидаги эшитган ва билганларидир, ойи. Ҳақиқий Инжил эса Қуръондадир. Қуръонга кўра насронийлик ўзгартирилган экан. Қуръон ёлгон гапирмайди ва ўзгартирилмаган ягона китобдир. Оллоҳ: “Мукаммал дин сифатида сизга ислом динини бердим”, — деб буюрган. Китобда Исо пайғамбарнинг ҳаёти ҳақида ҳам ёзилган. Исо алайҳиссалом ҳақида кейинги келганлар фақатгина шу тўрт кишининг (Матто, Марк, Лука ва Юҳаннонинг) ёзганларини ўқишлари мумкин. Масалан, шу Инжилларнинг ҳаммаси Исо алайҳиссаломдан кейин ёзилган. Қуръон пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламга ваҳий қилиб юборилган ва у буларнинг ҳаммасини китоб қилиб ёздирган. Кейин эса бу оятларни саҳобаларига бехато ёдлатди. Пайғамбаримиз ҳаёт вақтларида Қуръон китоб шаклига келтирилган. Баъзи бир инсонлар ўзлари учун Қуръон ёздирмоқчи бўлган. Фақат баъзи сабабларга кўра чала қолган. Чала қолган китобларни

Ҳазрати Абу Бакр¹ бир жойга йиғдирган, Ҳазрати Усмон² эса ўз замонида Қуръон китобини кўпайтирган. Яъни пайғамбаримизнинг ўзлари ёздирган Қуръон китобини. Инжилни эса тарихчилар Исо алайҳиссаломдан кейин ёзишган. Сиз уни муқаддас деб ўйлаяпсиз. Исо алайҳиссалом ўша Инжилларни текширмаган. Фақат Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни текшириб, ҳар бир бандини кўздан кечириб чиққан. Энди ҳақиқатни тан олсангиз, яхши бўларди.

Абдулваҳҳоб менинг бу гапларимдан ҳайрон бўлиб қолганди. Ойим эса жинни бўлаёзганди:

— Мария... сенинг эсинг оғиб қолганми? Тангри ҳаққи, Бу билан нима демоқчисан? “Пайғамбаримиз Муҳаммад”, — деб, нима демоқчи бўлаяпсан.

— Мен мусулмон бўлганман, ойи, ўзингизни билмаганга олманг! Бошимдаги рўмолни кўрмаяпсизми?

Ўйламай гапириб қўйгандим. Бечора ойим жинни бўлаёзганди. Лекин у олдиндан биларди... Биларди, аммо бунчалик эканини билмасди ёки бу айтганларимнинг нотўғрилигига, Германияга қайтгач мени яна илгариги ҳолатимга қайтишимга ишонган... Энди кўрсаки, аҳвол тубдан ўзгарган.

— Бўлиши!.. Бўлиши!.. Бўлиши мумкинмас. Сенга берган сутимга рози эмасман.

¹ Абу Бакр Сиддиқ (571–634) — Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам даъвати билан ислонни биринчилардан бўлиб қабул қилган, дастлабки тўрт халифадан биринчиси (632–634). Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин сафдоши, қайнатаси (Ойшанинг отаси). У исро ва меърож ходисасини энг биринчи бўлиб тасдиқлаган Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам унга Сиддиқ, яъни имони кучли деб лақаб берган.

² Усмон ибн Аффон (тахминан 575–656) — дастлабки тўрт халифадан учинчиси (644–656). У аввал Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг кизи Рукияга уйланган, у вафот этгач, Расулulloх иккинчи кизи Умму Кулсумни ҳам Усмонга никоҳлаб берган, шунинг учун “Зун-Нурайн” — икки йул эгаси, деган ном олган. Усмоннинг буйруғи билан Қуръони қарим матни тўплалиб, бир бутун (мусхаф) китоб шаклига келтирилди ва турли ўлкаларга тарқатилган.

— Нега бўлмас экан, ойи? Сиз, дадам ва ҳам-мангиз... “Ҳар ким ўзи хоҳлагандай бўлиши мумкин, бизда эркинлик бор”, — деган эмасмидингиз? Ўғлингиз, қизингиз никоҳсиз яшаётганда эркинликни ёқлайсиз-у, мен Оллоҳнинг динига кирганимда эркинлигимни чега-раламоқчимисиз? Мана энди мен ўз хоҳишимга кўра яша-моқчиман. Сутни мен учун сизга берган ҳам Оллоҳдир. Агар мен Оллоҳнинг иродасига қарши чиқсам, ана ўшанда мен эмган сут ҳаром бўлади.

— Нега энди Оллоҳники бўларкан? Ўша сутлар менинг кўкрагимдан чиққан.

— Нима?! Яъни сиз ўз кўкрагингизни ўзингиз ярат-ганмисиз? Унинг ичидаги сут фабрикасини ўзингиз қур-ганмисиз? Витаминларни, илиқликни, эмишим учун кўк-рагингиздаги тешикчаларни ўзингиз очганмисиз? Мен учун сут ҳосил қилган сабзавот-меваларни ҳам сиз ярат-дингизми? Сиз бердингизми? Мен Оллоҳнинг йўлидан юрар эканман, ўша сутлар мен учун ҳалолдир. Агар Оллоҳ-нинг йўлидан қайтган куним, ўша сутлар менга ҳаром бўлсин. Шунда ҳам сизга мен учун сут берганингизга раҳ-мат айтишим керак. Ёки селикон¹ қўйдирган оналарга ўхшаб, “Кўкрагимнинг шакли ўзгармасин”, — деб мени эмизмаганингизда нима қилган бўлардим? Соғ бўлинг, ойижоним. Ўша сутларининг ҳаққини адо этаман.

— Вой, Танграм! Вой-дод! Мен бу азобларга чидай олмайман.

Ойим ўзини йўқотиб қўйиб ва креслога йиқилиб қолди:

— Танграм, бу ёғи қандоқ бўлади? Қизимнинг мусул-мон бўлишга нима ҳаққи бор? — дея алжирарди.

¹ Селикон — сунъий кўкрак.

Кечки пайт намоз ўқиётганимни кўриб қолди. Яна жини қўзиб мени намоз ўқиётган жойимда ура кетди. Тел-баларча урарди ва:

— Мана бу Исо учун! Буниси Биби Марям учун! Бу Тереза она учун! Бу... Буниси эса черков учун!..

Эътибор қилмасликка ҳаракат қилардим. Абдулваҳҳоб айтиб берганди, Ҳабаш Билол¹, Ҳазрати Сумайялар² жуда кўп тазйиқларга учраган экан. “Мен ҳам озгина тазйиққа учрасам, ҳеч нарса қилмайди”, — дедим. Ҳатто диним учун азобланиш менга маънавий озуқа бераётган эди.

Ойимга қўшилиб укам Бил ҳам, тинимсиз менга зулм ўтказа бошлаганди ва:

— Уйимиздан чиқиб кет, — дейишарди.

Дадам эса:

— Қизим, мен сени ёқлайман. Абдулваҳҳоб жуда ажойиб яшаш усули ҳақида гапириб берарди, — дерди.

Фақат ойим уни кўп қарғарди. Баъзан сочимдан судраб, бошимни деворга урарди.

Уч кундан кейин Абдулваҳҳоб билан учрашганимда унга йиғлаб туриб ҳаммасини айтиб бердим.

Менга қўшилиб у ҳам йиғлади ва:

¹ Билол ибн Рубоҳ Ҳабаший (?–641) — ислом тарихидаги биринчи муаззин. Баланд, ширали, таъсирли овозга эга бўлган. Асли ҳабашистонлик, Маккада исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган куллардан. Хўжаси Умайя ибн Ҳалаф исломдан воз кечишни талаб этиб унга тоқат қилиб бўлмас азобларни берар эди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху Билол розияллоху анхуни Умайядан сотиб олиб, озодликка чиқарди. Пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам билан Мадинага хижрат қилган. 622-йилда Мадинада оммавий азон айтиш жорий этилганда у биринчи бўлиб баланд овози билан мусулмонларни намозга чорлаган ва бир неча йил давомида Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламга муаззинлик қилган.

² Сумайя розияллоху анҳо (?–615) — дин йўлида шахид бўлган биринчи муслима аёл. Мушриклар саҳобалардан Аммор ибн Ёсир розияллоху анху (?–615) ва у кишининг оталари Ёсир розияллоху анху ҳамда оналари Сумайя розияллоху анҳоларни ҳам тутиб келиб, диндан қайтариш учун қаттиқ азобладилар. Улар азобларга чидам билан сабр қилиб, ниймонларидан қайтишга қўмадилар. Сумайя розияллоху анҳонинг икки оёқларини қозикқа боғлаб, аврат жойларига найза санчдилар. Сўнгра Амморнинг отаси Ёсир розияллоху анхуни ҳам ўлдирдилар. Бу икки улуг инсон — эр-у хотин Ислом йўлида, ниймон учун биринчи шахидлар бўлиш шарафига эришдилар.

— Сени иак кўрган кунимданок ёктириб қолгандим. Аммо Севани ҳам севар эдим. Қабим иккига бўлиниб кетганди. Йиртавик турурими ийкотмаслик учун, берган ваъдамда туришим учун буварни сента сездиримасликка ҳаракат қилардим. Сени ўйлаб тунавари кўзимга уйқу келмасди. Сенинг кўз ёшларингга бардошим етмайди. Мати-мос, йиғмама. Мен бунчи кўтаромайман.

Ундан бундай гап эшитиш менга ёқканди:

— Ростдан ҳам, мени иак кўришинггаёқ севиб қолганмисан?

— Ҳа, аммо айтганимдек, Севани ҳам севганим учун, унга хиёнат қилишни хоҳамаган эдим. Кейин сен Мехметни танаб кетдинг. Мен Мехметни бор-йўғи уч марта кўрган эдим. Аммо сен унга турмушта чикмоқчи эдинг. Сева ўлагандан кейин сента: "Уни ташла кет", — деб айтовмасдим. Сен Туркияга кетгач, сени шунчапар соғинган эдимки, бунчи сўз биван тушунтириб берамайман.

Анчагача гаплагшиб ўтирдик.

Ўйга келишим биван ойим мени яна урди.

Эртаси кунчи сархушларга ўхшаб кўчаларни айланб юрдим.

Энди менинг кўнглим ғашлана бошлади. Абдуваҳ-хобинг ёнига борди: "Тезроқ тўйимизни қилайлик", — дедим. Аммо бир ойдан кейин тўйимизни қилишга кел-миш боған эдик. "Нега у биван бир ой авва турмуш кўриб, бу ойдан кетмаслигим керак?" — дедим ўзимга ўзим. —

Мен таваблар ётоқхонасига бордим. Уни чакиртир-дим. Абдуваҳхоб чикиб келди. Уни кўришим биван қапа-лагим учиб кетди. Йиғайвериб кўчалари шишиб кетган, паршишонхотир эди. Аёкин менинг ақлим ҳам, ҳаёлим у биван бир ойни кўтмасдан турмуш кўришга ундарди. Дар-

ров гап бошладим. Унинг нега йиғлаётганини эмас, балки бўладиган тўйимиз ҳақида гап очдим:

— Нима деб ўйлайсан, Абдулвахҳоб? Барибир, бир ойдан кейин тўй қилмочимиз-ку, шу бир ойнинг ўтишини кутиб ўтирмасдан турмуш қурайлик ва мени тезроқ қутқар...

Абдулвахҳоб ҳеч нарса демасди. Кейин бирдан ўзимга келдим-да, сабабини сўрадим:

— Сен йиғлаяпсанми? Нега бунча паришонсан? Нима бўлди, Абдулвахҳоб? Нима қилди гапирсанг-чи?

— Ҳеч сўрама, Селва, сўрама. Хурсанд бўлишимни ҳам хафа бўлишимни ҳам билолмай қолдим... Мени ҳайрон қолдирадиган битта хат келди.

— Хатда нима ёзилган экан?

— Ҳаммаси...

— Айта қолсанг-чи! Хатда нима ёзилган экан?

— Селва... Селва тирик экан...

— Нима? Селва тирик эканми?

— Ҳа... Тирик экан... Худойим бу нимаси? Хаёлларим чувалашиб қолди. Селванинг тириклигига хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай қолдим.

Ўтирган жойимдан туrolмай қолдим. Тиззаларим титраб, мени кўтарадиган кучи қолмаганди.

Зўрға гапирдим:

— Бу қандай бўлибди? Нега уни ўлди дейишган экан?

— Миср зиндонидан бир неча ой хабар олишолмаган экан. Кейин: “Сизнинг маҳкумангиз ўлди”, — дейишган экан. Аммо ўтган ҳафта чиқиб келган эмиш. Жуда ҳам ҳорғинмиш. Жуда кўп қийноқларда қолганмиш.

Дунём гўёки устимга йиқилгандай бўлди. Шу ёшимгача бундай кучли руҳий зарбага учрамагандим.

Ўтирган жойимдан туrolмайман, анчагача йиғлаб ўтирдим. Абдулвахҳоб ҳам ёнимда йиғлаб ўтирди. Ўтган-кетган бизга қарарди.

Гўёки чалажон инсонга айланиб қолгандай бўлдим. Кейин ундан сўрадим:

— Энди нима қиламиз, Абдулвахҳоб?

Бошини эгиб, пешанасини ушлади. Менга ачингандай қаради.

— Билмайман... Билолмай қолдим... Ақлим ишламаяпти. Карахтман... Йўқ, аслида мен ўлдим, Селва. Нима деб изоҳ беришни ҳам билмайман, ҳайронман!

Бирдан ўзимни қўлга олдим.

— Ҳайрон қоларли жойи йўқ. Сен унинг ҳаққисан. Сен унга уйланишинг керак. Ўқишни битиришингга ҳам бир ой қолди.

— Сен... Сен?

— Мендан хавотир олма. Сен кетганинг билан динимдан воз кечмайман. Бу ёруғ оламнинг жафоси бир кун келиб ўз ниҳоясига етар. Бошқага турмушга чиқмасам ҳам ўзимга бошқа уй топишим керак. Балки, Истанбулга — опамникига кетарман. Лекин сен кетишинг керак, Абдулвахҳоб. Бор... Сен Селваникисан. Ўзимни ўйлаб, унга тегишли бўлганни ундан тартиб олмайман. Бундай ноҳақлик қилишга ҳаққим йўқ.

— Сенга бошқа нарсани гапирмоқчи эдим.

— Менга ҳеч нарса гапирма. Шундоқ ҳам ўша қиз кўп азоб тортди. У менинг диндош дугонам. Унинг бундан кейин бахтли бўлишини хоҳайман.

Абдулвахҳоб билан хайрлашдик. Иккаламиз жуда ёмон аҳволда эдик. Йиғлаганча чиқиб кетдим... Машинамга кириб олган бўкириб-бўкириб йиғлаб олдим.

Абдулвахҳоб! Бу қандай ташвиш бўлди? Бу қандай

севги бўлди? Сенсиз бу ерлар, чиндан ҳам, энди қоп-қоронғи, сенсиз бу ерлар менга торлик қилади. Оллоҳим! Кап-катта шаҳарда мен усиз қандай яшайман? Тамом бўлдим мен! Тамом бўлдим! Оллоҳим, менга сабр бер... Сен менинг қалбимни хузурга тўлдир.

Машинага қандай газ берганимни, қандай ҳайдаб келганимни эслолмайман. Уйга келганимда кўзларим шишиб кетган, ўзим бир аҳволда эдим.

Ойим мени кўрар-кўрмас гапирини бошлади:

— Искирти! Мусулмонларнинг тўнғизи! Нимага яна келяпсан бу уйга? Нима бўлди? Яна йиғлатишдими? Йиғла, йиғлаб баттар бўл, сени Исо қарғади, Исо! Бундан кейин сен ҳеч қачон кулолмайсан.

— Шунча йўлдан чиқиб кетганларга, беҳаё бачча-возларга, Оллоҳга қарши уруш бошлаган динсизларга, мазлум инсонларга ва маъсум болаларга бомбалар ташлаб портлатаётган қотилларга нима учун Исонинг қарғиши тегмаяпти? Ишчиларига хизмат ҳақининг озгинасини бериб, қолган фойдасига ўзига люкс машиналар олганларни нега Исо қарғамаяпти? Одам ўғриларига, болаларга тажовуз қилаётган искиртларга қарши нега курашмаяпти? Агар унинг шундай хусусияти бўлса эди, олдин ана ўшаларни қарғаб йўқ қилган бўларди. Кўпам жиғимга тегманг!.. Оллоҳга, қайтинг, ойи!

— Менга қара, Мария. Агар яна бир марта мени исломга даъват этганингни эшитиб қолсам, Биби Марям ҳаққи, қасам ичаман: сени ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман! Менга “Мусулмон бўл” деган гапинг нафсониятимга отилган ўқдай тегяпти. Бошқа бунақа гапирганингни эшитмай!

— Қойилман, ойи!.. Ғарбликларнинг динсизлик таклифини қабул қилган баъзи мусулмонларга қараганда жу-

да яхши ўзлигингизни биладиган шахсиятга эга экансиз!

Бил билан севгилиси Деми келганди. Деми яна: “Турмуш курайлик”, — деб, ялинишга тушди. Кўзи ёришига бир ҳафта қолган экан.

Бил телбаларча жавоб берди унга:

— Мен сен билан уйланиш учун эмас, кўнгилхушлик учун юрдим.

Дадам Билни уришиб берди.

Бил эса:

— Мен эркин, ҳур ёшларданман — аралашманг, — деди.

Ўғлидан танбеҳ эшитган дадам индамай хонасига чиқиб кетди.

Деми:

— Бу кеча сеникида қолсам бўладими, ҳозир борадиган жойим йўқ, эртага бирон бошпана топарман, — деб рухсат сўради Билдан.

Эрта тонгдан Билнинг чинқириғи ҳаммамизни кўрқитиб юборганди.

Бил йиғлаб бақираётган эди:

— Илатимос қиламан, ўлма, севгилим, ўлма, майли, сен билан турмуш курамиз, истасанг, ҳозироқ уйланаман!..

Ҳаммамиз унинг хонасига чиқиб бордик. Не кўз билан кўрсак, Деми жонига қасд қилиб ўзини ўлдирибди. Бил ўзини унинг устига ташлаб:

— Ўлма, севгилим, мени ташлаб кетма, — деб йиғлаётган эди.

Жуда ёмон бўлди. Ҳаммамизнинг бошимиз қотиб қолган эди. Нима қилишимизни билмай полиция чақирдик. Унинг уйидагилари ҳам етиб келишди. Онаизори қаттиқ изтироб чекиб, йиғидан ўзини тўхтатолмади.

Отаси эса:

— Ўлгани яхши бўлди, орийат сақланди, — деди.
Ҳаммамиз карахт бўлиб қолдик.

Дадамнинг қаттиқ ғазабланганини биринчи кўришим эди ва у шундай деди:

— Жаноб, чивин эмас, одам ўлди!.. Бунинг устига бу мархума сизнинг қизингиз-ку. Ноҳақлик қияпсиз, — деди.

Мархуманинг отаси қайси диндан эканини билмадим.

У одам бепарволарча:

— Эртага ёқиб, кулини ахлатга ташланг, — деди.

Бил бунга чидолмай қаршилиқ қилди ва:

— Йўқ, уни ёқмайсиз! — деди.

Мархуманинг отаси эса Билни гап билан қайириб ташлади:

— Сенга нима? Унга ким бўласан? Сен ўзинг уни тириклигида ёққансан, мен эса ўлигини ёқяпман. Аралашишга ҳақнинг йўқ.

Ҳеч қандай гап топиб беролмай жим бўлиб қолдик.

Дадам:

— Эркин яшаш, ҳур бўлиш масаласини бошқатдан кўриб чиқишимиз керак, шекилли, — деб чиқиб кетди.

Демини ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда қорнидаги боласи билан кўшиб ёқишди. Онаси билан опаси роса йиғлашди. Демининг жаноза маросимига дадаси келмади. Ўлган одамни ёқиш даҳшатнинг ўзгинаси эди. Агар мурдани ёқиш одати мусулмонларда бўлса, бутун дунё оёққа турарди. Ёғдан ҳосил бўлган тутун ва дуднинг ҳаво билан қандай қоришиб кетишини тушунмагандим. Миллионларча инсонлар ёқилади.

Демининг жаноза маросимида нимагадир Билга кўзим тушди. Мен умримда давомида ғамдан бунчалар

ўзини олдириб қўйган инсонни кўрмаган эдим. Унинг бу ҳолати мени ҳам шундай ғамга ботирган эдики, Абдулваҳ-хобнинг ташвишини ҳам унутгандим. Демининг ўлигини ёқишаётганди, аммо унга қараб турган Бил тириклайин ёнаётган эди.

Қабристондан қайтиб келдик. Бил бўкириб-бўкириб йиғлаганча ётоғига кириб кетди. Шу кирганича бир неча кун хонасидан оёққа қалқмади ва ётганича:

— Деми, сен бундай ўлимга лойиқ эмасдинг. Сени бундай ҳолга келтирмаслигим керак эди. Сен бунга лойиқ эмассан, — деб йиғларди.

Бил ҳеч нарсга емаётганди, икки кунда бир, зўрға бир-икки лўқма оғзига солиб қўярди. Биз унинг бу ҳолидан хавотирга тушгандик.

Бу кунлар мен учун даҳшатли туш каби ўтарди.

Бир куни ойим телбаларча бақирғидан чўчиб ваҳи-мага тушдик. Ҳаммамиз тепага олдига чиқиб бордик. Эй Оллоҳим!.. Не кўз билан кўрсак, Бил ҳам ўз жонига қасд қилиб ўзини ўлдирган экан.

Ўлдик... Ўлдик... Ўша куни ҳаммамиз ўликлар каби эдик.

Мен ва ойим мен ҳушдан айрилган эдик.

Дадам эса бақириб йиғлаб фақат битта гапни такрорларди:

— Боламни нима учун бунчалар куйдирдим, азобладим!.. Мен ёвуз дадаман!

Мен ҳам бунга чидолмай:

— Укажоним!.. — деб унинг тобути устига ўзимни отиб йиғлардим.

Гўё осмондан устимизга ўлим ёғаётгандай эди. Дафн маросими ўтгач уйга қайтиб келганимизда унинг бизга ёзиб кетган хатини ўқидик. Деми учун ёзган экан:

“Унинг ўлимига мен сабабчи бўлдим, энди менинг ҳам яшашга ҳаққим йўқ”, — деган гапларини кўп такрорлаган эди хатида.

Абдулваҳҳоб ҳам келган эди. Қаердан эшитган бўлса... Ойим уни ҳайдаб солди, аммо дадам кўриб қолиб, уни эшикнинг оғзидан қайтариб келди. Абдулваҳҳоб бизга тасалли берди. Шунақанги маъноли гаплар гапирган эдики, худди эзилган юракларга малҳам қўйгандай бўлди.

Ҳафталар, кунлар ўтди: ичимиздаги олов бироз совигандай бўлса-да, ҳали ҳам юрагимиз ёнаётган эди. Худди қора булутлар бизнинг устимизда сузиб юргандай эди. Ҳаммамиз бурчак-бурчакка тикилиб ўз қобигимизда ўз ёғимизга қоврилиб ётар эдик. Шунча ғами етмагандай ойим кўпроқ менга ачинарди: “Нега ҳам мусулмон бўлдинг?” — деб.

* * *

Катта меҳмонхонада кириб нима қилишимни билмай хаёл суриб ўтирган эдим. Дадам келди... Ўрта хонага кириб кетди. Мен ҳам унинг ёнига бордим.

— Салом, дада! Яхшимисиз?

— “Жуда ҳам яхшиман”, — десам, ишонармидинг, Селва? Жуда ҳам бахтиқароман.

Ойим дадамнинг менга: “Селва” дея мурожаат этганини эшитиб қолибди. Ёнимизга келиб дадамга телбаларча ташланиб, бақира бошлади:

— Бундан кейин Марияни Селва демайсан, тушундингми? Бўлмаса оқибати ёмон бўлади. Бор кирдикорларингни айтиб бераман.

Дадам ҳайрон бўлиб сўради:

— Қандай кирдикорларим бор экан?

Ойим жаҳл устида жавоб берди:

— Шунча йилдан бери мусулмонлардан нафратланишимиз учун курашиб келган эдинг, энди Марияни Селва дея олмайсан. Унинг исми — Мария. Ҳар доим Мария бўлиб қолади ёки бу уйдан чиқиб кетади.

Дадам ўйлаб ҳам ўтирмасдан жавоб қайтарганди:

— Нега ўзинг чиқиб кетмаяпсан?

Дадамнинг бундай дейиши менга ёқмаганди.

— Дада!

— Лаббай.

— Сизнинг ҳушингиз жойидами? Ҳозир гапирган гапингизни фарқига бориб гапирдингизми? Ойим билан оғир гаплашдингиз.

— Ҳа ва ҳеч қачон бундай бўлмагандай.

Хурсандчилигимдан йиғлаб юбордим. Фақат бир томондан хафа бўлдим. Яккаланиб қолган кунларимда дадам менинг тарафимни олаётган эди... Йиғлаб туриб бўйнидан кучоқлаб олдим. Менда ҳеч қайси немис қизларида учрамайдиган ҳиссиёт бор эди. Сабабини ўзим ҳам билмайман.

— Дадажоним! Оллоҳ сизни ҳидоятга бошласин. Ёлғиз қолганимда менинг сирдошим, дўстим бўлдингиз. Бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман.

— Уйга келишимдан олдин Абдулвахҳобнинг ёнига боргандим. Ниҳоят чипта олибди. Эртага Мисрга кетаётган экан. Юр, бирга унинг ёнига бориб озгина суҳбатлашиб келамиз. Сал бўлса ҳам енгил тортардинг. У билан суҳбатлашган одам яхши таскин топади.

— Фақат у мени кўрганидан хурсанд бўлса ҳам боришимни хоҳламайди... Лекин сиз: “Мен олиб келдим”, — десангиз, ҳеч нарса бўлмайди. Ҳам ҳозир ёнимизда ҳеч ким йўқлигида озгина дардлашардик.

Дадамнинг ўзини тутиши ўзгариб қолган эди. Бу-

нинг тагига етиш учун ҳазил аралаш оғзидан гап пойладим:

— Сизни тушунмаяпман, дада! Йўқ, барибир, тушунмадим. Худди сиз мусулмонларга ўхшаб гапираётгандайсиз.

— Бўлиши мумкин. Нега тушунмайсан бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ-ку?

Ойим эшикнинг орқасига ўтиб бизни пойлаб турган экан. Дадамнинг жавоби ойимнинг асабларидан ҳам ошиб тушган эди. Овозининг борича бақириб хонага бостириб кирди:

— Мен жинни бўлаётганга ўхшайман! Қарангларчи, менда жиннилик аломатлари кўриняптими? Ғалати овозлар эшитяпманми?

— Йўқ, ойи! Менга ким қарайди? Мен ҳам жинни бўлай деяпман. Қаранг... Қаранг... Жинниларга ўхшаб қилиқ қилиб қарадим.

* * *

Дадам билан Абдулваҳҳобнинг ёнига бордик.

Зўрға бораётган эдим. Энг оғир кунларимизда бизни ёлғиз ташлаб қўймаганди. Ҳар доим ёнимизда бўлди. Укам ўз жонига қасд қилганидан кейин дадамини ёлғиз ташлаб қўймабди, яширинча таскин бериб юрганмиш. Уни охирги марта кўрганимда ойим уни уйга киргизмаганди, аммо дадам эшик ёнида кўриб қолиб қайтариб уйга олиб кирган экан. Ўшандан кейин бизникига бошқа келмаганди.

Унинг олдига етиб борганимизда унинг ҳолатида қандайдир паришонлик бор эди. Биринчи кўрганимдаги киёфаси йўқолиб, ўрнига даҳшатли киёфа келганди. Биринчи марта бизни хонасига таклиф қилиши эди. Чой

дамлаб, бизга икром қилди.

Чой узатаётганида гапни айлантириб менга хуш-хабарни айтди:

— Селва, агар билсанг, даданг ислом динига қизиқа бошлади.

Бундай янгиликдан, албатта, севинган эдим. Ёлгон гапириб нима қиламан, гапнинг моҳиятини тушунмаганим учун бошида шунчаки қараб қолгандим. Дадам бир четга ўтиб, газета ўқий бошлади.

Дадам, укамнинг ўлиmidан кейин Билнинг мавзусига ҳеч қайтмаганди. Агар гап очилиб қолгудай бўлса, мавзуни ўзгартириб гапни бошқа ёққа бурарди. Мен Абдулваҳҳобнинг бу гапини аввало: “Укамнинг вафотига тааллуқли”, — деб ўйлагандим. Тўсатдан миямга тақ этиб урилгандай бўлди. Абдулваҳҳобнинг: “Даданг ислом динига қизиқа бошлади”, — деган гапини кейин тушунгандим. Ўрнимдан қандай қилиб сакраб турганимни билмай қолдим.

Бу хабардан кейин севинганимдан бақирдим:

— Нима! Дадам ислом динига қизиқяптими? Бўлиши мумкинмас... Вой Худойим! Ростданми? Бу қандай бўлди?

Билардим. Ким суриштирса, Оллоҳнинг ҳақиқий динини топган.

Дадамга қарадим. Хаёли бошқа жойда эди. Эътибор қилмаётгандай кўринарди, газетасини ўқиётганди. Югуриб бориб бўйнидан кучоқлаб олмоқчи бўлгандим, аммо ўзимни тутдим. Ҳозирча қизиқаётган экан... Дадамга бироз вақт керак...

Биз Абдулваҳҳоб билан олдимизда дадам йўқдай ҳис қилиб ўзаро суҳбатлаша бошладик.

Ундан сўрадим:

— Қандай бўлди, Абдулваҳҳоб?

— Ўзим ҳам ҳайрон бўлдим. Бир кун ислоний қондаларни ўрганмоқчи эканини айтди.

— Қанчалар хурсанд бўлганимни тасаввур ҳам қилмайсан. Шундай қоронғи кунларимда яхши гап эшитишга эҳтиёжим бор эди. Нақадар бахтлисан-а, Абдулваҳҳоб! Икки йил ўтмасдан учта одамни мусулмон бўлишига сабабчи бўляпсан. Агар дадам ислоний қонун-қондаларни ўрганишни бошлаган бўлса, демак, ҳаммаси аниқ.

Абдулваҳҳобнинг юзига қарадим... Аччиқ ва яна ҳам аччиқ кулимсирашга ўхшаган ҳолатда жавоб қайтарди:

— Тўғри, агар дадангиз ҳам мусулмон бўлса, менинг ҳаракатим билан уч киши мусулмон бўлади. Икки йилдами ёки бир йилдами... Мен бир ўзим бу ерга келганимдан бери икки кишининг мусулмон бўлишига сабабчи бўлдим. Бошқалар бир ўзи, қизиқ, нечта одамни ислон динидан чиқарган бўлса? Билмаймиз. Сиз, дадангиз, епископ мингларча мусулмонларга бадал бўлишингиз мумкин. Аммо ҳулосани ҳам ўйлашимиз керак.

Анча суҳбатлашганимиздан кейин кўз қирим билан Абдулваҳҳобни кузата бошладим. У ҳам беихтиёр аламли нигоҳлари билан менга қараб-қараб қўярди... Йиғлаб юбормаслик учун ўзимни зўрға ушлаб тургандим... Севган инсоним севган инсонининг ёнига кетаётган эди. Балки, мени ўзини ўйлаган худбин дерсиз, лекин, илож қанча, инсоний табиатимиз шунақа экан. Абдулваҳҳобнинг кетаётгани, бунинг устига севган ёри билан бирга бўлиши, буларнинг ҳаммаси мени Билнинг ўлиmidан ҳам баттар азоблаётган эди.

Ундан сўрадим:

— Абдулваҳҳоб! Менга ислон йўлида тўғри кетишим учун дастур тузиб бероласанми? Шундай дастур бўлсинки,

мен устоз тополмаганимда, дўст тополмаганимда бу дастур менинг устозим ва менинг дўстим бўлсин.

— Тўғри гапирдинг, Селва... Ҳаёт инсонни кутилмаган ҳолда нималар қилишини билиб бўлмайди. Бу дунёдаги айрим йўлларнинг чиқиш жойлари бор, айримларининг эса охири берк... Шунинг учун ҳамма нарсасага тайёр туришимиз керак. Бўлмаса мен ҳозир битта дафтар олиб келай ва биргаликда рўйхат тузамиз.

Чиройли дафтар олиб келди.

Дафтарнинг иккинчи бетига чиройли қилиб: “Ҳаёт дастури”, — деб ёзди.

Кейин фикридан қайтиб:

— Йўқ, нотўғри ёздим. Ҳаётнинг дастури ҳеч бир инсоннинг қўлида эмас-ку. Ҳаётимиз дастурини фақат Оллоҳ тузади! Биз фақатгина тафсилотларнинг дастурини тузишимиз мумкин. Бу ҳам Оллоҳнинг изни билан амалга ошади.

Ёзганларини ўчириб ташлаб, жойига: “Дастур билан яшаш таърифи”, — деб ёзди ва менга тўғри келадиган нима бўлса, шуларнинг кетма-кетлигини тузди.

— Аввало, сенга ўнта асосий тавсияни бераман. Бу жуда ҳам керакли:

1. Қанча қийналсанг ҳам, ҳеч қачон ислом динида бўлганинг учун афсусланма. Афсус қилсанг, ўша заҳотиёқ тавба қил.

2. Дунёнинг қаерида бўлишидан қатъий назар шарҳлашлари ва тушунчалари бошқа-бошқа бўлган ислом мазҳабларининг ҳеч бирини четга суриб қўйма, улардан ўзингни узоқда тутма. Улар сени четлатишсалар ҳам.... Ҳар доим ўша гуруҳларнинг яхши ва фойдали томонларини ол ва қўлингда келгунча уларни қўллаб-қувватла. Курук

акидапарастлик хислатига эга инсонлар ўзининг мазҳабидан бошқалари яхши ишларни амалга оширса ҳам уларни қутлашмайди. Омад тиламайди. Сен ҳеч қачон ундайлардан бўлма. Ўзининг мазҳабидан бошқасини мусулмон сифатида қабул қилмай, ўзи билмаган ҳолда ўз мазҳабини илоҳийлаштиради.

3. Ҳар куни камида икки соат исломий илмингни оширадиган китоблардан ўқиб тур. Бунинг учун қиласан. Албатта, икки соат ўқишинг кераклигини унутма. Ўқиётган китобингдаги ўзингга ёққан жумлаларни алоҳида битта дафтарга ёзиб боришни одат қил.

4. Ўзинг яхши билмайдиган мавзуларда ҳеч қачон ва ҳеч кимга гапирма.

5. Қийналсанг ҳам, хоҳишинг бўлмаса ҳам, албатта, ибодат қилиб тур. Ибодат қилмаслик учун ўзингча баҳона кидирма.

6. Зикр қилишни унутма. Қара, зикр ҳақида Оллоҳ нима деган. Бу олий амрни қалбингга сақла. Қалблардаги имонни мустаҳкамлаш учун Оллоҳ шундай дейди: “Огоҳ бўлингизким! Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олади” (*Раъд сураси 28-оят*). Қалбингга имонингни мустаҳкам сақлашинг учун бу амрни унутма.

Абдулваҳҳоб кейингисига ўтишдан олдин зикр ҳақида тушунча беришни хоҳлади.

— Бу оятда “ором олмоқ” деганда нимани назарда тутган — “шубҳаларсиз ишониш”ни. Бу ерда қалбларнинг ором олиши кенг маънода берилган. Қалбнинг ишончи зикр орқали тўғри йўлда бўлади. Зикр қилиш билан эътиқодинг мустаҳкамланади. Зикр қилиш билан юраклар ором олади. Қуръон ўқиш ҳам зикрдир. Намоз ўқиш ҳам

зикрдир. Аммо бу зикрлар Оллоҳни ёдга солишнинг махсус зикри билан фарқ қилади. Оллоҳнинг йўлидан юрган бир қанча инсонларни кўрганман: “Ҳозир зикр қиладиган вақт эмас”, — деб кўп зикр қилувчиларни айблайвериб, ўзлари сира зикр қилмайдиган ҳолга тушиб қолишган. Шунинг учун унутма! Ҳар куни камида ярим соат: “Оллоҳ, Оллоҳ” ёки “Ла илаҳа илаллоҳ” ёки бошқа зикрлар такрорлаб юр. Хоҳласанг, ичингда ўқи — хоҳласанг, овоз чиқариб ўқи. Аекин: “Овоз чиқармасдан қалбдан қилинган зикр яна ҳам яхши бўлади”, — дейишади кўпчилик диний уламолар. Агар зикр қилиб юрсанг, дунёнинг нарига чеккасига кетсанг ҳам ёлғиз қолмайсан... Оллоҳ ҳар доим бандасининг ёнида бўлади. Лекин энг яхши яқинлик банда ўзини Оллоҳга яқин эканини ҳис қилган вақтдир. Оятда: “Зикрни хоҳласанг, ўтириб, истасанг туриб, хоҳласанг ётганингда ўқи”, — дейди. Яна Қуръон шундай дейди: “Сиз қаерда бўлсангиз ҳам У сиз билан биргадир” (*Ҳадид сураси 4-оят*). Ўша вақтда, яъни зикр қилган вақтда мусулмоннинг қалби уйғонади, маънавий дарёда покланади. Акс ҳолда у бу аянчли дунёнинг қабих ишларига дош беролмайди. Мусулмон қийналиши мумкин. Селва, ҳар куни зикрларни такрорлаб юришни қанда қилма. Оллоҳ дейди: “Қалбаги имон зикр қилиш билан мустаҳкамланади”. Акс ҳолда тез-тез имонинг ҳақида шубҳаланасан. Ғафлатда қолиб кетишинг мумкин. Ўзингни идора қилолмас ҳолга келиб қолишинг мумкин. Ўзингнинг қадрингни йўқотма. Аммо сенда ҳам ҳар қандай инсонларга ўхшаб гуноҳ қилишга, исён қилишга ундайдиган нафс ва гуноҳ туйғуси бўлиши мумкин. Агар ўз нафсингни ўз назоратингга олмасанг, ички оламингда бошбошдоқлик юзага келади. Шунда сен бу бошбошдоқликнинг олдини ололмай қоласан... Ҳар кун, ҳа, ҳар кун... Ҳар бир ишингда Оллоҳ билан бирга бўл! Банда-

ен ҳар дони Оллоҳ биландир. Аммо банда қалбан ҳар кун
вақт ажратиб, раъзий мазлиҳда Оллоҳ билан ёлғиз қолишга
ҳаракат қилса, файзли бўлади. Оллоҳга яқинлигини ҳис
қилади, ором олади, қалбидаги бир қанча машаққат-
лардан, дардлардан фориғ бўлиб покланади. Фақат баъзи
инсонларнинг ширки аралашган зикр тарзи ҳам бор. Ҳеч
қачон сен ундайлардан бўлма. Зикр қилаётганингда
қалбинг фақат Оллоҳга йўналсин. Зикр қилаётганда била
туриб, ихтиёр равишда яхши кўрган инсонларини ўйлай-
диганлар ҳам бор. Бу асло тўғри эмас. Агар бу ўй беихтиёр
бўлса, бунинг айби йўқ. Буни унутма: “Қалблар Оллоҳни
зикр қилганда, яъни ёд этса, — дейилади оятда, — қачонки
тилинг: “Оллоҳ, Оллоҳ”, — деб зикр қилганда қалбинг
да бошқа ишларни ўйламасликка ҳаракат қил, хаёлинг
чалғиса ҳам зикрдан тўхтама, яна давом эт”. Дин,
оят-у калималардан ва ҳадис-у шарифдан иборат. Яъни
шариат ҳукмларининг манбаси иккитадир. Биттасини
зикр қилаётганингда ихтиёрий ҳолда иккинчисини
хаёлингга келтирма. Беихтиёр келса: “Астағфируллоҳ, Раб-
бим, мени кечир. Биласан, бу менинг ихтиёримда эмас”,
— дегин. Кечирасан, менимча, олдин ҳам булар айтган
эдим-а? Хаёлим жойида эмас-да.

Абдулвахҳоб яна бошини эгиб дафтарга ёзишда
давом этди.

7. Оллоҳни севадиганлардан йироқ бўлма. Бугунги
кунда Оллоҳни севадиганлар учрата олмаслигинг ёки кам
учратишинг мумкин. Аммо билингки, бир кун келиб
Аллоҳни севадиганлар кўпаяди.

8. Билингки, бу дунё тугайди, у дунё эса боқийдир,
яъни ҳеч қачон тугамайди.

9. Агар сен жавобини ўзинг топа олмайдиган савол-

га ёки маъносини тушунмаган оятга дуч келсанг, билгинки, бу оятнинг бошқа томонини англамаган бўласан. Эсингизда бўлсин: оятларни бири биридан фарқи, яъни ҳар хил томондан кўриб чиқиш мумкин. Битта оятда жуда кўп шарҳ, муҳим хабар ёки ҳукмлар бўлиши мумкин. Буларни тушуниш учун кўпроқ илм ва тажриба талаб қилинади. Ислом дини ўрганиш учун қулай диндир, аммо арзон дин эмас. Уни машаққатсиз ўрганиб бўлмайди. У учун бироз машаққат чекиш керак. Бунинг учун самимият ва ғайрат талаб этилади.

10. Бутун дунё исломга келиши керак шарт. Умрингнинг охиригача буни инсонларга тушунтир. Тушунтириш жараёнингда чарчадингми — дам олишни ҳам унутма. Шунини унутма: саҳобалар эрта ётиб, эрта туради. Пайғамбаримиз таълимоти бўйича ҳаракат қилмайдиганлар кеч ётиб кеч туришади. Тонг отгунча ўтиришар, диний суҳбатлар қуришади-ю, диннинг таълимотига амал қилмайдилар ва амал қилмаганликларининг фарқига ҳам боришмайди. Тонг отиши билан тунда қилинган таълимотга амал ҳам қилишмайди. Асло ундайларга ўхшама.

11. Бомдод намозини ўқиб тугатганингдан кейин қуёш чиқадиган вақтгача зикр айтсанг, жуда яхши иш қилган бўласан. Кейин ҳам хоҳлаган вақтинг ва хоҳлаган соатда зикр қайтаришинг мумкиндир.

12. Албатта, Қуръон ўқишни ўрган. Агар қўлингдан келса, бир ойда бир марта ёки уч ойда бир марта хатм тушириб тур. Агар эплалмасанг, ҳар йили Рамазон ойида, албатта, Қуръонни хатм қил.

13. Албатта, чиройли қилиб ифодааланган Қуръон тафсирини ўқи. “Бир нечта таржима ва тафсир китоб-

ларини бир-бири билан таққослаб ўқи”, — деган бўлардим-у, аммо бундай китобларнинг немисча таржимаси борми-йўқми — билмайман-да. Тақводор ва илмли устоз қидир. Агар топа олмасангиз, фикҳ китоблари билан кифояланиб тур. Шуни унутма: бандаси ўз имкониятларига кўра жавобгардир. Хатоларинг бўлса, мушкул аҳволда қолган вақтинг, тўғри ва нотўғриларни ажратолмай тушқунликка тушиб қолган вақтинг ҳам, имкони борида ўзинг билган исломий қоидаларга асосланиб яша. Бу хусусда Оллоҳнинг бизга ваъдаси бор: яхши билан ёмонни ажратиб олишимиз учун ўзи бизга йўл кўрсатади. Яъни биз исломий ҳаётда яшасак, Оллоҳ бизга билмаганларимизни ўргатади. Анфол сурасининг 29-оятда Оллоҳ таоло аниқ баён қилган¹. Такрор айтяпман: бу оят — биз Оллоҳга итоат этсак, тингласак, мушкулликлардан фориг бўлишимиз учун Оллоҳнинг бизга берган сўзи баён қилинган оятдир.

14. Тарих китобларини ўқимоқчи бўлсанг, ислом тарихидан бошлама. Чунки бундай китобларни ёзганлар орасида ислом тарихининг ўтмишни урушдан иборат қилиб кўрсатганлар ҳам бўлиши мумкин. Энг биринчи пайғамбаримизнинг ва пайғамбарлар тарихини ўқи. Бу китобларни ўқиётганингда Қуръонга қарши айтилган фикрларга дуч келишинг мумкин, аммо бунга эътибор қилма. Бу хусусда хурофотлар тўқиб чиқишган. Шуни англа ва бундай тўқима гапларни ислом динига ағдарма. Диний билим даражанг ошгандан кейин ислом тарихини ўқи.

¹ “Эй, имон келтирганлар! Агар Аллоҳдан кўрсангиз, сизлар учун (ҳақ билан ноҳақликни) ажрим этувчи (ёрдам)ни берур ва гуноҳларингиздан ўтиб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улкан фазл соҳибидир” (манба: Қуръони карим маънолари таржимаси. Таржимон: Абдулазиз Мансур).

15. Ўзинг учун уч-бешта ёзувчини танлаб ол. Кучинг етмаса, бир-иккита ёзувчи танлаб олсанг ҳам бўлади. Ўша ўзинг танлаган адибларингнинг ҳамма китобини ўқиб чиқ. Бу билан сен ўша адиб билган билимларнинг бир қисмини ўрганган бўласан. Агар топа олсанг, бир ойда бир марта нашр қилинадиган исломий журналларига обуна бўл. Ўқишга вақтинг бўлмаса, сарлавҳаларини кўриб чиқишинг ҳам фойдали.

16. Ўз соғлиғингга эътиборли бўл. Учта ҳалол оқни кўп еб қўйишдан қоч. Уларни кўп истеъмол қилсанг, бош мия фаолияти ва тана аъзоларингга зарар етказиб қўйган бўласан. Ўз соғлиғига эътиборли бўлиш ҳам бир ибодатдир. Шуларни ҳар доим ёдингда тут. Уч оқ нарса — бу ун, шакар ва туз.

17. Ҳар доим хафа ва тушкун бўлиб кўринма ва қувноқ бўлишни ҳаром деб билма. Унутма: кўп йиғлайдиган, кўп куладиган инсонлар ақли расо инсонлар ҳисобланмайди. Оллоҳ Қуръони Каримда: “Ҳар нарсада меъёр яхши”, — деб таъкидлагандир. Яъни олдинга ҳам ўтиб кетма, орқада ҳам қолиб кетма — ўртада бўл.

18. Агар имкон топа олсанг, ёз ойларида қир-адирларга чиқиб дам олиб тур. Ҳавоси тоза жойларда, ҳеч бўлмаса, бир-икки ой қол. Ўша ерларда кўпроқ китоб ўқисанг, яна ҳам яхши дам олган бўласан. Зотан мусулмоннинг ҳордиқ чиқариши битта ишдан иккинчи ишга ўтишидир. Оятда шундай дейилган.

19. Одамлардан ҳақорат эшитсанг, ҳеч қачон ислом динидан хафа бўлма ва ўзингни ҳаётнинг яхши-ёмон кутилмаган тасодифларига ҳозирлаб бор. Ўзингга эътиборли бўл, қадрингни бил ва ҳар бир қилган ишингнинг тўғри

эканига ишончинг комил бўлса, ким нима деса ҳам ортга чекинма... Чарчашинг мумкин, аммо тушкунликка тушма. Чарчаш одатий ҳолдир ва дам олгач ўтиб кетади. Аммо тушкунликка тушиш ҳолати дам олиш билан ўтиб кетмайди. Қайтадан тирилиш, яъни ҳаммасини бошидан бошлаш керак бўлади.

Абдулваҳҳоб ёзишни тутатиб менга қаради:

— Ҳозирча шунчаси билан қаноатланиб турсанг бўладими, Мария? Кечирасан, Селва...

— Сен нима десанг — шу. Менга берган тавсияларинг жуда ҳам аҳамиятли. Сенга қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам камлик қилади... Бу дафтарни бутун умр сақлайман, иншооллоҳ.

Бир муддат дадамга қараб қолдим. Қизиқ дадам, Абдулваҳҳобнинг ички дунёсини тушуниш, уни кузатиш учун рол ўйнаётими? Дадамдай одам қандай қилиб ўзгариши мумкин?

Ҳаяжонланиб сўрадим:

— Абдулваҳҳоб! Дадамни қандай қилиб ислом динига ишонтирдинг?

— Мен ҳеч нарса қилганим йўқ. Фақат ўз бурчимни бажаришга ҳаракат қилдим. Бир одамга нисбатан олдиндан гумон қилинса ёки: “Бу катта одам исломга кирмайдими”, — деган нотўғри хулосаларга борса, хато ўйлайди. У ҳолда ҳеч кимса вазифасини жойида тўғри адо қилмаган бўлади ва ҳеч ким исломдан буюк эмасдир.

Бу аснода мен дадамни кузатиб турардим.

Ҳар куни йиғлайдиган, бахтсиз бўлган:

“Мен ўғлимни эркинлик учун ўлдирдим”, — деб қичқирган одам Абдулваҳҳобни ҳайрат билан тингларди ҳамда юзида қувонч балқирди.

Нафратланган киши бундай қувонч билан тингла-

масди.

Абдулвахҳоб билан бўлган мазмунли суҳбатимиз якунига етгач уйга қайтдик. У ҳам эртаси куни Мисрга кетиш учун чипта олишга бориши керак эди. Дадам эса ислом динига кирганини ҳам, кирмаганини ҳам айтмади...

Бу инсон аслида менинг ҳақиқий дадамми ёки дадам эмасми — билиш учун қизиқиб ҳам кўрмадим. “Билиб нима қиламан, — дедим ўзимга ўзим. — Олаётган ҳар бир нафасимиз ҳам бизники эмас — уни яна қайтариб берамиз. Ҳаммамиз ўлиб кетамиз.

Бу инсон менинг ҳақиқий дадам бўлса, нима бўлади; аксинча бўлса, нима бўлади?”

Энди менга буни аниқлашнинг кераги йўқ эди.

Мен Сем каби инсонга фарзанд бўлганимдан мамнун эдим. Ўсмирлик давримда жуда даҳшатли руҳий тушқунликка дуч келгандим. Аммо кейинчалик бунга эътибор бермасликка, эсламасликка муваффақ бўлдим, бу ҳолатга қандай эришганимни эса билмайман. Зотан ойим ҳам бу гапни ёлғонга чиқарган эди. Бўлмаса нима учун ўша одам: “Мен сенинг дадангман”, — деган эди.

Анчагача бу гапни ўйлаб юрдим, кейин эсимдан чиқардим.

Фақат шу бўлса, кошкийди. Мен ҳақимда яна бошқа гап ҳам бор. Мен ҳақимдаги бошқа гап шу эдики, нима эмиш, мен бир турк қизи эмишман. Ойим вафот этгандан кейин дадам мени бир ўзи боқишга қийналиб Сем оиласига бериб юборган экан. Ўша пайтларда уларнинг боласи бўлмаган экан.

Бир неча йил ўтиб Бил туғилган экан. Бу гапларни ҳам унутиб юбордим.

* * *

Абдулвахҳоб кетгандан кейин анча йиғладим... Ўзимни йўқотиб қўйдим... Уйқуларим беқарор бўлди, ҳаётим бетартиб бўлиб қолди. Лекин мен ўзимни қўлга олишим керак эди...

Ҳаёт ўзи шунақа баъзан тушунарсиз бўларкан. Айниқса, менинг ҳаётим...

Мен бир кун келиб, яъни 1990-йилда ёшим саксон бешга бориб қолганда ўтган кунларимни туркиялик ёзувчига ҳикоя қилиб бериш ҳаёлимнинг бир четидан ҳам ўтмаганди.

* * *

Орадан ҳафталар ўтди. Оиламиздаги мотам туш-кунликлари ҳам аста-секин камайиб борарди. Лекин менинг мусулмон бўлишим туфайли юзага келган кескинлик ҳали ҳам давом этмоқда эди.

Дадам мени ҳайрон қолдирди. Ўзини олдириб қўйганди, битта гапни такрорлайдиган бўлиб қолганди:

— Ошиқча эркинлик ёшликни барбод қилмоқда, — дерди нукул.

Дадам бу гапларида самимий эди.

* * *

Мен ҳам энди тайёргарлигимни кўриб қўйгандим. Энди Истанбулга — опамнинг ёнига кетишга қарор қилгандим.

Чунки менда бошқа чора қолмаганди. Ўғлидан — укам Билдан ажраб қолганига қарамай ойим менга ҳам кун бермай қўйганди. Бунинг устига Абдулвахҳоб кетгач, бу ерлар менга тор келиб қолганди. Лекин қиз боланинг ўз уйимни тарк этиб кетишим тўғрими-йўқми — билолмай

иккиланаётган эдим.

“Йўқ, ундай эмас, мусулмон қизнинг жойи ё отасининг олди ёки ака-укаларининг уйи”, — деганди опам. Аекин мен уйимни тарк этиб кетаётганим йўқ-ку, мени ўз уйимга сиғдиришмаяпти...

Хоҳлашмагани етмагандай ойим ҳар гапининг орасида:

“Даф бўл, сени кўришни хоҳламайман”, — дерди.

Мажбуран кетмоқчиман...

Билнинг ўлимини, Абдулваҳҳобнинг кетиб қолишини ҳазм қилолмай қийналиб юрганим етмагандай, ойимнинг тинимсиз уйдан ҳайдайверишига чидай олмасдим. Ўзимга ўзим қарор қилдим: энди Истанбулга кетаман. Поездга чипта олдим.

Икки кундан кейин кетишим керак.

Ота уйидаги охирги кечам...

Тун яримида ҳожатга бориш учун ўрнимдан турдим.

Қарасам: меҳмонхонанинг чироғи ёниб турибди. Секин бориб, эшикнинг калит тирқишидан ичкарига қарадим.

Эй Оллоҳим!

Ичкарида кўрган ҳолатимни ҳеч хаёлимга келтира олмасдим.

Дадам намоз ўқиётган эди!..

Хурсандчилигимдан қичқариб юборишимга сал қолди. Эшикни оча солиб ичкари кирдим.

Дадам чўчиб тушди, лекин намозини бузмади. Йиғлаб намоз ўқиётган эди.

Намоз ўқиётган бўлишига қарамай дадамни кучоқлаб, юзидан ўпиб олдим.

Дадам намозини давом этди.

Мен ҳам кучоқлашда давом этдим. Болаларча беғубор эдим... У аттаҳиятга ўтирди. Тиззасига бошимни қўйиб ётиб олдим. Мен йиғлар эдим, дадам намоз ўқирди.

Салом бериб намозни тугатгач:

—Жон қизим, сенинг шарофатинг билан кирдим ислом динига. Ҳозирча ойингга сездирганим йўқ. Билнинг қайғуси бироз енгиллашсин, кейин айтаман, — деди.

Уни яна кучоқлаб олдим. Энди Сем ҳам дадам, ҳам диндош биродарим эди... Менинг олдимдаги қадри яна ҳам ортган эди.

* * *

Ҳис-туйғуларимни баъзан шеърларга тўкар эдим:

Мариялар, Ҳанслар, келинлар!
Дардингизни бир ислом англар.
Ҳой, сен ҳам кел, қизисан инглиз,
Фарқи йўқ: немисмисан ё француз!
Дунё: “Эркинлик”, — дея отаркан хандон,
Шул боис зулмат ичра бўғиларди чандон:
Оқибат борган жойи — кимсасиз майдон!
Маъбуд дея суринаркан замонавийлик орасидан,
Сезмади: пичоқламиш кимлар унинг орқасидан
Меҳр-оқибат соғинар инсоният руҳи,
Лек кўпдир ранж-у озори ҳамда гуноҳи.
Сен олмондирсан, арабми ёки туркдирсан,
Исёнкор ё гуноҳкорсан, билмам, кимдирсан?..
Илоҳ танҳо Оллоҳдир: буни сира унутма!!!
Йўқ қил санамларинг, кел, исломни тан ол,
Оллоҳдан қочолмайсан, наҳот тушунмадинг:
Оқибат Оллоҳга қайтасан: қулоғингга илиб ол.
Қара, атрофингни ўраб олмиш жаҳолат,
Назар сол, Оллоҳ ҳаққи, эътиқод учун боқ.

Инсонийлик шаънига муносибми шу одат?..
Магар инсонийлик олами бўлса бу ерда,
Сўйланг: ҳайвонот олами қолди қаерда?..

* * *

Тинимсиз йиғлар эдим. Дунё иши бунчалар ғалати!..
Кутилмаган ҳолда бир йилда тўрт фасл бўлади, мен эса бир
йилда ўн фаслни бошдан кечирдим.

Ойим алам олаётгандай сўради:

— Неча кундир Абдулваҳҳоб кўринмайди? Яна нима
бўлди?

Ойимга ҳаммасини айтиб бердим.

— У Мисрга кетди, ойи, энди қайтиб келмайди.

— Турмуш қуришингиз нима бўлади?

— Бўлмайди... Шунисини маъқул кўрдик.

— Ўзингни алдама. Уни Мисрга Исо улоқтирди.

— Ойи! Сиз танийдиган Исо билан мусулмонлар-
нинг тан олган Исо алайҳиссалом битта одам эмас экан.
Исо алайҳиссаломга ҳам гуноҳкорларга бунчалик жазо
бериш ҳуқуқи берилмаган экан. Шунинг учун уни Мисрга
Исо алайҳиссалом отганига ишониш жуда катта хатодир.

— Уни Исо лаънатлаган... Уни Мисрга Исонинг
лаънати отган.

— Бўлмаган гап! Лаънат келса, фақат Оллоҳдан
келади. Илтимос қиламан: бундай деманг, бас қилинг.
Бундай фикрлаш инсонни мушрикка айлантриб қўяди.
Чунки кетганига бир ҳафта бўлди, борган заҳоти телег-
рамма юбормоқчи эди... Юбормади... Юрагим сиқияпти.
Сиқилиш нимаси — жоним чиққудай бўляпти.

Рухим олов-олов ёнаётган эди. Савол тўла нигоҳим
билан ойимга қарадим:

— Ойи! Нега мени тушунишни истамайсиз?.. Ёки

тушуниб турибсизми?

Шу пайт эшик жиринглаб қолди.

— Почтачи келган бўлса керак, ўзим қарайман.

Эшикни очар-очмас кўзларимга ишонмадим.

— А-а-а! Абдулвахҳоб!.. Сен бу ерда нима қияпсан?..

— Селва... Селва ўша пайтда ўлган экан. Дўстим Файзуллоҳ оиламдагиларга мени: “Битта немис қизга уйланыпти”, — деб айтгач улар шу ёлғонни ўйлаб топишибди. “Келиши билан шу ерлик қизларга уйлантирамиз”, — деган экан. Қайта дунёга келсам ҳам бошқасига уйланармидим? Сенга бу ҳақда хат ёзмадим: чипта топар-топмас сенга ўзимни келтирдим.

Инсон ожиз мавжудот экан. Инсон қандай хаёлларга берилмайди дейсиз?.. Вақти келса, бир инсон бошқа бирининг ўлгани учун хурсанд бўлиши ҳам мумкин экан... Лекин нима ҳам қилар эдик?.. Инсонмиз.... Баъзан жуда кучли, баъзан заифмиз.

Шу пайт ойим чақириб қолди:

— Ким келди, Мария?

— Ойижон, Абдулвахҳоб келибди. Исо уни урибди ва:

— Сенинг жойинг унинг ёнида, тез Селванинг ёнига кет, — дебди. Абдулвахҳобни Мисрдан бу ерга — менга юборибди.

ТАМОМ

VEKALETNAME
(Türk dilide)

Gerçektdin, Ben (sıynallm, adim – Emine Şenlikoglu; Adresim – Sillistre sok: №10 Daire 3 Nur apt: Yavuzsellm Fatih Istanbul; e-posta – eminesenlikoglu@eminesenlikoglu.org; telefon numaram – +90 532 552-96-11) işbu yazıyla aşağıdaki şahsa – Özbekistan'dan Matyakubov Ergashbay Rozumbayevich'e (yaşayan yeri – Taykeni jehri, Almazar İlçesi, Karakamlık 2/4, ev 13, daire 30; pasaport serisi ve numarası – AA 1625558; e-posta – fonetika.uz@mail.ru; telefon numarası – +99 890 954-52-99) «MARIA» kitabımı Özbekçe yayınlama vekalet veriyorum. Bu vekalet hakkı, beş yılığına, (2026 7. ayına kadar Not: 4 ay tereüme dñresini hediye ettim) devam ediyor.

Ayrıca bu eseri Özbekistan'da Özbekçe yayınlama vekaletine sadece Matyakubov Ergashbay Rozumbayevich sahiptir, Kararlaştırılan sürenin sonuna kadar başka kimsenin bu eseri Özbekçe yayınlama hakkı yoktur.

Vekalet verenin soyadı, adı: Emine Şenlikoglu

Vekaleti verenin imzası:

Vekalet yeri: Sillistre sok: №10 Daire 3 Nur apt: Yavuzsellm Fatih Istanbul

Vekalet tarihi: 24 Mart 2021

ВАКОЛАТНОМА
(Ўзбек тилида)

Қазақстан хам, Мен (исим, фамилиям – Emine Şenlikoglu; яшай жойым – Sillistre sok: №10 Daire 3 Nur apt: Yavuzsellm Fatih Istanbul; электрон маилитим – eminesenlikoglu@eminesenlikoglu.org; телефон рақамым – +90 532 552-96-11) ушбу хат билан мен қулылданг шахсга, яғни Ўзбекистонлик Matyakubov Ergashbay Rozumbayevichga (яшай жойи – Тошкент шаҳри Олмаотур тумани Қоракмлик 2/4 13-уй 30-хонадон; паспорт серияси ва рақами – AA 1625558; электрон маилити – fonetika.uz@mail.ru; телефон рақами – +99 890 954-52-99) «MARIA» китобимни Ўзбек тилида чоп этишга ваколат бердим. Бу ваколат ҳуқуқи беш йил (2026-йилнинг 7-ойыгача, Ўзб: 4 ой таржима учун ажратилмади) давом этади.

Шунингдек, Ўзбекистонда бу асарни Ўзбек тилида чоп этиши ваколати фақат Matyakubov Ergashbay Rozumbayevichga тегишли. Келишилган муддат тугамагунча бошқа ҳеч ким Ўзбек тилида бу асарни чоп этишга ваколати йўқ.

Ваколат берган шахсининг исм-фамилияси: Emine Şenlikoglu

Ваколат берган шахсининг имзаси:

Ваколат берилган жойи: Sillistre sok: №10 Daire 3 Nur apt: Yavuzsellm Fatih Istanbul

Ваколат берилган вақт: 2021-йил 24-март



27.05.1953й.

Асар асосий қаҳрамони насроний қиз — Мария асар бошида ирқчи ва ҳатто миллатчи шахс сифатида кўзга ташланади. Лекин вақт ўтиши билан бошқа ирқ ва миллат вакиллари ҳам ўзлари каби одам эканлигини англайди.

Тасодифни қаранг, Мария иккита мусулмон йигит — мисрлик Абдулваҳҳоб ва туркиялик Меҳмет — билан танишиб, дўстлашиб қолади ҳамда улардан бири — Меҳметни севиб қолади. У билан турмуш қуриш учун кимдир ўз эътиқодидан воз кечиши керак...



ISBN 978-9943-7200-4-6



9 789943 720046